



**FAHRENHEIT
451**

Ray Bradbury

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

Рэй БРЭДБЕРИ

Фаренгейт бўйича 451 даража

Роман

Машхур америка фантаст ёзувчиси Р.Брэдберининг «Марсга хужум», «Боқий баҳор кунлари», «Инсоният хотираси», «Денгиз, соҳил ва дарё кушлари», «Совуқ шамол, илиқ шамол», «Одамларга яхшилик қил» сингари ўнлаб китоблари барча қитъаларда севиб ўқилади.

Муаллифнинг «Фаренгейт бўйича 451 даража» романида ўқувчи ХХІ асрнинг оддий ўт ўчирувчиси билан танишади. Романнинг бош қахрамони устаси фаранг, ота-боболарининг касбини давом эттирувчи Гай Монтэг китоб саҳифаларида ўз ҳаётини ўт ёқиб, ёнғин чиқаришдан бошлайди.

Роман Ер юзида ҳаётни сақлаб қолиш, инсон учун хавотирланиш ва унга чуқур ишонч руҳи билан суғорилган. Р.Брэдбери ижодида катта ўрин тутган “Фаренгейт бўйича 451 даража” романини олим ва журналист Мирза Анвар Каримов таржимасида эълон қилаётирмиз.

Жаҳон адабиёти журнали

*Агар сенга чизик тортилган қоғоз
беришса, кўндалангига ёз.*

Хуан Рамон Хименес

БИРИНЧИ ҚИСМ

БОШПАНА ВА САМАНДАР

Ўт қўйиш унга роҳат бағишларди. Оловнинг ҳамма нарсаларни ўз домига тортиши, уларнинг қорайиб, шакл-шамойили ўзгаришини кузатишнинг қандайдир ўзгача гашти бўлади. Ўт ўчириш насосининг мис пойнаги муштлар орасига сиқилган, илонга ўхшаб тўлғаниб чор атрофга заҳарли керосинни аямай сочади, унинг чаккаларида қон гупиллаб уради, қўллари эса титилиб кетган, куйиб сўхтаси қолган тарих саҳифаларини кулга айлантираётган олов ва вайронгарчилик симфониясини ижро этаётган дирижёрнинг ғайритабиий қўлларига ўхшайди. 451 рақами билан безатилган рамзий темир қалпоғи пешонасига бостириб қўндирилган: ҳозир нима бўлишини эслаганда кўзлари зарғалдоқ ёлқин тусида чакнайди. Ўт олдириш мурватини босган заҳоти аланга — қуёш қорайган осмонни тўқ қизил-сарик ва қора рангларга чулғаб, яъжуж-маъжуждек уйга ташланади: У ғуж-ғуж ялтироқ қуртлар оралаб қадам ташлаб борарқан, шу топда болалик пайтида тез-тез ўйнаган эрмаги китоблар каптарлар каби қанотлари — саҳифаларини шитирлатиб учишини, уйга кираверишдаги зинада ва уй олдидаги мўъжазгина ўтлоқда умри тугагунча оловга новвотли чивикчани суқиб ковлашни жуда-жуда истайди. Кейин улар олов қуюнида осмони фалакка кўтарилиб, қурумни шамол бир чеккага учириб кетарди.

Кейин улар олов қуюнида осмони фалакка кўтарилиб, қурумни шамол бир чеккага суриб кетарди. Монтэгнинг юзида совуқ жилмайиш, одамни бехосдан олов қиздирганда унинг иссиқ ҳароратидан тезкорлик билан ўзини орқага ташлаганда лабларида пайдо бўладиган илжайиш намоён бўлди. У, яъни ўт ўчирувчи депосига қайтиб ўзини кўзгуга солиб кўрган, қоракуяга беланган

юзига қараб дўстона кўз қисиб қўйишини биларди. Кейинчалик эса қоронғиликда ҳам мудраётиб, лабларидаги бу титроқ илжайишни ҳис қилаётган бўлади. Эсини танибдиқи, юзида шу ясама кулги.

У ҳафсала билан қора, ялтираб турган темир қалпоғини артиб михга илди, тартиб билан ёнма-ён брезент курткасини осди, душнинг шаррос қуяётган ёмғирдек кучли босимдаги сувида роҳатланиб ювиниб олди-да, қўлларини чўнтагига суқиб хуштак чалганича ўт ўчириш станциясининг юқори қаватидаги майдончани кесиб ўтиб туйнукка сирғалиб тушди. Сўнгги дақиқада фалокат содир бўлиши муқаррар бўлиб туюлганда қўлларини чўнтагидан суғуриб олиб, ялтираб турган бронза устунни икки қўли билан тутиб олди ва оёқлари қуйи қаватнинг бетон полига тегишидан бир сония илгари «ғийқ» этиб ўзини тўхтатиб қолишга улгурди, Тунги бўм-бўш кўчага чиқиб, метро томон бурилди. Шовқинсиз пневматик поезд уни ер ости йўли яхшилаб мойланган қузури бўйлаб мокидек олиб ўтиб, шаҳар чеккасида юқорига олиб чиқадиган сариқ металл тахтачалар етқизилган эскалаторга иссиқ ҳавонинг кучли оқими билан қўшиб чиқариб ташлаб кетди.

Монтэг хуштак чалиб, хиргойи қилганча эскалатордан тунги суку-натга пешвоз чиқди.

Ҳеч нарса ҳақида ўйламасдан муюлишга етиб борди. Ундан сал илгарироқ қайрилишга етмасдан қаёқдандир шамол эсиб юзигаурилдими ёки кимдир отини айтиб чақиргандай бўлдим, бирдан қадамини секинлатди.

Мана, бир неча маротаба муюлишга, ундан наридаги юлдузларнурида ёритилган уйига элтувчи йўлакчага яқинлашганда уни манашундай ғалати ҳис чулғаб оларди. Қайрилишидан бир дақиқа аввал бурчакда кимдир тургандек туюларди. Атрофда аллақандай сирли жим-житлик, гўё икки қадам нарида аллаким яшириниб кутиб тургандай, унинг пайдо бўлишига бир сония қолганида кўз очиб юмгунча сояга айланиб уни ўзи орқали ўтказиб юбораётгандай.

Эҳтимол, у сезилар-сезилмас хушбўй исни пайқар, балким, юз ва қўл териси орқали кўзга кўринмас шуъла ўз ҳарорати билан ҳавони иситиб турган жой яқинидаги ҳарорат сал ўзгарганини ҳис қиларди. Бунга англаб бўлмасди. Бироқ муюлишга етиши билан ҳар гал бўм-бўш

йўлакнинг оппоқ плиталарини кўрарди, холос. Фақат кунлардан бир кун унга майсазорда кимнингдир шарпаси йилт этгандай туюлди. Аммо унга тикилиб қарагунча ёки гапиришга оғиз жуфтлагунча бўлмай, кўздан ғойиб бўлди-қолди.

Бугун эса у муюлишда қадамини шундай секинлатдики, деярли тўхтаб қолгандек эди. Хаёлан муюлишнинг нариги томонида эди — секин шитирлаган товуш қулоғига чалингандай бўлди. Кимдир нафас олаяптими? Ёки миқ этмай кутаётган кимсанинг ҳаракатидан ҳавонинг тебранишимикин?

У бурчакдан қайрилди.

Ой нуридан ёп-ёруғ йўлак бўйлаб шамол барг хазонларини учирар, рўпарадан шамол ва барглар орқасидан қувлаётган қизил италарга қадам босиб эмас, балки улар узра сирпаниб келаётганга ўхшарди. Бошини сал қуйи эгиб, туфлисининг тумшуғи чирпирак бўлиб айланаётган баргларга тегиб кетаётганига қараб қўйди. Унинг хира оқиш нозик чехраси дилбарлик, толмас синчковлик билан турланиб, енгил ажабланиш туйғусини ифодалаб турарди. Тимқора кўзлари атрофга шундай синчковлик билан боқардики, ҳеч нарса уларга чап беролмасди. Эғнидаги оппоқ кўйлаги ҳилпираб турарди. Монтэгга унинг қадам босиши билан бир маромда қўлларининг ҳар бир ҳаракатини эшитаётгандек, ҳатто, жуда енгил, қулоққа эшитилмайдиган товуш бошини кўтариб тротуар ўртасида турган эркак киши билан ораларида бир неча қадамлик масофа ажратиб турганини беҳосдан кўриб, юзига қалқиган титроқни ҳам эшитгандай туюлди. Уларнинг боши узра шохлар шитирлаб, қуруқ барглар ёмғириниерга дувиллатиб ёғдирарди. Қиз тўхтади. Афтидан орқага тисланишга тайёр эди-ю, аммо бунинг ўрнига Монтэгга диққат билан разм солиб қаради. Унинг тимқора, нур ёғилиб турган юлдуз кўзлари худди унга одатдан ташқари бир қувончли сўз шипшигандай порлаб кетди. Бироқ бу оддий қилиб «салом» деганини биларди, холос. Кейин сеҳрлангандек қизнинг калта камзулининг еғнидаги самандар тасвирига, кўкрагига қадаб қўйилган ҳумо қуши тасвири туширилган гардишга қизиқиб қараётганини кўриб, гап бошлади:

— Сиз, чамаси, янги қўшнимиз бўлсангиз керак?

— Сиз эса, эҳтимол... — қиз ниҳоят унинг касбига тегишли белгидан кўзини узди, — ўт ўчирувчи бўлсангиз керак, — унинг

нафаси ичига тушиб кегди.

— Жуда ғалати оҳанг билан гапирдингиз-а?

— Мен... мен кўзларимни юмиб бўлса ҳам, барибир, пайқардим, — паст овозда деди у.

— Керосин ҳидини айтаётган бўлсангиз керак-а? Хотиним доимо шундан шикоят қилади. У кулиб юборди. — Уни ҳеч қачон тозалаб ювиб бўлмайди.

— Ҳа. Тозалаб ювиб бўлмайди, — сўз қотди қиз ва унинг овози кўрқувдан титраб кетди. Монтэгга қиз турган жойидан жилмаса ҳам атрофида гирдикапалак бўлиб, уни ҳар мақомга солаётгандек, энгилгина силкитаётгандек, чўнтақларини ағдариб қоқаётгандек бўлиб туюлди.

— Керосин ҳидини, — деб қизнинг гапини давом эттирди Монтэг орадаги чўзилиб кетган сукунатга чек қўйиш учун, — менга у нима, атир нима — барибир.

— Наҳотки, шу гапларингиз рост бўлса?

— Албатта, бунинг нимаси ажабланарли? Қиз жавоб беришдан аввал хаёлга чўмди.

— Билмадим, — у орқага қайрилиб, ўз уйлари томонга нигоҳ ташлади. — Сиз билан кетсам майлими? Менинг исмим Кларисса Маклеллан.

— Кларисса... Менинг исмим эса Гай Монтэг. Қани, кетдик. Ёлғиз ўзингиз бемаҳалда бу ерда нима қилиб юрибсиз? Ёшингиз нечада?

Улар энгил шабада эсиб турган бўлса-да, илиқ тунда ой нурида кумушдек товланаётган йўлак бўйлаб боришар, Монтэгга атрофдан янги узилган ўрик ва қулупнайнинг жуда майин хушбўй ҳиди уфуриб тургандай эди. У орқасига қайрилиб қараб, бундай бўлиши мумкин эмаслигига ишонч ҳосил қилди. Чунки ҳозир куз фасли эди-да. Йўқ, шундай туюларди, холос. Фақат ёнида ёнма-ён кетаётган малаксиймо қизу ой нурида унинг қор каби порлаб турган юзи кўриниб турарди.

У ҳозир саволларни пухта ўйлаб, қандай қилиб яхшироқ жавоб бериш устида фикр юритаётганини биларди.

— Жуда қизиқсангиз,— деди у, — ёшим ўн еттида, ўзим шайдойиман. Амакимнинг айтишларича, бир нарса муқаррар иккинчи нарсага йўлдош бўлиб эргашиб юрармиш. Агар сендан ёшинг нечада

деб сўрасалар, ёшим ўн еттида, ўзим ақлдан озганман деб жавоб бергин дейдилар у киши. Тунда сайр қилиш жуда яхши-я, тўғрими? Нарсаларга ўз кўзим билан қарашни, уларнинг ҳиди билан нафас олишни яхши кўраман. Баъзан мана шундай туни билан тинимсиз кезиб чиқаман ва қуёш чиқишини қаршилайман.

Бир мунча вақт улар жимгина боришди. Кейин қиз ўйчанлик билан деди:

Биласизми, сиздан мутлақо қўрқмайман.

— Нега мендан қўрқишингиз керак экан? — ажабланиб сўради у.

— Кўплар сиздан қўрқади. Ўт ўчирувчилардан қўрқади демоқчиман.

Аммо, сиз, нима бўлганда ҳам ҳаммага ўхшаган инсонсиз-ку... Унинг ялтираб турган икки томчи сувдек шаффоф кўзларида ўзининг қора ва кичкинагина аксини майда-чуйдасигача, ҳатто лабларидаги ажин қатларигача аниқ кўрди. Дийдалари гўё унинг қиёфасини ўзида муҳрлаган иккита бинафшаранг жозибали қаҳрабо парчасига ўхшарди. Унга қараб турган юзлари жуда нозик, оқиш-хира ичидан бир текис сўнмас нур сочиб турган кристалдни эслатарди. Бу ўткир ва ёрқин электр нурига эмас, кишини ажиб тинчлантирадиган шамнинг майин милтиллаган нурига ўхшарди. Элас-элас эслайди, ҳали болалигида бир кун электр ўчиб қолди. Онаси охириги шамни топиб ёққан эди ўшанда. Шам ёниб турган ўша қисқа фурсат ажойиб кашфиётлар дақиқаси бўлган эди: олам бошқача бўлиб қолган, макон чексизлигини йўқотган ва уларнинг теварагида қулай ҳолатда торайгандек эди. Она-бола икковлари бир-бирларини энди кўриб тургандек электр мумкин қадар кейинроқ уланишини кўнгилларидан ўтказиб ўтиришарди.

— Сиздан бир нарсани сўрасам майлими? — даб дурустдан деди

Кларисса, — Сиз анчадан буён ўт ўчирувчи бўлиб ишлайсизми?

— Йигирма ёшга тўлганимдан бошлаб. Мана, ўн йил бўпти шунга

ҳам.

— Ёқадиган китобларингизни ҳеч вақт ўқийсизми?

У кулиб юборди.

— Бунга қонун йўли билан жазо берилади.

— Ҳа... Албатта.

— Бу ёмон иш эмас. Душанба куни Эдна Миллей китобларини ёқамиз, чоршанба куни Уитманни, жума куни Фолкнерни куйдирамиз. «Ёниб кул бўлгунча ёндир, кейин кулни ҳам ёқиб юбор». Профессионал шиорларимиз ана шундай.

Улар яна бироз юришди.

— Қачонлардир, ўтган Даврларда ўт ўчирувчилар ўт қўймасдан ёнғинларни ўчиришгани ростми? — сўраб қолди қиз.

— Йўқ. Уйлар ҳамиша ёнмайдиган бўлган. Сўзимга ишонинг.

— Тавба, эшитишимча, бир пайтлар, уйлар қандайдир эҳтиётсизлик натижасида ўз-ўзидан ёниб кетаркан. Ўшанда ўт ўчирувчилар оловни ўчириш учун керак бўлишаркан.

У кулиб юборди. Қиз унга кўзларини қадаб тикилди.

— Нимага куляпсиз?

— Билмасам, — у яна кулди, аммо бирдан жим бўлиб қолди, — нимаиди?

— Мен ҳеч қандай кулгиди гап айтмасам-да, сиз куляпсиз. Ҳамма саволларимга дарҳол жавоб қайтарасиз. Менинг саволларим устида ҳеч бир фикр-мулоҳаза юритмайсиз.

Монтэг тўхтади.

— Сиз чиндан ҳам жуда ғалати экансиз, — деди у қизга бошдан-оёқ разм солиб, — суҳбатдошингизга ҳурмат деган нарса мутлақо йўқдай сизда.

— Сизни ранжитмоқчи эмасдим. Эҳтимол, одамлар билан элакишиб кетишни жуда севганимдандир бу.

— Мана бу нарса сизга ҳеч нарсани англатмайдими? — у кўмирдай қора куртқдсининг енгидаги 451 рақамини бармоқлари билан оҳиста уриб қўйди.

— Яхши англатади, — қадамини тезлатиб шивирлади қиз, — айтинг-чи, хув анави ерда, хиёбон бўйлаб учаётган ракетали автомобилларга эътибор берганмисиз?

— Гапимизнинг мавзусини ўзгартиряпсизми?

Менга гоҳо, уларда учаётган одамлар ўт ва гулларнинг фарқига бормайдигандек туюладилар. Ахир уларни катта тезликда кўрадиларда, — давом этди у, — уларга яшил доғни кўрсатсангиз, эҳҳе, бу ўт-ку, дейдилар! Пуштиранг доғни кўрсатинг — бу гулзор дейдилар! Улар

учун оқ доғлар — уйлар, жигарранг доғлар — сигирлардир. Бир куни амакимлар шоссе бўйлаб соатига қирқ мил тезликда юришни синаб кўрмоқчи бўлибдилар. У кишини қўлга олиб, икки кун қамаб қўйишибди. Кулгили-а? Ҳам қайғули.

— Сиз ҳаддан зиёд кўп уйлар экансиз, — деди Монтэг ноқулайликни ҳис қилиб.

— Мен телевизион кўрсатувларини камдан-кам кўраман, автомобил пойгаларида бўлмайман ва ўйин-кулги боғларига бормайман. Вақтим мана шундай ҳар хил телба хаёлларга қолади. Шаҳар чеккасидаги катта йўлда реклама ғов тахталарга кўзингиз тушдими? Ҳозир уларнинг узунлиги икки юз футга боради. Биласизми, бир маҳаллар уларнинг узунлиги йигирма футдан ошмас экан. Эндиликда эса автомобиллар йўлларда шундай тезликда юришадики, рекламаларни узайтиришга тўғри келган, акс ҳолда уларни ҳеч ким ўқий олмас эди.

— Йўқ, бундан хабарим йўқ экан! — Монтэг қисқа кулиб қўйди.

— Мен яна, балким сиз билмайдиган баъзи бир нарсаларни биламан. Эрталаблари ўтга шудринг тушган бўлади.

У буни билиш-билмаслигини эслашга уриниб кўрди-ю, эслолмади ва беҳосдан жаҳли чиққанини сизди.

— Агар анави томонга қаралса, — қиз осмонга ишора қилди, — Бу яқин орада у кўкка боқмаган эди...

Ундан у ёғига индамай боришди: қиз хаёлга ботиб, у афсусланиб, ўсал бўлганини ҳис қилиб, баъзи-баъзида қиздан ўпкалагандек у томонга қараб қўярди.

Улар қизнинг уйига яқинлашишди. Ҳамма ойналар нурдан чароғон эди.

— Бу ерда нима бўляпти? — Монтэг ҳеч қачон одамлар яшайдиган уйда бундай ёруғликни кўрмаган эди.

— Ҳеч нарса бўлаётгани йўқ. Аям, дадам ва амаким шундай суҳбатлашиб ўтиришибди. Ҳозир бундай суҳбатлашиш пиёда юришдек камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Амакимни иккинчи марта қамаб қўйишганини айтдимми сизга? Ҳа, пиёда юрганлари учун қамоққа олишибди. Эҳ, бизлар жуда ғалати одамлармиз.

— Нима ҳақида гапиряпсиз?

Қиз қаҳ-қаҳлаб кулди.

— Тунингиз хайрли бўлсин! — деди у ва уйи томон бурилди.

Лекин

ниманидир эслагандек бирдан тўхтади, яна унга яқинлашиб, ажабланиб ва қизиқиш билан унинг юзига тикилди.

— Сиз бахтлимисиз? — сўради у.

— Нима дедингиз? — бақриб сўради Монтэг.

Олдида турган қиз кўздан ғойиб бўлган, ой нурига чўмган йўлка бўйлаб тобора узоқлашиб чопиб кетарди. Уйга етганида эшик оҳиста ёпилди.

— Мен бахтлиманми? Бу қанақа сафсата?!

Монтэг кулишдан тўхтади. У ўз уйи эшигидаги махсус тешикка қўлини суқди. Бармоқлари унга тегиши билан эшик очилди.

— Мен, албатта, бахтлиман. Бошқача бўлиши мумкинми? У мени бахтсиз деб ўйлаяптими? — сўради у ҳувиллаб ётган хонадан.

Даҳлизда унинг кўзи ҳаво янгилайдиган панжарага тушди. У ерга нима яшириб қўйилгани бирдан эсига тушди. Яширилган нарса ўша ердан уни кузатиб тургандай, тезда кўзини олиб қочди.

Қандай сирли тун, қандай сирли учрашув! Бир йил илгари боғда мўйсафид билан учрашиб қолиб гапга тушиб кетишганини ҳисобга олмаганда, умрида бунақаси бўлмаган.

Монтэг бошини силкитиб қўйди. У рўпарасидаги яланг деворга қаради, ўша заҳоти хотирасида қандай сақланган бўлса, шундай қизнинг гўзал, тонг қолдирадиган чеҳраси пайдо бўлди. Бу нозиккина чеҳра ярим тунда уйғониб вақтни билмоқчи бўлиб қараганида, миллари соат, дақиқа ва сонияларни аниқ кўрсатувчи қоронғу хонада хира нур сочиб турган, унча катта бўлмаган соатнинг циферблатини эслатарди. Мана шу ёрқин индамас қиёфа сенга хотиржам ва ишонч билан тун ўтиб бораётганлигини, у зимистонга айланаётган бўлсада, тез орада яна қуёш чарақлаб чиқишини айтиб турибди.

— Ўзи нима гап? — Монтэг ўзининг иккинчи — на иродаси, на одати, на идрокига бўйсунмасдан баъзи-баъзида итоатдан чиқиб кетиб тушуниб бўлмайдиган нарсаларни вайсовчи, сал-пал анланган ичидаги «мен»идан сўради.

У яна деворга тикилди. Қизнинг юзи кўзгуга нақадар ўхшайди. Бунга ақл бовар қўймайди. Сенинг ўз нурингни худди шундай акс

эттира олувчи яна кимни биласан? Одамлар кўпроқ... нимага қиёслашни излаб бироз ҳаяллади, кейин эса ўз касбини эслаб, топди — ўчирмагунларича бор кучи билан ловуллаб ёнувчи машъалага ўхшайдилар. Аммо бошқа одамнинг юзида ўз қиёфанг аксини кўриш, юрак қаърингдаги изтиробли фикрларингни ўқиш камдан-кам учрайдиган ҳодисадир!

Қиёфасини нақадар ўзгартириш қобилиятига эга бу қиз! Унга, Монтэгга қўғирчоқ театридаги маҳлиё бўлиб қолган томошабиндек нигоҳини узмай қаради, ҳар бир кипригининг учиши, қўлларининг имо-ишораси, бармоқларининг ҳар бир ҳаракати билан кўнглингдан ўтиб турган ҳамма нарсани олдиндан яққол сезиб турарди.

Ёнма-ён қанча вақт юришганикин? Уч дақиқами? Беш дақиқами? Шу билан бирга қанча узоқ туюлмади бу сайр? Қизнинг девордаги акси, нозик-ниҳол гавдаси ташлаётган соя энди тагин ҳам улканроқ бўлиб кўринди! У агар кўзи қичишса, қиз кўзини ундан олдин учуриб қўйишини, агар сал бўлса-да юз мушаклари тортишса, унгача ҳомуза тортишини ҳис қилиб турарди.

«Ахир, ҳақиқатан ҳам менинг келишимни худди оддин билгандай бемаҳалда, кўчада гўё атайлаб мени кутиб тургандай...» хаёлидан, ўтказди у учрашувларини эслаб.

У ётоқхона эшигини очди.

У ўзини ой ботгандан кейин совуқ, мрамар билан қопланган даҳмага тушиб қолгандек ҳис этди. Зим-зиё зулмат. Дераза ортидаги кумуш ёғдудан бу ерда. асар ҳам йуқ. Деразалар зичлаб беркитилган, хона катта шаҳар шовқинидан лоақал тик этган товуши етиб келмайдиган қабрга ўхшарди. Бироқ хона бўш эмас эди.

У диққат билан қулоқ солди.

Чивин овози, шинам ва иссиқ пуштиранг уясига яшириб қўйилган электр ариингг зувиллаши билинар-билинемас эшитиларди. Куй шундай аниқ янгрардики, оҳангни у дарров ажратди.

У, юзидаги табассум қаёққадир ғойиб бўлганини, худди фантастик шам муми узоқ вақт ёниб, охирига етганда қулаб ўчиб қолганидай тагидан эриб, айланиб сузиб, бирдан йўқолиб қолганини ҳис қилди. Зулмат. Қоронғилик. Йўқ, у бахтли эмас. У бахтсиз! Буни ўзига-ўзи айтди. Буни эътироф этди. Ўз бахтини ниқоб каби кўтариб юрарди, қиз пайдо бўлди-ю, уни юлқиб олиб майсазор орқали қочиб

кетди. Энди унинг эшигини қоқиб ниқобни қайтариб беришини сўрашнинг иложи йўқ.

У чироқни ёқмасдан хонани кўз олдига келтирди. Устини ёпмаган, қабр устига ясаб ўрнатилган ҳайкал каби совуқ, кўзга кўринмас пўлат иплар билан тортиб боғлаб қўйгандек кўзлари шифтга боқиб қотган, каравотда чалқанча ётган унинг хотини. Унинг қулоқларига кичкинагина ангишвонадай радиоприёмник-тиқинлар митти «чиғаноқлар» ниқлаб ўрнатилган, товушларнинг электрон океани-куй ва овозлар яна куй ва овозлар тўлқини унинг бедор миясига бориб урилди. Йўқ, хона бўш эди. Ҳар тунда бу ерга товушлар океани ёпирилиб кириб, кўзлари очиқ ётган Милдредни ўз тўлқинларида аллалаб тебратиб, тонгни қаршилагани олиб кетарди. Кейинги икки йил ичида Милдред бу тўлқинларда сузмаган, уларга яна ва яна ғарқ бўлмаган тун бўлмаган.

Хона совуқ бўлишига қарамасдан Монтэг бўғилиб кетаётгандек бўлди.

Бироқ у пардаларни кўтармади, балкон эшигини очмади. Бу ерга ой шуъласи тушишини хоҳламади. Яқин соатда димиқишдан ўлишга маҳкум этилган кишидай пайпаслаб очиқ, кимсасиз ва совуқ ўрнига қараб юрди.

Полда ётган нарсага оёғи қоқилиб кетишини, бундан бир дақиқа илгари худди шундай бўлишини биларди. Бу ҳиссиёти муюлишдан қайрилиб рўбарў келаётган қизга урилиб кетишга сал қолганини ҳис қилганига сал-пал ўхшаб кетарди.

Унинг оёғи ўз ҳаракати билан ҳавонинг тебранишига сабаб бўлиб, йўл устидаги тўсиқ ҳақида қайтарилган сигнал олиб деярли ўша сониянинг ўзида нимагадир урилди. Қандайдир нарса эшитилар эшитилмас овоз чиқариб, қоронғуликка учиб кетди.

Монтэг дарҳол гавдасини тик тутиб, тимқоронғи хонада ўринда ётган хотинининг нафас олишига қулоқ солди. Нафас жуда заиф, билинар-билинмас, унда жон борлиги зўрға сезилар, ундан кичиккина қоғоз парчаси, яккаю ягона момик тук ҳаракатга келиши мумкин эди.

У ҳамон хонага кўчадан ёруғлик туширишни истамасди. Ёнидан чақмоқтошни чиқариб, кумуш гардишга ўйиб расми солинган самандарни пайпаслаб топди-да, уни босди...

Яшил товланадиган иккита ялтироқ тош қўли билан пана қилинган милтиллаган чироқ нурида тиниқ сувли ирмоқ тубида ётгандай қимирламай ётар, уларнинг устида эса, уларга тегмасдан бир маромда обихаёт оқаётгандай эди.

— Милдред!

Аёлнинг юзи қор билан қопланган оролни эслатарди: устидан ёмғир қуйса ҳам сезмас, агар доимо ҳаракат қилиб турадиган булутлар соя ташласа, уларни пайқамасди. Ҳаракатсизлик, гунглик. Фақат Милдреднинг қулоқтарини зичлаб беркитиб турувчи ари тикинларнинг ғинғиллашию, шиша кўзларнинг боқиши, заиф нафас олишу, бурун катагининг хиёл ҳаракатта келиши истаган дақиқада ҳатто бу ҳолат ҳам бир умрга тўхтаб қолиши ҳеч гап эмас...

Монтэг оёғи билан туртиб юборган нарса — эрталаб ичида ўттиз дона уйқу ҳапдориси турган мўъжазгина шаффоф шиша каравот ёнида полда ғира-шира кўринарди. Энди у оғзи очилган ва бўшатирилган ҳолда чақмоқтошнинг липиллаган нурида хира йилтирарди.

Қўққисдан уй тепасида осмон ғижирлаб кетгандек бўлди. Гўё иккита баҳайбат қўл ўн минг чақирим узунликдаги бўзни қиррасидан тортиб йиртгандек, қулоқни батанг қилувчи қарсиллаган товуш эшитилди. Монтэгни худди иккига ажратиб юборгандек, кўкрагини нимадир тилиб, очилиб қолган ярасининг тит-питини чиқариб ташлагандек бўлди. Уйнинг тепасидан биринчи, иккинчи, биринчи, иккинчи, биринчи, иккинчи ракетали бомбардимончилар ўтиб кетди. Олти, тўққиз, ўн икки — бири кетидан иккинчиси, бири кетидан иккинчиси ҳавони гумбурлатиб ларзага келтириб учиб ўтди. Монтэг оғзини очган эди, товуш ғижирлаган тишлари орқали ичига ёпирилиб кирди.

Уй тебраниб турарди. Чақмоқтошнинг ёлқини ўчиб қолди. Ялтироқ тошлар қоронғулик қаърида йўқ бўлиб кетди.

Кўллар телефонга ёпишди.

Бомбардимончилар учиб кетдилар. У, лаблари титраб телефон тўшагига текканини сезди:

— Тез ёрдам касалхонасига уланг.

Ваҳимага тушиб шивирлаган овоз...

Унга қора бомбардимончиларнинг гумбурлашидан юлдузлар чангга айланиб, кейинги қун эрталаб бутун ер юзи шу чанг билан

ғалати қор қоплагандек туюлди.

Бу бўлмағур фикр унсиз лабларини қимирлатиб, аъзойи бадани титраб қоронғуда телефон ёнида турганида ҳам уни тарк этмади.

... Улар ўзлари билан машинани олакелдилар. Аниқроғи машина иккита эди. Бири қора кўзойнакли заҳарли илондай тўхтаб қолган сув ва чириган нарсаларни қидириб ташландиқ қудуқ тубига тушгандай ошқозонга ёриб ўтарди. У кўм-кўк суюқликни ичиб сўрар ва бошқа томонга чиқариб ташларди. Ҳамма доғларни ёки узоқ йиллар давомида у ерда йиғилиб қолган ҳамма заҳарни юта олармикан? Машина ошқозон тагида ниманидир синчиклаб қараб топаётгандек титкилар, гоҳида энтикиб, чапиллатган овоз чиқариб жимгина ичарди. Унинг битта кўзи бор эди. Уни ишлатаётган ҳиссиётсиз киши оптик қалпоқ кийиб касалнинг қалбига кўз ташлаб машинанинг кўзи нималарни кўраётганини айтиб бериши мумкин эди. Аммо ундан садо чиқмас эди. У қарарди-ю, машинанинг кўзи нимани кўраётганини илғамасди. Бунақанги даволаш тадбири боғда ариқ қавлашни эслатарди. Урнида ётган аёл белкурак қадалган қаттиқ мрамор қатлами эди, холос. Қазини давом эттиринглар, бурғини яна чуқурроқ туширинглар, билангааб, чапиллатиб турган илон сўриб ололса, бўшлиқни ҳам шимиб олинглар!

Санитар машинанинг ишини кузатганча у тик туриб чекарди. Иккинчи машина ҳам ишларди. Худди биринчидагидек сўхтаси совуқ қизғиш-жигаранг комбинезондаги иккинчи киши хизмат қилаётган бу машина танадан қонни аста-секин тортиб олиб, уни тоза қон ва тоза плазма билан алмаштирарди.

— Уларни бир йўла икки хил усулда тозалашга тўғри келади, — деди санитар қимирламай ётган аёлнинг бошидан нари кетмай, — ошқозон бир нави, қонни тозалаш керак. Мана бу сабилни қонда қолдирсангиз, у мияга уради. Тахминан, икки минг зарбадан кейин тамом-вассалом! Мия ишдан чиқиб, ишламай қўяди.

— Жим бўлинг! — бирдан қичқирди Монтэг, — Мен фақат тушунтирмоқчи эдим, холос, — жавоб берди санитар.

— Нима, тугатдингларми? — сўради Монтэг.

Улар ўз машиналарини авайлаб яшиқларга жойлаштирар эдилар:

— Ҳа, тамомладик, — унинг жаҳли чиққанлиги уларга заррача бўлса-да таъсир этмаган, парвойи фалак чекиб турардилар:

тутун паға-паға бўлиб тепага кўтарилар, бурун ва кўзларига кирар, лекин биронтаси кўзини учириб ҳам қўймасди, юзини тириштирмасди. ҳам, — хизмат ҳаққи эллик доллар бўлади.

— У соғайиб кетадими, йўқми? Нега бу ҳақда оғиз очмайсизлар?

— Албатта, соғаяди. Ҳамма сабил мана бу ерда, қутиларда. Унга

бошқа хавф солмайди. Сизга айтдим-ку, эски қон тортиб олиниб, янгиси қуйилади, деб. Шу билан олам гулистон.

— Ахир сизлар врачмисизлар! Нима учун врачни юбормадингиз?

— Врач эмиш! — санитарнинг лабларида сигарета ирғиди, — бизда тун давомида бундай чақиришлар тўққиз-ўн мартадан бўлиб туради.

Кейинги йилларда улар шунча кўпайиб кетдики, махсус машина яшашга тўғри келди. Ундаги янгилик, тўғриси айтганда, фақат оптик линзадир, қолганлари илгаритдан маълум. Бу ерда врачнинг кераги йўқ. Иккита техник ярим соатда ҳамма ишни дўндиради. Кечирасиз, вақтимиз тиғиз, — улар кўча томон юришди, — ҳозиргина радио орқали янги чақириқ олди. Бундан ўн маҳалла нарида яна аллаким бир қутича ухлатадиган дорини ичиб қўйибди. Яна керак бўлиб қолсак чақиртирарсиз. Касалга энди фақат тинчлик керак. Биз унга қувватни оширувчи дори бердик. Жуда очиқиб уйғонади. Хўп бўлмаса!

Юпқа лаблари орасига сигаретани маҳкам қисиб олган, қарашлари захарли қора илон каби совуқ одамлар ўзлари билан машина ва шлангларини кўтариб, суюқ чирк ва аталиши номаълум қора қуюқ бўтқа солинган қутини олиб хонадан чиқиб кетдилар.

Монтэг бутун оғирлиги билан стулга ўтирди ва олдида узала тушиб ётган хотинига тикилиб разм солди. Энди унинг чехраси хотиржам, кўзлари юмуқ эди. Кўлини узатиб кафтида нафасининг илиқлигини сизди.

— Милдред, — уйғотишга уриниб кўрди.

«Бизлар жуда кўпмиз, — хаёл сурарди у, — бизга ўхшаганлар миллиардлаб, бу ҳаддан зиёд кўп. Ҳеч ким бир-бирини билмайди. Етти ёт бегоналар келиб сенга зўравонлик қилишади. Бегона одамлар юрагингни юлиб, қониНгни сўриб оладшар. Эҳ, худойим, бояги одамлар ким ўзи? Умримда уларни ҳеч қачон курган эмасман».

Орадан ярим соат вақт ўтди.

Хотинининг қон томирларида ёт қон оқар, шу ёт қон унга ҳаёт бағишларди. Юзларига қон югуриб, дудоқдари қирмизи ранг олган эди. Мулойим ва хотиржам ички ҳолати шундоққина юзига уриб турарди. Ўз қонининг ўрнига бировнинг қони...

Ҳа, ҳа, худди шунингдек хотинининг танаси, мияси ва хотирасини ҳам алмаштириш мумкин бўлганида эди! Унинг қалбини тозалашга, у ерда бўлақларга ажратиб чўнтақларини ағдариб, хўл латта

устидан дазмоллаб, текислаб, эрталаб эса яна қайтариб келтиришларига топширишнинг иложи бўлсайди.

Кошкийди шундай бўлса!

У ўрнидан туриб, пардаларни кўтариб, деразаларни ланг очиб юборди. Хона тоза тун ҳавосига тўлди. Соат тунги икки эди. Наҳотки кўчада Кларисса Маклелланни учратганидан буён атиги бир соат ўтган бўлса, фақат бир соат илгари бу қоронғу хонага кириб, кичкинагина тиниқ шишани оёғи билан туртиб юборган бўлса? Фақат бир соат, холос, аммо ҳамма нарса остин-устин бўлиб кетди — аввалги олам эриб йўқ бўлиб кетди, унинг ўрнида янги, совуқ ва нурсиз олам пайдо бўдди.

Ой нури билан қопланган майсазор орқали Монтэгнинг қулоғига кулги овози етиб келди. Кулги Кларисса, унинг ота-онаси ва шундай оддийгина, беозор куладиган амакиси яшайдиган уйдан эшитилиб турарди. Бу зўраки эмас, самимий ва қувончли қаҳқаҳа эди ва у атрофдаги ҳамма хонадонлар жимжитлик ва зулматга бурканган бир пайтда, вақт алламаҳал бўлиб қолганига қарамасдан, дароғон уйдан овозлар эшитилиб турарди. Монтэг ўзаро суҳбатлашиб ўтирган кишиларнинг овозига қулоқ соларди, улар нима ҳақидадир гаплашар, сўзларидан сеҳрли нарса тўқиётгандай савол беришар, жавоб қайтаришарди.

Монтэг ойнаванд эшиқдан ўтиб, нима қилаётганини ўйламасдан майсазорни кесиб ўтди. У овозлар эшитилиб турган уй ёнидаги соя жойда тўхтади ва бирдан хаёлида агар истаса зинапоядан кўтарилиб эшикни тақиллатиши, «Мени ҳам ичкарига киритинглар! Бир оғиз ҳам сўз айтмайман. Чурқ этмай ўтираман. Сйзлар нима ҳақида сўзлашаётганингизни эшитмоқчиман, холос», деб шивирлаши мумкинлиги ҳақидаги фикр ўтди.

Аммо у турган жойидан қимирлай олмади. Эркак кишининг, амакиси бўлса керак, бамайлихотир ва шошмасдан гапираётганига қулоқ солганча совуқдан қалтираб, совуқ суяк-суягидан ўтиб, афт-ангори муз ниқобга ўхшаб тураверди.

— Хуллас, одамларнинг қадри қолмаган бир асрда яшаяпмиз. Бизнинг давримиздаги инсон қоғоз қўл сочиққа ўхшайди: унга бурун қоқадилар, ғижимлайдилару улоқтирадилар, янгисини оладилар, бурун қоқадилар, ғижимлайдилар, ташлаб юборадилар... Одамлар ўз

қиёфасига эга эмас. Монтэглар дастури, ўйинчиларнинг исмини билмасдан туриб, ўз шахринг футбол командасига қандай қилиб ишқибозлик қилишинг мумкин? Масалан, қани, айт-чи, қанақа рангдаги футбол кийимида майдонга тушадилар?

Монтэг секин-секин қадам босиб орқага, уйига қараб юрди. У деразаларни очик қолдириб, Милдредга яқинлашди, уни адёлга авайлаб ўраб, кириб ўрнига ётди. Ой нури ёноқларига, қош-қовоғи солинган пешонасидаги чуқур ажинларга тушди, ҳар бирида зиғирдай кумуш оқ тушгандай кўзларида акс этди.

Биринчи ёмғир томчиси. Кларисса. Яна томчи. Милдред. Яна битта. Амаки. Яна битта. Бугунги ёнғин. Битта. Кларисса. Бошқа томчи. Милдред. Учинчиси. Амаки. Тўртинчиси. Ёнғин. Биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, Милдред, Кларисса, амаки, ёнғин, ухлатадиган ҳапдорилар, одамлар-қоғоз қўл сочиқлар, ишлат, улоқтир, янгисини ол! Биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи. Ёмғир. Момақалдироқ. Амакининг қаҳқаҳаси. Момақалдироқнинг гумбурлаши. Оламни сел босиб келади. Вулқондан олов отилиб чиқади. Ҳамма нарса чирпирак бўлиб айланиб жунбушга келган, сертўлқин, тошқин дарё каби тун қўйнидан тонг сари интилади...

— Бошқа ҳеч нарсани билмайман, ҳеч нарсани тушунмайман, деди Монтэг ва ухлатадиган ҳапдорини оғзига ташлади. Дори аста-секин тилининг устида эриб кетди.

Эрталаб соат тўққизда Милдреднинг ўрни бўш эди. Монтэг шошиб-пишиб ўрнидан турдида, юраги ҳовлиқиб даҳлиздан югуриб кетди. Бориб, ошхонанинг эшиги олдида тўхтади.

Қизартиб пиширилган нон бўлакчалари кумуш тостердан отилиб чиқар, нозик металл қўл уларни шу заҳоти тутиб олиб қиздириб, эритилган мойга ботирарди.

Милдред қизариб пишган нон бўлақлари ликопчага терилишини томоша қилиб турарди. Унинг қулоқлари ғувиллаётган электрон асаларилар билан тиқиб зич беркитилган эди. Бошини хиёл кўтариб Монтэгни кўрди-да, унга бош ирғаб қўйди.

— Тузукмисан? сўради у. Ун йил давомида «Чиғаноқ» радиотиқинларига кўниккан Милдред лабларнинг ҳаракатига қараб тушунишга ўрганиб қолган эди. У яна бошини силкитиб қўйиб, бошқа нон бўлагини тостерга солди.

Монтэг ўтирди.

— Ҳайронман, нега бунчалик овқат егим келади, — гапирди хотини.

Сен... — гап бошлади у.

Шундай очиқибманки!

— Кеча кечқурун...

— Сира ухлай олмадим. Ўзимни жуда ёмон ҳис қиляяпман, — давом этди хотини, — вой, худойим-ей, шундай очиқиб кетдимки! Нега бундай бўляпти, тушунолмаيمان.

— Кеча кечқурун... — яна гап бошлади у. Хотини паришон ҳолда лабларининг қимирлашини кутди.

— Кеча кечқурун нима бўлди?

— Ҳали ҳеч нарсани эслолмайман дегин?

— Нима бўпти? Меҳмонлар келишдими? Бугун худди ичкиликдан карахт бўлганга ўхшайман. Тавба, ичакларим шундай сурнай чаляптики! Ким келди бизникига?

— Бир нечта киши.

— Ўзим ҳам шундай деб ўйловдим, — у қизариб турган нондан бир тишламини оғзига солди, — қорним оғриси-да, ютоқиб турибман. Қуюшқондан ташқари бирон иш қилмаган бўлсам керак деб умид қиламан.

— Йўқ, — деди у паст овозда.

Тостер унга ёққа шимдирилган нон бўлагини тутқазди. Гўё илтифот қилаётганларидек алланечук хижолат тортиб уни олди.

— Сенинг ҳам мазанг йўққа ўхшайди, — сўз қотди хотини.

... Куннинг иккинчи ярмида ёмғир қуйиб ёғди, атроф қоронғилашиб кулранг парда билан чулғангандай бўлди. У даҳлизда туриб тўқ-сарик самандар нур сочиб турган нишонни куртқасига тақарди. Хаёлга ботиб ҳаво янгилайдиган панжарага узоқ тикилиб қолди. Телевизорли хонада сценарий ўқиётган хотини бошини кўтариб унга қаради.

— Намунча хаёл сурмасалар! Нимани ўйляяптилар?

— Ҳа, сен билан гаплашиб олишимиз керак, — чўзиб гапирди у, — кеча ҳамма ухлатадиган ҳапдориларни, шиша идишда қанча бўлса, ҳаммасини ичиб қўйибсан.

— Йўғ-е! — ажабланиб хитоб қилди хотини, — бўлиши мумкин эмас!

— Флаконт полда бўш ётган эди.

— Мен бундай қилган бўлишим мумкин эмас. Менга зарил кептими?

— Балким иккита ҳақдори егандирсан, кейин эса буни унутиб, яна иккита, яна унутиб, яна ичгандирсан, миянг заҳарланиб гангиб қолганингдан кейин эса бири кетидан иккинчисини, ўттизтами-қирқтами флаконда борини ютиб юборгансан.

— Бўлмаган гап! Нима учун бундай аҳмоқлик қиларканман?

— Қайдам, — жавоб берди у.

Хотини тезроқ кетишини истарди, шекилли, буни ҳатто яширмасди ҳам.

— Ҳеч қачон бундай қилмасдим, — такрорлади у.

— Майли, сен айтганча бўлақолсин.

— Леди айтганидек, — қўшимча қилди у ва яна сценарий ўқишга тушиб кетди.

— Бугун кундузги дастурда нима бор? — сўради у ҳорғин. Хотини бошини кўтармасдан жавоб берди.

— Пьеса. Ўн минутдан кейин ҳамма тўрт деворга ўтиш билан бошланади. Менга ролни бугун эрталаб юборишди. Уларга баъзи бир нарсаларни таклиф этдим, бу томошабинларнинг эътиборини қозониши керак. Пьесани битта ролни тушириб қолдириб ёзадилар. Мутлақо янги ғоя! Бу етишмайдиган уй бекаси ролини мен ижро этаман. Етишмай турган репликани айтиш вақти яқинлашганда ҳамма менга қарайди. Мен репликални айтаман. Масалан, эркак киши: «Бунга сен нима дейсан, Элен?» — деб сўрайди ва менга қарайди. Мен бўлсам мана бу ерда, сахна марказида ўтиргандек жойлашаман; кўряпсанми? Мен жавоб бераман... мен жавоб бераман... — у қўлёманинг сатрлари бўйлаб бармоғини югуртира бошлади, — мана, топдим: «Менимча бу ғоят соз!» Кейин улар эркак киши «Сен бунга розимисан, Элен?» демагунча менсиз давом эттиришади. Шунда мен: «Бўлмасамчи, албатта розиман» деб жавоб бераман. Жуда қизиғ-а, Гай?

У даҳлизда индамай унга қараб турарди.

— Тўғриси ҳам жуда қизиқ, — яна қайтарди хотини.

— Пьеса нима ҳақида ўзи?

— Сенга айтдим-ку. Унда қатнашувчилар учта — Боб, Рут ва Элен.

— Нима?

— Бу жудаям қизиқ. Тўртинчи телевизорли деворимиз бўлганда янада қизиқроқ бўларди. Сенингча, оддий девор ўрнига телевизорли девор ўрнатишимизга яна узоқ пул тўнлашга тўғри келадими? Бу бор-йўғи икки минг долларга тушади, ходос.

— Бир йиллик иш ҳақимнинг учдан бир қисми экан.

— Атиги икки минг доллар, — қайсарлик билан такрорлади у, — ҳар замонда бир мени ҳам ўйласанг ёмон бўлмасди.

Агар тўртинчи деворни ҳам ўрнатсак, бу хона фақат бизники бўлиб қолмасди. Унда турли ажойиб ва қизиқ одамлар яшаган бўлишарди. Бошқа бирон нарсада тежаса бўлади.

— Биз шундоқ ҳам кўп нарсада тежаяпмиз, учинчи деворга тўлаганимиздан бери. Агар ёдингда бўлса, уни фақат икки ой муқаддам ўрнатган эдик.

— Фақат икки ой бўлдими? — у ўйчан эрига тикйлди, — майли, кўришгунча, азизим.

— Кўришгунча, — жавоб берди у кўча томонга юрйи, лекин бирдан тўхтаб, орқасига қаради, — охири нима билан тугайди пьесанг? Яхшилик биланми?

— Охиригача ўқиб чиққаним йўқ ҳали.

У яқинлашиб сценарийнинг сўнгги саҳифасига кўз югуртириб чиқди, бошини силкиб, уни тахлаб хотинига қайтариб берди-да, ёмғирдан ҳўл бўлган кўчага чиқди. Ёмғир деярли тўхтаган эди. Қиз тротуар ўртасидан бошини кўтариб келар, яккам-дуккам, ёмғир томчилари юзига тушарди. Монтэгни кўриб жилмайди.

— Салом.

Монтэг саломга алиқ олиб сўради:

— Хўш, ишларингиз қалай? Яна нимадир ўйлаб топгандирсиз?

— Кўйсангиз-чи, менинг эсим жойида эмас-ку. Юзингга ёмғир томчилаб турса қандай роҳат. Ёмғирда сайр қилишни жуда

севаман.

- Менинг бунга унча хушим йўқ, — жавоб берди у.
- Агар синаб кўрсангиз, балқи, сизга ҳам ёққан бўлармиди?
- Ҳеч қачон қилиб кўрмаганман.

Қиз лабларини ялади.

- Ёмғирнинг мазаси ҳам ёқимли.
- Сиз доимо ниманидир титиб кўргингиз келади, — деди у,
— бир марта бўлса ҳам синаб-текшириб кўришингиз керак.
- Баъзан бир неча марта синаб кўришга тўғри келади, —
жавоб берди қиз ва қўлида яшириб турган нарсасига қараб қўйди.
- Қўлингиздаги нима? — сўради у.
- Момоқаймоқ. Охиргиси бўлса керак. Шундай кеч кузда уни
топаман деб хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Энди уни олиб иякка
ишқалаш керак. Бу ҳақда ҳеч эшитганмисиз? Мана, қаранг! - хандон
отиб гулни иягига суртди.
- Бунинг қандай каромати бор?
- Агар из қолса, мен ошуқаман. Қани, қаранг-чи. Нима
қилиш керак.

У қизнинг иягига нигоҳ ташлади.

- Хўш? — сўради қиз.
- Сап-сарик из қолибди.
- Жуда яхши! Энди сизда синаб кўрамиз.
- Барибир, ҳеч нарса чиқмайди.
- Кўрамиз, — ақл-хушини йиғиб олмасдан момоқаймоқни
бақ-бақасига суқиб суркади. У, беихтиёр юзини четга бурди, қиз
хохолаб кулди, — қимирламай туринг!

Қиз унинг бақбақасига қараб қовоғини уйди.

- Хўш, қалай?
- Аттанг! — хитоб қилди у, — Сиз ҳеч кимни севмас
экансиз!
- Йўқ, севаман.
- Бунинг ҳеч қанақа исбот-далили йўқ-ку.
- Мен севаман, жуда севаман, — хотирасида кимнингдир
қиёфасини тикламоқчи бўлди, фойдаси бўлмади, — мен хушторман,
— ўжарлик билан такрорлади у.
- Менга бундай қараманг! Илтимос қиламан сиздан!

— Бунга сизнинг момоқаймоғингиз айбдор, — деди у, — ҳамма чанги сизнинг иягингизга ёпишиб, менга ҳеч вақо қолмади.

— Ана холос, сизни хафа қилиб қўйдимми? Кўриб турибман, хафа бўлдингиз. Кечиринг, мен, тўғриси, сизни... — қиз оҳиста унинг тирсагидан ушлаб қўйди.

— Йўқ-йўқ, — шошиб жавоб берди у, — мен шунчаки...

— Мен боришим керак. Мени кечирдим денг. Менга жаҳл қилишингизни сира истамайман.

— Мен жаҳл қилаётганим йўқ. Очиғи, салгина ранжидим.

— Ўз руҳшунос шифокорим олдига кетяпман. Унга қатнашимга мажбур қилишяпти. Мен бўлсам, унга бўлар-бўлмас нарсаларни ўйлаб топаман. Мен ҳақимда қандай ўйлайди, билмайман-у, сиз ҳақиқий пиёзга ўхшайсиз, қатма-қат ажратишга тўғри келади, дейди.

— Мен ҳам сизга руҳшунос зарур деб ўйлайман, — деди Монтэг.

— Ёлғон. Сиз бундай ўйлаётганингиз йўқ.

У чуқур хўрсиниб деди:

— Тўғри айтасиз. Бундай ўйлаётганим йўқ.

— Шифокор нима учун ўрмонда кезишни, қушларни томоша қилишни, капалаклар тутишни яхши кўришимни билмоқчи. Ўз коллекциямни бир кунмас бир кун сизга кўрсатаман.

— Яхши. Кўрсатинг.

— Улар ҳадеб ҳамиша нима билан бандлигимни суриштиришади. Мен уларга, гоҳо шундай ўтириб, ўзимча ўй сураман дейман. Нима ҳақда ўйлашимни айтмайман. Бош қотириб кўришсин. Баъзан уларга бошимни орқага ташлаб, мана бундай тилим билан ёмғир томчилари тутишни яхши кўраман дейман. Улар винонинг мазасини эслатади. Қачон бўлса ҳам синаб кўрганмисиз буни?

— Йўқ, мен...

— Мени кечирдингизми? Ҳа-ми?

— Ҳа, — у бир дам ўйланиб қолди, — ҳа, кечирдим. Нимага кечирганимни ҳам билао лмайман. Сиз алланечук бошқачасиз: сиздан хафа бўлиш, шу билан бирга осон қечириш ҳам мумкин. Ўн етти ёшдаман дебмидингиз?

— Ҳа, бир ойдан кейин ўн еттига тўламан.

— Ажабо. Менинг хотиним ўттизга чиқди, аммо сиз ундан анча ёши улуғ кўринасиз. Буни қандай тушунса бўларкин, тагига етолмайман.

— Сиз ҳам қандайдир бошқачасиз, мистер Монтэг. Баъзи-баъзида сизнинг ўт ўчирувчи эканлигингизни унутиб қўяман. Яна жаҳлингизни чиқарсам майлими?

— Майли, тортинманг.

— Қандай бошланган? У ерга қандай қилиб тушиб қолдингиз? Бу ишни қандай қилиб ва нима учун худди шуни танладингиз? Сиз бошқа ўт ўчирувчиларга ўхшамайсиз? Улардан баъзиларини кўрганман, яхши биламан. Мен гапираётганимда сиз менга қарайсиз. Кеча ой ҳақида гапирганимда сиз осмонга қарадингиз. Анави бошқалар ҳеч қачон бундай қилишмасди. Ўз йўлидан қолмай, менга қулоқ солмасдан кетаверишарди. Қўрқитиб дўқ урган ҳам бўлардилар. Одамларнинг ҳозир бир-бирлари учун вақтлари йўқ. Сиз бўлсангиз менга илтифот кўрсатдингиз. Бу ноёб хислат. Шунинг учун сизнинг ўт ўчирувчи эканлигингиз менга ғалати туюлади. Нима учундир сизга номуносиб касб.

У иккига бўлиниб кетгандай, қоқ ўртасидан ёрилиб кетгандай, ярмиси олов кабй иссиқ, бошқа қисми муздай совуқ, бири —мулойим, бошқаси — дағал, бири титроқ, бошқаси тошдай қаттиқ туюлди. Иккига бўлинган «мен»ининг ҳар бири иккинчисини яксон қилишга ҳаракат қиларди.

— Вақтингиз бўлди. Даволовчи врачингизга кечикманг, — деди у. Қиз уни тротуарда ёмғир остида қолдириб югуриб қетди. У анчагача қимирламай турди. Кейин оҳиста бир неча қадам ташлаб, бирдан бошини орқага ташлади-да, юзини ёмғирга тутиб, бир зумга оғзини очди...

Механик кўппак ухлар ва шу вақтнинг ўзида бедор эди, ўт ўчириш станциясининг қоп-қоронғу, йўлагининг охиридаги паст ғувилловчи, паст тебранувчи, хира ёритилган уясида яшар, айна

вақтда эса жонсиз эди. Тун осмонининг сўник нури катта тўртбурчакли ойнадан тушиб, ёруғлик шуъласи тоҳ у, гоҳ бу ерда, механикқайвоннинг мис, бронза ва пўлат қисмларида липилларди. Ёруғлик қизил ёқут ойнанинг майда бўлақларида акс этар, сезилар-сезилмас жилваланиб, тагига резина қоқилган ўргимчакникига ўхшаш саккизта панжаларида сал сезиладиган даражада титраб турувчи бу ғалати баҳайбат махлуқнинг бурун тешигидаги ўта ингичка майда қон томирларига ўхшаш жуда ингичка сезгир нейлон тукларда жимирларди.

Монтэг бронза устунга сирғалиб пастга тушди-да уйқудаги шаҳарни томоша қилиш учун ташқарига чиқди. Булутлар тарқалган, осмон мусаффо эди. Чекиб туриб коридорга қайтиб кирди ва энгашиб итнинг уясига қаради. Механик кўппак ранг-баранг гуллар шираси ҳаммани ақлдан оздирувчи ва даҳшатга солувчи заҳар билан қонган даладан инига қайтган улкан асаларини эслатарди. Кўппакнинг танаси мана шу қуюқ ширин афюн билан обдон заҳарланган. Энди эса заҳарнинг кучини уйқу билан қирқмоқчи бўлиб пинакка кетган эди.

— Салом, — шивирлади Монтэг одатдагидек ўлик ва шу билан бирга тирик ҳайвонга маҳлиё бўлиб қараб.

Ўт ўчирувчилар кечалари зерикашганда, бу ҳар тунда такрорланиб турарди, мис устун бўйлаб пастга тушишарди-да, итнинг ҳид билиш тизимининг чиқилловчи мурватини маълум ҳидга мослаб ертўлага каламушлар, жўжалар, гоҳида барибир чўктириб юбориш лозим бўлган мушукларни қўйиб юборишарди. Кўппак қурбонларидан қай бирини олишга гаров ўйнашарди.

Ўйин бир неча секунддан кейин тугарди. Жўжа, мушук ёки каламуш бир неча метр югуриб ўтмасиданоқ итнинг юмшоқ панжасига илинар, унинг тумшуғидан тўрт дюймли пўлат игна найза каби чўзилиб чиқиб, ўлжасига катта миқдордаги морфий ва прокаинни санчиб заҳарлар эди. Бундан кейин ўлдирилган ҳайвонни ахлат куйдирадиган печга элтиб ташлар эдилар. Ўйин яна бошқатдан бошланарди.

Монтэг одатда юқорида қолиб, бу эрмакларда иштирок этмасди. Кунлардан бир кун, икки йил муқаддам, тажрибали ўйинчилардан бири билан гаров бойлашиб, бир ҳафталик иш ҳақини ютқазиб қўйган эди. Ўшанда Милдред зор қақшаб таъзирини берган эди. Ҳанузгача

жаҳлидан бутун юзига қизил тошиб, пешонасидаги томирлари ўқаоғидай кертиб кетганини эслайди. Энди у тунлари койкада деворга ўгирилиб пастдан эшитилаётган қаҳ-қаҳ отиб кулишларга гўё кимдир рояль торларини тез-тез тортаётгандек каламуш тирноқларининг полга урилиб чиққан овозига, сичқонларнинг чийилдоқ товушига, кўппак биргина шовқинсиз сакраш билан соядек, бирдан ёруғ нурга учиб чиққан тунги баҳайбат капалак сингари инидан отилиб чиққанидаги кутилмаган сукунатга қулоқ солиб ётарди. Ит ўлжасига ҳамла қилиб, унга найзасини санчар ва инига қайтар, худди рубильникни ўчириб қўйганларидек ўша заҳоти жим бўлиб тош қотарди.

Монтэг итнинг тумшуғига қўлини теккизди.

Ит ириллади.

Монтэг орқага тисланди.

Кўппак инида ўрнидан қўзғалиб, бирдан жон кирган кўкиш ҳаворанг неон учқунлар тўла кўзларини тикиб Монтэгга қаради. У яна ириллади ғалати, қулоққа ёқимсиз электр визиллаши, товада ёғнинг вижиллаши ҳамда металл ғижирлаши аралашган товуш эшитилди. Бамисоли қандайдир эскирган, занглаш ва умрини ўтаб бўлганларга хос эҳгиёткорлик билан ғижирлайдиган қачондан бери қаровсиз қолган механизм ҳаракатга келгандай бўлди.

— Ўзингни бос, ўзингни, — шивирлади Монтэг. Юраги гупиллаб ура бошлади. У, итнинг тумшуғидан бир дюйм келадиган игна чўзилиб чиқиб йўқолганини, яна чўзилиб чиқиб йўқолганини ўз кўзи билан кўрди. Итнинг қаердадир ичида ириллаши тобора кучаяр, ялтираган кўзлари Монтэгга қадалган эди.

Монтэг орқага тисарилди. Кўппак инидан бир қадам ташлаб ташқари чиқди. Монтэг қўллари билан устунга ёпишди. Унга тегиб кетиши билан устун тепага ғириллаб кўтарилиб, Монтэгни шипдаги туйнукдан оҳиста олиб ўтди. У, юқори қаватнинг ярим қоронғи майдончасига қадамини босди.

У қалт-қалт титрар, ранги бўзариб кетган эди. Пастда ит жимиб паст гувиллашда давом этиб, яна ҳақиқатга тўғри келмайдиган ўргимчакники каби саккизта панжаларига чўққайиб пасайди. Унинг кўп қиррали кристалл кўзлари яна сўнди.

Монтэг туйникдан дарҳол узоқлашмади, аввал ўзини бироз босиб олмоқчи эди. Унинг орқа томонида анча наридаги бурчакда тўрт эркак,

стол атрофига жойлашиб кўк абажурли лампа ёруғида қарта ўйнашарди. Улар Монтэгга кўз қирини ташлаб қўйишди-ю, ҳеч қайсиси чурқ этмади. Фақат ҳумо қуши тасвири тушириб безатилган брандмейстер қалпоғидаги, озғин қўлларида қарта тутиб турган кишигина ниҳоят қизиқсиниб нариги хонадан туриб сўради:

— Нима бўлди, Монтэг?

— Мени жини ёқтирмайди, — деди Монтэг.

— Кўпшакними? — брандмейстер қўлидаги қарталарни синчиклаб кўздан кечирарди, — қўйинг, бўлмағур гапни. Унинг жини ёқтириш ёки ёқтирмаслиги мумкин эмас. У фақат «ишлаб туради». Бу баллистика бўйича вазифа дегандай гап. Унинг учун траектория ҳисоблаб чиқилган ва ундан ташқарига чиқмайди. Нишонни ўзи топади, орқага ўзи қайтади, ўзи ўчади. Мис симлар, аккумуляторлар, электр энергияси — унда бор нарсаларнинг ҳаммаси шу.

Монтэг қалтираб ичига ҳаво ютди.

— Унинг ҳид билиш тизимини шунча аминокислоталар, шунча фосфор, шунча ёғлар ва ишқорлар деб истаган комбинацияга созлаш мумкин. Шундайми?

— Албатта, бу ҳаммага маълум-ку.

— Ҳар биримизнинг қонимизнинг кимёвий таркиби ва фоизли нисбат у ерда, пастда умумий картотекада рўйхатга олинган. Кимдир Механик итнинг «хотира»сини у ёки бу таркибга, тўлиқ эмас, қисман, масалан, аминокислоталарга созлаб қўйган бўлса, нима дейсиз? Бу ҳозиргидек менга даф қилиши учун етарли.

— Бўлмағур гап! — деди брандмейстер.

— У феъли айниган дейиш мумкин-у, қутурган деб бўлмайди. Кимдир унинг хотирасини унга тегишим билан ириллаш даражасида созлаб қўйипти.

— Кимнинг эсига келибди дейсиз шундай; қилиш? — деди брандмейстер, — бу ерда душманларингиз йўқми, Гай?

— Билишимча, йўқ.

— Эртага механиклар итни текширишади.

— Бу менга биринчи марта ириллаши эмас, — давом этди Монтэг, — ўтган ойда ҳам икки марта шундай бўлувди.

— Эртага ҳаммасини текширамиз. Бу ҳақда ўйлашни миянгиздан чиқаринг.

Монтэг туйник ёнидан нари кетмади. У бехосдан уйининг даҳлизидаги вентиляция панжарасини, унинг орқасига яшириб қўйилган нарсани эслаб қолди. Кимдир бундан хабар топиб, итга «айтган» бўлса-чи?...

Брандмейстер Монтэгга яқинлашиб, савол назари билан унга қаради.

— Ит тунлари инига кириб олиб нима ҳақида ўйлашини тасаввур қилиб кўраман, — деди Монтэг, — одамга ташланганда унга жон кириши ростми? Бу, ҳатто қандайдир қўрқинчли.

— Ичига солиб қўйганимиздан бўлак ҳеч нарса ҳақида ўйламайди.

— Эҳ, аттанг, — секин гапирди Монтэг, — биз уига фақат бир нарсани таъқиб этиш, тутиш ва ўлдиришни сингдирар эканмиз. Қандай шармандалик, уни бошқа ҳеч нарсага ўргата олмасак!

Брандмейстер Битти нафратланиб пўнғиллади:

— Бу қанақанги сафсата! Бизнинг итимиз инсон заковати нима яратишга қодир эканлигининг ажойиб намунаси. У, нишонни ўзи топиб, бехато урадиган такомиллашган қурол.

— Ҳа, худди шундай. Биласизми, унинг навбатдаги ўлжаси бўлишни сира истамайман, - деди Монтэг.

— Нима учун бунчалик қайғурасиз? Виждонингиз тоза эмасми, Монтэг?

Монтэг ялт этиб брандмейстер Биттига қаради. У бўлса кўзларини узмай тикилиб қараб турарди, алҳол, брандмейстернинг лаблари қимирлаб ёйилиб, паст, деярли овоз чиқармай қаҳ-қаҳ отиб кулди.

Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти кун. У ҳар куни уйдан чиқиб, Кларисса қаердадир шу ерда, ёнгинасида эканлигини биларди. Бир марта унинг ёнғоқ дарахтини силкитаётганини, бошқа гал майсазорда хаворанг свитер тўқиб ўгирганини кўрди. Уч ёки тўрт марта уйининг зинапоясида кичкина кузги гуллар гулдастасини, қоғоз халтачага солинган бир ҳовуч каштанларни, бир варақ оқ қоғозга бетартиб қадаб кираверишдаги эшикка пистон тугма билан ёпштириб қўйилганини кўрди. Ҳар кеч Кларисса уни муюлишгача кузатиб кўярди. Бир кун ёмғирли, бошқаси очик, кейин жуда изғиринли, кетидан осойишта ва илиқ, булардан кейин эса ёз фасли қайтиб

келгандай кун иссиқ ва дим бўлди. Клариссанинг чеҳраси офтобда энгилгина қорайди.

— Нима учун менга сизни гўё анчадан бери биладигандек туюлди? — сўради у метрога киришга яқинлашганларида.

— Чунки сиз менга ёқасиз, — жавоб берди қиз, — ва сиздан менга ҳеч нарса керак эмас. Яна шунинг учунки, биз, бир-биримизни тушунамиз.

— Сиз билан бирга бўлганимда ўзимни қариб-қартайгандек сезаман. Сизга ота бўлишга ярайдиганга ўхшайман.

— Ростданми? Болаларни шунчалик яхши кўрар экансиз, нима учун мана менга ўхшаган қизингиз йўқ?

— Билмадим.

— Ҳазиллашяпсизми?

— Мен айтмоқчи эдимки... — у дудуқланиб қолиб, бошини чайқатди, — биласизми, хотиним... Хуллас, бир сўз билан айтганда, фарзанд кўришни истамади.

Қиз жиддийлашди.

— Кечирасиз. Тўғриси, мени калака қияпсиз деган хаёлга борибман. Эсим қурсин.

— Йўқ-йўқ! — хитоб қилди у, — сўраганингиз жуда яхши бўлди. Мендан кўпдан бери бу ҳақиа ҳеч ким сўрамасди. Ҳеч кимнинг сен билан иши йўқ... Сўраганингиз жуда яхши бўлди.

— Келинг, бошқа нарса ҳақида гаплашайлик. Қизиган барглардан ниманинг ҳиди келади, биласизми? Долчиннинг. Мана, ҳидлаб кўринг.

— Ростдана... Долчиннинг ҳидига жуда ўхшаб кетади. Қиз унга нур ёғилиб турган чарос кўзларини кўтариб қаради.

— Қандай қилиб ҳамиша ажабланасиз?

— Ҳолбуки мен авваллари ҳеч қачон сезмасдим... вақтим бўлмасди.

— Реклама ғовларини кўрдингизми? Ёдингиздами, мен сизга айтувдим.

— Кўрдим, — у беихтиёр кулиб юборди.

— Кулги сизга ярашаркан.

— Рост айтяпсизми?

— Ҳа. Анча эркин, табиий куляпсиз.

У анча енгил тортиб, ўзини яхши ҳис қилаётгандек бўлди.

— Нега мактабга бормайсиз? Ўқиш ўрнига уззукун ёлғиз ўзингиз айланиб юрасиз?

Мактабда менсиз зерикиб қолишмайди, — жавоб берди қиз, — уларнинг айтишларича, одамови эмишман, одамлар билан гўё чиқишолмас эмишман. Бунга сира тушуниб бўлмайди. Нега десангиз, аслида одамлар билан тез элакишиб кетаман. Ҳаммаси муносабатни қандай тушунишга боғлиқ. Менимча одамларга аралашин сиз билан менинг мана шундай суҳбат қуришимиз, — у боғдаги дарахт остидан топиб олган бир нечта каштанларни кафтига ташлади, — ёки дунёнинг ишларидан гаплашишимиздир. Одамнинг тафтини одам олади. Ҳаммани бир ерга ғуж қилиб тўплаб, ҳеч кимга сўз берилмаса, бу қанақа муносабат бўлди? Телевизордан машғулот, баскетбол, бейсбол ёки югуриш бўйича дарс, кейин тарих дарси — ниманидир кўчириб расмини соламиз, кейин яна спорт. Биласизми, мактабда ҳеч қачон саволлар бермаймиз. Кўпчилик шундай. Оғзимизга қум солиб ўтираверамиз, тарақлатиб жавобларни ёғдиришади, яна тўрт соатча ўтириб, ўқув фйльмини кўрамиз. Одамларнинг ўзаро алоқаси шу бўлдимиз? Юзлаб воронкаларга бошқа томонидан оқиб чиқиб кетиши учунгина тарнов бўйлаб сув қуядилар. Тагин бунинг вино эканлигига

инонтирмоқчи ҳам бўладилар. Кечга бориб чунонам чарчаймизки, ё таппа ташлаб ухлашимиз, ё томоша боққа кириб, у ерда сайр-томоша қилиб юрганларнинг қитиқ патига тегишимиз ёки махсус павильонда ойна синдиришимиз, ёхуд ҳалокатлар тирида пўлат коптоқлар билан автомашиналарни уриб ағдаришимиз мумкин. Яна автомобилга ўтириб, кўчаларда ғувиллатиб учуриб юрамиз, эшитган бўлсангиз: ким фонар столбаси ё бошқа машина ёнидан тез ўтиб кетиш ўйини бор. Ҳа, эҳтимол, улар ҳақдирлар, мен улар айтганча бордирман. Менинг дўстларим йўқ. Бу менинг гўё эси пастлигимни исбот қилармиш. Аммо тенгдошларимнинг ҳаммаси жинниларга ўхшаб бақириб-чақиривади, сакрашади ё бир-бировини дўппослашади. Одамлар ҳозир бир-бирларига қанчалик шафқатсиз эканликларини сезганмисиз?

— Сиз ёши қайтган аёлларга ўхшаб фикр юритасиз.

— Баъзан ўзимни қариб-чириган кампир хотиндек ҳис қиламан. Тенгдошларимдан кўрқаман. Улар бир-бирларини

ўлдиришади. Нахотки, доимо шундай бўлган бўлса? Амакимнинг айтишларича, бундай бўлмаган. Шу йилнинг ўзида тенгқурларимдан олти киши отиб ўлдирилди. Ўнтаси автомобил ҳалокатида нобуд бўлишди. Мен улардан кўрқаман, шунинг учун мени чиқиштирмайдилар. Амакимнинг айтишларича, уларнинг боболари болалар бир-бирларини ўлдирмайдиган даврларни эслар эканлар. Лекин бунга анча замонлар бўлган, у вақтларда ҳамма нарса бошқача бўлган экан.. Амаким у замонларда одамлар ҳар бир кишида масъулият ҳисси бўлиши керак деб ҳисоблаганлар дейдилар. Мақтанчоқликка йўймайсиз, менда бу ҳис бор. Нега десангиз, бунга кўп бўлган, ҳали кичкиналигимда яхшилаб савалаб адабимни берганлар. Рўзғорга керак ҳамма нарсаларни ўзим харид қиламан, уйни ўзим йиғиштираман.

Ҳаммасидан ҳам, ҳарнечук одамларни кузатишни яхши кўраман, — деди у, — гоҳо эрталабдан кечгача метрода юраман, одамларни кузатаман, гапларига қулоқ соламан. Улар ким, нима истайдилар, қаерга кетяптилар — билгим келади. Баъзида ҳатто томоша боғларида ҳам бўламан ёинки ярим тунда шаҳар чеккасида елдек учиб юрган кезларида ракетали автомобилларда сайр қиламан. Полициянинг иши йўқ, улар суғурта қилдириб қўйилган бўйса, бас. Чўнтагингда ўн минг долларга квитанциянг бўлса, демак, ҳаммаси жойида, ҳамма бахтли, ҳамма хурсанд. Метрода ё содали сув фавворачалари ёнида одамларнинг гапига қулоқ солиб нимага иқроп бўламан денг?

— Хўш?

— Одамлар ҳеч нарса ҳақида гапиришмайди.

— Бу қандай бўлдийкин?

— Ҳа-ҳа. Ҳеч нарса ҳақида. Автомобиллар маркаси, модалар, сузиш бассейнларининг номини аташади, холос ва ҳаммасига «Вой, қандай яхши» деб қўшиб қўйишади. Уларнинг ҳаммаси ҳадеб бир нарсани тасвирлаб айтадилар. Шақилдоқнинг ўзи дейсиз. Қаҳвахоналарда эса латифалар қутисини бураб, ўша сийқаси чиққан эски аскияларни эшитадилар ёки бўлмаса музыкали деворни улаб, унда рангли нақшларнинг жилваланишини томоша қиладилар. Буларнинг ҳаммаси маъносиз, рапглариинг оддий товланиши-ку. Расмлар талереяси-чи? Қачон бўлса ҳам расмлар галереясига кириб ўтганмисиз? Уларда ҳам ҳаммаси мазмунсиз. Ҳозир бошқачаси

бўлмайди ҳам. Бир замонларда, амаким шундай дейдилар, бошқача бўлган экан. Бир вақтлар расмлар нима ҳақидадир ҳикоя Қалган, уларда ҳатто одамлар тасвирланган экан.

— Ҳадеб амаким ундай дейдилар, амаким бундай дейдилар, деб гапирасиз. Амакингиз ажойиб инсон бўлсалар керак.

— Албатта, ажойиб инсон бўлганлар. Кечирасиз, менинг вақтим бўлди. Кўришгунча хайр, мистер Монтэг.

— Кўришгунча.

— Кўришгунча.

Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти кун. Ўт ўчириш станцияси.

— Монтэг, худди қушга ўхшаб устундан учиб чиқасиз.

Учинчи кун.

— Монтэг, бугун орқа эшиқдан кириб келдингиз. Ит яна сизни безовта қилиптими? — Йўқ-йўқ.

Тўртинчи кун.

— Монтэг, эшитдингизми? Менга фақат бугун айтишди. Сиэтлда битта ўт ўчирувчи атайлаб итни ўзининг кимёвий комплексига созлаб, инидан чиқазиб юборипти. Ўз-ўзини ўлдиришнинг усули ёмон эмас-а!

Бешинчи, олтинчи, еттинчи кун.

Кейин Кларисса ғойиб бўлди. Аввалига бу кун бошқасидан нима билан фарқ қилишини ҳатто тушунмади, асли сабаби Клариссанинг ҳеч қаерда кўринмаслиги эди. Майсазор бўм-бўш, дарахтлар қаққайган, кўчалар хувиллаб ётарди. Унга нима етишмаётганини фаҳмлаб олишидан, йўқотганини излашга тушишидан аввал юрагига гулгула тушди; метрога яқинлашганда долғали ваҳима ҳукмида эди. Нимадир содир бўлган, у кўниккан қандайдир тартиб бузилган эди. Тўғри, бу тартиб жуда оддий ва содда, бор-йўғи бир неча кун илгари жорий бўлган эди, гарчи шундай бўлса ҳам...

Сал бўлмаса орқага қайтмоқчи бўлди. Уйдан метрогача бўлган масофани яна бир марта босиб ўтсамикан? У яна бир марта ўтса, Кларисса уни қувиб етиб, ҳаммаси аввалгидек бўлишига ишонарди. Аммо вақт бўлиб қолган эди. Яқинлашиб келган поезд унинг иккиланишларига чек қўйди.

Қарталарнинг шитирлаши, қўлларнинг ҳаракати, кўз қовоғининг учиши, гапирувчи соатнинг ўт ўчириш станцияси навбатчилик хонаси

ишидан бир оҳангда маълумот бериши: «... тўртинчи ноябр, пайшанба, эрталаб соат биру ўттиз беш минут... биру ўттиз олти минут... биру ўттиз етти минут...» Қарталарнинг ифлос бўлган столга шапиллаб тегиши. Бир зумга бўлса ҳам ўзини ҳимоя қилишга уринган жуда нозик қовоқларини қаттиқ юмиб олганига қарамай, товушлар Монтэгга етиб келарди. Бироқ кўзлари юмиқ бўлса ҳам атрофидаги ҳамма нарсани — ялтиратиб артилган мис бронзани, лампаларнинг чарақлаши, ўг ўчириш станциясидаги жим-житликни аниқ сезарди. Стол устидаги олтин ва кумуш тангаларнинг ялтирашини ҳам кўриб тургандай эди. Ҳозир у кўрмаётган, ундан бир стол нарида ўтирма одамлар ўз қарталарига тикилиб хўрсинишган, нимадандир умидвор. «...Биру қирқ беш минут...» гапирувчи соат тонгнинг ўтиб бораётган тўнг дақиқаларига, ундан баттарин йилга аза тутганга ўхшарди.

— Сизга нима бўлди, Монтэг?

Қаердадир радио хирилларди:

«Ҳар дақиқада уруш эълон қилиниши мумкин. Мамлакат ўз... ҳимоя қилишга тайёр...».

Станция биноти зириллаб кетди: ракетали бомбардимончилар эскадриляси саҳармардондаги қора осмонни ғувиллаб кесиб ўтди. Монтэг меровланиб кўзларини пирпиратди. Битти унга музей экспонатидек разм солиб қарарди. Мана ҳозир ўридан туриб яқинлашади-да, Монтэгга қўлини теккизиб, унинг айбини, қийналишларининг сабабларини ошкор қилади. Айбини? Унинг айби нима экан?

— Юриш сиздан, Монтэг.

Монтэг рўпарасида ўтирма одамларга қаради. Уларнинг башараси минглаб ҳақиқий ва ўн минглаб хаёлдаги ёнғинлар оловида куйиб парт бўлган эди: уларнинг касб-кори афт-ангорини ғайритабиий қизил рангга бўяган, кўзларини яллиғлантирган эди. Улар хотиржам, ўзларининг доимий қора трубкаларини тутатиб, кўзларини қисмай ва ўчирмай платинали чақмоқтошларининг оловига қараб туришарди. Кўмирдай қора сочлари, қорақуя каби қоп-қора қошлари, кўкиш юзлари, силлиқ қирдирилган, аммо исқирт соч-соқоллари — буларнинг ҳаммаси авлоддан-авлодга ўтиб келган ҳунарнинг тамғаси, белгиси эди! Монтэг чўчиб тушди, оғзини очганча қотиб қолди — миясини ғалати фикр чулғаб олган эди. Сочлари, қошлари тимқора

бўлмаган, юзлари яллиғланиб қизармаган, кўкиш-кулранг соқол-мўйлови силлиқ қилиб кузакланмаган, шу билан бирга гўё анчадан бери сочига устара тегмаган ўт ўчирувчини қачон бўлмасин кўрганмиди? Бу одамлар икки томчи сувдек унинг ўзига айнан ўхшар эдилар! Нахотки ўт ўчириш командаларига одамларни фақат майлларига эмас, балки ташқи кўринишларига ҳам қараб танлаган бўлсалар? Уларнинг юзларида кул ва қоракуянинг рангидан бошқа ранг, тус бўлмасди. Улардан доимо ҳамма вақт тутаб турувчи трубкаларидан тарқаладиган куйинди иси анқиб турарди. Мана, тамаки тутунига бурканган брендмейстер Битти ўриндан туради. Тамакининг янги қутичасини олиб очади. Целлофан жилд чарс-чурс ёнган оловни эслатиб, чирсиллаб йиртилади.

Монтэг қўлида қисиб турган қарталарга кўз югуртиради.

— Мен... хаёл суриб кетибман. Ўтган ҳафтадаги ёнғинни, китобларини ёқиб юборган анави кишини эсладим. Уни нима қилдиларингиз?

— Жиннихонага жўнатдик. Телбага ўхшаб бақирарди.

— Ахир у жинни эмасийди-ку!

Битти индамай қарталарни чийлади. .

— Кимда-ким ҳукуматни ва бизни алдаш мумкин деб ўйласа, у ақлдан озган бўлади.

— Одамлар бундай вазиятда нимани ҳис қилишларини тасаввур қилишга уриндим, — деди Монтэг, — масалан ўт ўчирувчилар бизнинг уйимиз ва китобларимизни ёқа бошласалар нима қилардик?

— Бизларда китоб йўқ.

— Агар бўлганда-чи?

— Балки сизда бордир?

Битти қовоғини оҳиста кўтариб қараб, пастга туширди.

— Менда йўқ, — деди Монтэг ва стол ёнида ўтирган одамлар оша деворда осиглиқ машинкада босилган, ман этилган китоблар рўйхатига қаради. Бу китобларнинг номи унинг болтаси зарби остида йиллар ва асрлар тарихи кўкка совурилганда ёнғинда гур этиб ёниб кетар, қўлидаги шланг билан уларнинг устига керосин қуйилиб кулга айланарди-қоларди. — Менда йўқ, такрорлади у ва ўша заҳоти юзида салқин шабадани ҳис қилди. У яна уйининг даҳлизида турар ва таниш

вентеляцияли панжарадан чиқаётган совуқ ҳаво оқими юзига келиб уриларди. Яна боғда қари, жуда мункиллаб қолган киши билан суҳбатлашиб ўтирарди. Боғда ҳам салқин шамол эсарди...

Монтэг бир дақиқагина иккиланиб турди-да, кейин сўради:

— Ўт ўчириш станцияси ва бизнинг ишимиз ҳамиша... шундай бўлганми? Қачонлардир, бир замонларда.

— Қачонлардир, бир замонларда!... — ўшқирди Битти, — бу қанақа гап бўлди тагин?

«Каллаварам, нима деяпман ўзи, — ўйлади Монтэг, — ўз сиримни ўзим ошқора қияпман-ку». Охирги ёнғинда қўлига болалар эртаклари китобчаси тушиб қолган, унинг биринчи сатрини ўқиган эди

— Жуда қадим замонларда демоқчи эдим, — сўз қотди у, — уйлар ҳали ёнмайдиган бўлишидан илгари... — бирдан унга бу сўзларни ўзи айтмаётгандай туюлди: бошқа кимнингдир, ёшроқ одамнинг овозини эшитди. У фақат оғзини очар, унинг ўрнига Кларисса Маклеллан гапирарди, — ўшанда ўт ўчирувчилар олов ёқиш ўрнига ёнғинни ўчиришмасмиди?

— Оббо сен-эй, топган гапини қаранглар! — Стоунмен ва Блэк худди буйруқ берилгандай чўнтақларидан низомлар китобчаларини шартта чиқариб, Монтэгнинг олдига қўйишди. Уларда қоидалардан ташқари, Америка ўт ўчириш командалари тарихи қисқача баён қилинган, ҳозир китобчаларнинг Монтэгга яхши таниш бўлган саҳифалари очиб қўйилган эди.

«Колонияларда инглиз руҳидаги адабиётларни ёқиш учун 1790 йилда асос солинган. Биринчи ўт ўчирувчи-Бенжамин Франклин.

Қоида:

1. Хатар сигнали бўйича дарҳол йўлга чиқ.
2. Тезкорлик билан олов ёқ.
3. Ҳамма нарсани учқуни ҳам қолмагунча ёндир.
4. Вазифани бажариб, ўша заҳоти ўт ўчириш станциясига қайт.
5. Янги хатар сигналларига шай бўлиб тур».

Ҳамма Монтэгдан кўзини узмай қараб турарди. У пинагини бузмади.

Иттифоқо, хатар сигнали чалиниб, ҳаммаёқни хатар сигнали овози тутиб кетди. Навбатчилик хонасининг шипидаги қўнғироқ икки юзта зарби билан бонг ура бошлади. Тўртта стул куз очиб-юмгунча бўшади-қолди. Қарталар, қор учқунига ўхшаб, полга ёйилиб учиб тушди. Мис устун лопиллаб кетди. Одамлар кўздан ғойиб бўлишди. Монтэг ҳамон ўз жойида ўтирарди. Пастда тўқсариқ аждархога жон кириб пишқирди.

Монтэг дик этиб стулдан турди-да, туш кўраётгандек, устун бўйлаб пастта отилди.

Механик ит инида сапчиб турди, кўзлари яшил олов сочиб чақнади.

— Монтэг, қалпоғингизни унутиб қолдирдингиз!

Монтэг девордай қалпоғини юлиб олиб, югурди. Зинага сакраб чиқиши билан машина ғизиллаб учиб кетди.

Тун шамоли ҳар тарафга ғувиллаган сирена овози ва металл гулдурашини тарқатди.

Бу эски даҳалардан биридаги тўкилиб турган уч қаватлик уй эди. Бу ерда, чамаси, юз йиддан кам турмаган бўлса керак. Шаҳардаги ҳамма уйлар каби ўз вақтида ўтга чидамли бирикманинг юпқа қатлами билан қопланган, фақат мана шу нозик эҳтиёт қилувчи пўст уни бутунлай вайрон бўлишдан сақлаб турганга ўхшарди.

— Келдик!...

Мотор яна бир марта пишқириб учди. Ўзларининг қалин, ўтга бардошли комбинезонларида тасқара ва бесўнақай Битти, Стоунмен ва Блэк уй томон югуриб кетишарди. Монтэг уларнинг орқасидан чошиб кетди.

Улар уйга бостириб киришди. Қочишга ёки яширинишга ҳаракат ҳам қилмаётган аёлни тутиб олдилар. У, қаршисидаги сидирға деворга қараб, биров бошига уриб карахт қилгандек тебраниб турарди. Лаблари унсиз қимирлар, кўзларида шундай ифода бор эдики, гўё ниманидир эсламоқчи бўлиб уринар, аммо эслолмас эди. Ниҳоят эслади, лаблари титраб кетди;

— «Мард бўлинг, Ридли. Худонинг марҳамати билан бугун Англия да шундай шам ёқамизки, имоним комил, уни ҳеч қачон ўчира олмайдилар».

— Бас қил! — буюрди Битти, — қаерга яширгансан?

У фавқулодда ақл бовар қилмайдиган лоқайдлик билан аёлнинг юзига шапалоқ уриб саволини такрорлади. Кекса аёл Биттининг кўзларига тик қараб боқди.

— Улар қаердалигини мендан яхши биласиз, бўлмаса бу ерда қорангизни кўрмаган бўлардим, — сўз қотди у.

Стоунмен кичик варақага ёзилган телефонограммани узатди,

«Элм Сити кўчасидаги 11-уйнинг чордоғини гумон қилишга асослар бор». Пастда имзо ўрнида «Э.Б.» исми ва отасининг исми бош ҳарфлари турарди.

— Бу қўшним миссис Блэйк бўлиши керак, - деди аёл бош ҳарфларга қараб.

— Бўпти йигитлар. қани бошладик!

Ўт ўчирувчилар зум ўтмаёқ намиққан, ним қоронғи бўм-бўш хоналарда ялтираган кичик болталарини силкитиб зинапоя бўйлаб югуришар, ғавғо кўтарган бир тўп болалардек бақириб-чақиршиб, бир-бирларига урилишиб, қулф солинмаган эшикларни бузардилар.

— Ҳай! Ҳай!

Монтэг юраги нотинч уриб, бутун вужудини қалтироқ босиб, тик зинапоя орқали юқорига кўтарилаётганда устига бир тўп китоб ағдарилиб тушди. Чакки бўлди! Илгари ҳамиша силлиқ, шамнинг сўхтасини тозалагандай кўчарди. Биринчи бўлиб полициячилар келишар, қурбоннинг оғзига ёпишқоқ пластир тортишар, ост-қўлини боғлаб ўзларининг ялтироқ кўнғиз автомобилларида қаёққадир олиб кетишарди. Ўт ўчирувчилар етиб келганда уйда ҳеч ким бўлмасди. Улар ҳеч қимни чирқиллатмас, фақат нарсаларни тилка-пора қилишарди. Буюмлар оғриқни сезмайди, манави хотинга ўхшаб бақирмайди ҳам. Кейин виждонинг ҳам қийналмайди. Оддий йиғиштириш, қоровулнинг юмушидай гап. Ҳаммаси тартиб билан тезда бажарилади! Керосин бу ёққа! Гугурт кимда?

Бугун кимдир хато қилган эди. Аёл уйида қолиб ҳамма иш тартибини бузиб юборган эди. Шунинг учун ҳамма аёлнинг даҳшатга солувчи гунг танасини бўғиш мақсадида кўпроқ шовқин солишга, баланд овоз билан гапиришга, ҳазил-мутойиба қилиб қаҳ-қаҳлашга ҳаракат қиларди. Аёл яланг деворларни ғазабдан фарёд қилишга, хоналарда елиб-югураётган одамларнинг бурунларига кирувчи, қалбларида доғ қолдирувчи гуноҳ чангини бурқситишга мажбур этаётгандек туюларди... Тартибсизлик бу! Нотўғри! Монтэг ўз-ўзидан жаҳли чиқиб кетди. Ҳаммасининг устига унга мана шу етмай турувди! Аёл бу ерда бўлмаслиги керак эди!

Китоблар Монтэгнинг елкалари ва қўлларига, юқорига қараганда эса юзига сирпалиб тушарди. Мана, битта китоб оқ кабутардек, қанотларини дириллатиб, итоаткорона тўғри қўлларига келиб тушди.

Хира, нотекис ёруғликда унинг очик саҳифаси сўзлар нақшлаб ёзилган оппоқ пат каби йилт-йилт этиб кўринди. Монтэг ишдаги шошқалоқлик ва ҳовлиқиш билан овора бўлиб унга бир сония назар ташлади. Кўзи тушган сатрлар миясини олов бўлиб куйдирди, қиздирилган темир билан куйдириб тамға солгандек унда маҳкам ўрнашиб қолди. «Вақт пешинги қуёш остида ҳолсизликдан мудраётганга ўхшарди». У китобни полга тушириб юборди. Ўша ондаёқ бошқаси қўлига келиб тушди.

— Ҳай, пастда ким бор? Монтэг! Буёққа! Монтэгнинг қўллари ўз-ўзидан китобни сиқиб олди. Ўзини унутиб, ҳеч нарсани ўйламасдан, телбаларча уни кўкрагига босди. Унинг боши узра, чордоқда ўт ўчирувчилар чанг тўзғитиб, даста-даста журналларни титиб пастга улоқтиришарди. Журналлар отиб туширилган қушлар каби пастга учар, аёл эса қизчага ўхшаб ўртада қотиб турарди.

Йўқ, у, Монтэг, ҳеч нима қилгани йўқ. Ҳаммасини унинг қўллари бажарди. Қўлининг ўз мияси, ўз виждони, титраб турган ҳар бир бармоғининг синчковлиги бор эди. Мана шу қўли бир пастда ўғрига айланди. Мана китобни пинжигга тиқиб терлаган баданига маҳкам босди ва лип этиб у ердан қуруқ сирғалиб чиқди... унинг чаққонлиги олдида кўз бойлагич ҳам ип эшолмайди! Марҳамат, қаранглар! Туя кўрдингми йўқ!

У ҳайратдан ўзининг оппоқ қўлини узоқни равшанроқ, кўрадиган кишидек гоҳ нарироқ суриб, кўр кишидек гоҳ юзига яқинлаштириб синчиклаб кўрарди.

— Монтэг!

У сесканиб қайрилиб қаради.

— У ерда нима қилиб қаққайиб турибсиз? Овсар! Наритуринг! Китоблар худди янги тутилган баликларни тузлаш учун қирғоққа тўплаб қўйгандек уйилиб ётарди. Ўт ўчирувчилар уларнинг устидан сакраб ўтишар, сирпаниб йиқилишарди. Китобларнинг нақшли зарҳал номлари ярқ этиб кўзга ташланар, пастга қараб учар, сўнарди...

— Керосин!

Насосларни улашди. 451 рақами битилган баклардан муздай керосин оқими отилиб чиқди. Ҳар бир ўт ўчирувчининг елкасига ана шундай бак маҳкамлаб қўйилган эди. Улар ҳар бир китобга керосин

қуйишди, ҳамма хоналарга керосин сепиб чиқишди. Кейин шошапиша зинапоядан пастга тушишди. Монтэг керосин буғланишидан нафаси тиқилиб, қоқилиб-суқилиб орқада келарди.

— Ташқарига чиқинг! — аёлга қичқиришди улар, — тезроқ!

У тиз чўкиб ёйиб ташланган китоблар орасида турар, уларнинг керосин қуйилган муқоваларини бармоқлари билан силаб-сийпалар, босма нақшли сарлавҳаларини пайпаслаб кўрар, кўзлари эса ғазабнок таъна билан Монтэгга тикилган эди.

— Китобларимнинг биронтаси ҳам сизларга тегмайди, — деди у ниҳоят.

— Қонун сизга маълум, — жавоб берди Битти, — ақл гидрокингиз қаерда қолди? Бу китобларда ҳаммаси бири иккинчисига зид. Ҳақиқий Вавилон минораси! Шунча йиллардан буён унинг ичида бекиниб ўтиргансиз. Буларнинг ҳаммасини ташлаб эркинликка чиқинг. Буларда ёзилган одамлар ҳеч қачон бўлишмаган. Қани, юринг!

— Аёл рад этиб бошини чайқади.

— Ҳозир бутун уй ёнади, — деди Битти. Ўт ўчирувчилар лапанглаб ташқарига чиқа бошлашди. Улар ҳамон аёлнинг ёнида турган Монтэгга ўгирилиб қарадилар.

— Уни бу ерда қолдириб кетиб бўлмайди-ку! — ғазаб билан қичқирди Монтэг.

— Ў кётишни истамаяпти.

— Уни мажбур қилиш керак!

Битти чақмоқтош ушлаган қўлини кўтарди.

— Биз ўт ўчириш станциясига қайтишимиз керак. Бу мутаассиблар бўлса, ҳамиша ўзини-ўзи ўлдиришга уринади. Бу ҳаммага маълум.

Монтэг аёлнинг билагидан тутди.

— Юринг мен билан.

— Йўқ, — деди у, — сизга ташаккур!

— Ўнгача санайман! — дўқ урди Битти. — Бир, икки, ...

— Сиздан илтимос қиламан, — сўзлади Монтэг аёлга мурожаат қилиб.

— Кетинг, — жавоб қилди аёл.

— Уч. Тўрт...

— Илтимос қиламан! — Монтэг аёлни орқасидан тортмоқчи бўлди.

— Мен шу ерда қоламан, хотиржам жавоб берди аёл.

— Беш. Олти... — санарди Битти.

У ёғини санамай қўяқолинг, — деди аёл ва бармоқларини ёзди, унинг кафтида калтагина, ингичка чўп кўринди.

Оддий гугурт чўпи.

Ўт ўчирувчилар унга кўзлари тушиб, орқа-ўнгларига қарамай жонларини ҳовучлаб уйдан қочдилар. Брандмейстер Битти ўз қадрини ерга урмасликка ҳаракат қилиб, аста орқага тисарилди. Унинг қип-қизил юзи минглаб ёнғинлар ва тунги хатарлар нури билан ялтираб турарди.

«Эҳ, худойим, бу рост-ку! — ўйлади Монтэг, — хатар сигналлари ҳеч қачон кундузи эмас, фақат тунда бўлади-ку. Нега? Наҳотки ёнғин тунда чиройли, таъсирчан манзара бўлгани учунгина шундай бўлса?».

Эшик олдида ҳаяллаб қолган Биттининг қизил юзида қўрқув аломати кўринди. Аёлнинг қўли гугуртни қисарди. Ҳаво керосин буғи билан қопланган эди. Монтэгнинг қўлтиғида яширилган китоб қимирла, гупиллаб уриб турган юрак каби кўкрагига қараб суриларди.

— Ҳамманглар кетинглар, — деди аёл. Монтэг Биттининг орқасидан эшикка, кейин зинапоядан пастга, ундан нарига, яна узоқроққа, улкан чувалчанг изига ўхшаб қора керосин чизиғи ўтган майсазорга қараб тисарилаётганини ҳис қилди. Аёл уларнинг орқасидан борарди. У, зинапояга чиқиб тўхтади-да, уларга узоқ, бамайлихотир кўз ташлади. Сукут сақтаб, уларни айбларди.

Битти чақмоқтошни шиқ этиб босди.

Аммо кечиккан эди у. Монтэг даҳшатдан қотиб қолди. Зинапояда турган аёл уларга нафрат тўла нигоҳ ташлаб, гугуртни зинапоя панжарасига чақиб ёндириб юборди.

Одамлар уйларида қўчага югуриб чиқишди.

Орқага индамасдан, бир-бирларига қарамасдан қайтишарди. Монтэг олдинда Битти ва Блэйк билан бирга ўтирарди. Ҳатто трубка ҳам чекишмас, фақат сўзлашмай олдинга, йўлга қарашарди. Қудратли Самандар чорраҳаларда кескин бурилиб олдинга қараб учарди.

— Ридли, — деди ниҳоят Монтэг.

Нима? — сўради Битти.

— Дёл «Ридли» деди. Уйда ичкари кирганимизда нимадир қизиқ гап айтди мард бўлинг, Ридди.

— Тангрининг марҳамати билан бугун Англияда шундай шам ёқайликки, имоним комил, уни ҳеч қачон ўчира олмайдилар, — гулдиради Битти.

Стоунмен ва Монтэг брандмейстерга ҳайратланиб қарашди.

Битти хомуш иягини ишқади.

— Буни Латимер исмли киши бидъатлари учун бир минг беш юз эллик бешинчи йил ўн олтинчи октябрда Оксфордда тириклайин гулханда куйдиришаётганда Николас Ридли деган кишига айтган.

Монтэг ва Стоунмен машина ғилдираклари остида ора-чора кўзга ташланаётган тош йўлга қарадилар.

— Иқтибос, турли нарсаларни хўп қулоғимга қуйишган, — деди Битти, — брандмейстерларда бу кўп учрайди. Гоҳида ўзим ҳайрон қоламан. Кўп эснаманг, Стоунмен!

Стоунмен тормозларни босди.

— Оббо! — қичқирди Битти, — бурилиш жойимиздан ўтиб кетибмизу.

— Ким у?

— Мендан бошқа ким бўларди? — қоронғидан жавоб берди Монтэг. У ётоқхона эшигини ёпиб қўйди ва кесакига ҳорғин суянди.

Бироз паузадан кейин хотини деди:

— Чироқни ёқ.

— Менга чироқ керакмас.

— Унда ётиб ухла.

Хотини норози бўлиб, ўрнида ағанай бошлаганини эшитди, тўшакнинг пружиналари нола қилгандай ғижирлаб кетди.

— Мастмисан? — сўради хотини.

Хўш, демак, бу қандай содир бўлди? Ҳаммасига унинг қўли айбдор. Унинг қўллари — аввал бири, кейин бошқаси тугмасига чўзилди, курткасини елкасидан тушириб, полга ташлаганини ҳис қилди. Ечган шими қўлларида осилиб қолди, уларни чуқурга ташлаб юборгандай бепарволик билан қоронғида қўлидан тушириб юборди.

Панжалари юқумли касал билан зарарланган мараз ҳадемай юқорига, тирсагига чиқади, елкаларигача етади, учқун каби бир курагидан иккинчисига ўтади. Унинг қўллари мечкай очкўзлик билан

қамраб олинган. Эндиликда бу очкўзлик кўзларига ҳам ўтган, унинг қарагиси, ҳамма нарсага қарагиси келарди.

— Нима қиляпсан ивирсиб? — сўради хотини.

У қоронғида гандираклаб. тердан совуқ ва нам қўллари билан китобни сиқиб ушлаб турарди.

— Хўш, ўртада қаққайиб тураверасанми?

Унинг кўкрагидан қандайдир мужмал товуш отилиб чиқди.

— Бир нарса дедингми? — сўради хотини.

Яна ноаниқ товуш лабларидан учди. Қоқилиб, пайпаслаб каравотига етиб олди-да, китобни ўнғайсизлик билан муздай ёстик остига тиқиб, бутун оғирлиги билан ўрнига ағанади. Хотини қўрқиб қичқириб юборди. Аммо унга, хотини қайдадир узоқда, хонанинг нариги бурчагида ётгандек, ўз ўрни эса чўлга ўхшаган денгиз ўртасидаги муз оролга ўхшаб кўринди. Хотини унга нимадир деди, гоҳ бирнарса, гоҳ бошқа нарса ҳақида узоқ гапирди, бироқ булар унга бирбирига алоқаси йўқ, маъносиз сўзлар эди, холос. Бир куни ошнасанинг уйида худди шундай ғудирлаб икки ёшли бола қулоққа ҳуш-ёқадиган, лекин ҳеч нарса билдирмайдиган товушлар чиқариб, ўзининг қандайдир болаларча сўзларини талаффуз қилганини эшитганди.

Монтэгдан садо чиқмасди. У яна ғудирлаб ихраганидан кейин Милдред туриб, бошига келди. Энгашиб юзларига қўлини босди. Қўлини олганда Монтэг кафти нам бўлганини билди.

...Кейинроқ тунда Милдредга назар солиб қаради. У бедор ётарди. Ҳавода паст эшитилаётган куй янграрди. Милдред қулоқларига яна «Чиғаноқлар»ини тақиб олган, яна, узоқ мамлакатлардан олис овозларни тингларди. У кўзларини бақрайтириб шипга, тепасида муаллақ турган қоронғиликка қараб ётарди.

У телефонда гаплашишдан сира бўшамайдиган, бугун тушликка нима тайёрланганини билмоқчи бўлган эри яқин ўртадаги автоматга югуриб бориб унга ўша ердан қўнғироқ қилишга мажбур бўлган сийқа латифани эслади. Тунлари хотини билан гаплашиш, қулоғига шивирлаш, бақирриш, бўкириш, шовқин солиш учун у ҳам «Чиғаноқ» тизимидаги ихчам узатгич сотиб олсамикан? Лекин нимани шивирлайди? Нима ҳақида шовқин солади? Унга нима дейди?

Шу пайт хотини кўзига шу қадар бегона кўриниб кетдики, гўё уни илгари ҳеч қачон кўрмагандек. У, шундай адашиб, латифадаги кишидек маст ҳолда тунда қайтаётиб кимнингдир уйига кириб қолгану, бировнинг эшигини очиб, ёт уйга кириб, бегона хотин билан бир тўшакда ётиб, эрта тонгда туриб ишга кетгандай, у ҳам, хотин ҳам ҳеч нарсани сезишмагандай...

- Милли! — шивирлади у.
- Нима бўлди?
- Кўркма, фақат бир нарсани сўрамоқчи эдим...
- Нимани?

— Биз биринчи марта қачон, қаерда учрашгандик?

— Нима учун учрашганмиз? — сўради хотини.

— Йўқ! Биринчи учрашувимизни айтаяпман.

У, хотини шу топда қоронғиликда норози бўлиб қош-қовоғини уйишини биларди.

У тушунтира кетди.

— Хўш, бир-бировимизни қачон кўрганмиз демоқчиман.

Қаерда,

қачон кўришувдик?

— Бу... — хотини дудуқланди, — ёдимда йўқ.

Унинг аъзойи бадани музлаб кетгандай бўлди.

— Наҳотки эслолмасанг?

— Эҳ-ҳе, бунга қанча замон бўлди.

— Ўн йил аввал. Атиги ўн йил!

— Нега бунчалик хафа бўласан? Эслашга ҳаракат қиляпман-ку, — хотини ғайритабиий, чинқириб юборгандай кулди, — жуда кулгилик-а! Эринг билан биринчи марта қаерда учрашганингни унутсанг... Эринг ҳам хотини билан қаерда учрашганини унутган бўлса...

У, қовоқлари, манглайи ва гарданини қўли билан оҳиста ишқаб ётарди.

Кафти билан кўзларини беркитиб хотирасини жойига, ичкарига суриб киргизмоқчи бўлгандай бармоғини босди. Нимагадир ҳозир Милдред билан илк марта қаерда учрашганлигини эслаш дунёда энг муҳим нарса эди.

— Бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ-ку, — хотини ўрнидан туриб, ваннахонага кирганга ўхшарди. Монтэг крандан оқаётган сувнинг шилдираши, култ-култ овозни эшитди. Хотини таблеткаларни сув билан ичарди.

— Ҳа балки, аҳамияти йўқдир, — деди у.

Монтэг хотини нечта дори ютганини санамоқчи бўлди ва ўша юпқа лаблари орасига сигарета қистириб олган рухли бўёқ каби кўкиштоб-оқ юзли икки киши ҳамда пастда йиғилиб қолган суюқликка қараб ҳеч нарса. кўринмайдиган ичкарига буралиб-буралиб кирувчи электрон кўзли илон унинг хотирасига келди. Милдредни қичқириб тўхтатмоқчи ва сўрамоқчи бўлди. «Ҳозир қанча дори

ютдинг? Яна қанчасини ютиб, кейин ўзинг ҳисобига етолмай ўтирасан?» Ҳозир бўлмаса, кейинроқ, шу тунда бўлмаса, кейингисида қанчасини ютиб юборасан... Мен бўлсам, бу кеча, эрта кечаси, кўп тунлар ҳозиргидай мижжа қоқмай чиқаман. У, ўша тундаги ҳамма нарсани хотинининг ўрнида қимирламай чил-парчин бўлиб ётганини, дардини енгиллатиш учун тепасида парвона бўлиш ўрнига ёнида гўдайиб қўл қовуштириб турган бепарво ва совуқмижоз икки санитарни эслади. Уша тунда хотинининг тўшаги ёнида, мабодо у ўлиб-нетиб қолса, мижжасидан бир томчи ёш чиқмаслигини пайқади. Наинки бу унинг учун юзини ғира-шира кўчадами, газетадаги суратдами кўрган бегона одамнинг оламдан ўтишйдай бўлади. Бу шундай даҳшатли туюлдики, кўзлари жикқа. ёшга тўлди. У, Милдреднинг ўлиб қолиши мумкинлигидан эмас, балки унинг ўлимига ўксинмаслигидан юм-юм йиғларди. Тентак, хароб бўлган одам ва ёнида тентак, тубан, унинг кўз ўнгида электрон кўзли ютоққан илон баттар хароб қилган аёл...

«Бу тубанлик қаердан пайдо бўлди?» — сўради у ўзидан, — нима учун сендаги бор нарсаларнинг ҳаммаси йўқолиб, фақат бўшлиқнинг ўзи қолди? Ҳа айтгандай, яна гулу момоқаймоқ! У якун ясади. «Эссиз, эссиз! Сиз ҳеч кимни севмайсиз. «Нима учун ҳеч кимни севмайди?»»

Нафсиламрини айтганда, бундоқ чуқур ўйлаб кўрилса, у билан Милдредни қалин девор ажратиб турарди, ўрталарида Битти эмас, бунинг устига, қимматга тушган учта девор турарди. Деворларда яшовчи бу ҳамма амакижон, холажон, холавачча, тоғавачча, қиз жиян, ўғил жиянлар қачон қарасанг бир-бирига алоқаси йўқ, маъносиз нарсаларни баланд, баланд, баланд овозда чуғурлаб бидирлайдиган вайсақи маймунларнинг ўзгинаси эди! У, аввал бошдан уларга «қариндошлар» деб ном берган: «Льюис амаким яхшимилар?», «Мод ҳолам тузукмилар?»

У, Милдред ҳақида ўйлаганида хаёлида кўпроқ қандай образ гавдаланар эди? Ўрмонда, бу ўрмонда фақат қанча қизик бўлмасин, дарахтлар кўринмасди, йўқолиб қолган қизга ёки аниқроғи саҳрода қачонлардир дов-дарахтлар ўсганидан далолат бериб унда-бунда ниш урган новдалар кўринарди адашган қизга, оддийроқ қилиб айтганда ўзининг «гапирувчи» меҳмонхонасидаги Милдред кўз олдида келарди.

Гапирувчи меҳмонхона. Жуда топиб айтилган гап! У ерга қачон кирмасин, деворлар Милдред билан гаплашаётган бўлади.

«Нимадир қилиш керак!»

«Ҳа, ҳа, бу зарур!»

Нима учун турибмиз ва ҳеч Нима қилмаяпмиз?»

«Қани бошладик!»

«Шундай жаҳлим чиққанки, тупуриб юбораман!»

Улар нима ҳақида гапиришади? Милдред буни тушунтириб беролмасди. Ким кимга аччиқ қилади? Милдред буни билмасди.

Улар нима қилишмоқчи? «Бироз сабр қил, ўзинг кўрасан», -деди Милдред.

У ўтириб, кута бошлади.

Деворлардан унга турли товушлар шиддат билан ёғилди. Музыка шундай бомбардимон қилдики, худди суяк пайларини узиб юборгандек, жағларини қайириб ташлагандай, кўз соққалари косасида бамисоли коптокдай юмалаб кетганга ўхшади. Қандайдир Контузиями дейсиз. Бу тугагандан кейин эса ўзини қоя устидан ташлаб юборилган, центрифуга тезлигида ҳавода айлантириб, шаршарага улоқтириб юборилган кишидек ҳис қилди. Учиб кетаётгандай, бўшлиқ сари учаётгандай унинг туби кўринмайди, тезлик шундайки, деворларга урилмайсан... Фақат пастга... пастга... атрофингда ҳеч нарса кўринмайди...

Бўм-бўш...

Гуриллаган овоз пасаяди. Мусиқа тинади.

— Хўш, қандай? — гапирарди Милдред. — ҳайратда қолдирадиган-а?

Ҳа, дарҳақиқат, донг қотирадиган эди бу. Девордаги одамлар шу вақт ичида жойларидан жилмасалар-да, уларнинг ўртасида ҳеч нарса содир бўлмаса-да, нимадир рўй берди. Аммо сизни кир ювиш машинаси орасидан ўтказгандай ёки улкан чангютгич бўлган сўргандай таассурот қоларди. Сиз мусиқадан, товушлар аралашмасидан жонингиз нақ ҳалқумингизга келарди.

Монтэг жикқа терга ботиб, хушдан кетгудай бўлиб меҳмонхонадан қочиб чиқди. Милдред креслосидан қўзғалмай қолди. Монтэгнинг орқасидан яна «қариндошлар»нинг овози қулоққа чалинарди.

«Энди ҳаммаси яхши бўлади», — гапирарди холалардан бири.
«Ҳали бир нарса деб бўлмайди», — жавоб берарди жиянлардан бири.

«Илтимос, жаҳлинг чиқмасин».

«Кимнинг жаҳли чиқибди?»

«Сенинг».

«Менинг?»

«Ҳа. Ҳақиқатан ғазабланиб турибсан».

«Нега шундай деб ўйлайсан?»

«Чунки»...

— Хўп, яхши! — бақирарди Монтэг. — Аммо уларнинг жанжали нима боисдан? Улар ким ўзи? Бу эркак киму, бу хотин ким? Улар эр-хотинми? Куёв-келинми? Ажралишганми? Унаштирилганми? Ё худойим, ҳеч нарсага тушуниб бўлмайди!...

— Улар... — бошлади Милдред, — нима десам экан, улар... умуман улар аразлашиб қолишган. Тез-тез жанжаллашиб туришади. Уларнинг жанжалини эшитсанг эди!... Ҳа, улар эр-хотин бўлишса керак. Ҳа, ҳа, эр-хотинлиги аниқ. Нимаиди?

Агар мана шу меҳмонхона, учта гапирувчи, Милдред орзу Қилганидек тўртинчиси қўшилиши керак бўлган учта девор бўлмаса, унда бу қўнғиз — Милдред соатига юз миля тезликда ҳайдаётган очик машина эди. Улар шаҳар бўйлаб ғувиллаб учишар, у хотинига қичқирар, хотини унга қичқириб жавоб қайтарар, икковлари ҳам моторнинг ғувиллашидан бўлак ҳеч нарсани эшитишмасди. «Минимумгача! Эллик бешгача! Тезликни пасайтир!» — «Нима?» — эшитолмай сўрарди хотини бор овоз билан. «Тезлик!» жони ҳалқумига келиб бақирарди у. Хотини тезликни камайтириш ўрнига уни соатига бир юз беш миляга оширди, унинг нафаси тикилди.

Улар машинадан тушаётганларида Милдред яна қулоқларига «Чиғаноқларни» илиб олган эди.

Жим-житлик. Фақат дераза ортида шамол оҳиста ғувиллайди.

— Милдред! — у ўрнида ёнбошига ағанади. Қўлларини узатиб, Милдреднинг қулоқларидан мусиқали асаларини тортиб олди. Милдред! Милдред!

— Ҳа, — қоронгиликдан хотинининг овози зўрға эшитиларди.

Унга у ҳам телевизорли деворларнинг ойнали тўсиқлари орасида яшовчи ажиб жонзотлардан бирига айланиб қолгандек тус олди. У гапирар, аммо овози тиниқ, тўсиқдан ўтмасди. У фақат Милдредга қайрилиб қараб, уни кўришга умид боғлаб, имо-ишора, мимика орқали сўзлаша оларди. Ойна тўсиқ уларни ажратиб қўйган эди.

— Милдред, ёдингдами, сенга бир қиз ҳақида гапирувдим?

— Қанақа қиз? — уйқусираб сўради у.

— Қўшни уйдаги қизни сўраяпман.

— Қўшни уйдаги қайси қиз?

— Мактабда ўқийдигани бор-ку, исми Кларисса.

— Ҳа, уми, — жавоб берди Хотини.

— Бир неча кундан буён ҳеч қаерда кўринмаяпти. Аниқ қилиб айтганда тўрт кун бўлди. Сен кўрмадингми уни?

— Йўқ.

— У ҳақида сенга ҳикоя қилиб бермоқчи эдим. Жуда ғалати қиз.

— Бўлди! Ким ҳақида гапираётганингни билдим.

— Мен ҳам уни биласан деб ўйлардим.

— У — қоронғиликда Милдреднинг овози эшитилди.

— Унга нима бўлган? — сўради Монтэг.

— Сенга айтаман деб унутибман. Унутибман...

— Ҳозир айтақол. Нимани айтмоқчи эдинг?

— Аллақачондан бери йўқ, шеқилли.

— Қандай қилиб йўқ?

— Бутун оила аъзолари қаёққадир кўчиб кетди. У бўлса йўқ.

Эҳтимол, ўлган бўлса керак.

— Сен балки уни ким биландир адаштираётгандирсан?

— Йўқ. Ўшани айтаяпман. Маклеллан. Номи Маклеллан. Уни автомобил босиб кетган. Тўрт кун бурун. Аниқ айтолмайман-у, ўлганга ўхшайди. Ҳарҳолда оиласи бу ердан кўчиб кётди. Аниқ билмайман.

Аммо ўлган кўринади.

— Бунга аминмисан?

— Йўқ, амин эмасман. Шундай бўлса ҳам...

— Нега олдинроқ менга айтмадинг?

— Унутибман.

— Тўрт кун бўлибди-я!

- Мутлақо ёдимдан кўтарилибди.
- Тўрт кун, — паст овоз билан яна бир марта такрорлади у. Улар қимир этмай қоронғи хонада ётишарди.
- Хайрли тун, — деди ниҳоят хотини.

Қулоғига енгил шитирлаган овоз эшитилди, Милдред ёстиғининг остини тимирскиларди. Радиотиқин қўли остида жонли ҳашарот каби қимирлади, мана, Милдреднинг қулоқларида яна ғинғиллаяпти.

У диққат билан қулоқ солди. Хотини оҳиста хиргойи қиларди.

Дераза ортида лип этиб соя кўринди. Куз шамоли шовуллаб тинди. Аммо тун сукунатида Монтэгнинг қулоқлари яна аллақандай товушни ҳам илғади: ниманингдир нафаси ойнага теккандай бўлди. Худди кўкиш қоронғида ялтираб турувчи тутунга ўхшаш бир нарса ёки шамол учирган кузги япроқ майсазор устидан ўтиб, ғойиб бўлгандек туюлди. «Механик кўппак, — ўйлади Монтэг, — бугун кўйиб юборилган. Уй атрофида изғиб юрибди... Деразани очсаммикан?...»

Деразаларни очмади у.

Эрталаб бадани увишиб, кейин иссиғи кўтарилди.

— Бетобмисан? — сўради Милдред, — бўлиши мумкин эмас!

У шамоллаб қизарган кўзларини юмди.

— Ҳа, мазам йўқ.

— Қеча кечқурун соппа-соғ эдинг-ку!

— Йўқ, кечанинг ўзида бетоб эдим, — у меҳмонхонада «қариндош»ларнинг шовқин солишаётганини эшитди.

Милдред унга қизиқсиниб разм солиб тепасида турарди.

У кўзини юмган ҳолда хотинини шундоққина кўриб турарди: кимёвий бирикмалар билан куйдирилган, похол сингари салга синадиган сочлари, оқ тушган хира йилтиловчи кўзлари, ҳамишалик парҳездан озғин, чигирткадеккина қотмадан келган гавдаси, оппоқ ёққа ўхшаган териси.

Хотини хотирасида доимо ана шундай эди.

— Менга сув билан бир ҳапдори бер.

— Сен туришинг керак, — деди хотини, — вақт туш бўлди.

Мўлжалдагидан беш соат ортиқча ухладинг.

— Илтимос қиламан, меҳмонхонани ўчириб қўй.

— Ҳозир у ерда «қариндошлар» бор-ку!

— Касал одамнинг илтимосига хўп деяқолсанг бўлмайдими?

— Яхши, овозини пасайтираман.

У хонадан чиқиб, ҳеч нарса қилмасдан йзига қайтди.

— Энди яхшими?

— Раҳмат.

— Бу мен жуда яхши кўрган дастур, — деди у.

— Ҳапдори қани?

— Илгари ҳеч қачон оғримаган эдинг, — яна хонадан чиқди.

— Ҳа, илгари касал бўлмаганман. Энди касалман. Бугун ишга боролмайман. Биттига қўнғироқ қил.

— Тунда жуда ғалати бўлдинг, — минғирлаб хиргойи қилиб эрининг тўшагига яқинлашди.

— Ҳаpdори қани деяпман? — такрорлади Монтэг унга узатилган, сув қуйилган стаканга қараб.

— Оббо, эсим қурсин! — яна ваннага кириб кетди, — кеча бирон кори ҳол юз бердими? — Ёнфин бўлди. Бошқа ҳеч нарса бўлгани йўқ.

— Мен бўлсам кечани жуда қўнгилдагидай ўтказдим, — унинг овози ваннадан эшитилди.

— Хўш, нима қилдинг?

— Кўрсатувни томоша қилдим.

— Нимани кўрсатишди?

— Дастурни.

— Қанақасини?

— Жуда яхшисини.

— Кимлар қатнашди?

— Ҳа. Умуман, бутун группа...

— Бутун группа, бутун группа, бутун группа... — у бармоқлари билан зирқираб турган кўзларини эзди. Бирдан, бафармони худо, қаёқдандир эсан керосин ҳиди уфуриб кўнглини айнидиб, ўқчитиб юборди.

Милдред хиргойисини давом эттириб, хонага кирди. Нима қияпсан? — ҳайрон бўлиб қичқирди у.

Монтэг гангиб полга қаради.

— Кеча китоблар билан бирга аёл кишини еқиб юбордик.

— Яхшиямки, гиламни ювса кетади.

У латта келтириб, полни арта бошлади.

— Кеча мен Эленникида эдим.

— Спектаклни уйда кўриш мумкин эмасми?

— Албатта, мумкин. Аммо баъзида меҳмонга бориш ҳам кўнгилга хуш ёқади.

Монтэг меҳмонхонага чиқди. У хотинининг куйлаётганини эшитди.

— Милдред! — чақирди у.

Хотини хиргойи қилиб, бармоқларини оҳаигига енгил шиқиллатиб қайтиб келди.

— Ўтган кеча нима иш қилганимизнинг сенга қизиғи йўқми? — сўради у.

— Ўзи нима гап?

— Мингга яқин китобни ёқдик. Аёл кишини ёқдик.

— Хўш, нима бўпти? Шунга ҳам ота гўри қозихонами?

Мехмонхона гумбурлашдан тебраниб турарди.

— Дантени ҳам, Свифтни ҳам, Марк Аврелийни ҳам ўтда ёндирдик.

— У европаликмиди?

— Шундай бўлса керак.

— Радикалмиди?

— Уни ҳеч маҳал ўқиган эмасман.

— Тушунарли, радикал экан, — Милдред истар-истамас телефон гўшагини кўтарди, — брандмейстер Биттига мен кўнғироқ қилишимни истайсанми? Нега ўзинг кўнғироқ қилмайсан?

— Кўнғироқ қил дедим-ку!

— Менга бунақа бақирма!

— Бақираётганим йўқ, — у ғазабдан титраб, қип-қизариб ўрнидан кўзғалиб ўтирди. Мехмонхонанинг ҳавоси исиб кетиб гулдуларди.

— Ўзим кўнғироқ қилолмайман. Касалман деб унга айтолмайман.

— Нега?

— Негаки кўрқаман, — хаёлидан ўтказди у, — ёш болага ўхшаб ўзимни касалликка соляпман, кўнғироқ қилишга кўрқаман, чунки телефондаги қисқача гап нима билан тугагини биламан: «Ҳа, брандмейстер, анча тузукман. Ҳа, соат ўнда ишда бўламан».

— Сен мутлақо касал эмассан, — деди Милдред.

Монтэг ўрнида орқага суянди. Қўлини ёстиқ остига юборди. Китоб ўша ерда эди.

— Милдред, вақтинча ишни ташласам, нима дейсан?

— Қандай қилиб? Шунча йил ишлаб ҳаммасини ташламоқчимисан? Қандайдир аёл ўз китоблари билан...

— Уни кўрганингда эди, Милли.

— У билан менинг ишим йўқ. Айб ўзида! Нима қиларди китоб сақлаб! Аввал ўйлаш керак эди! Уни кўргани кўзим йўқ. Хўб, йўлдан урибди сени, эсимизни йиғиб олгунимизча кўчада қоламиз —

бошимизда бошпанамиз ҳам, ишимиз ҳам бўлмайди, ҳаммасидан айриламиз!

— Сен у ерда бўлганинг йўқ, кўрганинг йўқ, — деди Монтэг, — агар ўша аёл ёниб турган уйдан чиқиб кетишдан бош тортдими, бу китобларда сен билан мен ҳатто тасаввур ҳам қилолмайдиган нимадир бўлиши керак. Бўлиши керак. Инсон бекорга икки қулоғини ушлаб ўлимга қараб кетавермайди.

— Эси жойида бўлмаса керак унинг.

— Йўқ, сену мен каби жойида эди. Эҳтимол биздан ақллироқ эди.

Биз уни ёқиб юбордик.

— Бунинг ҳаммаси ўткинчи, унутилиб кетади.

— Йўқ, бу ўткинчи эмас ва унутилмайди ҳам. Сен ҳеч қачон ёнғиндан кейинги уйни кўрганмиёсан? У бир неча кунгача биқсиб ёнади. Бу ёнғинни умримнинг охиригача ҳам ўчира олмайман. Эҳ худойим! Уни хотирамдан ўчиришга шунча уриндим. Туни билан қийналиб чиқдим. Жинни бўлишимга сал қолди.

— Бу ҳақида олдинроқ, ўт ўчирувчи бўлишингдан илгари ўйлаш лозим эди.

— Ўйлаш! — қичқирди у, — менда танлаш имконияти бор эканми? Бобом ва отам ўт ўчирувчи бўлишган. Ҳатто тушларимда ҳам ўзимни ўт ўчирувчи сифатида кўрардим.

Меҳмонхонада рақс куйининг оҳанглари эшитилди.

— Бугун кундузи навбатчилик қиласан, — деди Милдред, — икки соат илгари йўлга чиқишинг лозим эди. Энди ақлимга келибди.

— Гап фақат бу хотиннинг ҳалокатида эмас, — давом этди Монтэг, — кеча тунда шу ўн йил ичида қанча керосин ишлатганим ҳақида ўйладим. Китоблар ҳақида ўйладим. Ҳар бирининг ортида инсон турганлигини биринчи марта англаб етдим. Инсон, чуқур ўйлаб, фикрларини обдон ишлатган. Уларни қоғозга тушириш учун қанча вақт кетган. Илгарилари бу хаёлимга ҳам келмабди.

Ў ўрнидан сакраб турди.

— Ўз ўйлаганлари, кўрганларининг бир қисмигинани ёзиш учун кимнингдир, балки, бутун умри сарф бўлгандир. Кейин мен келаману, бир пуфлашим билан икки минутда ҳаммаси кулга айланади.

— Мени тинч қўй, — деди Милдред, — мен бунга айбдор эмасман.

— Сени тинч қўяйми? Яхши. Лекин ўзимни қандай тинч қўяман?

Йўқ бизларни тинч қўйиш мумкин эмас, Аҳёнда бўлса ҳам биз безовта бўлишимиз керак. Охирги марта сени нимадир муҳимроқ ҳақиқий нарса бесаранжом қилганидан буён қанча вақт ўтди?

Бирдан у жимиб қолди. Ўтган ҳафтада бўлиб ўтган воқеанинг ҳаммасини тепага, қоронғиликка боқиб ётган бир жуфт ялтироқ тошни, электрон кўзли илон-насосни ва тишлари орасига сигарета қистириб олган икки қиёфаси номаълум, совуққонли кишиларни эслади. Ҳа, у Милдредни нимадир юрагини ҳовучлатиб шундай безовта қилардики! Лекин у, ҳозиргисининг ичига чуқурлашиб қўйилган бошқача Милдред эди, улар ўртасида ҳеч қандай умумийлик йўқ эди. Улар ҳеч қачон учрашишмаган, бир-бирини билишмас эди.

У тескари қаради.

Милдред тўсатдан деди:

— Мана мақсадингга етдинг. Ким келганини кўриб қўй.

— Менга барибир.

— «Феникс» русумидаги машина, ичида енгига сап-сарик илон тасвири туширилган қора курткали киши. Ана биз томонга келяпти.

— Брандмейстер Биттими?

— Ҳа, брандмейстер Битти.

Монтэг турган жойида қотиб қолди. У қаршисидаги совуқ, оппоқ деворга тикилганча турарди.

— Ичкарига олиб кир. Мени касал дегин, — зўрға гапирди у.

— Ўзинг айт. — Милдред хонада ғилдиллаб, бирдан кўзлари соққасидан чиққудай бўлиб таққа тўхтади. Кўча эшикка ўрнатилган сигнал карнайидан ғинғиллаган овоз эшитилди: «Миссис Монтэг, миссис Монтэг, сизни йўқлаб келишди, сизни йўқлаб келишди. Миссис Монтэг сизни йўқлаб келишди». Карнайнинг овози тинди.

Монтэг китоб яхшилаб яшириб қўйилганини текшириб қўйди. Шошмасдан жойига ётди, ёстикқа ёнбошлади, адёлни кўкрагига ҳамда букилган тиззаларига тортди.

Милдред ўзига келиб, эшик томонга югурди, эшик очилиши билан хонага шошмасдан қадам ташлаб, қўлларини чўнтагига тикиб брандмейстер Битти кириб келди.

— «Қариндош»ларингизни ўчириб тулинг, — деди у Монтэгга ва хотинига, ҳеч кимга қиё боқмай;

Милдред хонадан отилиб чиқди. Меҳмонхонадаги шовқин босилди. Брандмейстер Бигги энг қулай стулни олиб ўтирди. Унинг қип-қизил юзи мулойимликни ифодалаб турарди. У, шошмасдан ўзининг мис билан безатилган трубкасига тамаки тўлдириб тутатди-да, шифтга қаратиб паға-паға тутун чиқара бошлади.

— Кириб, касални кўриб кетай дедим.

— Менинг касаллигимни қандай билдингиз?

Битти одатдагича қизғиш милклари ҳамда майда қанд сингари оппоқ тишларини ялтиратиб кулди.

— Кўнглим сезувди шундай бўлишини. Тез орада бир кечага дам олишни сўрашингизни билардим.

Монтэг гавдасини кўтариб ўтирди.

— Майли, — деди Битти, — дам олинг.

У, қопқоғига «Бир миллион ўт олиши кафиллиги билан» деб ёзиб қўйилган чақмоқтошни айлантириб ўйнар, паришонлик билан кимёвий гугуртни ёқиб ўчирар, ёқар, зиғирдаи ўтга қараб гапириб туриб ўчирар, яна ёқар, элас-элас тутуннинг ҳавода эриб кетишини кузатиб ўчирарди.

— Эркаланиб ётаверадиларми, қачон турадилар? — сўради у.

— Эртага ё индинга. Кейинги ҳафтанинг бошигача туриб қоларман. Битти трубкасини тутатарди.

— Бу савдо ҳар бир ўт ўчирувчининг бошида бор. Унга буни тушуниб олишида ёрдам бериш керак. У, ўз касбининг тарихини билиши лозим. Илгари уста кўрмаган шогирдларга буни тушунтиришарди.

Ҳозир эса йўқ. Афсус... Ўт ўчириш касби тарихини брандмейстерларгина ҳамон эслашади... Ҳозир сизларга айтиб бераман. Милдред асабийлашиб, стулда қимирлай бошлади.

Битти қулайроқ ўтириб олди-да, бир дақиқа индамай хаёл суриб кетди.

— Бунинг ҳаммаси нимадан қаерда, қачон ва нима учун бошланган деб сўрарсизлар, мен ишимиз ҳақида гапиряпман, менимча, низомларимизда илгарироқ деб кўрсатилган бўлишига қарамай, тахминан, фуқаролар уруши деб аталган даврда бошланган бўлиши керак. Аммо унинг ҳақиқий гуллаш даври фақат фотографияни қўллаш билан бошланган. Кейинчалик эса йигирманчи асрнинг бошида кино, радио, телевидение кириб келди. Орадан унча ҳам вақт ўтмай ҳамма нарса оммавий миқёсда ишлаб чиқарила бошлади.

Монтэг қимир этмай ўрнида ўтирарди.

— Демакки, ҳамма нарса оммавий бўлгандан кейин соддалашиб ҳам кетди, — давом этди Битти, — қачонлардир китобни у ер , бу ер — турли жойларда, камчилик одам ўқирди. Шунинг учун китоблар ҳам ҳар хил бўлиши мумкин эди. Олам-жаҳон, ҳудудсиз эди. Қачонки дунё кўзлар, тирсақлар, оғизлардан тор келиб, аҳоли икки, уч, тўрт барабар ошиб кетгандан кейин фильмлар, радио эшиттиришлар, журналлар, китобларнинг мазмуни қолипга тушиб саёзлашиб кетди. Тахминан ҳар мақсадга ярайдиган луқманинг ўзгинаси. Мана тушуняпсизми, Монтэг?

— Тушуняпман, шекилли, — жавоб берди Монтэг.

Битти ҳавода паға-паға учиб юрган тамаки тутунидан кўзларини узмасди.

— Ўн тўққизинчи аср кишисини тасаввур қилиб кўринг, итлар, отлар, от *кўшилган* аравалар — ҳаёт суръати паст. Энди йигирманчи асрни олиб қаранг. Ҳаёт суръати тезлашади. Китобларнинг ҳажми камайиб боради. Қисқартирилган, китобнинг қисқача мазмуни ҳикоя қилиб берилган нашр. Ортиқча тафсилотларга берилмасдан хотимага келинади қўяди.

— Тезроқ тугай қолса, — гапга суқилди Милдред.

— Классикларнинг асарлари ўн беш дақиқалик радио эшиттиришга қадар қисқартирилади. Бир маҳал қарабсизки, икки дақиқада кўз югуртириб чиқса бўладиган бир устун матн, боз устига қомусий луғат учун ўн-йигирма сатр материал. Эҳтимол, бироз ошириб юбораётгандирман; Луғатлардан маълумотлар учунгина фойдаланилар эди. Аммо қанчадан-қанча одамларнинг «Гамлет» билан танишуви, — сиз, Монтэг, бу номни яхши биласиз, Монтэг

хоним учун хира бир товушни эслатса ажаб эмас, нима деётган эдим, ҳа, қанчадан-қанча одамлар учун «Гамлет» билан танишув, «Ниҳоят, барча классиклар ижоди билан танишадиган бўлдингиз! Кўшнилариингиздан орқада қолманг» деб жар солувчи тўпламга жо бўлган бир саҳифадаги қисқача мазмуни билан чеғараланган. Тушуняпсизми, инсон болалар хонасидан коллежга, ундан яна болалар хонасига ўтказилгандай. Мана сизга кейинги беш аср ёки ундан ҳам кўпроқ вақтдан бери устунлик қилиб келган интеллектуал қолип.

Милдред ўрнидан туриб, хонадаги буюмларни бир жойдан иккинчи жойга қўйиб гилдиллай бошлади. Битти унга қиё боқмай сўзида давом этди:

— Ҳозир эса плёнкани тезроқ айлантисангиз бўлгани, Монтэг! Иложи борича тезроқ! Клик! Пир! Флик! Бу ёққа, у ёққа, тезроқ, жадалроқ, мана бундай, ана ундай, тарақ, туруқ, жаранг, журунг!

Қисқартиринг, сиқиштиринг! Қисқа мазмунини яна соддалаштиринг! Сиёсатми? Марҳамат, бир устун, иккита жумла-ю сарлавҳа! Бир дақиқадан кейин ҳаммаси хотирадан кўтарилади. Инсон онгини ноширлар, устомон учарлар, радиоэшиттирувчилар қўли билан тезроқ, яна тезроқ, қуюндай айлантира беринг, шундай айлантирингки, токи марказдан қочирма куч барча ортиқча, кераксиз, фойдасиз фикрларни четга улоқгириб ташласин!

Милдред ўринга яқинлашиб, чойшабни тўғрилай бошлади. Унинг қўллари ёстиқни тутганда юраги орзиқиб тушди. Ҳозир у эрининг елкаларидан тортқилаб ўтқазади-да, ёстиқни тўғрилаб, яна орқасига қўяди. Ким билади, балки қичқириб, кўзларини ола-кула қилиб бақраяр ёки ҳеч нарса бўлмагандай, қўлларини ёстиқнинг тагига суқиб «Бу нима?» деб сўрар ва соддалиқ қилиб, яшириб қўйилган китобни олиб кўрсатар.

— Мактабларда ўқиш муддатлари қисқармоқда, интизом бўшашмоқда, фалсафа, тарих, тиллар ўрганилмайди. Инглиз тили ва орфографияга тобора камроқ вақт ажратилади ва ниҳоят, бу предметлар ўз ҳолига ташлаб қўйилади. Умр қисқа, инсон учун нима керак?

Аввало иш, ишдан кейин эса кўнгилхушлик. Улар ҳар қадамда, истаганингизча. Ором олинг, яйранг! Тугмачаларни босиш, рубилникларни улаш, мурватларни бураш, болтларни мослашдан

бўлак нарсаларни ўрганишга нима ҳожат бор?

— Ке, ёстиғингни тўғрилаб қўяй, — деди Миддред.

— Керак эмас, — шивирлади Монтэг.

— Тугмача ўрнида илгак — “молния”, фақир дунёда тонгда туриб кийинаётганинда ҳам бирон нарса ҳақида ўйлаб кўришга лоақал ярим дақиқагина ортиқча вақтинг бўлмайди.

— Бўла қол, — такрорлади Милдред.

— Нари тур, — жавоб берди Монтэг.

— Ҳаёт — чархпалак, Монтэг. Ҳамма нарсани домига тортиб наъра тортади, гулдирайди! Пақ! Тарақ-туруқ!

— Тарақ-туруқ! — қичқирди Милдред, ёстиқни силтаб.

— Мени ўз ҳолимга қўясанми, йўқми?! — зарда билан қичқирди Монтэг.

Битти қошларини чимириб қаради.

Милдред ёстиқнинг тагига қўлини юбориб тош қотди-қўйди. Бармоқдари билан китоб муқовасини пайпаслай бошлади, унинг нима эканлигини тушунган сари авзои ўзгара бошлади, аввал ажабланди, кейин ҳайратга тушди. Лаблари осилиб, тили калимага келмай қолди.

Ҳозир суриштириб қолса-я...

— Йўқолсин драма, театрда фақат масхарабозлар ўйини қолсин. Хоналарингизда шиша деворлар ўрнатинг, унда ранг-баранг мушакбозлик чарақласин, турли хил майда қоғоз пистонлар, ё қон, ё херес, сотерн винолари ранги каби камалак нуридай товлансин. Сиз, албатта, бейсболни савсангиз керак, Монтэг?

Энди Биттининг овози узоқ-узоқлардан, қалин лутун пардаси ортидан эшитилаётгандек эди.

— Бу нима? — ҳаяжонидан қичқириб юборди Милдред.

Монтэг гавдасининг бутун оғирлиги билан унинг қўлини эзиб юборди. — Бу нима деяпман?

— Утир жойингга! — жаҳл билан қичқирди эр. Милдред ён томоига учиб тушди. Унинг қўлларига ҳеч нарса илинмаган эди. — Гапимизни бўлма, кўрмаяпсанми бизларни?

Битти пийагини бузмай давом эттирарди.

— Кеглини ҳам севасизми?

— Ҳа.

— Гольфничи?

— Гольф — ажойиб ўйин.

— Баскетбол-чи?

— Оҳо, нимасини айтасиз?

— Бильярд, футбол-чи?

— Қизиқарли ўйинлар, ҳаммаси ҳам яхши ўйинлар.

— Спорт ўйинлар, кўнгил очишлар қанча кўп бўлса, шунча яхши.

Одам боласи доимо оломон ичида бўлсин, ўшанда у ўйлаб ўтирмайди. Спортнинг янги-янги турларини ташкил этинг, имкон борича уларни қалаштириб ташланг! Расмли китобларни кўпайтиринг.

Фильмларни кўпайтиринг. Ақлни ўстирадиган омиллар тобора кам. Бунинг натижасида қониқмаслик, саросималик бошланади. Йўллар одамлар билан тикилинч, ҳамма қаёққадир ошиқади. Ҳаммаёқни қочоқлар тутиб кетган шаҳарлар саёҳатчилик лагерларига, одамлар эса, кўчманчи тўдаларга айланиб, денгизда сув кўтарилиб, пасайгандай тартибсиз равишда дам у ёққа, дам бу ёққа ўтиб турадилар. Бугун бу хонада у тунаса, ундан илгари сиз, аввал куни мен тунаган бўламан.

Милдред эшикни тарақлатиб ёпиб хонани тарк этди. Мехмонхонада «холажонлар» «амакижон»ларнинг устидан мазах қилиб кулишарди.

— Энди маданиятимиз ичидаги турли майда гуруҳлар масаласини олиб кўрайлик. Аҳоли кўпайган сари, бундай гуруҳлар сони ҳам кўпайиб борарди-ю, улардан бирортаси — ит ёки мушук ишқибозлари, врачлар, адвокатлар, савдо ходимлари, бошлиқлар, мормонлар, баптистлар, бирлашганлар, муҳожирлар, техасликлар, бруклинликлар, ирландияликлар, Орегон, ёки Мехико штатларида истиқомат қилувчиларни зинҳор-базинҳор хафа қила кўрманг. Китоб, пьеса, телевизион қўрсатув қаҳрамонлари ҳақиқий рассом, картограф, механикларга асло ўхшамаслиги лозим. Монтэг, ёдингизда бўлсин, бозор қанча гавжум бўлса, тўқнашувларга шунча йўл қўймаслик керак. Бу тоифа одамлар билан пачакилашиб асло қитиқ патига тега кўрманг. Ёмон ният қилган ёзувчилар, ёзув машинкаларингизни йиғиштиринг! Шундай қилишди ҳам дейлик. Кўрибсизки, журналлар ванил шарбатига айланган, китоблар эса чучмал ювиндини эслатади. Шунинг учун китоблар касодга учраган, бунга ажабланмаса ҳам бўлади дейишади қуруқ олифта, калондимоғ танқидчилар. Бироқ китобхон ўзига нима кераклигини жуда яхши биларди, ўйин-кулгилар гирдобида айланиб ўзига комиксларни танлади. Ўз-ўзидан маълумки, шахвоний журналларни ҳам эътибордан соқит қилмади. Ана шундай, Монтэг. Буларнинг ҳаммаси юқоридан, ҳукуматнинг ҳеч қандай аралашувисиз содир бўлди. Бу мутлақо қандайдир фармойиш, буйруқ ёки цензура тақиқларисиз бошланди. Техника, оммавий истеъмол ва худди шу гуруҳларнинг тазйиқи, бугунги аҳволга олиб келди. Эндиликда улар туфайли ўзингизни бахтли ҳисоблашингиз мумкин. Кўнглингиз

тусагунча комиксларни, улардаги турли-туман тавба-тазарруларию, савдо-реклама нашрларини ўқишингиз мумкин.

— Буларнинг ўт ўчирувчиларга қандай алоқаси бор? — сўради Монтэг.

— А... Битти сийрак тамаки тутуни орасидан чиқиб олдинга энгашди, — жуда алоқаси бор-да. Мактаблар тадқиқотчилар, танқидчилар, олимлар, санъат мутахассислари ўрнига тобора кўпроқ югурувчилар, сакровчилар, суворийлар, сўзувчилар, моторларни кавлаштиришга ишқибозлар, учувчилар, автопойгачилар чиқара бошлаганидан кейин «интеллектуал» сўзи ҳақоратомуз сўзга айланди. Шундай бўлиши ҳам керак эди. Инсон ҳар қандай чегарадан чиқишларни қабул қилавермайди. Эслаб кўринг-чи, мактабда, синфдошларингиз орасида, эҳтимол, бирон-бир алоҳида лаёқатли бола бўлгандир? У, овоз чиқариб ҳаммадан яхши ўқиган, бошқалардан кўпроқ дарсда жавоб берган, қолганлар эса қоққан қозиқдек ўтириб, бутун вужуди билан ундан нафратланмаганми? Дарслардан кейин худди шу болани тевалаб, ҳар қанақасига қийнамаганмисизлар? Ҳаммамиз бир хил бўлмоғимиз керак. Конституцияда айтилганидек, туғилгандан озод ва тенг бўлмасдан, ҳамма бир хил бўлиши керак. Одамлар худди икки томчи сувдек бир-бирига ўхшасин: ўшанда ҳамма бахтли бўлади, чунки улуғлар ҳам, уларнинг ёнида ўзларининг арзимас одам эканликларини ҳис қилувчи ўзгалар ҳам бўлмайди. Ана шундай! Китоб эса қўшнингнинг уйидаги ўқланган милтиқдир. Уни ёқиш керак! Милтиқнинг ўқини чиқармоқ керак! Инсон онгини жиловламоқ керак. Ким билади дейсиз, ўқимишли кишига эртага ким нишон бўлишини. Балким мени танлар? Аммо мен ундайларга тоқат қилолмайман. Қачонки дунёдаги уйларни ёнмайдиган материаллардан қура бошлаганларидан кейин ўт ўчирувчилар илгари бажарадиган юмушларига зарурат қолмагач улар илгари ёнғинларни ўчирганлар, бунда сиз, Монтэг, кеча ҳақ эдингиз, ўт ўчирувчиларга янги вазифалар юклаб, уларни тинчлигимизнинг соқчиларига айлантиришди. Уларда, худди фокусдагидек бизнинг бутун ҳамма учун тушунарли ва қонуний, бошқалардан тубан кетиш қўрқув ҳиссимиз мужассам бўлган. Улар бизнинг расмий цензорларимиз, судьяларимиз ва ҳукм ижрочилари бўлиб қолишган. Булар — сиз, Монтэг ва мен.

Меҳмонхона эшиги очилиб, остонада Милдред пайдо бўлди. У, аввал Биттига, кейин Монтэгга қаради. Унинг орқа томонидаги меҳмонхона деворларида барабан, там-там ва цимбал садолари остида яшил, сариқ, тўқ-сарик мушаклар вишиллаб, пиқилларди. Милдреднинг лаблари қимирлаб, гапирар, аммо шовқиндан нима деяётганини билиб бўлмасди.

Битти трубкасининг кулини ўпкадай қип-қизил кафтига қоқди, худди шу кулда аллақандай сир-асрор бордек унга синчиклаб қарай бошлади.

— Бизнинг маданиятимиз нечоғли ҳудудсиз эканлигини англашингиз керак. У шундай улуғворки, унинг таркибидаги гуруҳлар ўртасида

норозилик ва ғалаёнларга йўл қўя олмаймиз. Ўз-ўзингиздан сўранг:

биз энг кўп нимани орзу қиламиз? Бахтли бўлишни, шундай эмасми?

Умрингиз бино бўлибдики, фақат шуни эшитасиз. Бахтли бўлишни

истаймиз дейишади одамлар. Хўш, уларнинг истаги қондиридиб, бахтли бўлмадими? Ахир биз уларнинг доимо ҳаракат қилиб туришларини таъминламаймизми, ўйнаб-кулишлари учун шароит яратмаймизми? Ахир инсон фақат маишат қилиш, қизгин ҳиссиётлар учунгина яшайди-ку. Инонинг, бизнинг маданиятимиз унга бундай имкониятни сахийлик билан яратиб беради.

— Албатга.

Милдреднинг лаблари қимирлашидан Монтэг унинг эшик олдида

туриб нима демоқчи бўлганини англаб турар, аммо у томонга қарамасликка ҳаракат қиларди, чунки Битти ўгирилиб қараб, ҳаммасини

тушуниб олади деб қўрқарди.

— Қора танлиларга «Кичкина қора Самбо» китоби ёқмайди. Ёқиш керак. Оқ танлиларга «Том тоғанинг кулбаси» ёқмайди. Ўни ҳам ёқиш керак. Кимдир чекиш ўпка ракига сабаб бўлади деб китоб ёзибди. Тамаки фабрикантларининг пайтавасига қурт тушган. Бу китобни куйдирмоқ керак. Ғалванинг кераги йўқ, Монтэг, тинчлик

керак. Хавф туғдирадиган ҳамма нарса йўқ қилиниши, печкага ташланиши керак! Қўмиш маросими мунгли ҳиссиётларни уйғотади — бу бутпарастлар урф-одати. Қўмиш маросимини тугатиш даркор. Одам ўлганидан кейин беш дақиқа ўтгач, «катта қувур» сари равона бўлади. Крематорийларда ҳеликоптерлар хизмат қилади. Вафотидан кейин ўн дақиқа ўтгач, одамдан бир чимдим қора кул қолади. Ўлганларга аза тутиш шарт эмас. Уларни унутишимиз керак. Ёқинг, ҳаммасини ёқинг.

Олов гуруллаб ёнади, олов садди пок қилади.

Милдреднинг ортидаги мушакбозлик сўнди. Худди шу дақиқаларда дил сезганидек Милдреднинг лаблари ҳам қимирлашдан тўхтади.

Монтэг зўрға нафасини ростлаб олди.

— Бизга қўшни бир қиз яшарди, — салмоқланиб гапирди у, — кўринмай қолди. Ўлган бўлса керак. Юзини ҳам тузукроқ эслай олмайман. Лекин у бошқачароқ эди. Бу... қандай содир бўлди экан! Битти жилмайди.

— Вақти-вақти билан у ер-бу ерда бўлиб туради. Кларисса Маклеллан бўлса керак-а? Унинг оиласи бизга маълум. Улардан кўз-қулоқ бўлиб турамиз. Ирсият ва муҳит эътиборга молик нарсалар. Ҳамма тентаклардан қутулишнинг ўзи бўлмайди, бир неча йил ичида буни уддалаш қийин. Уй шароити мактаб ўргатмоқти бўлган кўп нарсаларни йўққа чиқаради. Шу важдан болалар боғчасига борувчиларнинг ёшини доимо пасайтириб келганмиз. Мана энди болаларни бешиқдан юлиб, боғчага йўллаймиз. Маклелланлар ҳақидаги сигналлар бизга ҳали Чикагода яшаб турганларидан келиб туша бошлаган. Лекин сигналлар сохта бўлиб чиқаверди. Уйларидан китоб тополмадик. Қариянинг обрўсига путур етган, одамови эди. Қиз эса нақ ётиб-ётиб портлайдиган бомбанинг ўзгинаси эди. Оила унинг онгига таъсир ўтказгани бегумон. Мактаб тавсифномасини кўриб, бунга ишонч ҳосил қилдим. Уни бирон нарса қилиниши эмас, нимага ва нима учун қилиниши қизиқтирар экан. Бундай қизиқувчанлик хавфлидир. Нима учун, нега деб қизиқа бошладингми, тамом, вақтида-эсингни йиғиб олмасанг, охири вой бўлади. Бечора ўлиб тинчиди.

— Ҳа, оламдан кўз юмди.

— Бахтимизга унга ўхшаганлар кам учрайди. Бунга ўхшаш майлларни ҳали газак олмасдан ўз вақтида ғорат қилишни биламиз.

Тахта ва михларсиз уй қуриб бўлмайди, уй тикланишини истамасанг яхшиси тахта ва михларни яшириб қўй. Агар инсон сиёсатдан норози бўлмасин десанг масаланинг икки томонини кўришига йўл қўйма. Бир томонини кўрса бас, ҳеч нарса кўрмаса ундан яхши. Дунёда уруш деган нарса борлигини унутсин. Агар ҳукумат нўноқ бўлса, ҳеч нарсани тушунмаса солиқлар билан халқни бўғади, бу ҳарқалай халқ галаён кўтарганидан афзал осойишталик, энг муҳими осойишталик Монтэг. Турли конкурслар уюштиринг, масалан, қанотли қўшиқлар сўзини ким кўпроқ эслай олади, ким штатлардаги ҳамма йирик шаҳарлар номини айтиб бера олади ёки ўтган йили Айова штатида қанча дон олишганини ким билади. Одамларнинг миясини рақамлар билан тўлдириш, кўнглига урмагунча жўн фактлардан бошланг, қарабсизки, ўзларини жуда билимдон ҳис қила бошлайдилар. Улар фикр-мулоҳаза юритаётгандек, ўсиб олға ҳаракат қилаётгандек таассуротда бўладилар. Аслида эса бир жойда депсиниб ётган бўладилар. Одамлар бу «факт»ларга ғарқ бўлишиб, унинг оғушида ўзларини бахтли ҳисоблайдилар. Аммо уларга фалсафа ёки социология сингари қалтис нарсаларни асти раво кўрманг. Хулосалар чиқариб, умумлаштиришга ўта бошласалар, кўрасиз томошани. Бу — хафақонлик йўли! Телевизорли деворни ажратиб, йиғишни биладиган одам, ҳозир кўпчилик буни билади, — Коинотни ўлчаб ҳисоблаб чиқишга уринувчи кишидан бахтлироқдир, наинки ўзингни якка-ёлғиз, ушоқ эканлигингни ҳис қилмай туриб уни ўлчаб ҳам, ҳисоблаб ҳам бўлмайди. Мен буни яхши биламан, синаб кўрганман!

Ҳаммаси қуриб кетсин! Бизга ўйин-кулги кечалар, акробатлар ва фокусчилар, хатарли машқлар, реактив автомобиллар, мотоцикл-ҳеликоптерлар, порнография ва наркотиклар беришса бас. Кўпроқ оддий автоматик рефлекслар уйғотадиган нарсалардан бўлсин! Агар драма мазмунсиз, фильм саёз, комедия бўш, қизиқарсиз бўлса, мени жунбушга келтирадиган нарса беринг — қулоқни қоматга келтирадиган мусиқа билан асабларимга зарба беринг! Мен пьесани тушунаётгандай бўламан, аслида бу бор-йўғи товуш тўлқинларига механик реакция бўлади, холос. Менга барибир эмасми. Чангимни қоққандек силкитишларини жудаям яхши кўраман.

Битти ўрнидан турди.

— Вақт алламаҳал бўлиб қолди. Маъруза тамом. Сизга ҳаммасини тушунтириб бердим деб умид қиламан. Ёдингизда бўлсин, Монтэг, муҳими сиз, мен ва бошқалар бахт учун курашувчилармиз. Биз инсониятни ўзининг қарама-қарши ғоялари ва назариялари билан ҳаммани бахтиқаро қилмоқчи бўлган ярамастар тўпидан ҳимоя қиламиз. Биз тўғон ёнидаги қоровуллармиз. Бардам бўлинг, Монтэг! Дилгирлик ва зарарли фалсафа оқимларини дунё оралатиб ғафлатда қолманг. Бутун умидимиз Сиздан! Бугунги замонда сизнинг, сиз билан бизнинг қанчалик керак эканлигимизни тасаввур ҳам қилолмайсиз.

Битти Монтэгнинг совуқ қўлини қисди. Монтэг ўрнида қимирламай ўтирарди. Шу топда бошига том босиб тушса ҳам қимир этмайдигандек туюларди унга. Милдред ҳам эшикдан ғойиб бўлган эди.

— Дарвоқи, яна бир нарса ёдимдан кўтарилай дебди. Ҳар бир ўт ўчирувчининг хизматини ўташ даврида жуда бўлмаганда бир маротаба шундай дақиқа бўладики, китобларда нима деб ёзилган экан деб билгиси келиб дафъатан қизиқиб қолади. Очиғини айтганда, одам ўзини тўхтатиб қолиши мушкул бўлади. Менга инонаверинг, Монтэг, бир пайтлар вазифани белгилаб олиш мақсадида анча-мунча китобларни ўқиб чиқишимга тўғри келган эди, сизга айтадиган гапим шу: уларда ишонишга, бошқаларни бирон нарсага ўргатишга арзийдиган ҳеч нарса йўқ. Агар енгил-елпи асар бўлса, унда дунёда ҳеч қачон бўлмаган одамлар ҳақида ҳикоя қилинади, ғирт уйдирма! Борди-ю, илмий адабиёт бўлса, ундан баттар: бир олим иккинчисини аҳмоқ деб атайди, бир файласуф иккинчисидан баланд келишга уринади. Ҳаммалари бошбошдоқлик қилиб, юлдузларни ўчирмоқчи, қуёшни сўндирмоқчи бўладилар. Ўқисанг, бошинг айланиб кетади.

— Борди-ю, ўт ўчирувчи билмасдан, олдига ҳеч қандай мақсад қўймасдан китобни ўзи билан олиб кетса-чи? — Монтэгнинг рангида қон қолмаган, юзининг эти учарди. Рўпарадаги очиқ эшик унга юракка ваҳима солувчи бўм-бўш кўзга ўхшаб қўринарди.

— Буни тушунса бўлади. Оддий қизиқиш, холос,— жавоб берди Битти, — биз бундан хавотирланмаймиз, жаҳл отига ҳам минмаймиз.

Бир сутка давомида китобни сақлашига йўл қўйиб берамиз. Бир суткадан кейин ўзи ёқиб юбормаса, бу юмушни зиммамизга оламиз.

— Ҳм... тушунарли, — Монтэгнинг томоғи қуриб қолди.

— Мана гаплашиб ҳам олдик, Монтэг. Балким, бугун кечроқ тунги навбатчиликка чиқарсиз? Ҳали кўришармиз?

— Қайдам, — жавоб берди Монтэг.

— Нечун? — Битти ажабланиб сўради.

Монтэг кўзларини чирт юмди.

— Балким бориб қоларман. Кейинроқ.

— Таассуф, бугун ишга чиқолмасангиз, — деди Битти ўйга ботиб трубкасини чўнтагига соларкан.

«Энди ҳеч қачон бормаيمان» — кўнглидан ўтказди Монтэг.

— Тезроқ соғайиб кетинг, шифосини берсин, — деди Битти ва қайрилиб, очиқ эшикдан чиқиб кетди.

Монтэг деразадан, Битти сариқ шиналари ярақлаб турган кўмирдай қора қўнғиз адтомобилида жўнаб кетганини кўрди. Деразадан кўча ва олд томони ясси уйлар шундоққина кўриниб турарди. Бир куни улар ҳақида Кларисса нима деган эди? Ҳа, эсладим. «Энди уйлар зинапоясиз қурилади. Амақим илгари уйлар зинапояли бўларди дейдилар. Кечқурунлари одамлар зинапояларга чиқиб бир-бирлари билан гаплашиб, хоҳлашмаса тебратма стулда ўз хаёллари билан бўлиб ўтиришаркан. Архитекторлар зинапояларни йўқ қилдиришибди, чунки улар бинонинг кўринишини бузармиш. Амакимнинг айтишларича, бу бир баҳона эмиш, ҳақиқатда эса одамлар ана шундай зинапояларда ўтириб, тебратма стулларда дам олиб суҳбатлашишларига йўл қўйиб бўлмас экан. Одамлар сергаплик қилиб, ўйлашга ҳам вақтлари қоларкан. Бундай вақт ўтказиш зарарли эмиш. Шунинг учун зинапояларни ҳам, боғларни ҳам йўқотишга қарор қилишибди. Ўтириб, хордиқ чиқарадиган боғ-роғлар ҳам ҳозир қолмаган. Ҳозирги мебелларга бир қаранг! Тебратма кресло йўқолиб кетди. Унинг қулайлиги ҳам зарарлимиш. Одамлар кўпроқ ҳаракат қилиши керак экан. Амаким айтадиларки... амаким айтадиларки...» Клариссанинг овози бошқа эшитилмай қолди.

Монтэг деразадан ўгирилиб хотинига қаради. У меҳмонхонада ўтириб олиб диктор билан гаплашарди. Ўз навбатида диктёр хотинига мурожаат қиларди... «Миссис Монтэг» деб алланималарни жаврарди у. Уларга юз долларга тушган махсус асбоб зарур дақиқада автоматик тарзда хотинининг номини тилга оларди. Диктор ўз аудиториясига

мурожаат этиб пауза қиларди, ҳар бир хонадонда шу дақиқада асбоб хонадон соҳибларининг номини тилга олар, бошқа махсус мослама эса шунга мослаб телевизион экранда дикторнинг лаблари ва юзмушакларининг ҳаракатини ўзгартирар эди. Диктор хонадоннинг яқин дўсти ва яхши танишига айланган эди.

«Миссис Монтэг, энди бу томонга қаранг» Милдред қулоқ солмаётгани аниқ кўриниб турса ҳам бошини ён томонга бурди.

— Бугун ишга бормасам ҳам бўлади, демак эртага ҳам, бутунлай бормасам ҳам бўлади, — деди Монтэг.

— Бугун борсанг керак? — қақшади Милдред.

— Ҳали бундай қарорга келмадим. Ё тавба, дилимда битта даҳшатли истак — ҳамма нарсани синдириб, вайрон қилгим келяпти.

— Автомобилни олиб, йўлга чиқ. Тоза ҳаво олиб кел.

— Йўқ, раҳмат.

— Машинанинг калити столча устида. Ишим юришмай кайфиятим бузилиб турган пайтларда машинага ўтираману, бошим оққан томонга елдай учириб кетаман. Тезликни соатига тўқсон беш милга чиқарсанг бирам енгил тортасанки. Баъзан туни билан сайр қилиб, тонгга яқин қайтаман уйга, сен донг қотиб ухлайсан. Шаҳар ташқарисида роҳат қиласан. Баъзан ғилдирагингга қуёнми, итми келиб урилади. Отлана қол.

— Йўқ, бугун эмас. Бугунги ҳиссиётим тарқалиб, унут бўлишини истамайман. Ё алҳазар, ичимда нимадир портлаётганга ўхшайди. Ўзим ҳам тушунолмай қолдим; шундай иқболи нигун, қаҳрим қайнаганки, сабабини билолмайман. Назаримда хўппайиб, шишиб кетаётганга ўхшайман, тарс ёрилай деяпман. Ичимга ҳаддан ташқари кўп нарсани солиб юрганга ўхшайман... Лекин нимани, бу ёғи менга қоронғу. Китоблар ўқишга тушиб кетаман, шекилли.

— Сени қамаб қўйишади-ку, — Милдред унга гўё уларни шиша девор ажратиб тургандек назар ташлади. Монтэг калаванинг учини йўқотиб қўйгандек хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

- Қўлидан келганини қилсин. Битта яримтасини майиб қилиб қўймасимдан мени қамаб қўйишгани ҳам тузукроқдир. Биттининг гапларини эшитдингми? Ҳамма нарсага унинг жавоби тайёр. У доим ҳақ. Бахтли бўлиш жуда муҳим. Хурсандлик бўлса бўлгани. Уни

эшитиб турдим, ўзимга ўзим: йўқ, мен бахтсизман, ўн карра бахтсизман, деб такрорладим.

— Мен бўлсам бахтлиман, — оғзининг таноби қочди Милдреднинг, — бу билан жуда фахрланаман!

— Мен нимадир қилишим керак. Нималигини билмайману арзийдиган муҳим иш қилишим керак.

— Сафсата гапларинг жонимга тегди, — ғўлдиллади Милдред ва яна диктор томонга ўгирилиб олди.

Монтэг девордаги ҳамма нарсани тартибга солувчи асбобга қўлини теккизган эди дикторнинг овози ўчди.

— Милли? — гапини бошлаб тухтаб қолди Монтэг. — Бу уй фақат меники эмас, сеники ҳам. Виждонли бўлиш учун сендан бир нарсани сир тутмаслигим керак. Буни аллақачон айтиш керак эди-ку, бироқ ўзимга ўзим иқрор бўлишдан ҳам қўрқардим. Бир йил давомида яшириб келаётган нарсамни бугун сенга кўрсатаман. Бир йил яширинча битта-биттадан йиққанман. Нега шундай қилганимни тушунтириб беролмайман, сенга эса лом-мим деб айтмаганман...

У тик суюнчиқли стулни олди-да, шошмасдан даҳлизга олиб бориб кираверишдаги эшик ёнидаги девор ёнига қўйди ва устига чиқди. Бир дақиқача шохсупадаги ҳайкал каби қимирламай турди, Милдред эса ёнида бошидан-оёғига разм солиб кутиб турарди. Сўнгра девордаги вентиляция тўрини бир ёнга суриб, вентиляция қувурига қўлини елкасигача суқиб, тимирскилаб яна бир тўрни сурди-да, китобни олди. Унга қараб ўтирмасдан полга ташлади. Қўлини яна суқиб, тагин иккита китобни чиқариб, уларни ҳам полга ташлади. Мўъжазгина, қалин, сариқ, қизил, яшил муқовали китобларни бирин-бирин чиқариб, пастга ташлайверди. Охиргисини тортиб чиқарганда Милдреднинг оёқлари остида йигирмага яқин китоб уйилиб ётарди.

— Мени кечир, ўйламасдан қилдим бу ишни. Бу ишда икковимиз ҳам бирдай хатога йўл қўйганга ўхшаймиз.

Милдред кутилмаганда пол орасидан отилиб чиққан бир гала сичқонларга кўзи тушгандай сапчиб кетди. Монтэг унинг ўхтин-ўхтин нафас олаётганини, қув оқарган юзини, кўзлари косасидан чиқиб кетганини ҳам кўрди. Хотини унинг номини бир неча марта такрорлаб, титраб қақшаб китобларга отилди. Биттасини ола ошхонага ахлат ёқадиган печкага қараб югурди.

Монтэг унинг қўлларидан маҳкам тутиб қолди. У бўлса чинқириб, юмдалаб, эрининг чангалидан қутулиб чиқишга уринарди.

— Эсингни йиғ, Милли! Бас қил, сендан илтимос қиламан. Сенинг ҳеч нарсадан хабаринг йуқ... Бас қиласанми, йўқми? — у хотинига шапалоқ тортиб юборди ва елкасидан тутиб силкитди.

Милдред шивирлаб яна унинг номини такрорлади-да, юм-юм йиғлай бошлади.

— Милли! Гапимга қулоқ сол. Бир сониягина, ўтинаман! Бўлар иш бўлди. Уларни ҳозироқ ёқиш мумкин эмас. Аввал уларга кўз югуртириб чиқмоқчиман, тушуняпсанми, атиги бир мартагина. Брандмейстер ҳақ бўлса, икковлашиб уларни ёқамиз. Онт ичаман, бирга ёқамиз. Сен менга ёрдам беришинг керак, Милли! — у хотинининг иягини кўтариб юзига тикилди. Кўзларига термулиб ундан ўз аксийи ахтарди, нима қилиш керак деган саволига жавоб излади.

— Истайсанми, йўқми, боши берк кўчага кириб қолганимиз аниқ. Шунча йиллардан бери сендан ҳеч нарсани илтимос қилиб сўрамаган эдим. Энди йўқ дема, сендан сўраяпман. Сену мана бу ҳапдориларинг, тунлари автомобилда бемаъни сайр қилишларинг, мен ва менинг ишим қаердан пайдо бўлди, ниҳоят буларнинг тагига етиб тушуниб олишимиз керак. Биз тубсиз жарликка қараб кетаяймиз, Милли! Мен буни истамайман. Биламан, бизга осон бўлмайди, биз ҳали нимадан бошлашимизни ҳам билмаймиз, аммо буларнинг ҳаммасини ўйлаб тушуниб етишга, амаллаб англаб олишга, бир-биримизга ёрдам беришга уриниб кўрамиз. Мен сенинг ёрдамингга шундай муҳтожманки, Милли, буни сенга тушунтириб беролмайман! Агар мени заррача бўлсада севсанг, бир-икки кунгина сабр қиласан. Сендан фақат шуни сўрайман, холос. Қасам ичиб айтаман, нари борса икки кун! Улардан бирон-бир эътиборга лойиқ фойдали нарса, қайтар дунёда тафаккур заррасини топсак, бошқаларга ҳам етказган бўлармидик.

Милдред бошқа қаршилиқ кўрсатмай, эрининг бағридан чиқди. Ҳолдан тойган ҳолда деворга суяниб полга сирғалиб тушди. Ундан садо чиқмас, сочилиб ётган китобларга қараб ўтирарди. Оёғи улардан бирига тегиб кетган эди, дарҳол тортиб олди.

— Кеча бир хотин... Милли, сен у ерда бўлмагансан, уни бир кўрганингда эди. Кларисса... Сен у билан ҳеч қачон гаплашмагансан.

Мен гаплашганман. Биттига ўхшаган одамлар ундан хайқишади. Хайронман, Клариссадан ва унга ўхшаш одамлардан нега қўрқишар экан? Кеча навбатчилик пайтида уни станциядаги ўт ўчирувчилар билан таққослай бошладим ва бирдан ҳамкасбларим ва ўзимдан нафратланишимни фахмлаб қолдим. Эҳтимол, ўт ўчирувчиларнинг ўзини ёндириб юбориш оқилона иш бўлмасмикан деган хаёлларга бордим.

— Тсс...

Кираверишдаги эшикка ўрнатилган карнайдан паст овоз эшитилди: «Миссис Монтэг, Миссис Монтэг, сизларни йўқлашяпти, сизларни йўқлашяпти».

Жим-житлик,

Улар саросимага тушиб кўча эшикка, полда ёйилиб ётган китобларга қарашди.

— Битти! — шивирлади Милдред.

— Унга ўхшамайди.

— У қайтиб келган.

Яна рупордан майин овоз эшитилди: «...сизларни йўқлашяпти»

— Эшикни. очмаслик керак.

Монтэг деворга суяниб, оҳиста чўққайиб ўтирди-да, паришонхотир, нима қилаётганини ўзи ҳам билмай гоҳ униси, гоҳ бунисини қўлига олиб китобларни йиғиштира бошлади. У дағ-дағ титрар, бутун фикру зикри китобларни яна вентилятор ичига яшириш эди.

Брандмейстер Битти билан яна учрашишга дош беролмаслигини ҳам биларди. У оёқяарини ёзиб полга ўтириб олди. Шу заҳоти, эшикдаги рупорнинг овози яна қатъийроқ эшитилди. Монтэг пол устидан кичик бир жилдни олди.

Нимадан бошласак экан? — у китобни ўртасидан очди-да, кўз югуртирди. — Менимча, бошидан бошлаганимиз маъқул.

— У ҳозир кириб келади-да, бизни китоблар билан қўшиб ёндириб юборади, — деди Милдред.

Эшикдаги рупорнинг овози ниҳоят ўчди. Сукунат. Монтэг эшик орқасида кимдир турганини сизди. Кимдир турар, кутар, қулоқ тутарди.

Кейин оёқ овози эшитилди. Қадам овози йўлкадан, чимзордан ўтиб тобора узоқлашарди...

— Кўрайлик-чи, бу ерда нима деб ёзилган экан, — деди Монтэг.

У буни дудуқланиб қаттиқ уятдан ночор аҳволга тушиб қолгандек бир алпозда гапирди. Таталаб гоҳу, гоҳ бу еридан ўқиб, ўнлаб саҳифаларга кўз югуртириб чиққач, қуйидаги сатрларга келиб тўхтади:

«Бутун шу давр ичида камида ўн бир минг одам шу ҳумни учли томонидан чиқиш кераклиги ҳақидаги амрга итоат этмаслик учунгина ўлим жазосини танлаганликлари аниқланган».

Милдред рўпарада ўтирарди.

— Бунинг маъноси нима? Бунда ҳеч қандай мазмун йўқ-ку! Брандмейстер ҳақ экан!

— Шошмай тур, — жавоб берди Монтэг, — бошидан бошлаймиз.

Иккинчи қисм ЭЛАК ВА ҚУМ

Улар уззукун китоб ўқишди. Совуқ ноябр ёмғири жимгина уйнинг томига тарақлатиб ёғиб турди. Меҳмонхона бўм-бўш, ютаман дер, шунинг учун даҳлизда ўтириб ўқишарди. Меҳмонхонанинг зимзиё деворларида пистон қоғозлар жилваланмас, мушаклар чарақламас, зар уқали кўйлак кийган хотинлар ҳам кўринмас, қора бахмал костюм кийган эркаклар кумуш цилиндрлар ичидан юз фунтлик қуёнларни чиқариб кўрсатишмас эди. Унда ҳаёт нишонаси кўринмасди. Милдред нафасини ичига ютиб сукут сақлаётган деворларга қараб-қараб қўяр, Монтэг бўлса гоҳ хона ичида безовталаниб қадам ташлар, гоҳ чўққайиб

ўтирар, биронта саҳифани бир неча марта овоз чиқариб ўқирди.

— «Дўстлик айнан қайси дақиқада туғилишини айтиб бериш қийин. Идишга томчилатиб сув қуйганингизда, сўнгги, битта томчидан идиш тўлиб-тошиб, четларидан оқиб тушади, дўстликда ҳам худди шундай яхши фазилат, эзгу ишларнинг биттаси қалбингда чуқур из қолдиради».

Монтэг ёмғирнинг шовқинига қулоқ солиб ўтирарди.

— Бизга қўшни бўлиб яшаган қиз шундайларданмиди, а? Уни тушунишга шундай ҳаракат қилардим.

— У дунёдан кўз юмиб кетган. Барака топгур битта-яримта тирикдан гаплашайлик.

Монтэг хотинига қайрилиб ҳам қарамай, аъзой бадани титраб, ошхонага чиқди. Дераза ойналарига келиб урилаётган ёмғирга қараб у ерда узоқ туриб қолди. Ёмғир тингач, ғира-шира даҳлизга қайтиб, қўлига янги китобни олди.

— «Бизнинг севган мавзуимиз: Ўзим ҳақимда». — Кўзларини қисиб деворга қаради у. — «Бизнинг севган мавзуимиз: Ўзим ҳақимда».

— Мана буниси менга тушунарли,— жавради Милдред.

— Аммо Кларисса учун бу мутлақо севимли мавзу эмасди. У бошқаларнинг мен ҳақимда гапиришини яхши кўрарди. Жуда кўп

йиллар давомида мен учратган кишилар орасида биринчи бўлиб менга чиндан ёққан эди. Эсимда қолган ҳамманинг орасида фақат угина гўё менинг ҳам қадрим бордек кўзларимга тик қараган эди.

У ҳозиргина ўқиган китобларини полдан олиб бағрига босди.

— Буни ёзган одамлар кўп йиллар илгари ўлиб кетишган, аммо шуни яхши биламанки, бу ерда уларнинг ҳамма ёзганлари у ёки бу тарзда Кларисса билан боғлиқ.

Ташқарида, ёмғирда, нимадир аста эшикни тирнарди. Монтэг нафасини ичига ютди, Милдред қичқириб деворга ёпишди.

— Эшикнинг орқасида кимдир бор... Рупор нега индамайди?...

— Уни узиб қўйганман.

Эшик ортида паст пишқирган, электр буғининг енгил вишиллаган товуши эшитилди.

— Бу оддий ит-ку. Кўрқиб ўтирганимизни қара! - хохолаб кулди Милдред. — Ҳайдаб юборайми?

— Ўпкангни бос! Жойингда ўтир!

Яна жим-житлик чўқди. Ташқарида шивиллаб ёмғир ёғиб турибди. Қулф солинган эшик тагидан эса ҳаворанг электр симларининг сезилар-сезилмас ҳиди келиб турибди.

— Давом эттирамиз, — хотиржам гапирди Монтэг.

Милдред оёғи билан китобни итқитди.

— Китоблар одамларга ўхшамайди. Сен ўқияпсану мен атрофга қараб ҳеч кимни кўраётганим йўқ!

Монтэг меҳмонхона деворларига нигоҳ ташлади: улар океан суви каби жим ва нурсиз кўринса-да, электрон қуёшга уланиши билан мавж уриб ишга тушиб кетарди.

— «Қариндошлар» бўлса жонли одамлар. Улар менга ниманидир гапиришади, мен кулсам улар ҳам кулишади. Рангларини айтмай-санми?

— Ҳа, ҳа. Буни биламан.

— Борди-ю, брендмейстер Битти бу китоблардан хабар топсачи? У хаёлга чўмди, кейин ўз овозидан кўрқиб ўзи кетди, — бу ерга келиб уйимизни, «қариндошлар»ни, ҳаммасини ёқиб юбориши мумкин! Оҳ, қандай даҳшат бу! Буларга ахир қанча пулимиз куйган. Нима учун мен китоб ўқишим керак? Нега?

— Нима учун? Нега? — қичқирди Монтэг. — Кеча тунда бир илонни кўрдим. Дунёда ундан жирканчли нарса бўлмаса керак! У — жонсиз, шу билан бирга тирик, кўзи очиғу сўқир эди. Уни бир кўрасанми? У тез ёрдам касалхонасида, у ерда ичингдан қандай маразни сўриб олгани батафсил ёзилган. Балки бориб ёзувларини ўқиб чиқарсан? Фақат «Гай Монтэг»ми, «Қўрқув»ми, «Уруш»ми — қайси рукн остидан қидиришни айтолмайман. Эҳтимол, кеча ёниб кулга айланган уйни бориб кўрасан? Уйи билан ўзини қўшиб ёқиб юборган ўша аёлнинг суякларини кул орасидан кавлаб топарсан? Кларисса Маклеллан-чи, уни қаердан ахтариш мумкин? Ўликхонаданми? Қулоқ сол!

Уй тепасидан бомбардимончи самолётлар кўзга кўринмас вентилятордай осмону фалакда айланиб гумбурлаганча, борлиқни ларзага солиб ўтиб кетди.

— Эҳ, худойим! — қичқирди Монтэг. — Ҳар соатда бошимиз узра увиллашадия! Ҳаётимизнинг ҳар дақиқаси шу шовқин билан тўлдирилган! Нега бу ҳақда ҳеч ким гапирмайди? 1960 йилдан кейин биз икки марта атом урушини бошлаб, ғолиб чиқдик. Биз бу ерда ўйин-кулги билан овора бўлиб, бошқа дунё ҳақида ўйлашни ҳам буткул унутдик. Бутун бошқа дунё қашшоқ ва биз унга парвосиз эканлигимиздан бу қадар бой эмасмиканми? Бутун дунёда одамлар очликдан қийналишини эшитган эдим. Биз эса тўқмиз! Бутун дунё оғир меҳнат билан бандлигини эшитувдим. Биз бўлсак ўйин-кулгидан бўшамаймиз. Худди шунинг учун биздан нафратланишмасмикан? Бир пайтлари ҳамма биздан нафратланади деб эшитувдим. Нима учун? Нега? Сен биласанми?... менинг ақлим етмайди. Балким мана бу китоблар кўзимизни очар. Балким улар даҳшатли хатоларни такрорламасликдан бизни огоҳлантирар! Меҳмонхонангдаги овсар ойимчалар бирон марта бу ҳақда гапирганларини эслолмайман. Милли, нега тушунмайсан? Агар ҳар куни оз-оздан, бир соатми, икки соатдан ўқисак, балки...,

Телефон жиринглади. Милдред трубкани илдам кўтарди.

— Энни, бормисан? — у қаҳ-қаҳлаб кулди, — Ҳа, Оқ масхарабоз! Бугун кечки программада!

Монтэг ошхонага чиқиб, китобни столга улоқтирди. «Монтэг, — деди у ўзига-ўзи, — сен ростданам эсингни еб қўйганга ўхшайсан.

Лекин нима қилиш керак? Китоблар ҳақида станцияга хабар қилайми? Уларни унутайми?» Милдреднинг кулгисини эшигмаслик учун яна китобни очди. «Бечора Милли, — ўйларди у, — бечора Монтэг, ахир сен ҳам уларда ҳеч нарсани тушунолмаёпсан-ку. Кимдан ёрдам сўраш мумкин, шунча вақт зое кетганда ўқитувчини қаердан топса бўлади?»

Чекинмаслик керак. У кўзларини юмди. Ҳа-да, албатта. У яна бурноғи йили бориб қолган шаҳар истироҳат боғи ҳақида ўйлаётганини англаб етди. Кейинги пайтларда буни тез-тез эслаб турарди. Мана ҳозир ҳам ўша кунги воқеа хотирасида равшан қалқиб эсига тушди: ям-яшил сўлим боғ, ўриндиқца қора костюмли мўйсафид ўтирарди, у Монтэгга кўзи тушиши билан ниманидир шоша-пиша пальтосининг чўнтагига яширди.

Ўрнидан сакраб туриб, жуфтакни ростламоқчи бўлди. Монтэг унга етиб олди.

— Тўхтанг, қаёққа шошиляпсиз?

— Менинг ҳеч қандай айбим йўқ, — деди мўйсафид дағ-дағ тйтраб.

— Мен ҳам сизни айбдорсиз -деяётганим йўқ, — жавоб берди Монтэг.

Улар бирмунча вақт дарахт баргларининг майин яшил шуъласида жимгина ўтиришди. Кейин Монтэг об-ҳаводан гап очди, мўйсафид паст, титроқ овозда суҳбатга қўшилди. Бу жуда ғалати, жуда тинч, бамайлихотир суҳбат эди. Қария ўзининг собиқ инглиз тили профессори эканлигини айтди. У, қирқ йил аввал ўқувчиларнинг камайиб кетиши ва моддий ёрдам берилмай қўйилгани вазидан сўнгги нафис ижодиёт коллежи ёпилиб, ишсиз қолган экан. Унинг исми Фабер экан.

Аввал Монтэгдан чўчиб турган мўйсафид энди дадилланиб, очила бошлади: осмон, дарахтлар, боғдаги майсазор ўтлоқтарга қараб паст ва равон овозда гапира кетди. Чамаси бир соатча гаплашиб ўтиришгандан кейин отахон ниманидир ёддан ўқиб бёрди. Монтэгнинг фаҳмича, бу шеър эди. Кейин дадилланиб яна ниманидир ўқиди, бу ҳам шеър эди. Фабер кўлини пальтосининг чап чўнтагига босиб сўзларни чертиб-чертиб, мулойим, таъсирли қилиб айтарди. Монтэг хоҳласа кўлини узатиб чолнинг чўнтагидан шеърий китобчани топиб

олишини биларди. Лекин у бундай қилмади. Унинг қўллари мадорсиз ва кераксиздай тиззалари устида осилиб қолган эди.

— Мен нарсаларнинг ўзи ҳақида гапираётганим йўқ, сэр, — деди Фабер, — уларнинг аҳамияти ҳақида гапираяпман. Шу ерда ўтирибманми, демак, яшаяпман.

Ўшанда бўлиб ўтган воқеанинг бор-йўғи шу. Бир соатлик суҳбат, шеърлару мана шу сўзлар. Кейин Фабер сал қалтироқ қўллари билан бир парча қоғозга ўз турар жойини ёзиб берган эди. Шу дақиқаларгача икковлари ҳам Монтэгнинг ўт ўчирувчи эканлигини эсламасликка ҳаракат қилган эдилар.

— Сизнинг картотекангиз учун, — деганди қария, — мендан жаҳлингиз чиқса керак.

— Нега сизга жаҳл қиларканман? — ҳайрон бўлган эди Монтэг.. Даҳлиз томондан Милдреднинг қаттиқ кулаётгани эшитилиб турарди. Монтэг ётоқхонадаги деворга жойлаштирилган шкафни очиб «Навбатдати текширишлар» деб ёзиб қўйилган қутидан варақаларни олиб қарай бошлади. Фабернинг варақаси ҳам шу ерда эди. Монтэг ўшанда унинг сирини очмаган, манзилини ҳам йўқотиб юбормаган эди.

У телефон рақамини терди. Симнинг нариги учиди сигнал Фабернинг номини бир неча марта такрорлагач, ниҳоят профессорнинг паст овози эшитилди. Монтэг ўзини танитди. Анчагача жавоб бўлмади, кейин овоз эшитилди:

— Эшитаман, мистер Монтэг.

— Профессор Фабер, жуда зарур масала бўйича сизга қўнғироқ қиляпман. Билмайсизми, мамлакатимизда, Таврот китобидан қанча нусха қолган?

— Нима ҳақида гапираётганингизни тушунолмаяпман.

— Бизда Тавротдан бирон нусха қолганми-йўқми, шуни билмоқчийдим.

— Бу қандайдир тузоқ бўлса керак! Мен ҳар кимса билан телефонда гаплаша олмайман.

— Шекспир, Платон асарларидан неча донадан қолган?

— Бир дона ҳам қолмаган! Буни мендан яхшироқ биласиз. Бир дона ҳам!

Фабер гўшакни осиб қўйди.

Монтэг ҳам гўшакни жойига қўйди. Бир дона ҳам қолмабди. Монтэг буни илгари ҳам ўт ўчириш станциясидаги рўйхат бўйича биларди.

Лекин негадир буни Фабернинг ўзидан эшитишни хоҳларди.

Олдинги уйда Милдред юзлари қизариб, уни шодон қаршилади.

— Бугун хонимлар бизникига меҳмонга келадиган бўлишди.

Монтэг унга китоб кўрсатди.

— Мана бу Кўхна ва Янги китоб, биласанми Милдред?

— Фақат яна бошидан бошлама, илтимос...

— Бу балки дунёнинг биз томонда сақлаб қолинган нусхасидир.

— Уни шу бугуноқ қайтаришинг керакми? Брандмейстер Битти бу китоблар ҳақида билса керак?

— Қайси китобни олиб келганимни билиши даргумон. Бошқасини топширсам ҳам бўлади лекин қайси бирини, Жефферсонними ё Тороними? Қай бирининг баҳоси пастроқ? Бошқа томондан эса, мен алмаштириб қўйсаму Битти қайси китобни ўғирлаганимни билса, уйимизда бутун бир кутубхона борлигини сезиб қолади.

Милдреднинг лаблари пир-пир уча бошлади.

— Нима қилаётганингни ўйлаяпсанми? Бизни хароб қиласан-ку! Сенга қайси бири қимматлироқ — менми ё Тавротми?

У яна жазаваси тутиб қичқирар, ўз иссиғидан эриб кетадиган мўмдан ясалган кўғирчоқни эслатарди. Унинг шанғиллашлари Монтэгни қулоғига кирмас, у Биттининг овозини эшитарди.

«Бу ёққа ўтиринг, Монтэг. Энди қаранг, гул баргини тутгандек оҳиста битта саҳифани олиб ёқамиз. Кейин иккинчисини ёқамиз. Оловда жизгинак бўлиб, қора капалакларга ўхшаб қолади, чиройлик-а? Энди иккинчисидан учинчисини, кейин занжирга ўхшаб саҳифама-саҳифа, бобма-боб сўзларга жо қилинган ҳамма аҳмоқликлар, ҳамма ёлғон ваъдалар, эски фикрлар, чирик фалсафани аямай ёқаверинг!»

Унинг рўпарасида пешонасини тер босган Битти ўтирар, атрофини эса олов қуюнида куйиб битган қора капалаклар жасади тўлдирган эди.

Милдред кутилмаганда қандай бақирган бўлса, шундай тинчиди-қолди. Монтэг унга эътибор бермади.

— Кечгача фақат бир иш қилиш мумкин, — деди у, — ундан нусха кўчириш лозим, кейин китобни Биттига қайтаришга мажбурман.

— Оқ масхарабознинг дастури бошланиб, меҳмонлар келгунча уйга қайтасанми? — орқадан қичқирди Милдред.

Монтэг остонада тўхтаб ўгирилди.

— Милли!

Жимлик.

— Ҳа, нима дейсан?

— Милли, Оқ масхарабоз сени севадими?

Жавоб бўлмади.

— Милли, — у қуруқ лабларини ялади, «қариндош»ларинг сени севишадими? Бутун жон-жаҳони билан севишадими?

У, хотини меровланиб, кўзларини учириб орқасидан қараб турганини сизди.

— Нега бунақа бемаъни саволлар берасан?

Монтэг шу топда йиғлагиси келар, аммо лабларини маҳкам сиқиб олган ва кўзига ёш келмас эди.

— Агар эшик орқасида итни кўрсанг, менинг ҳисобимдан ҳам яхшилаб тепкила.

У остонада қулоқ солиб иккиланиб турди-да, кейин эшикни очиб чиқиб кетди.

Ёмғир ҳам тинди, беғубор осмонда қуёш уфққа бош қўйди. Уй яқинида ҳеч зоғ кўринмас, кўча ва майсазорлар ҳувиллаб ётарди. Монтэг енгил тортиб соф ҳаводан тўйиб нафас олди. Кейин эшикни қарсиллатиб ёпди.

Монтэг метрода борарди.

«Ҳеч нарсани сезмайдиган бўлиб қолгандайман, — ўйларди у, — қачондан бошланди бу? Юзим, баданим қачондан бошлаб сезмай қўйди? Ўша кечаси, қоронғида худди кўмиб қўйилган минадек ҳапдорили флаконга қоқилиб кетганимда бошланганмикан?

Ўтиб кетади. Бирданига ўтиб кетмас, вақт керак бўлар. Ундан қутулиш учун нимаики лозим бўлса, ҳаммасини қиламан. Фабер ҳам менга кўмаклашади. Кимдир илгариги юзим, қўлларимни ўзимга қайтаради, улар яна ўз холига келади. Ҳозир ҳатто кулгидан, оддий кулгидан ҳам маҳрумман. Усиз ўзимни танимай қоламан».

Ойнадан туннелнинг деворлари кўзга ташланар — сарғиш кошинлар ва зим-зиё қоронғилик, кошинлар ва қоронғилик, аллақандай рақамлар, яна қоронғилик кўринарди, ҳаммаси ёнидан

липиллаб ўтар, ҳаммаси қандайдир яқунга айланаётгандай бўларди.

Қачондир, ҳали болалигида бир куни денгиз бўйида, иссиқ ёз кунида сариқ қум тепасида ўтирарди. Ҳадеб элакни қум билан тўлдиришга уннарди. Амакиваччаси қўпол ҳазиллашиб: «Элакни қумга тўлдирсанг, ўн цент оласан», деб айтган эди. Элакни қанча тез тўлдирмасин, қизиб ётган қуруқ қум шунча тезлик билан шовуллаб элақдан тўкилиб кетарди. Охири қўллари толди. Қум олов каби куйдирар, элак эса тўлмасди. Дим июль кунида қирғоқда хомуш ўтирар, хўрлиги келиб кўз ёшлари думалаб тушарди.

Пневматик поезд уни силкитиб, тебратиб бўм-бўш ер ости йўлагидан елдириб кетаётган шу дақиқаларда шафқатсиз элак воқеасини эслади ва кўзларини қуйи қаратиб, бехосдан очиб қўйилган Тавротни қўлларида ушлаб турганини кўриб қолди. Вагонда одамлар бўлишига қарамай, ҳеч кимдан ҳайиқмай қўлида китоб ушлаб турарди. Фавқулодда миясига бир фикр келиб урилди: ҳаммасини тез ва кетмакет ўқийверса, оз бўлса ҳам элақда қум илиниб қолар. У ўқишга киришган эди, сўзлар сочилиб кетаётганга ўхшайверди. Бир неча соатдан кейин Биттини кўради ва унга китобни топширади. Шунинг учун биронта ҳам жумлани ўтказиб юбормаслиги, ҳар бир сатрни эслаб қолиши керак. «Мен, Монтэг, буни бажаришим керак, албатта бажаришим керак!»

У титраб, китобни маҳкам қучоқлаб олди. Вагонда радиорупорлар ўкирарди:

— Денгэм тиш пастаси!...

Овозинг ўчсин, — хаёлидан ўтказди Монтэг. — «Нилуфар гулларга, уларнинг очилишига қаранг...»

— Денгэм тиш пастаси!

Улар меҳнат қилмасалар ҳам...

— Тиш пастаси...

«Нилуфар гулларга қаранг...» овозинг ўчсин, жағингни ўчир!

— Тиш пастаси!...

— Бас қилинг, бас, бас!... — бу илтижо, ёрдам ҳақидаги илтимос Монтэгнинг кўкрагидан шундай куч билан отилиб чиқдики, ўрнидан туриб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди. Ғала-ғовур вагондаги йўловчилар девонасифат, бақиршишдан юзлари қизариб кетган, лаблари кўкариб учиб турган, қўлларига китобни сиқимлаб олган кишидан кўрқиб кетиб юзларини ўгирдилар. Бир дақиқа олдин хотиржам ўтириб оёғи билан рупордан келаётган қичқириқлар остида Денгэм, Денгэм, тиш пастаси, Денгэм, Дунгэм, тиш эликсири — бир икки, бир икки, бир икки ўч, бир икки, бир йкки уч деб чертиб мақомга солаётган ҳозиргина беихтиёр ўзига «Паста, паста, тиш пастаси, паста, паста, тиш пастаси...» деб ғўнғиллаб ўтирганларнинг ҳаммаси унга кўрқа-писа кўзларининг қири билан қараб қўйишарди.

Рупорлар Монтэгдан қасд олмоқчи бўлгандек қалдираган металл-тунука, мис, кумуш, жезнинг жаранг-журунгини эслатувчи зил-замбилдай мусиқани унга ёғдирди. Одамлар ноилож эдилар: қулоқлари битиб, бўйсунушга мажбур, қочиб, барибир қутила олмас ҳам эдилар: ҳайбатли пневматик поезд ер остидаги чуқур Туннелда учиб борарди.

— Даладаги нилуфарлар...

— Денгэм!

— Нилуфарлар!... Нилуфарлар!...

Одамлар ажабланиб унга қарашарди.

— Кондукторни чақиринглар.

— Бир киши жинни бўлиб қолди.

— Нолл Вью станцияси!

Поезд чийиллаб ҳаво чиқарди-да, тўхтади.

— Нолл Вью! — баланд овозда.

— Денгэм, — шивирлаган овозда.

Монтэгнинг лаблари пичирлар эди:

— Нилуфарлар...

Шарақлаб вагон эшиги очилди. Монтэг ҳамон жойидан жилмай турарди. Эшик чуқур нафас олгандёк ёпила бошлади. Монтэг шундагина олдинга ташланиб, йўловчиларни итариб-суриб, унсиз

қичқираётгандек эшикнинг тор тирқишидан платформага сакраб чиқиб олди. У эскалаторга эътибор бермай, туннелнинг оппоқ плиткалари бўйлаб чопиб борарди, қўллари ва оёқлари қандай ҳаракат қилаётганини, ҳар бир нафас олиши ва нафас чиқаришида ўпкаси кенгайиб, торайиши ҳамда ҳаво томоғини куйдираётганини ҳис этгиси келди. Орқасидан «Денгэм, Денгэм, Денгэм!!» деган ўкирган овоз эшитилиб турди.

Поезд илон каби вишиллаб, туннелнинг қора туйнугида кўздан ғойиб бўлди.

— Ким у?

— Бу мен, Монтэг.

— Нима ишингиз бор эди?

— Эшикни очинг.

— Мен ҳеч нарса қилганим йўқ.

— Мен ёлғизман. Тушунаяпсизми, бир ўзимман.

— Онт ичинг.

— Онт ичаман.

Эшик оҳиста очилиб, Фабер бошини чиқариб қаради. Куннинг ёруғ нурида у жуда қаримсиқ, ҳолдан тойган, қўрқиб кетгандай кўринди. Унинг ранг-рўйидан худди бир неча йил офтоб кўрмаганга ўхшарди. Унинг юзи билан орқасида кўриниб турган, оққа сувалган хона деворлари бир хил рангда эди. Лаблари ҳам, юзи ҳам, битта қораси қолмаган сочи ҳам, нурсиз оқиш-кўк (кўзлари ҳам оқ рангда эди. Бирдан унинг Монтэг қўлтиғига қистириб олган китобга кўзи тушди-ю, юзи ўзгарди-қолди энди у қадар қари ва мадорсиз туюлмасди. Аста-секин қўрқуви ҳам тарқала бошлади.

— Кечирасиз, эҳтиёт бўлишга тўғри келади, — Фабернинг кўзлари

китобга қадалган эди, — демак, бу тўғрими?

Монтэг ичкари кирди. Эшик шарақлаб ёпилди.

— Ўтиринг. — Фабер бир сониягина китобдан кўзини узса, учиб йўқ бўлиб кетишидан кўрққандек орқага тисланди. Унинг орқасида ётоқхонанинг очик эшиги, ичкарида стол, унинг устида қандайдир механизмларнинг қисмлари ва ишчи ускуналари билан айқаш-уйқаш уюлиб ётгани кўринарди. Монтэг уларнинг бир қисминигина кўра олди холос, чунки Фабер унинг қаёққа қараётганини кўриб шартта ўгирилди-ю, эшикни ёпиб қўйди. Ў, қалтираётган қўллари билан эшик тутқичини сиқиб ушлаб турарди: Кейин иккиланиброқ Монтэгга қаради.

Монтэг китобни тиззасига қўйиб ўтирарди.

— Бу китоб... Уни қаердан?...

Ўғирлаб олдим.

Фабер илк дафъа Монтэгнинг кўзларига тик қаради.

— Сиз мард киши экансиз.

— Йўқ, янглишдингиз, — деди Монтэг, — хотиним ўлим тўшагида. Менга дўст бўлган қиз дунёдан кўз юмди. Мен дўст тутинишим мумкин бўлган аёлни бир сутка бурун тириклайин ёқиб юборишди. Фақат сиз менга ёрдам беришингиз мумкин. Ғафлатдан уйғонишни, кўришни истайман!

Фабернинг тоқати тоқ бўлиб, титраган қўллари билан китобга интилди.

— Мумкинми?...

— Кечирасиз, марҳамат, — Монтэг унга китобни узатди.

— Эҳ-ҳе, қанча вақтлар ўтиб, кетди!... Мен ҳеч қачон диндор бўлмаганман... Бироқ ўшандан буён қанча вақт ўтиб кетди... — Фабер гоҳо тўхтаб, айрим саҳифаларга гўз югуртириб чиқиб, китобни варақларди. — Ҳаммаси ўша-ўша, мен кўрганнинг ўзгинаси. Уни энди телевизорли меҳмонхоналаримизда астар-аврасини ағдариб ташладилар! Исо пайғамбар «қариндош»лардан бирига айланди. Карамни кенг худо ўз фарзандини таний олармиди, деб ўзимга ўзим савол бераман. Уни қўғирчоққа ўхшатиб шундай ясантирдикки ёки аниқроғи, тир яланғоч қилдикки... эндиликда ялпизли новвотнинг ўзи

бўлиб қолди. Художўйлар олмаса, худди куни ўтмайдигандек баъзи матоҳларнинг яширин рекламаси билан овора бўлмаса-да, шарбат ва қанд унинг манбаига айланиб қолган.

Фабер китобни ҳидлаб кўрди.

— Биласизми, китоблардан мускат ёнғоғининг ёки узоқ мамлакатлардан келтирилган қандолат ҳиди келади. Болалик пайтимдан китоб ҳидлашни хуш кўраман. Во дариғ, йўқ қилиб юборишларига йўл қўйиб бергунимизча қанча бебаҳо китоблар бор эди!

Фабер зўр иштиёқ билан китоб варақларди.

— Мистер-Монтэг, мен қўрқоклик қилдим. Ўшанда кўриб, оқибатларини билиб туриб индамадим. «Айбдорлар»ни ҳеч ким тинглашни истамаган пайтда норозилик билдириши мумкин бўлганлардан, айбсизлардан бири эдим. Аммо бетараф эдим, шундай қилиб, ўзим уларга шерик бўлиб қолдим. Ўт ўчирувчиларни ишга солиб, китобларни ёқишни ўйлаб чиқарганларида эса мени ҳеч ким қўллаб-қувватламагани учун чўчиб, тақдирга тан бердим. Энди бўлса, кеч.

Фабер китобни ёпди.

— Энди нима мақсад билан келганингизни айтинг.

— Мен одамлар билан мулоқотда бўлишни истайман, ҳамма мендан қочади. Мен деворлар билан отамлаша олмайман, улар менга дағдаға қилишади. Хотиним билан ҳасратлашолмайман, унинг икки қулоғи деворларда. Менинг дардларимни кимдир охиригача тингласа дейман. Майлимга қўйиб беришса, ичимдагини тўкиб солсам, мендан ҳам бирон ақлли гап чиқар. Хуллас, ўқиганларимни қандай тушунишни ўргатсангиз, деб келувдим.

— Фабер Монтэгнинг озгин, қиртишлайверганидан кўкиштоб бўлиб кетган юзига бир зум тикилиб қолди.

— Нечун бундай ҳолга тушиб қолдингиз? Ўт ўчирувчи машъалини қўлингиздан нима уриб туширди?

— Ўзим ҳам билмайман. Бахтли бўлиш учун бизда ҳамма нарса муҳайё, аммо бахтсизмиз. Нимадир етишмайди. Уни доим ахтариб келдим. Илгари бўлган-у, ҳозир йўқлигини билганим китоблар, холос. Кейинги ўн, йигирма йиллардан буён уларни ўзим ёқаман. Китоблар менга ёрдам бермасмикан деган фикрга келдим.

— Сиз учига чиққан хаёлпараст экансиз, — деди Фабер, — айтганларингиз бу қадар жиддий бўлмаганида кулгили туюларди. Сизга китоблар керак, қачонлардир уларга сингдирилган мазмунни қўмсаёпсиз, улар ҳозир ҳам меҳмонхоналаримиз деворидаги дастурларга ҳам сингдирилиши мумкин эди. Ўша муфассалликка эътибор, ўша меҳрибонлик ва онглиликни радио ва телевизион эшитгиришларимиз тарбиялаши мумкин эди, надоматлар бўлсинки, бундай ишлар билан шуғулланишмайди. Йўқ, китоблар сизга барча хоҳлаган нарсаларингизни дарҳол кўрсатиб беролмайди. Буни қаердаки мумкин бўлса, эски граммофон пластинкалардами, эски фильмлардами, эски ошналарингиздами, ўзингиз қидиринг. Атрофингизни ўраб турган табиатдан, ўзингиздан изланг. Китоблар йўқотиб қўйишдан қўрқиб, нарсамизни саклайдиган омбор. Уларда ҳеч қандай сир, ҳеч қанақа сеҳр йўқ. Сеҳри фақат уларнинг нима дейишида, коинот лахтакларини қандай қилиб бир бутун қуроқ қилиб тикишида. Албатта, буни ҳеч қаердан билолмагансиз. Менинг нима ҳақида гапираётганим ҳозир ҳам сизга тушунарли эмасдир. Аммо сиз сақфи табиий билан туғри йўлдан боргансиз, бу эса муҳим. Бўлмаса, қулоқ солинг — бизга учта нарса етишмайди. Биринчиси. Кўлингиздагига ўхшаган китобларнинг жуда қадрли бўлиши боиси нимада, биласизми? Шундаки, уларнинг сифати баланд. Бунинг маъноси нима? Мен учун бу матн, китобнинг тўқимаси. Унинг нафас оладиган кўринмас тешикчалари, жони бор. Унинг — қиёфаси бор. Уни микроскопда ўрганиш мумкин. Унда ҳақиқий ҳаётни, кўз ўнгингизда кечадиган беҳад ранг-баранг жонли ҳаётни топишингиз мумкин. Унда нафас олиш йўллари қанча кўп бўлса, қоғознинг ҳар квадрат дюймага ҳисоблаганда ҳаётнинг турли қирраларини ҳаққоний ифодалаш бағоят кўп ва айниқса, «бадийдир». Мен сифатни ана шундай белгилайман. Китоб ҳаётни бутун икир-чикирлари билан муфассал тасвирлаши керак. Яхши ёзувчилар ҳаёт билан яқин алоқада бўладилар. Ўртамиёналари уни юзаки ёритса, истеъдодсизлари уни зўрлаб тилка-пора қилиб кўрсатиб, қурт-қумурсқаларга емиш қилиб қолдирадилар. Китоблардан нега бунча нафратланишларини, нега улардан бу қадар қўрқишларини энди тушунгандирсиз? Улар бизга ҳаётнинг юзидаги нафас олиш йўлларини кўрсатиб беради. Ўз тинчлигини ўйлайдиган одамлар қаршиларида ифодасиз, бадандаги

тер чиқарадиган майда тешикларсиз, битта туки йўқ, мумга ўхшаган башараларни кўришни истайдилар. Биз гўллар-ёмғир сувидан ичиб, ҳосилдор ердан кувват олиш ўрнига ўзига ўхшаш гуллар ҳисобига яшашга ружу қилган даврда яшаяпмиз. Ахир мушакбозлик ҳам унинг кўз қамаштирувчи улуғворлиги-ю, ранго-ранг нурлари ҳам ер кимёси томонидан яратилган. Биз бўлсак, ҳаётга қайтарадиган табиий даврларни интиҳосига етказмасдан гуллар ва мушаклар билан ўзимизни лақиллатиб яшаб ўсишимиз мумкин, деб ҳисоблаймиз. Антей ҳақидаги ривоятни эшитганмисиз? У ерда пайтида енгилмас кучга эга, забардаст полвон бўлган. Лекин Геркулес уни ердан узиб олиб, ҳавога кўтарганида ҳалок бўлган. Шу шаҳарда ҳозир истиқомат қилувчи бизларга ҳам бу алоқадордир ёки мен бутунлай ақлдан озганман. Шундай қилиб, бизга етишмайдиган биринчи нарса сифат, билимларимизнинг матнидир.

— Иккинчиси нима?

— Иккинчиси бўш вақт.

— Бизда бўш вақт етарли-ку!

— Ҳа, бўш вақтимиз етарли. Лекин ўйлашга вақтимиз борми?

Бўш вақтингизни нимага сарфлайсиз? Сиз ё машинангизда соатига юз милядан елдай учасиз, сизга хавф-хатар таҳдид солишидан бошқа нарсани ўйламайсиз, ё хонангиздаги телевизор рўпарасида ўтирасиз, у билан, биласизки, тортишиб бўлмайди. Нега шундай? Нега десангиз, девордаги тасвирлар — «реаллик»дир. Мана, улар кўз ўнгингизда кўришиб туради, бунинг устига ҳажмли, нимани ўйлашингизни айтиб турадилар ва буни мияннгизга тиқиштирадилар. Улар нима деса, ҳаммаси сизга тўғридек туюла бошлайди. Унинг тўғрилигига ишона бошлайсиз. Сизни кўз очиб-юмгунча белгилаб қўйилган хулосага келтириб қўядиларки, ақлингиз жунбушга келиб, «Бунинг турган-битгани сафсата-ку!» деб ҳайқиришга улгурмайди ҳам.

— Фақат «қариндошлар»гина жонли одамлардир.

— Кечирасиз, нима дедингиз?

— Хотинимнинг айтишича, китоблар телевизор сингари «реалликка» эга эмаслар.

— Шундай бўлгани ҳам дуруст. Китобни ёпиб қўйиб, «шошмай тур» дейишингиз мумкин. Сиз унинг ҳукмдорисиз.

Телевизорли меҳмонхонани улаб ишга туширганингизда сизни асирликнинг ўткир панжасидан ким ажратиб ола билади? У, лой каби сизни эзиб, ўз хоҳиши бўйича шакл беради. Бу ҳам «муҳит», дунё каби реал. У ҳақиқатга айланади, ҳақиқатнинг ўзи бўлади. Китобни ақл кучи билан енгиш мумкин. Аммо ўзимнинг барча билимим ва инонмаслигимга қарамасдан, даҳшатли меҳмонхоналаримизнинг рангли ва ҳажмли экранидан менга ўқирган юзта асбоблик симфоник оркестр билан баҳслашишга куч тополмадим. Менинг меҳмонхонам оққа сувалган оддий тўрт девор эканлигини кўриб турибсиз. Мана буларни, — Фабер икки дона кичкина резина тиқинларни кўрсатди, — метрода юрсам қулоғимга тиқиб оламан.

— Денгэм, Денгэм, тиш пастаси... «Улар меҳнат ҳам қилмайдилар, тўқимайдилар ҳам», — кўзларини юмиб шивирлади Монтэг, — хўш, бу ёғига нима қилиш керак? Китоблар бизга ёрдам берармикан?

— Фақат бизга учинчи зарур нарса бўлган тақдирдагина. Биринчиси, боя айтганимиздек — билимларимизнинг сифати. Иккинчиси, чуқур ўйлаш, бу билимларни ўзлаштириш учун бўш вақт. Учинчиси эса, биринчи иккита нарсанинг ўзаро алоқасидан келиб чиқиб, ҳаракат қилиш ҳуқуқидир. Аммо иш чаппасига айланиб кетган бир пайтда, шарти кетиб, парти қолган кекса киши ва ҳаммасидан кўнгли қолган ягона ўт ўчирувчининг бирон нарсани ўзгартира олишларига аклим бовар қилмайди...

— Мен китоблар топишим мумкин.

— Бу хатарли таваккалчилик.

— Биласизми, дунёдан умидини узган кишининг ўз устунликлари бўлади. Йўқотадиган нарсанг қолмаганидан кейин журъат кўрсатишдан кўрқмайсан.

Сиз ҳозир жуда қизиқ нарсани гапирдингиз, — кулди Фабер, — буни ҳеч қаердан ўқиб билмагансиз-ку, ахир!

— Буларни ҳам китобларда ёзишадими? Бу кутилмаганда миямга келиб қолди.

— Шуниси муҳим-да. Демак, атайлаб мен учун ёки бошқа бирон киши учун, ёинки ўзингиз учун ўйлаб топмагансиз.

Монтэг Фабернинг қулоғига энгашди.

— Бугун шундай бир режа туздим: китоблар шу қадар бебаҳо экан, босма дастгоҳ топиб, бир нечта нусха кўпайтирса бўлмасмикан?...

Шунда биз...

— Биз деяпсизми?

— Ҳа, сиз ва мен.

— Мени аралаштирманг, — Фабер қаддини ростлади.

— Аввал эшитинг, фикримни айтиб тугатай.

— Бунақа ҳаддингиздан ошадиган бўлсангиз, уйимни бўшатиб қўйинг.

— Бунинг сизга аҳамияти йўқми?

— Йўқ, бундай гаплар учун мени ёқиб юборишлари мумкин. Ўт ўчирувчилар тизимини йўқ қилиб юбориш мумкин бўлганида бошқа гап эди. Агар сиз бир нечта китобни босмадан чиқариб, ўт ўчирувчиларнинг уйига яшириб қўйиб, уларнинг ўртасида шубҳа уруғини сочишни таклиф этганингизда, барака топинг, дердим.

— Китобларни уйга яшириб, хавф-хатар хабарини бериб, ўт ўчирувчиларнинг уйлари ёнғин остида қолишини кўриш керак демоқчисиз-да, тўғрими?

Фабер қошларини чимириб, худди биринчи марта кўриб тургандек Монтэгга қаради.

— Ҳазиллашдим.

— Сизнингча, бу асосли режами? Уриниб кўрсакмикан? Бунинг бирон фойдаси бўлармикан?

— Ҳеч ким сизга бунинг кафолатини беролмайди. Ахир бир пайтлари китоблар бизда исталганча топиларди, биз бўлсак пастга қараб сакраш учун тик қояларни қидириш билан банд бўлардик. Бу ерда бир нарса жуда аниқ: ҳақиқатан ҳам биз ўпкамизни тўлдириб нафас олишимиз зарур. Бизга билим жуда зарур. Эҳтимол, таҳминан минг йиллардан кейин сакраш учун унча тик бўлмаган қояларни танлашга ўргансак, ажаб эмас. Китоблар биз нечоғли аҳмоқ ва тихир эшаклар эканлигимизни эслатиб туради-да. Улар Цезарь зафар қучганда «Сен ҳам дунёга устун бўлмайсан» деб эслатиб турувчи преторианчи соқчиларга ўхшайди. Кўпчилигимиз ҳамма жойда, ҳамма билан мулоқотда бўлишга, дунёнинг ҳамма шаҳарларини бориб кўришга улгурмаймиз. Бунга вақтимиз ҳам, пулимиз ҳам, шунча

дўстларимиз ҳам йўқ. Сиз излаётган ҳамма нарса дунёда мавжуд, Монтэг, аммо оддий инсон уларнинг юздан биринигина ўз кўзи билан кўриши мумкин, қолган тўқсон тўққиз фоизини эса китоб орқали билади. Кафолатларни талаб этманг. Инсонданми, машинаданми ёки кутубхонаданми, нажот кутиб ўтирманг. Дунёни қутқариб қолиши мумкин бўлган нарсани ўзингиз яратинг, борди-ю, бу йўлда чўкиб кетсангиз ҳам, жилла бўлмаса соҳилга қараб сузганингизни англайсиз.

Фабер ўрнидан туриб, хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Ҳўш, нима дейсиз?

— Ўт ўчирувчилар ҳақидаги фикрингиз жиддийми?

— Шақ-шубҳасиз.

— Бир нарса дейиш қийин, режангиз пухта,— Фабер асабийлашиб, ётоқхона эшигига бўйнини қийшайтириб қаради, — бутун мамлакат бўйлаб ўт ўчирувчиларнинг уйлари гуриллаб ёнаётганини, бу сотқинлик уяларининг кунпаякун бўлаётганини кўриш мароқли! Худди самандар ўз думини ўзи ғажиб ташлаётгандай зап томоша бўларди-да!

— Менда ҳамма ўт ўчирувчиларнинг манзиллари бор. Агар биз сир сақлай олсак...

— Одамларга сир айтиб бўлмайди, ҳамма фалокат шунда. Сиз ва мен, яна ким?

— Сизга ўхшаш профессорлар, собиқ ёзувчилар, тарихчилар, тилшунослар қолишмаганми?

— Ҳаммалари ўлишган ёки жуда мункиллаб қолишган.

— Ёши қанча улуғ бўлса, шунча яхши, камроқ шубҳа уйғотади. Уларни яхши биласиз, яширмай айтаверинг, ундайлар ўнлаб топилса керак?

— Айтганингизча бор. Масалан, кўп йиллардан бери ҳаётни жуда очиқ ифодаловчи Пиранделло, Шоу ва Шекспир пьесаларида ўйнамай қўйган актёрлар бор. Уларнинг қаҳр-ғазабидан фойдаланса бўларди. Кейинги қирқ йил ичида бир сатр ҳам ёзмаган тарихчиларнинг олижаноб норозиликлари ҳам қўл келарди. Мактаб очиб, одамларни қайтадан ўқиш ва фикрлашга ўргатсак ҳам бўларди.

— Ҳа, яшанг!

— Аммо буларнинг ҳаммаси денгиздан томчи, холос. Бутун маданиятимиз ўлган. Уни таг-туғи билан эритиб, янги шаклга қуймоқ

лозим. Бу ҳазилакам иш эмас. Гап фақат эллик йил илгари бир чеккага суриб қўйган китобингни яна қўлга олишдагина эмас-да. Ўт ўчирувчиларга зарурат тез-тез пайдо бўлмаслигини эсланг. Одамларнинг ўзлари, ўз хоҳишлари билан китоб ўқимай қўйганлар. Сиз ўт ўчирувчилар ора-чора уйларга ўт қўйиб, одамларни қизиқтириб бизга цирк томошалари уюштирасизлар. Бу нари борса, қўшимча томошалар ва уларнинг ёрдамида узоққа бориб бўлмайди. Исён кўтариш ишқибозлари бизнинг давримизда жуда оз қолишган. Уларнинг ҳам кўпчилигини қўрқитиш осон. Масалан, мен каби. Сиз оқ масхарабозга қараганда тезроқ рақсга туша оласизми ёки Бош Фокусчи жаноблари ва барча меҳмонхона «қариндошлари»дан қаттиқроқ қичқира оласизми? Агар бунга кучингиз етса, муродингиз ҳосил бўлиши мумкин, Умуман айтганда, Монтэг, сиз тентаклик қиялпсиз. Одамларнинг хурсандчиликдан қўли бўшамаяпти-ку, ахир.

— Ўзини-ўзи ўлдирибми? Бир-бирини ўлдирибми?

Улар гаплашиб турганда уй устидан бомбардимончи эскадрилья шарққа томон учиб ўтди. Реактив моторларнинг қудратли товушига қулоқ тутиб, унинг гумбурлашидан бутун аъзои баданлари титраб кетганини ҳис қилиб, жим бўлиб қолдилар.

— Сабр қилинг, Монтэг, уруш бошлангудай бўлса, ҳамма меҳмонхоналаримиз ўз-ўзидан тиниб қолади. Бизнинг маданиятимиз ҳалокат томон бормоқда. Ёилдирак остида қолиб кетмай десангиз, бир чеккага чиқиб туринг.

— Ҳаммаси қулаб тушгач, қуриш учун кимдир шай бўлиб туриши ҳам керак-ку.

— Ким? Мильтонни ёддан ўқишни биладиганларми? “Мен ҳамон Софоклни эслайман” дея олувчиларми? Уларнинг қўлидан нима иш келарди? Омон қолганларга инсоннинг яхши фазилатлари ҳам борлигини эслатиш учунми? У омон қолганлар ҳам тош йиғиб, бир-бирини тошбўрон қилишдан бошқа нарсани ўйламайди. Уйингизга боринг, Монтэг, ётиб ухланг. Ҳаётингизнинг сўнгги соатларини қафасда чарх уриб ўтказиб, ўзингизни гир айланаётган олмахон эмасман, деб кўкракка уришингиздан не фойда?

— Демак, сизга барибир экан-да?

— Йўқ, менга барибир эмас. Менинг дарди дунёим ўзи шу.

— Менга ёрдам беришни раво кўрмайсизми?

— Хайрли тун, азизим. Хайрли тун.

Монтэгнинг қўллари китобга чўзилди. Қўлларининг ҳаракатидан ўзи ажабланди.

— Китобни сизга берсам нима қилардингиз?

— Эвазига ўнг қўлимни берар эдим, -деди Фабер.

Монтэг қўлларим қани энди нима қиларкин, дегандек кутиб турарди. Қўллари унинг иродаси ва хоҳишига зид тарзда бир мақсад билан ҳаракат қилаётган икки жонли мавжудот сингари қитоб саҳифаларини йирта бошлади. Бош саҳифа, биринчи, иккинчи саҳифа йиртилди...

— Ақлдан озибсиз! Нима қиялпсиз? — Фабер зарба келиб теккандек сакраб тушди. У Монтэгга ҳамла қилган эди, Монтэг уни бир томонга суриб ташлади. Унинг қўллари китобни аёвсиз йиртарди. Яна олтита саҳифа узилиб пастга тушди. Монтэг уларни ердан териб олиб, Фабернинг кўзи олдида чангаллаб ғижимлади.

— Бас қилинг! Илтимос, бас қилинг! — ёлворди отахон.

— Ким менга тўсқинлик қила оларди? Мен ўт ўчирувчиман. Сизни, ёқиб юборишим ҳам мумкин.

Чол унга қаради.

— Сиз бундай қилмайсиз!

— Истасам, қила оламан.

— Бу китоб... Уни йиртманг!

Фабер шилқ этиб стулга ўтириб қолди. Унинг юзлари сурупдек оқариб кетган, лаблари титрарди.

— Жуда чарчадим. Мени ортиқ қийнаманг. Мендан нима истайсиз?

— Мунга ўргатишингизни истайман.

— Яхши, яхши.

Монтэг китобни қўйди. Унинг қўллари букилган саҳифаларни ёзиб силлиқлай бошлади. Чол тинкаси қуриб уни кузатарди.

Фабер довдирашини худди бир томонга улоқтиргандек бошини силкитиб сўради:

— Пулингиз борми, Монтэг?

— Озроқ бор. Тўрт юз ёки беш юз доллар. Нега сўраяпсиз?

— Менга келтириб беринг. Ярим асрдан бери коллежимиз газетасини босиб чиқарадиган бир кишини биламан. Бу воқеа янги семестр бошида аудиторияга кириб, Эсхилдан то Южин Онилгача драма тарихи курси, маърузаларига атиги битта талаба ёзилганидан хабар топган йилим содир бўлган. Таассуротим шундай эдики, гўё муздан ясалган гўзал ҳайкал қуёшнинг жазирама нурлари остида эриб кетаётгандек эди. Эсимда, газеталар бирин-сирин ўтда куйган капалаклардек умри тугаб борарди. Уларни тиклашга ҳеч ким ҳаракат қилмас, ҳеч ким уларга ачинмасди ҳам. Худди ўшанда, агар одамлар фақат шаҳвоний ўпичлар ва шафқатсиз олишувлар ҳақида ўқиса, қанчалик ювошроқ бўлишини англаган ҳукуратимиз сиз олов ишқибозларини чорлаб ҳаммасига нуқта қўйди. Шундай қилиб, Монтэг, бизнинг ихтиёримизда китоб босувчи бор. Биз бир қанча китобларни босиб чиқариб, ҳозирги одатдагича ҳаётни емириб, бизга зарур туртки берадиган уруш бошлангунча кутиб турамиз. Бир нечта бомба тушиши билан меҳмонхона деворларини эгаллаб олган ҳамма «қариндошлар», бутун масхарабозлар галаси бир умрга ғойиб бўлади! Ундан кейин бошланадиган жимжитликда, бизларнинг шивирлашимиз эшитилса ажаб эмас. Икковларининг нигоҳи стол устида ётган китобга қаратилган эди.

Мен эслаб қолишга ҳаракат қилдим, — деди Монтэг, — аммо кўзимни олишим билан, ҳаммаси ёдимдан кўтарилди. Брандмейстер Битти билан шундай гаплашгим қелаяптики! У кўп ўқиган, ҳамма нарсага жавоби тайёр ёки шундай туюлади. Овози ёғдай силлиқ. У мени қўндиришидан тағин олдинги ҳолимга тушишдан жуда қўрқаман. Ахир бир ҳафта бурун шлангга керосин тўлдира туриб, «Оббо, бу қандай мароқли иш», деб ўйлагандим.

Чол бошини ирғаб тасдиқлади.

— Кимки яратмас эқан, бузиб вайрон қилади. Бу замондай кўхна ҳақиқат. Гўдак жиноятчиларнинг психологияси.

— Сизнингча, мен ўшанақа эканман-да?

— Бу ҳаммамизда бор хусусият.

Монтэг кетмоқчи бўлиб бир неча қадам босди.

— Бугун кечқурун брандмейстер Битти билан гаплашаётган пайтимда нима қилиб бўлса ҳам менга ёрдам беролмайсизми? Менга суянчиқ керак. Тилимни боғлаб авраётганда нафасим ичимга тушиб кетмасин дейман. Чол ҳеч нима деб жавоб бермади, яна ҳадиксираб ётоқхона эшигига қараб қўйди. Монтэг буни сизди.

— Хўш, нима дейсиз бунга?

Фабер чуқур нафас олди. Кўзларини юмиб, лабларини қисиб, яна чуқур нафас олди. Лаблари орасидан Монтэгнинг номи учиб чиқди.

Ниҳоят, Монтэгга қайрилиб қараб деди:

— Қани, юринг. Сал бўлмаса кетишингизга йўл қўймай турувдим. Мен ҳақиқатан ҳам қўрқоқ, қари аҳмоқман.

У, ётоқхонанинг эшикларини очиб юборди. Монтэг унинг орқасидан унча катта бўлмаган, устига турли асбоблар, ўргимчак уяси каби ингичка симли ўрамлар, митти пружиначалар, ғалтаклар, кристаллчалар билан қалаштириб ташланган стол турган хонага кирди.

— Булар нима? — сўради Монтэг.

— Уша қўрқоқлигимнинг шаҳодатномаси. Мен ўз фикрларим билан бўлиб, шу хонада шунча йиллардан буён ёлғиз яшаб келдим. Электр асбоблари ва радиоприёмниклар билан шуғулланиш овунчоғим бўлиб қолди. Менинг қўрқоқлигим, унинг соясида қолиб кетган исёнкор руҳим мана бу нарсани ихтиро этишга ундади.

У стол устида турган, унча катта бўлмаган калибмли ўқни эслатувчи кичкина, яшил рангли металл предметни олди.

— Бунга маблағни қаердан олганимни сўрарсиз? Биржада ўйнадим, албатта. Бу ишсиз қолган, хатарли фикр юритувчи зиёлиларнинг охирги борадиган ери-ку. Биржада ўйнаб, ихтиро устида ишладим, кутдим. Кўрқувдан титраб, умримнинг ярми ўтди. Мен билан бирон кимса гаплашишини кутдим. Бирон киши билан гаплашишга ўзим журъат этмадим. Боғда ўтириб сиз билан гаплашганимизда, ёдингиздами, менинг олдимга келишингизни билувдим, аммо ўт ўчирувчининг майъаласи биланми ёки дўстона қўл

олишиш учун келасизми, буни олдиндан айтиб беролмас эдим. Мана бу кичкина аппарат бир неча ой илгари тайёр бўлвди. Сал бўлмаса кетишингизга йўл қўймай турувдим-а. Шунақа қўрқоқманми?

— “Чиғаноқ” радиоприёмнигига ўхшаркан.

— Аммо ундан ҳам мураккаброқ. Менинг аппаратим эшитади! Агар сиз мана бу ўқчани қулоғингизга қўйиб олсангиз, мен уйимда хотиржам ўтириб, ҳеч қандай шубҳа туғдирмасдан, иссиқда тобланиб, ўт ўчирувчиларнинг бутун сир-асрорини эшитиб, урганиб, унинг заиф томонларини аниқдашим мумкин. Ўз инида ўтирган ариларнинг подшосига ўхшайман. Сиз бўлсангиз ишчи ари, менинг саёҳатчи қулоғим бўласиз. Шаҳарнинг ҳамма бурчакларида, ҳар хил одамлар ўртасида қулоқларим бўлиши мумкин эди. Тинглаб, ҳулосалар чиқаришим мумкин эди. Агар арилар ҳалокатга учрагудай бўлса, менга зиён етмайди, илгаригидек ўз уйимда хавф-хатардан холи роҳат-фароғатда яшайман. Энди бу ўйинда жуда кам таваккалчилик қилишимни, қандай нафратга лойиклигимни кўриб турибсиз.

Монтэг яшил ўқчани қулоғига суқди. Чол ҳам қулоғига худди шундай кичкина металл предметни тикиб, лабларини қимирлата бошлади:

— Монтэг!

Овоз Монтэгнинг миясининг чуқур қатламида эшитидди.

— Сизни эшитаяпман!

Чол кулиб юборди:

— Мен ҳам сизни яхши эшитаяпман! — Фабер шивирлаб гапирса ҳам, овози Монтэгнинг бошида аниқ эшитиларди.

Вақт яқинлашганда тўғри ўт ўчириш станциясига бораверинг. Мен сиз билан бирга бўламан. Брандмейстерингизни бирга эшитамиз. Ким, билади дейсиз, балки ўзимизга ўхшагандир. Нима, дейишни сизга айтиб тураман, Уни мазах қилиб бир ўйнатайликки. Мана бу электрон ўйинчоқ ўчун мендан хафамасмисиз? Қоронғуда сизни кўчага чиқариб қўйиб, ўзим фронт чизиғи ортида қоламан, менинг қулоқларим бемалол эшитаверади, бунинг учун сизни омон қўйишмас.

— Ҳар ким қўлидан келганини қилади, — жавоб берди Монтэг. У китобни чолнинг қўлига тутқазди. — Олинг. Бунинг ўрнига бошқа бирон нарсани топширишга уннаб кўраман. Эртага эса...

— Ҳа, эртага мен ишсиз юрган китоб босувчи билан учрашаман.

Бу иш қўлимдан келади.

Ҳайрли тун, профессор.

— Йўқ, бугунги тун тинч ўтмайди. Бироқ мен сизнинг ёнингизда бўламан. Сизга керак бўлишим билан жонга тегувчи чивин каби қулоғингизга ғинғиллайвераман. Ишингиз бароридан келсин, сизга муваффақият тилайман, Монтэг.

Эшик очилиб, ёпилди. Монтэг яна зимистон кучада якка ўзи қолди. Ўша тунда ҳатто осмон ҳам урушга тайёрланаётган эди. Уни қалин булут қоплаган, булутлар сийрақ жойда эса душман пистирмачилари каби ғуж-ғуж юлдузлар милтиллари. Осмон гўё шаҳарга ёпирилиб, уни оппоқ култепага айлантирадиганга ўхшарди. Қонли шафаққа ой кўтариларди. Мана шундай эди бу тун.

Монтэг метро станциясидан келарди: пул чўнтагида — тун билан ишлайдиган банкда бўлган, механик роботлар унинг ҳожатини чиқаришган эди, қулоғига чиганоқни қўйиб дикторнинг овозини тингларди:

«Бир миллион киши сафарбар қилинган. Уруш бошлангудай бўлса, кўп ўтмаёқ ғалаба қозониш таъминланган...» аллақаяқдан гумбураб эшитилган мусиқа дикторнинг овозини босиб кетди.

— Ўн миллион киши сафарбар қилинган, — шивирларди Фабер иккинчи қулоғида, — Лекин бир миллион деб эълон қилишади, ташвиш камроқ-да.

— Фабер!

— Эшитаман

— Мен ўйлаб ўтирмайман. Ҳамиша қилганимдек, менга нима буюрилса, фақат шуни бажараман. Пул топиш керак дедингиз, топдим. Ўзим бу ҳақда ўйлаб кўрганим йўқ. Қачон ўй ўйлаб, мустақил ҳаракат қиладиган бўламан?

— Ҳозиргина шу сўзларни айтиб, биринчи қадам қўйдингиз.

Дастлабки пайтларда менга орқа қилишингизга тўғри келади.

— Уларга ҳам орқа қилганман.

— Мана оқибати, сизни не кўйга солганини кўриб турибсиз, бир-мунча вақт кўр одамдай йўл тополмай қийналасиз. Менинг қўлимдан тутинг.

— Бошқа томонга ўтиб, яна буйруққа кўра ҳаракат қилиш учунми, йўқ, мен буни истамайман. Унда сиз томонга ўтишимнинг

нима ҳожати бор?

— Ақлингизга балли, Монтэг.

Монтэг оёқлари остида таниш тротуарни ҳис қилиб, оёқлари илдам ҳаракат қилиб, уни уйи томон етаклади.

— Давом этинг, профессор.

— Хоҳласангиз, сизга бирон нарса ўқиб берай. Ҳаммасини эслаб қолишингизга ҳаракат қилиб ўқийман. Мен суткасига беш соатдан кўп ухламайман. Бўш вақтим кўп. Агар хоҳласангиз ҳар куни кечқурун уйқу олдидан сизга ўқиб беришим мумкин. Агар ухлаб ётган одамнинг қулоғига шивирлаб айтилса, ҳаммасини эслаб қолади дейишади.

— Воажаб...

— Эшитинг бўлмаса, — шаҳарнинг нариги чеккасида узоқдан саҳифаларнинг шитирлаб очилаётгани эшитилди, — Иов китоби.

Осмонда ой порлади. Монтэг, унсиз лабларини қимирлатиб йўлка бўйлаб борарди.

Кечқурун тўққизларда кечки овқатини тугатар-тугатмас эшикдаги радиокарнай меҳмонлар келганини хабар қилди. Милдред вулқондан қочган одамдай шошиб даҳлизга отилди. Уйга миссис Фелпс ва миссис Бауэлс кириб келишди, меҳмонхона оловли кратер каби уларни ўз домига тортди. Хонимлар мартини ичимлиги шишаларини қўлларида кўтариб олишган эди. Овқат овқатда, қолди. Бу аёллар минглаб биллур шишалари жаранглаб турадиган улкан қандилларни эслатишарди. У, ҳатто девор оша уларнинг ясама, маъносиз кулгиларини кўриб турарди. Улар шовқин солиб бир-бирлари билан кўришишди, чўвиллашиб меҳмонхонани бошларига кўтаришди.

Монтэг оғзидаги луқмани чайнаб, эшик олдида тўхтаб қолди.

— Кўринишингиз бинойидай!

— Бинойидай!

— Кийимларинг шундай ярашибдики, Милли!

— Бирам ярашибдики!

— Манавиларнинг ҳаммаси ажойиб!

— Ажойиб!

Монтэг чурқ этмай уларни кузатарди.

— Хотиржам бўлинг, Монтэг, — огоҳлантириб шивирлади Фабер.

— Бу ерда бекор ушланиб қолдим, — деярли ичида айтди Монтэг — аллақачон пулни олиб, олдингизга жўнашим керак эди.

— Буни эртага қилсангиз ҳам кеч эмас. Эҳтиёт бўлинг, Монтэг.

— Ажойиб ревью, шундай эмасми, — деди Милдред.

— Нимасини айтасиз?

Телевизор ўрнатилган учта девордан бирида бир аёл киши бир вақтнинг ўзида пўртаҳол шарбатидан ичиб, оғзи қулоғида кулиб турарди.

«Буни қандай уддалай оларкин?» — ўйларди Монтэг унга аллақандай нафрат ҳисси билан қараб. Бошқа деворда эса рентген нурларида шарбат ўша хонимнинг шодликдан ликиллаб турган ошқозони сари овқат ўтказувчи йўллардан қандай ўтиб бориши кўриниб турарди. Бирданига меҳмонхона ракетали самолёт қанотларида осмони фалакка кўтарилди; кейин ҳаворанг балиқлар қизил ва сариқ балиқларни ютиб юбораётган лойқа-кўкиш сувли денгизга шўнғиди. Орадан бир дақиқача ўтгач, учта оқ мультипликацияли масхарабоз маъқуллаб, хохолаган овозлар остида бир-бирининг оёқ-қўлини чопа бошлади. Икки дақиқадан кейин деворлар томошабинларни ракетали автомобиллар бир-бирлари билан тўқнашиб, туртишиб доира бўйлаб жуда катта тезликда ҳаракат қилаётган шаҳар-ташқарисига олиб ўтди. Монтэг инсон таналари осмонга учиб кетганини ҳам кўрди.

— Милли, кўрдингми?

— Кўрдим! кўрдим!

Монтэг қўлини девор ичкарасига суқиб, марказий уловчи асбобни буради. Ичида майда балиқчалар типирчилаб қолган улкан шиша аквариумдан кимдир тўсатдан сувни қўйиб юборгандек девордаги тасвирлар ўчиб, сўнди.

Учта аёл қайрилиб, ошкора ғазаб ва кудурат билан Монтэгга тикилишди.

— Нима деб ўйлайсизлар, уруш қачон бошланди? — сўради Монтэг, — бугун эрларингиз бирга келишмабди.

— Эҳ, уйга гоҳ келишади, гоҳ келишмайди, — деди миссис Фелпс, — гоҳ келишади, гоҳ келишмайди оёғи куйган товукдай. Питни кеча чақиртиришибди. Келаси ҳафтада қайтаркан. Унга шундай дейишибди. Уруш қисқа бўлармиш. Қирқ саккиз - соатдан кейин ҳамма уйда бўларкан. Армияда шундай дейишибди. Тез тугайдиган уруш. Питни кеча чақириб, бир ҳафтадан кейин уйда. бўлишини айтишибди. Қисқа...

Учала Ҳотин стулларда бесаранжом, асабийлашиб бўм-бўш кулранг деворларга қараб-қараб ўтирарди.

— Мен ташвиш қилмайман, — деди миссис Фелпс, — Пит ўз ташвишини ўзи тортсин, — қиқирлаб кулди у, — ўзим хон, қўланкам майдон. Зиғирчаям ташвиш қилмайман.

— Ҳа,ҳа, ўз ташвишини ўзи тортсин, — унга қўшилди Милли.

— Ҳамиша бегоналарнинг эрларини ўлдиришади. Шундай дейишяпти.

Тўғри айтасиз, мен ҳам эшитдим. Урушда ҳалок бўлган биронта ҳам кишини билмайман. Қандайдир бошқачароқ, масалан, ўзларини баланд бинодан ташлаб ҳалок бўлишади. Шундай бўлиши мумкин.

Ўтган ҳафта Глориянинг эри каби, урушда-чи, йўқ.

— Урушда йўқ, — унга қўшилди миссис Фелпс. — Ҳар қалай, биз Пит билан доимо ҳеч қандай кўзёши, оҳ-воҳларга ўрин бўлмаслиги ҳақида гапирардик. Менда ҳам, унда ҳам учинчи никоҳ, бир-

биримизга тобе эмасмиз. Ҳар ким мустақил бўлиши керак — доимо биз шундай деб ҳисоблардик. Пит агар уни ўлдиришса, кўзёши тўкиб ўтирмай, тезроқ турмушга чиқишимни айтди, тамом-вассалом.

— Айтгандек! — қичқириб гапирди Милдред. — Кеча Клара Доувнинг беш дақиқалик романини деворларда кўрдиларингизми? Бу аёлнинг ҳалиги... Монтэг болалигида бошқа динга мансуб кичик ибодатхонага тасодифан адашиб кириб қолиб, авлиёларнинг суратини томоша қилгандек, аёлларнинг юзини зимдан кузата бошлади. Ибодатхонада бухур ҳиди ва аллақандай ўзига хос, фақат шу жойга хос чангдан чуқур нафас олиш ўзгача динни англаб етишга ҳаракат қилиб, узоқ туриб қолган ибодат чоғида бўлганидек уларга мурожаат қилмоқчи бўлганида ҳам бу ғалати, сирли қиёфалар унга ёт ва тушунарсиз бўлиб қолган эдилар. Агар бу ҳидлар ўпкасини тўлдирса, қонига ўтса, ўшанда эҳтимол, унга таъсир ўтказиб, бўяб қўйилган

чинни кўзли, лаблари чўғдай қизил хайкалчалар тушунарлироқ бўлармикан, деб хаёлидан ўтказгандй. Аммо бундан ҳеч нарса ўзгармади. Гўё муомалада бошқача пул бўлган дўкончага кирган-у, пулига ҳеч нарса ололмай қуруқ чиққандай. Авлиёларга қўлини теккизганда баданига иссиқ ўтмади — улар оддий ёғоч, лойдан ясалган эди. Ҳозир ҳам ўз уйида стулларда асабийлашиб, беором ўтирган учта хотинга қараб ўзини шундай ҳис қиларди. Улар чекишиб, ҳавога паға-паға тутун тарқатишар, бўялган сочларини тўғрилаб қўйишар, Монтэгнинг тикилиб қарашидан ўт олгандай қип-қизил тирноқларини кўз-кўз қилишарди. Орага жимлик чўккан, аёллар зерикиб қолишган эди. Монтэг огзидаги луқмани ютиши билан хотинлар беихтиёр олға интилишди. Унинг ўхтин-ўхтин нафас олишига хавотирланиб қулоқ тутишди. Энди меҳмонхонанинг учта нурсиз девори абадий уйқуда ётган баҳайбат махлуқларнинг оқариб кетган пешонасини эслатарди. Монтэгга агар қўлини уларга теккизса, бармоқларида шўр тер изи қоладигандек туюлди. Вақт ўтган сари у пешоналардан кўпроқ тер чиқар, жимлик яна кучаяр, ҳавони, тоқати тоқ бўлган арлларнинг баданини тутиб кетган ҳид чуқурроқ сезиларди. Яна бир дақиқа ўтса, улар қаттиқ виширлаб портлаб қетадигандай туюларди.

Монтэгнинг лаблари қимирлади.

— Келинлар, гаплашиб олайлик.

Хотинлар бир сесканиб унга тикилишди.

— Болаларингиз тинчми миссис Фелпс? — сўради Монтэг.

— Болаларим йўқлигини яхши биласиз-ку! Бизнинг давримизда эсли-хушли одам болани нима қилади? — Монтэг нега жаҳлини чиқарганини тушунолмай қичқирди миссис Фелпс.

— Йўқ, йўқ, бу масалада мен сизнинг фикрингизга қўшилолмайман, — норози оҳангда деди миссис Бауэлс, — менинг иккита фарзандим бор. Икки гал ҳам болани қорнимдан ёриб олишган; Болани деб тўлғоқ азобига ўзимни дучор қилишим керакмиди? Аммо бошқа томондан одамлар кўпайиши керак. Одамзотни давом эттиришга мажбурмиз. Бундан ташқари болалар баъзан ота-оналарига жуда ўхшаб кетишадик, кўриб томоша қиласиз. Хуллас, икки марта қорнимни ёриб муаммони ҳал қилишган. Тўғри, сэр, врачим қорнингизни ёриш шарт эмас, гавдангизнинг тузилиши

кўнгилдагидай, туғишингиз мумкин деса ҳам ўз айгганимда туриб олганман.

— Нима десангиз деяверинг — у, болалар ортиқча даҳмаза. Уларни кўпайтириб, ўзингизга дардйсар орттиргансиз! — деб шанғиллади миссис Фелпс.

— Жуда бунчалик эмас, бола ёмон эмас. Ўн кундан тўққиз кунини мактабда ўтказишади. Улар уйда бўлганида ойда уч кунгина бирга бўламан. Бу ҳам бир нави. Уларни меҳмонхонага ҳайдаб, деворни улайман қутиламан-қўяман, Худди кир ювгандек. Қирларни машинага соласизу, шақ этиб қопқоғини ёпасиз, — миссис Бауэлс қиқирлаб кулди, — ҳеч қандай эркалаш-перкалашга ўрин йўқ. Мени кучоқлаб ўпиш болаларимнинг етти ухлаб тушига кирмайди. Мунга қўл кўтариб тепкилашнинг пайига тушадилар; Худога шуқур, мен ҳам уларни жавобсиз қолдирмайман.

— Хотинлар овозларининг борича хохолаб кулишди.

Милдред бир дақиқача жим турди-да, Монтэгнинг кетмаётганини кўриб, кафтларини бир-бирига уриб, чапак чалиб кичқирди:

— Келинлар, сиёсатдан гапириб, Гайнинг кўнглини овлайлик.

— Майли, жуда яхши бўлади, — деди миссис Бауэлс, — ўтган сайловларда ҳамма каби Нобль учун овоз бердим. Менинг назаримда, у қачон бўлмасин президентликка сайланган эркаклар ичида энг ёқимтойидир.

— Эҳ-ҳе, нимасини айтасиз? Бошқасини, Нобдга қарши кўрсатилганини эслайсизларми?

Ҳар ҳолда тузуккина эди! Кичкинагина, кўримсиз, наридан- бери соқол-мўйловини олган, сочлари таралмаган.

— Мухолифат қайси мия билан унинг номзодини кўрсатганига ҳайронман. Шундай пакана одамни баланд бўйли кишига қарши қўйиш мумкинми? Устига устак латтачайнар. Гапирганларидан битта нарсани эшитмадим. Эшитганларимни эса тушунмадим.

— Бундан ташқари семириб кетган ва буни кийим билан яширишга ҳаракат ҳам қилиб кўрмаган. Ҳайрон қоладиган жойи йўқ, кўпчилик Уинстон Нобль учун овоз берди. Бу ерда ҳатто уларнинг

номлари ҳам рол ўйнади. Ўзингиз қиёсланг: Уинстон Нобль ва Хюберт Хауг —жавоби дарров ўзингизга маълум бўлади.

— Сизларни қаранглар-у! Уларнинг биронтаси ҳақида ҳеч нарса билмайсизлар-ку! — ўзини босолмади Монгэг.

— Нега билмас эканмиз? Атиги ярим йил аввал икковини ҳам худди мана шу меҳмонхонанинг деворларида кўрганмиз! Биттаси ҳадеб бурнини ковларди. Қандай даҳшат, унга қарашнинг ўзи жирканчли эди.

— Сизнингча, мистер Монтэг, шундай киши учун овоз беришимиз керакмиди? — қичқирди миссис Фелпс.

Милдред очилиб кулиб деди:

— Гай, илтимос, жаҳлимни чиқарма? Бизни холи қўй!

Монтэг ғойиб бўлган эди. Бир дақиқадан кейин, қўлида китоб билан қайтиб кирди.

— Гай!

— Бўлди! Ҳаммаси қуриб кетсин, ҳаммаси!

— Бу нима? Наҳотки китоб бўлса? Мен бўлсам, махсус ўқитиш эндиликда кинофильмлар ёрдамида ўтказилади деб юрибман, — миссис Фелпс ажабланиб кўзларини учирди, — ўт ўчирувчилик иши назариясини ўрганияпсизми?

— Қуриб кетсин ўша назарияси! — жавоб берди Монтэг, — бу шеърлар

— Монтэг! — унинг қулоқларида Фабернинг огоҳлантирувчи шивирлаган товуши эшитилди.

— Мени холи қўйинг, — Монтэг ўзини худди қандайдир тез айланувчан, гувиллаган, ғулули гирдоб домига тортиб кетаётгандёк ҳис қилди.

— Монтэг, ўзингизни қўлга олинг! Чакки қияпсиз...

— Уларни эшитдингизми? Бу махлуқларнинг ўзлари сингари бошқа махлуқлар ҳақида нима деб вайсашганини эшитдингизми? Ё тавба, одамлар ҳақида нималар дейишмайди-а? Ўз фарзандлари, ўзлари, эрлари, уруш ҳақида гап сотишларини қаранг!... Минг лаънат уларга! Уларни эшитиб туриб қулоқларимга ишонмадим.

— Кечирасиз! Уруш ҳақида мен ҳеч нарса деганим йўқ! — қичқирди миссис Фелпс.

- Шеър эмиш! Шеър деса кўнглим озади, — деди миссис
Бауэлс.
- Сиз уларни бирон марта бўлмасин эшитганмисиз?

— Монтэг! — Фабернинг овози Монтэгнинг қулоғига буралиб кирди. — Ҳаммасини барбод қиласиз! Тентак! Бас қилинг!

Аёллар ўринларидан туриб кетишди.

— Ўтиринглар! бақриб берди Монтэг.

Улар ғиринг демай ўтиришди.

— Мен уйимга борақолай, титроқ овоз билан гапирди миссис Бауэлс.

— Монтэг, Монтэг, худо ҳаққи сиздан илтимос қиламан. Нима қилмоқчисиз? — илтижо қиларди Фабер.

— Китобчангиздаги қисқароқ шеърлардан биронтасини бизга ўқиб беринг, бизлар ҳам Эшитайлик,— бошини сарак-сарак қилди миссис Фелпс.

— Лекин бу ман этилган, — инграгандай чинқириб юборди миссис Бауэлс. — Ундай қила кўрманг!

— Мистер Монтэгга бир қаранглар! — жуда-жуда ўқигиси келяпти, кўриб турибман, Бир дақиқа чуғурлашмай ўтириб тингласак мистер Монтэгнинг кўнгли жойига тушади, ундан кейин билган ишимизни қилишимиз мумкин, — миссис Фелпс сукут сақлаётган деворларга асабий қийшайиб қаради.

— Монтэг, айтганингиздан қолмасангиз, орамиз очиқ, менга умид боғламанг, — қулоқни тешиб юборгудай ғинғиллади чивин, — бу билан нимага эришасиз?

— Қўрқитиб, юракларини оламан! Шундай қўрқитайки, боши айланиб дунёни кўрмай қолсин.

Милдред атрофга аланглади.

— Ким билан гаплашяпсан, Гай?

Кумуш игна унинг миясига санчилгандек бўлди.

— Монтэг, диққат билан эшитинг, фақат битта йўл қолди. Ҳаммасини ҳазилга йўйиб, хандон отиб қулинг! Кейин китобнй печкага ташлаб ёқиб юборинг.

Милдред фалокат рўй беришини ундан илгарироқ сезиб, титроқ овозда тушунтирарди: Азиз хонимлар, йилига бир марта ҳар бир ўт ўчирувчига илгари замонларда ҳамма нарса аҳмоқона ва бемаъни эканлигини, китоблар одамларнинг тинчини бузиб, ақлдан оздиришини ўз оиласига кўрсатиш учун уйига китоб келтиришга рухсат берилади. Гай бугун ана шундай сюрприз тайёрлабди бизга.

Бунинг ҳаммаси ёлғон эканлигини ўзимиз кўришимиз, бу бўлмағур сафсата бошқа ҳеч қачон бошимизни қотирмаслиги учун бизга бирон нарса ўқиб беради.

Шундай эмасми, азизим?

Монтэг тишини тишига қўйиб китобни қўллари орасида эзди.

— «Ҳа» денг, Монтэг! — буюрди Фабёр.

Монтэг унинг амрини бажариб деди:

— Шундай.

Милдред қаҳ-қаҳлаб китобни юлиб олди.

— Мана бу шеърни ўқи. Йўқ, мана бу кулгилисини ўқий қол, бугун овоз чиқариб ўқиган эдинг. Азизларим, барибир, ҳеч нарсани тушунмайсизлар, ҳеч нарсани! Бу оддий сўзлар йиғиндиси, холос — ту-ту-ту. Гай, азизим, мана шу саҳифани ўқий қол!

У очилган саҳифага кўз югуртирди. Кулоғида пашша гингиллади:

— Ўқинг, Монтэг.

— Шеър нима деб аталаркан, азизим?

— «Дувр соҳили».

Монтэгнинг тили танглайига ёпишарди.

— Овозингни баланд чиқариб, шошмасдан ўқи.

Хонада нафас олиб бўлмасди, Монтэгга гоҳ совуқ, гоҳ иссиқ туюларди. Меҳмонхона тақир чўлни эслатар, ўртада учта стул ҳамда у, омонат туриб миссис Фелпс кўйлагини тузатиб бўлишини, миссис Бауэлс эса турмакланган сочидан қўлини олишини кутиб турарди. Аввал паст овозда, тутилиб, ҳар бир мисрадан кейин эса дадилроқ ва баландроқ ўқий бошлади. Унинг овози чўллар оша ўтиб, “бўшлиқларга урилиб, ўтирган аёлларнинг боши узра қизиган ҳавода жарангларди:

Ишонардим: замин соҳилин
Ювар экан бир пайтлар тўлиб,
Камалақдай товланарди сокин бир баҳр.
Мана энди туманлар ичра
Ҳасрат ила юзларин юмиб,
Қайтаётган тўлқинларнинг ингрокларини,
Қирғоқларин бўрон қаҳри парчалаб кетган

Оддий яланг қояларнинг зорин тинглайман.

Стулар ғичирлади. Монтэг ўқишда давом этди:

Ишқ, бизга содиқлик имконин берсанг,
Ахир қаршимизда орзу юртидай
Юз очган бу очун эрур ранго-ранг,
Гўзалдир, янгидир, гўё ҳарир ой.
У билмас нима нур, зулмат, азоб не,
Қайғу не, туйғу не, не меҳр, тинчлик
Ўлим ваҳмин туйиб жангдан қочмоқни
Истаган басирдек бизлар учрашдик.

Миссис Фелпс хўнграб йиғларди.

Дугоналари унинг кўзёшига, буришган юзларига қараб ўтиришарди. Жўшқин ҳис-ҳаяжонидан қарахтланиб, унга тегиб кетишга журъат этолмай ўтиришарди. Миссис Фелпснинг йиғиси тинмас, Монтэг ҳам капалаги учиб ўзини йўқотиб қўйган эди.

— Кўй энди, қўй, Клара, — деди Милдред, — ўзингни бос. Сенга нима бўлди, Клара, қўйсанг-чи.

— Мен... мен... — йиғларди миссис Фелпс, — билмайман, билмайман... ҳеч нимани билмайман. Оҳ...

Миссис Бауэлс ўриндан туриб, таҳдид билан Монтэгга ўқрайди.

— Хўш? Кўнглингиз жойига тушдим энди? Шундай бўлишини билувдим-а! Худди шуни исботламоқчи эдим. Доимо шеърият кўзёшлари, ўз-ўзини ўлдиришлар, шайтонлашлар, кўнгил айнишлар, касаллик деб айтардим. Наҳс — бошқа нарса эмас. Мана энди бунга бутунлай ишондим. Сиз ёвуз одамсиз, мистер Монтэг, ёвуз, ёвуз!

— Ана энди... — шивирлади Фабер.

Монтэг итоаткорлик билан ўгирилиб, печкага яқинлашди-да, китобни мис панжара орасидан ловуллаб турган оловга улоқтирди..

— Бемаъни сўзлар, бемаъни, қалбни жароҳатловчи сўзлар, — давом эттирди миссис Бауэлс, — нима учун одамлар бир-бирларига кўпроқ азоб беришга ҳаракат қилишаркин? Дунёда бундан бўлак азоб-уқубатлар камми, яна шунақа бўлмағур нарса билан қийнаш шартми?

— Клара, ўзингни бос! — Милдред уввос солаётган миссис Фелпснинг қўлларига ёпишиб, астойдил уни овутмоқчи бўларди. — Қўй энди! «Қариндошлар»ни қўйиб, чақчақлашиб дам оламиз. Қўйсанг-чи, энди кўзёшингни! Ҳозир базми жамшид қиламиз.

— Раҳмат, мен кетаман, — деди миссис Бауэлс, — меникига ва «қариндошлар»имникига қачон бўлса ҳам қадам ранжида қилсаларингиз бошим осмонга етади. Бу уйни, тентак ўт ўчирувчининг уйини елқамнинг чуқури кўрсин.

— Қорангизни ўчиринг, — деди паст овоз билан Монтэг миссис Бауэлсга еб қўйгудай қараб, — уйингизга бориб сиз билан ажрашган биринчи эрингиз, реактив машинада тилқа-пора бўлган икқинчи эрингиз, тез орада бошини уриб мажақлайдиган учинчи эрингиз ҳақида ўйланг! Уйингизга бориб ўнлаб бола олдирганингиз, қорнингизни ёриб бола олганлари, сиздан нафратланадиган болаларингиз ҳақида ўйлаб боқинг! Уйингизга боринг-да, шуларнинг ҳаммаси қандай содир бўлган ва уларга йўл қўймаслик учун нима қилганингизни ўйлаб кўринг! — қичқирди у. — Юзингизга шапалоқ тортиб юбормасимдан ёки эшикдан чиқариб улоқтирмасимдан туёғингизни шиқиллатиб қолинг!

Эшик ёпилиб, уй ҳувиллаб қолди.

Монтэг деворлари иркит Қорга ўхшаган муз саҳрони эслатувчи меҳмонхонада қаққайиб турарди.

Ваннахонадан сувнинг шапиллагани эшитилди. Милдред шиша флакончадан кафтига уйқу дорисини силкитиб тушираётганини эшитди.

— Сиз аҳмоқсиз, Монтэг, аҳмоқ, аҳмоқ! Шунчалар овсар бўласизми?...

— Бўлди, етар! — Монтэг қулоғидан яшил ўқчани юлиб олиб чўнтагига солди, аммо у ҳамон ғўнғилларди:

— Аҳмоқсиз... аҳмоқ!...

Монтэг бутун уйни тинтиб китобларни охирида Милдред совутгичнинг орқасига тиқиб қўйган жойдан топди. Уларнинг бир нечтаси етишмас эди. Монтэг Милдреднинг уйидаги динамитни оздан камайтираётганини англади. У ғазабидан анча тушган, фақат аллақандай ҳорғинликни ва англашилмовчиликни ҳис қиларди. Нима учун шундай қилди?

У китобларни ҳовлига юлиб чиқиб, девор ёнидаги буталар орасига фақат бир кечага, Милдред тагин ёқиб юбормасин, деб яшириб қўйди.

Уйга қайтиб кириб, бўш хоналарни кезиб чиқди.

— Милдред! — қоп-қоронғи ётоқхона эшигига яқинлашиб чақирди у.

Ҳеч ким жавоб бермади.

Монтэг метро сари бораётиб, чимзорни кесиб ўтаркан, Кларисса Маклелланнинг уйи мудҳиш, кўчиб кетган ҳовлига ўхшаб қолганига эътибор бермасликка ҳаракат қилди.

Ишга кетаётган шу соатда ўзининг якка-ёлғизлиги ва йўл қўйган хатосининг бутун оғирлигини кутилмаганда шундай қаттиқ ҳис қилдики, ортиқ чидолмай, яна Фабер билан гаплаша бошлади. Тун сукунатида ғоят меҳрибон ва самимий овозини жон-қулоғи билан эшитгиси келди. Фабер билан танишганига бир неча соат бўлса ҳам уни бутун умри давомида биладигандек туюлди. Монтэг энди ўзида иккита инсон мужассам бўлганини ҳис этди: биринчиси — ҳеч нарсани тушунмайдиган, ҳатто нодонлигини чуқур тушуниб етмаган, уни фақат ғира-шира тасаввур этган унинг ўзи ва иккинчидан ҳозир у билан гаплашиб турган, пневматик поезд уни уйқудаги шаҳарнинг бир чеккасидан иккинчи чеккасига учуриб етказгунча у билан гаплашиб келган мана шу мўйсафид эди. Унинг ҳаётидаги ҳамма кунлар, қоронғи ва ойнинг ёрқин нурида ёришган ҳамма тунлари кекса профессор унинг қалбига сўз устига сўз, томчи устига томчи, тош устига тош, учқун устига учқун ташлаб, у билан мулоқотда бўлади. Ахир бир кун унинг онги тўлиб-тошиб Монтэг бўлмай қолади. Қария унга шундай деган, шунга инонтирган, ваъда қилган. Улар Монтэг ва Фабер, олов ва сув бирга бўладилар, кейин ажойиб бир кунда ҳаммаси аралашиб, қайнаб-тошиб, изига тушгач, олов ҳам, сув ҳам қолмай винога айланади. Бир-биридан шунчалик фарқ қиладиган иккита нарсадан янги учинчиси яратилади. У орқасига назар ташлаб, илгари қандай аҳмоқ бўлганини англайдиган кун албатта келади. У ҳозир ҳам бу узоқ йўл бошланганини ўзининг илгариги «мен»и билан хайрлашиб, ундан тобора узоқлашаётганини ҳис қилиб турарди.

Қулоғида тукли арининг ғўнғиллаши, чивиннинг ғувиллаши, ниҳоятда нозик кекса кишининг овози унга ҳузур бағишларди. Бошида

Монтэгни койиган бўлса, метронинг дим туннелидан чиқиб яна ўт ўчирувчилар оламида пайдо бўлиши билан алламаҳал тунги соатда уни овутиб далда берди. — Шафқатли бўлинг, Монтэг, шафқатли. Уларнинг устидан кулманг, ўчакишманг, яқингинада сиз ҳам ўшандай эдингиз. Улар доимо шундай бўлади, деб астойдил ишонадилар. Аммо ҳамиша шундай бўлмайди. Улар бутун ҳаётлари бўшлиқ орқали ўтувчи ловуллаб ёнаётган улкан метеорга ўхшадини билмадилар. Учиб кетаётганда чиройли, аммо қачондир қулаши муқаррар. Улар фақат кўзни қамаштирувчи, ташқи ялтироқликни кўрадилар, холос. Монтэг, мен каби жонини сақлаб уйда яшириниб ўтирган кекса одамнинг танқид қилишга ҳаққи йўқ. Ростини айтганда, бошдаёқ ҳамма ишимизни барбод қилиб қўйишингизга сал қолди. Ҳушёр бўлинг. Ёдингизда бўлсин, мен доимо ёнингиздаман. Нега шундай қилганингизни тушуниб турибман. Иқроп бўлишим керак, сизнинг тизгинсиз қаҳр-ғазабингиз менга куч-қувват бағишлади. Астағфирилло, бирдан ўзимни йигитдай ҳис қила бошладим! Аммо-энди сизнинг кекса киши бўлиб қолишингизни, ўз кўрқоқлигимдан бир чимдимини ҳам сизга раво кўрмайман. Битти билан ўтказадиган бир неча соат давомида эҳтиёт бўлинг, атрофида оёқ учида юринг, уни эшитишимга, вазиятни баҳолашимга имкон беринг. Шиоримиз — омон қолмоқлик. Чорасиз, тентак хотинларни унутинг...

— Мен уларнинг дилини шундай хуфтон қилдимки, эҳтимол, умрларида ҳеч маҳал бунчалик хафа бўлишмагандир, — деди Монтэг, — миссис Фелпснинг кўзёшларини кўрганимда хўрлигим келди. Балким улар ҳақдир. Эҳтимол, ҳаёт қандай бўлса, шундайлигича кўрмасдан, ҳаммасидан кўзни юмиб хурсандчилик қилган афзалдир. Билмадим, ўзимни айбдордек ҳис қиляпман...

— Йўқ, ундай деманг! Агар уруш бўлмаганда, дунёда тинчлик қарор топганда, хурсандчилигингиздан қолманг, дердим. Йўқ, Монтэг, сиз фақат ўт ўчирувчи бўлибгина қолмаслигингиз керак.

Дунё нотинч.

Монтэгнинг пешонаси терга ботди.

— Монтэг, мени эшитяпсизми?

— Оёқларим... — ғулдиради Монтэг, — уларни қимирлатолмаяпман.

Тавба, уларнинг юргиси келмаётганга ўхшайди!

— Кулоқ беринг, Монтэг. Хотиржам бўлинг, — майин гапирарди чол, — ахволингизни тушуниб турибман. Яна хато иш қилиб қўйишдан чўчияпсиз. Қўрқманг, хатоларнинг баъзан фойдаси ҳам бўлади. Эҳ, буни билсангиз эди! Ёшлигимда ўз нодонлигимни ҳар кимнинг юзига солаверар эдим. Эвазига мени калтаклашар эди. Кирқ ёшларга борганимда билим қуролимни чархлаб олдим. Агар нодонлигингизни яширсангиз, сизни, урушмайди ва ҳеч қачон ақлингизга ақл қўшилмайди. Қани энди юринг. Қани, дадилроқ! Ўт ўчириш станииясига биргалашиб борамиз! Энди икки кишимиз. Сиз ёлғиз эмассиз, биз энди бир-биридан қалин девор билан ажратилган ўз меҳмонхоналаримизда бошқа-бошқа ажралиб ўтирмаймиз. Битти сиздан баланд келиб, сизга ёрдам керак бўлса, ёнгинангизда, қулоқ пардангизда бўлиб, мен ҳам тинглаб ҳаммасини кўриб тураман.

Монтэг аввал ўнг, кейин чап оёғи яна ҳаракат қила бошлаганини сезди.

— Мени ёлғиз қўйманг, дўстим, — деди зўрға.

Механик ит инида кўринмасди. Оқ рангга суваб ўт ўчириш станцияси биносини жимжитлик чулғаган эди. Тўқ-сарик Самандар қорнини керосинга тўлдириб мудрар, икки биқинида кўндаланг қилиб ўрнатилган ўтсочарлар дам оларди. Монтэг аста қадам ташлаб ўтиб, қўли билан бронза ходага осилиб, бўш ётган механик ҳайвоннинг инидан кўзини узмай юқорига қоронғиликка учиб чиқиб кетди. Юраги гоҳ жим бўлиб қолар, гоҳ яна гупиллаб уриб кетарди. Фабер кулранг тунги капалак сингари қулоғида бирмунча вақт жимиб қолди.

Юқоридаги майдончада туйнукка орқасиний ўгириб, гўё ҳеч кимни кутмаётгандек Битти турарди.

— Қаранглар, — деди у қарта ўйнаётган ўт ўчирувчиларга мурожаат қилиб, — дунёдаги ҳамма тилларда аҳмоқ деб аталадиган аломат нусха кёляпти.

У қайрилиб ҳам қарамай, индамай солиқ талаб қилгандай кафтини очиб, қўлини узатди. Монтэг унинг кафтига китобни қўйди. Битти китобнинг муқовасига ҳам қарамай, ахлат кажавага улоқтирди-да, сигарета олиб чекди.

— «Жиндак ақли бўлган одам катта аҳмоқдир». Хуш келибсиз, Монтэг. Иссиғингиз тушиб соғайган бўлсангиз, биз билан навбатчилик қилишга қоласиз, деб умид қиламан. Покер ўйнаймизми?

Улар столга ўтиришди. Қарта сузилди. Биттининг ҳузурида Монтэг қўлларининг айбли иш қилиб қўйганини қаттиқ хис қилди. Унинг бармоқлари шумлик қилиб қўйган сассиқкузанлар каби бир дақиқа ҳам жим турмай, у ёқдан-бу ёққа бориб-келиб турарди. Улар гоҳ асабийлашиб қимирлар, гоҳ нимагадир ёпишар, гоҳ Биттининг оқиш спиртли ёлқин каби қарашидан яшириниб чўнтақларига суқилишарди. Брандмейстер уларга пуф деса, қўллари қуриб, тиришиб қоладигандай, уларни ҳеч қачон ҳаётга қайтариб бўлмайдигандай, улар бир умр куртқасининг енгига кўмиб ташланадигандай туюларди Монтэгга. Чунки бу қўллари Монтэгдан мустақил, ўз иродаси билан яшаш ва ҳаракат қилишга журъат этган, уларда биринчи марта унинг онги намоён бўлиб, унинг китобларини чангаллаб олиб, Иов, Руфь ёки Шекспирни ўзи билан олиб қочиш каби яширин мақсади амалга ошган эди. Бу ерда, ўт ўчирувчилар станциясида улар жиноятчининг қонга беланган қўлларига ўхшарди.

Ярим соат ичида Монтэг икки марта ўрнидан туриб, қўлини ювиш учун ҳожатхонага чиқди. Қайтиб келиб қўлларини стол остига яширарди.

Битти кулиб юборди:

— Қани қўлларингизни кўринадиган жойга қўйинг-чи. Акс ҳолда сиздан шубҳаланишимиз мумкин, ҳар ҳолда...

Ҳамма хохолаб кулди.

— Майли, — деди Битти, — хатар ўтди, ҳаммаси жойига тушди. От айланиб қозиғини толди. Ўз вақтида ҳаммамиз ҳам янглишганмиз. Ҳақиқат ҳақиқатлигича қолади, деб жар солардик: олижаноб фикрда юрган одамлар ёлғиз бўлишмоқда, деб ўзимизни ишонтирардик. «Эҳ, жонли оҳангдошликда жо-бажо бўлган донолик» деган экан сэр Филип Сидней. Бошқа томондан эса Александр Поп айтганидөк, «Сўзлар баргларга ўхшайди, улар зич бўлган жойда эса япроқ остида паноҳ топиши қийин». Бу ҳақда фикрингиз қандай, Монтэг?

— Билмайман.

— Эҳтиёт бўлинг, — шивирлади Фабер узоқ-узоқдан.

— Ёки мана бу: «Кам билмоқ хавфлидир: уни унутмасдан қадаҳни лиммо-лим тўлдир. Ундан бир ҳўплам ичиб маст бўласан, оқ қилиб ич, яна тиниқ ақлингни топасан». Бу ҳам Поп, ўша «Тажрибалар»идан.

Буни сизга қўлласа бўлар дейман-а, Монтэг? Бунга нима дейсиз?
Монтэг лабларйни тишлади.

— Ҳозир тушунтириб бераман, — деди кулиб Битти қарталарга қараркан, — сиз ҳам биринчи қултумдан кейин маст бўлиб қолдингиз. Бир неча сатрни ўқиганингиздан кейин бошингиз айланиб кетди. Дунёни портлатиб юборишга, аёллар ва болаларнинг бошини олиб оёқларингиз билан топташга, мўътабар одамларни тупроққа қоришга шайсиз. Мен буни биламан, ўз бошимдан кечирганман.

— Йўқ, мен ҳеч нарсани ... — жавоб берди Монтэг гангиб.

— Қизарманг, Монтэг. Ростим, устингиздан кулаётганим йўқ. Бир соат илгари туш қўрибман денг. Ётиб дам олмоқчи эдим, туш қўрибман, китоблар ҳақида сиз билан қаттиқ тортишиб қолган эмишмиз. Сиз дарғазаб бўлиб иқтибосларни ёғдирар эмишсиз, мен бўлсам бамайли хотир ҳар бир хужумингизни қайтарар эмишман. «Хукмронлик» дейман мен, сиз бўлсангиз доктор Жонсондан мисол келтириб жавоб берасиз: «Билим ҳокимиятдан кучли». Мен бўлсам, ўша Жонсон, бўтам, шундай деган: «Аниқликни мавҳумликка алмаштирмоқчи бўлган телбадир». Ўт ўчирувчиларнинг этагидан маҳкам тутинг, Монтэг. Қолган ҳаммаси — мудҳиш, тубсиз чуқурликдир!

— Гапларига қулоқ солманг, — шивирлади Фабер, — у сизни адаштирмоқчи. У илон каби қабиҳ, эҳтиёт бўлинг!

Битти мамнунлик билан кулди:

— Бунга сиз: «Ҳақиқат эртами-кечми, юзага чиқади. Қотиллик узоқ очилмай қолмайди», дедингиз. Мен: «Отдан тушса ҳам эгардан тушмайди!» дедим. Яна бундай дедим: «Шайтон ҳам баъзан муқаддас ёзувлардан далил келтира олади». Сиз эса менга жавобан қичқирдингиз: «Бу замон» е, тўним, «замони!» Шунда мен қулоғингизга аста шивирладим: «Ҳақиқат бу қадар қаттиқ ҳимояга муҳтожми?» Сиз яна бақирдингиз: «Қотил шу ерда — мурдаларнинг яралари яна очилиб қон отилиб ётибди!» Қўлингизни силтаб туриб жавоб бердим: «Наҳотки, сизда шунчалик очкўзлик уйғотган бўлсам?» Сиз, «Куч — билимда! Митти ҳам дарознинг елкасига чиқиб олиб, ундан ҳам узоқроқни кўради!» деб бўш келмайсиз. Мен бўлсам ўта хотиржамлик билан баҳсимизни қуйидаги сўзлар билан яқунладим: «Истиорани исбот деб, кулгили сўзлар оқимини ҳақиқат манбаи,

ўзингни эса фолбин деб ҳисоблаш ҳаммамизга хос адашишдир». Бир пайтлар мистер Поль Валери шундай деган экан.

Монтэгнинг боши лўқиллаб оғрирди. Аямасдан бошига, кўзларига, юзига, елкаларига, мажолсиз кўтарилган қўлларига уришаётгандай туюларди. «Йўқ! Бошқа гапирманг! Ҳаммасини янглиштириб юбормоқчисиз. Бас қилинг!» деб қичқиргиси келарди.

Битти ингичка, титроқ бармоқлари билан Монтэгнинг қўлидан тутди.

— Вой-бў, томир уришингиз кўтарилиб кетибди-ку. Жуда жиғингизга тегибманда-а? У худди урушнинг эртаси кунидек сакраб кетяпти. Карнайлару, қўнғироқнинг жаранглаши етмай турибди, холос. Яна гаплашамизми? Ҳа, жонли қиёфангиз менга хуш келяпти. Қандай тилда нутқ сўзлай? Суахили, ҳиндий, инглиз адабий тилими — барибир, ҳаммасида гапиравераман. Аммо бу кар одам билан суҳбатга ўхшайди. Шундай эмасми, мистер Вилли Шекспир?

— Узингизни тутинг, Монтэг, — унинг қулоғига пичирлади майда чивин, — сувни лойқалатяпти!

— Ўҳ-хў, жуда қўрқиб кетибсиз-ку, — давом этди Битти, — мен ҳақиқатан ҳам сизга нисбатан шафқатсизлик қилдим — сиз ёпишиб олган китоблардан ўзингизга қарши фойдаландим, ҳар бир сўзингиз, ҳар бир қадамингизда сизни рад этмоқ ниятида фойдаландим. Эҳ-хе, китоблар шундай хоинки! Сиз мени қувватлашади, деб ўйласангиз керак, улар эса ўзингизга қарши бўлиб қолади. Фақат сиз эмас, бошқа биров ҳам китобни ишга солиши мумкин. Сиз ботқоққа ботиб, эга кесим, аниқловчиларни чигаллаштириб, янглишиб кетдингиз. Тушим шу билан тугадики, мен сизникига Самандарда етиб бориб: «Бизнинг йўлимиз бошқа-бошқами?» деб сўрадим. Сиз машинага чиқиб ўтирдингиз, сукут сақлаб орқага ўт ўчириш станциясига физиллаб қайтдик; баҳсимиз барҳам топиб, орамиздан ҳеч нарса ўгмагандек яна аҳил бўлиб қолдик.

Битти Монтэгнинг қўлини қўйиб юборди, қўл шилқ этиб столга тушди.

— Ҳаммаси яхшилик билан тугаётгани дуруст. Жимлик. Монтэг оппоқ тош ҳайкалга ўхшаб ўтирар, унга сўнгги марта келиб урилган зарбаларнинг акс-садоси миясининг чуқур, қоронғи унгурларида аста-

секин сўниб борарди. Фабер улар бутунлай сўниб тўхтагунча кутиб турди. Монтэгнинг онгида кўтарилган чанг-тўзонлари чўккандан кейингина Фабер паст овозда гап бошлади:

— Яхши, кўнглидаги ҳамма гапни айтди. Ҳаммасини эшитдингиз. Яқин соатларда мен гапира бошлайман. Менинг гапларимни ҳам эшитишингизга тўғри келади. Сўнгра, ҳаммасини аниқлаб олинг-да, ким билан эканлигингизни ҳал қилинг. Аммо мен буни ўзингиз ҳал қилишингизни, бу менинг ҳам брендмейстер Биттиники ҳам эмас, ўзингизнинг қарорингиз бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Фақат бир нарсани — брендмейстер ҳақиқат ва озодликнинг энг хавfli душмани эканлигини, кўпчилигимизнинг тўпори ва лоқайдлар тўдасига киришимизни унутманг. Оҳ, бу кўпчиликнинг даҳшатли зулми! Биз Битти билан ҳар хил одамлармиз. Кимга қулоқ солишингиз ўзингизга боғлиқ.

Монтэг Фаберга жавоб бериш учун оғиз жуфтлаган эдики, ўт ўчириш қўнғироғининг жаранг-журунги бу кечириб бўлмас хатосини ўз вақтида тўхтатиб қолди. Ўт ўчириш сигналининг рупори шифтнинг остида гувиллаб турарди. Хонанинг нариги томонида манзилни ёзиб олаётган телефон аппарати тақир-тақир қиларди. Брендмейстер Битти қарталарни қип-қизил қўлидан қўймай жўрттага секин юриб, аппаратга яқинлашди ва қоғоз лентани йиртиб олди. Манзилга ижирғаниб қараб, чўнтагига солди-да, яна стол ёнига қайтиб ўтирди, Ҳамма ажабланиб унга қаради. Сизларни ютишим учун керак бўлган вақт, яна қирқ сония кутиб туриш мумкин, - хурсанд кайфиятда деди Битти.

Монтэг қарталарни стол устига қўйди.

— Чарчадингизми, Монтэг? Ўйиндан чиқмоқчимисиз?

— Ҳа.

— Йўг-е! Рухингизни туширманг! Дарвоқе, бу кўлни кейин тугатсак ҳам бўлади. Қарталарингизни тескари қилиб столга қўйинг, қайтиб охирига етказамиз. Энди отланинглари! Тезроқ! — Битти ўрнидан турди. — Монтэг, авзойингиз менга ёқмаяпти. Яна касал бўлиш хоҳшингиз йўқми?

— Йўқ, соғ-саломатман, бораман.

— Ҳа, сиз боришингиз керак. Бу антиқа тасодиф. Қани, кетдик! Улар пастдан отилиб турган тўлқинлардан гўё уларни қутқарувчи ягона мис хоодадек қўллари билан унга маҳкам чирмашиб тўйнуқдан пастга қараб сакрадилар; Аммо хоода — бензин қуйилган аждаҳо уйғониб, пишқириб, ириллаб, ўқчиб турган гирдоб қаърига ташлади уларни:

— Э-эй!

Гумбурлаб ва ўкириб муюлишга қайрилганда тормозлар гижирилаб, шиналар чийиллаб кетди. Самандарнинг ялтироқ мис қорнидаги керосин баҳайбат махлуқнинг ичидаги овқат каби чайқалди. Монтэгнинг бармоқлари ялтираган тутқичлар устида сакрар, шамол сочини юлқар, тишлари орасида хуштак чаларди. Монтэг мудом меҳмонхонасидаги аёллар ҳақида хаёл сўрар, неон шамоли улардан сўнгги ақл доначаларини учириб юборган куч аёлларни ва ўзининг уларга китоб ўқиб бериш ҳақидаги бухуда, аҳмоқона ўй-нияти ҳақида ўйларди. Бу сув тўппончаси билан ўтни ўчиришга уннашдай бир гап эди. Хом хаёл, жиннилик!

Қутурганликнинг тутқаноқ тутиши, у енга олмаган ғазабнинг яна бир портлаши. Ўзидаги бу ақлсизликни қачон енгиб, хотиржам бўларкин?

— Олға, олға!

Монтэг тутқичлардан кўзини олди. Одатда Битти ҳеч қачон рулга ўтирмас эди, бугун эса ҳайдовчининг ўриндиғидан олдинга энгашиб, муюлишларда кескин қайрилиб машинани ўзи ҳайдаб борар, қалин қора макинтошининг этаклари шамолда ҳилпирар, машина узра шамолга кўкрагини тутиб учиб бораётган баҳайбат кўршапалакка ўхшарди.

— Дунёни бахтли қилиш учун олға, олға! Шундайми, Монтэг? Биттининг қизғиш, фосфорлашаётган юзи қоронғида йилтиллаб,

аллақандай ғазабноқ илжаярди.

— Мана, етиб ҳам келдик!

Самандар зарб билан тўхтади. Одамлар қўполлик билан ундан сакраб тушишди. Монтэг яллиғланган кўзларини ялтираб турган, совуқ бармоқлари чангаллаб олган тутқичлардан узмай турарди.

«Мун бундай қилолмайман, — ўйларди у, — бу топшириқни қандай қилиб бажараман, қандай қилиб яна ёндираман? Мен бу уйга кира олмайман».

Улар ҳозиргина ғувиллаб келган, шамол ҳиди анқиб турган Битти ёнгинасида пайдо бўлди. — Қани, Монтэг!

Ўт ўчирувчилар бесўнақай этиклариди майиб-мажруҳларга ўхшаб, ўргимчаклар каби овоз чиқармасдан турли томонга чошиб кетишди.

Ниҳоят, Монтэг тутқичлардан кўзини олиб орқасига қайрилди. Битти уни кузатиб турарди.

— Сизга нима бўлди, Монтэг?

— Бу нимаси? — ҳайрон бўлиб сўради Монтэг. — Биз ахир менинг уйим олдида тўхтадик-ку!

УЧИНЧИ ҚИСМ

ОЛОВ ЛОВУЛЛАБ ЁНАДИ

Кўча бўйлаб тизилган уйларда. бирин-сирин чироқлар ёнар, эшиклар ланг очиларди. Одамлар оловни томоша қилиш учун ташқарига отилар эди. Битти ва Монтэг, бири вазмин, қониқиш билан, иккинчиси кўзларига ишонмай, томошанинг бош сабабчиси бўладиган, хонадонга тикилиб туришарди: ҳозир бу ерда машъаллар билан хуққавозлик қилиб, олов ютадилар.

— Мана, мақсадингизга етдингиз, — сўз қотди Битти, — мўйсафид Монтэг куёшга қараб парвоз қилмоқчи бўлди-ю, қанотларини куйдириб олгандан кейин, бунинг тагига етолмай бошини қашиб қолди. Ҳовлингизга кўппакни юборганимда сизни огоҳлантирганим етарли бўлмаганмиди?

Монтэгнинг қотиб қолган юзидан ҳеч нарсани уқиб бўлмасди, у зилдай боши тош каби огирлашиб аста атрофини чамандай гулзор пушталари ўраган мудҳиш, зулмат ичидаги қўшни уй томон буралганини сизди.

Битти жиркангандай ўшқирди:

— Шалвираманг-е! Наҳотки шу мўртгина жинни хонимча анвойи гуллар, япроқчалар, капалаклар, қуёшнинг ботиши каби сийқа афсоналари билан эс-ҳушингизни олиб қўйган бўлса? Биламиз, ҳаммасини биламиз. Унинг карточкасига ҳаммаси ёзиб қўйилган. Эҳҳе, нақ билгандай жойига тушибман, шекилли? Авзойингиздан шундоққина кўриниб турибди. Яккам-дуккам ўт-ўлану ойнанинг ўроғи эмиш! Турган-битгани ёлғон! Хўш, шу нарсалари билан сизга нима наф келтирди?

Монтэг Самандарнинг совуқ қанотига чўққайиб ўтирди. У ёғоч каби қотиб қолган бошини ўнг-чапга, ўйг-чапга бир неча марта буради.

— У Ҳаммасини кўрган. Унинг- ҳеч кимга зарари тегмаган. У ҳеч кимга тегмаган.

— Ҳеч кимга тегмаган! Кошки эди шундай бўлса! Олдингизда муқом қилиб юрмаганми? Эҳ ўша муқаддас қиёфаларию, такаббуруна сақовликларию, ягона истеъдодлари — ҳе йўқ, бе йўқ инсонни ўзини айбдор деб ҳис қилишга мажбур қиладиган яхшилик қилиш ишқибозларидан ўргилдим. Ҳаммасини жин урсин! Ўрнингда ҳам оромингни бузиб ярим тунда чарақлаган қуёш каби ўзларини кўрсатиб туришади!

Уйнинг эшиги очилиб кетди: зинапоядан совуқдан қотиб қолган қўли билан чамадонни сиқиб ушлаб Милдред югуриб тушди. Йўлка бўйлаб чийиллаб тормоз бериб такси тўхтади.

— Милдред!

У, ёнгинасидан қотиб қолган гавдасини тик тутиб югурганича ўтиб кетди. Упа сурганидан бети оппоқ, лабларини бўяшга улгурмаганидан оғзини ажратиш қийин эди.

— Милдред, наҳотки хавф-хатар сигналини сен берган бўлсанг?

У чамадонини машина ичкарасига суқиб, ўриндиққа чўқди, туш кўраётгандай ғўлдиради.

— Шўрлик «қариндошларим»-ей, бояқишлар-ёй, бечоралар-ей! Ҳаммаси тамом, ҳаммаси жаҳаннамга кетди, ҳаммаси...

Битти Монтэгнинг елкасидан тутиб қолди. Машина бирдан кўзғалиб, ўша заҳоти соатига етмиш милгача тезлик олиб, кўчанинг охирида кўздан ғойиб бўлди.

Нимадир жаранглаб худди қиррали шиша, ойна ва шаффоф призмалардан яратилган орзулар чил-чил синиб сочилиб кетгандай бўлди. Монтэг қаёқдандир босиб келган қуюн зарб билан туртиб юборгандай беҳосдан орқасига ўгирилиб қаради. Не кўз билан кўрсинки, Стоунмен ва Блэк, болталар билан қулочкашлаб, елвизак шамолга йўл очиб, дераза ромларини чопиб синдирар эдилар.

Тунги капалакнинг қанотлари совуққора тўсиққа келиб урилгандай товуш эшитилди.

— Монтэг, бу мен, Фаберман. Мени эшитаяпсизми? Нима бўлди?

— Энди ўзим қопқонга тушдим, — жавоб берди Монтэг.

— Зап кутилмаган воқеа бўлди-да! — қичқирди Битти. — Ҳозир ҳар бир киши ўзини бошига ҳеч қандай иш тушмайди, деб ҳисоблайди ва бунга қаттиқ ишонади. Бошқалар ўлса ўлиб кетаверади-ю, мен тирик қолавераман, менга бунинг ҳеч қандай алоқаси, жавобгарлиги йўқ. Бироқ улар бор-да, ҳамма гап ана шунда. Уни изоҳлашга ҳожат бормикан? Гап ишнинг оқибатига бориб тақалганда, гап сотиб ўтириш бефойда бўлса керак, тўғрими, Монтэг?

— Монтэг, сиз қутулиб қола оласизми? Қоча оласизми? — сўради Фабер.

Монтэг оҳиста уй томон юра бошлади, аммо у оёқлари аввал йўлканинг цементларига, кейин тунда нам тортган ўтга қадам босаётганини сезмас эди. Битти қайдадир ёнгинасида туриб шик этиб чақмоқтошини ёқди. Монтэгнинг кўзлари маҳлиё бўлганча ёлқиннинг тўқ- сариқ тилига қадалди.

— Биз учун оловнинг тушуниб бўлмайдиган жозибаси боиси нимада экан? Ёшу қарини нимаси билан ўзига тортади оҳанрабодек? — Битти липиллаган ёлқинни ўчириб, яна ёқди, —. Олов абадий ҳаракатдир. Одамзот доимо излаган нарсасини, барибир, топмади. Абадул-абад шундай. Агар оловга ғов солишмаганда бутун ҳаётимиз давомида ўчмай ёниб турган бўларди. Хўш, оловнинг ўзи нима? Сир. Жумбоқ! Олимлар ишқаланиш ва молекулалар ҳақида нимадир деб

вайсашади, бироқ очигини айтганда, ҳеч нарсани билишмайди. Оловнинг энг қудратли томони шундаки, у масъулият ва оқибатларнинг кулини кўкка совуради, Агар бирон муаммо ҳаддан ташқари мушкуллашса, уни ўчоққа ташланг. Мана, сиз, Монтэг, ҳозир худди шундай оғир юк бўлиб турибсиз. Олов тез, енгилгина ва муқаррар сиздан мени холи қилар. Чиришга ҳам ҳеч нарса қолмайди. Қулай. Озода. Чиройли. Монтэг шу топда кўзларига бу қадар бегона ва ғалати бўлиб туюлган уйига қараб турарди: тун яримдан оққан, қўшнилар шивирлашар, синган ойна парчалари сочилиб ётар, хув анови пол устида муқовасидан ажратиб олинган оққуш патлари каби саҳифалар ҳар томонга учиб кетган эди. Қанақалигини ажратиб бўлмайдиган китоблар шундай ғариб кўринадики, тўғриси, уларни деб шу қадар ачинишга арзимас эди — улар шунчаки сарғайиб кетган қоғоз, қора бетлар, тит-пити чиқиб кетган муқовалар эди, холос. Ҳаммасига Милдред сабабчи, албатта. Эҳтимол, у китобларни боққа яшираётганини кўргану, уларни яна уйга киритиб қўйган. Эҳ, Милдред, Милдред.

— Ҳамма ишни ўзингиз бажарсангиз дейман, Монтэг. Керосин ва гугурт билан эмас, қадам-бақадам, ўтсочар билан ёндирсангиз. Ўз уйингизни ўзингиз тозалаб чиқишингиз керак.

— Монтэг, яшириниб қочолмайсизми?

— Йўқ! — деб қичқирди Монтэг умидсизликка тушиб, — Механик ит туфайли бунинг иложи йўқ!

Буни Фабер эшитди. Бироқ буни менга айтаяпти, деб брандмейстер Битти ҳам эшитди,

— Ҳа, ит шу атрофда, — жавоб берди у, — найрангбрзлик қилишни хаёлингизга ҳам келтира кўрманг. Тайёрмисиз?

— Ҳа. — Монтэг ўтсочарнинг тутқичини кўтарди.

— Ўт оч!

Ўтсочар вишиллаб олов пурқаб, китобларга зарб билан урилиб, уларни девор томонга суриб юборди. Монтэг ётоқхонага кирди-да, кейгбар ўринга қараб икки марта ўт очди. Шитир-шитирлаб бир пасда уларга ўт кетди ва гуриллаб ёна бошлади. Монтэг ўрин-тўшакнинг оловга мойиллигини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Кейин ётоқхона деворлари ҳамда хотинининг пардозлик курсисини ҳам ёқиб юборди, чунки ҳаммасини ўзгартиришни астойдил истарди. Стулларни,

столларни, ошхонада эса пичоқлар, санчқилар, пластмассада қилинган идиш-товоклар — ҳаммасини, бу бўм-бўш уйда уни эртагаёқ унутадиган, уни ташлаб кетиб хаёлидан чиқарган, «Чиғанок» радио қулоқларига нимани шивирласа, фақат шуни тинглаб яккаш шаҳар кезиб учаётган бегона хотин билан қандай яшаганини эслатиб турувчи нарсаларни ўт қўйиб, ёқди. Худди аввалгидек ўт ёқиш унга ҳузур бағишларди. Ўз жаҳлига эрк бериб ёқиш, парча-парча қилиб синдириш, вайрон қилиш Тилка-пора қилиш, дардисар муаммони йўқ қилиш унга хуш ёқарди. Ҳал қилишнинг иложи йўқми, марҳамат, муаммо ҳам бўлмайди! Олов ҳаммасини ҳал қилади!

— Монтэг, китоблар!

Китоблар қаноти куйган қушлар каби сакраб жизғанак бўлар, қанотлари қизил ва сариқ патларга ўхшаб ловуларди.

Кейин у деворларига уйқу элитган, хаёллари пуч, тушлари қор каби совуқ, миясиз, баҳайбат махлуқлар яшириниб олган меҳмонхонага кирди. Учта силлиқ деворга қарата ўт очди. Вакуум колбалар қаттиқ вишиллаган овоз чиқариб синди—бўшлиқ Монтэгга шиддатли ғувиллаш, маъносиз қичқириқ билан акс-садо берди. У, худди шундай пуч ва маъносиз рамзлар яратадиган бўшлиқни тасаввур қилмоқчи бўлди, аммо бунинг уддасидан чиқа олмади. Бўшлиқ ўпкаларига кириб олмаслиги учун бир зумгина нафас олмай тура олди, холос. Худди пичоқ билан кесгандай, бўшлиқни тилиб, орқага тисарилди-да, совға тариқасида хонага яна бир улкан тўқ-сарик олов алангасини пуркади. Деворларнинг ўтга чидамли қатлами чақнаб, уй ўт-олов ичида силкина бошлади.

— Ишингизни тугатганингиздан кейин, — шундоққина орқасида Биттининг овози эшитилди, — қамоққа олинганингизни назарда тутинг.

Уй бир уюм лаққа чўғ ва қоп-қора қурумга айланиб қулаб тушди. У ер бағирлаб ётар, оч-қизил, кулранг кукун пар тўшакдай уни қоплаган вайронагарчилик узра юқорига ўрмалаган тутун жиғаси ҳавода элас-элас жимирлади. Вақт тунги уч ярим эди. Одамлар уй-уйларига тарқалишди: цирк масхарабозлигидан бир тўп кул ва шағал қолган, текин томоша тугаган эди.

Монтэг ўтсочарни дармонсиз қўлларида тутиб турар, юзлари қоракуяга беланган, ўзи жикқа терга ботган эди. Бошқа ўт ўчирувчилар орқасида миқ этмай тўришарди: уларнинг юзини милтиллаб сўниб бораётган ёлқинлар яллиғи заиф ёритиб турарди. Монтэг гапиришга икки марта оғиз жуфтлади. Ниҳоят, фикрини бир жойга тўплаб сўради:

— Хавф-хатар сигналини хотиним берганмиди?

Битти тасдиқлаб бош ирғади.

— Олдинроқ унинг дугоналари худди шундай қилишган эди, фақат шошмасликка аҳд қилувдим.

Қандай бўлмасин, барибир, тузоққа тушардингиз. Ўнгга ҳам, сўлга ҳам қарамай, шеърларни декламация қилиб, ақлли иш қилмадингиз, Монтэг! Ғоят аҳмоқона такаббурлик бу! Одам боласига озгина қофияли мисраларни ўқишга бердингизми, тамом, ўзини олам-жаҳоннинг султони деб ҳис қилади. Уз китобларингиз билан мўъжиза яратмоқчи бўлдингиз. Аслида уларнинг ҳеч кимга кераги ҳам бўлмай қолди. Ўзингизни нима кўйга солиб қўйганингизни бир ўйдаб кўринг, ботқоққа шу қадар ботиб кетдингизки, жимжилоғим билан туртсам, сизни ютиб юборади!

Монтэг тош қотиб турарди. Ларзага келган замин ва гуриллаган олов бир неча дақиқа аввал уйини ер билан теп-текис қилиб юборган, вайроналар остида Милдред ҳамда бутун ўтмиш ҳаёти кўмилган эди.

Ўрнидан қўзғалишга мадори етмасди. Ўтиб кетган бўрон акс садоси тобора сусайиб, ботинидан эшитилар, ўта чарчоқлик, эсанкираш, қахр-ғазабдан тиззалари букилиб-букилиб кетарди. У Биттининг шапалоқлаб уришларига ҳам бош эгиб индамай юзини тутиб турди.

— Монтэг, сиз тентаксиз! Фирт аҳмоқсиз! Айтинг-чи, нима мақсадда шундай қилдингиз?

Монтэгнинг қулоқлари том битган эди. Хаёлан у жонсиз, қорақуяга беланган танасини мана шу савдойи телбанинг ихтиёрида қолдириб, узоқларга қочиб кетган эди.

— Монтэг, қочинг! — илтижо қиларди Фабер.

Монтэг унга қулоқ тутди.

Бошига келиб тушган кучли зарбдан орқага учиб кетди. Ичида Фабернинг шивирлашлари ва қичқиришлари эшитилиб турган кўк ўқдонча отилиб йўлкага тушди. Битти совуқ илжайиб уни чангаллаб ердан олди-да, қулоғига тутди. Монтэг узоқдан келаётган овозни эшитди:

— Монтэг, сизга нима бўлди? Тирикмисиз?

Битти ўқдончани қулоғидан олиб, чўнтагига солди.

— Гап бу ёқда денг! Демак, мен ўйлагандан ҳам кўпроқ нарсалар бу ерда сир тутилар экан-да. Бошингизни энгаштириб нимагадир қулоқ тутишингизни кўрувдим. Аввалига қулоқларингизга «Чиғаноқ» қўйиб олгансиз деган хаёлга борувдим, кейинчалик эса бирданига эс-хушингиз жойига келиб қолгани менда шубҳа уйғотган эди. Барибир тагига етамиз, ўшанда шеригингизнинг ҳолига вой.

— Бекор айтибсиз! — қичқирди Монтэг.

У ўтсочарнинг тепкисини сурди. Битти олазарак бўлиб унинг бармоқларига тикилди, кўзлари бақрайди. Монтэг бу кўзлардан ажабланишни уқди. Ўзи ҳам беихтиёр қўлларига тикилди, улар яна нима қилиб қўйдийкин?

Кейинчалик бўлиб ўтган бутун сир-синоатини эслаб, охир-оқибатда уни қотиллик қилишига пишанг берган нарса шу қўлларимиди ёки Биттининг қуллари бирон нарса қилишга шай турганига муносабати эдими, тушунолмасди, момақалдироқнинг гумбурлаган сўнгги садолари қулоғига эшитилса-да, онгига таъсир этмасдан тинди.

Биттининг юзига мулойим табассум югурди.

Дуруст, бу ўз айтганига қулоқ солишнинг тузук усули. Тўппончангиз оғзйни суҳбатдошингизга қаратдингизми, чор-ночор, у сизга тобе бўлади. Қани, очикчасига гапираверинг.. Нима демоқчи

эдингиз бу гал? Нега мени Шекспир билан сийламайсиз, хой, қурук олифта?

«Сенинг дағ-дағаларингдан қўрқмайман, кассий. Улар байрам кечаларидек ўтади-кетади. Виждон хисси менинг паноҳим». Шундаймиди? Эҳ, ношуд адабиётчи! Имилламанг, ахир, тепкини босинг!

Битти шундай деб бир қадам олға юрди.

— Биз доимо ўт қўйиб ёндирадиган нарса қолиб бошқасини - тили калимага келди Монтэгнинг.

— Гай, ўтсочарни бу ёққа беринг, — сўз қотди рангги қув ўчган Битти.

Аммо кейинги дақиқадаёқ ловуллаб ёниб турган алангага, сира одамга ўхшамайдиган, сакраётган, биғиллаётган қўғирчоққа, ерда юмалаб кетаётган олов-коптокка айланди-қўйди.

Монтэг ўтсочардан унга қарата узун суюқ аланга пуркаган эди. Қизиб ётган плитага тупук тушгандай вижирлаб, дошқозонга бир сиқим туз ташлаб юборгандай, нимадир шақиллаб қайнаб, кулқиллаб, юзига сариқ кўпик чиқиб ёйилиб кетди. Битти яна бир неча марта талвасаланиб ўт кетган мум қўғирчоқ сингари тиришиб, шалвираб қолди.

Бошқа иккита ўт ўчирувчи бутларга ўхшаб қотиб турарди.

Монтэг кўз тиниб, бош айланишидан ўзини базўр тутиб, ўтсочарни уларга ўхталди.

— Орқангизни ўгиринглар! — деб буюрди у. Улар итоаткорона орқаларини ўгирдилар, қайнатиб пиширилган гўштга ўхшаш беўхшов юзларидаи жиқ-жиқ тер оқарди. Монтэг зарб билан бошларига уриб темир қалпоқларини учуриб юборди, бири иккинчисининг устига қулади. Уларнинг дами чиқмай қолди.

Қуриган куз барги новдадан узилиб тушгандай енгил шитирлаган овоз эшитилди. Монтэг қайрилиб қараб, механик итга кўзи тушди. Қаердандир қоронғиликдан чиқиб келиб, шамол қуюқ қора кулранг булутни суриб юборгандек енгил ва шовқинсиз ҳаракат қилиб, майсазордан югуриб ўтган эди.

Ит ўргимчаксимон панжаларини кериб, ягона тиши тешиб юборувчи игнасини ялтиратиб бир сакраган эди, Монтэгнинг боши узра уч футча юқорига кўтарилди. Монтэг уни пориллаб турган олов

билан қаршилади, хайвоннинг темир танасида сариқ, зангори, зарғалдоқ рангларда ялтираб қуроқ либосга ўрагандай бўлди. Ит Монтэгга ташланиб, уни ўт очувчи қуроли билан қўшиб ўн футча нарига, дарахт тагига улоқтириб ташлади. Монтэг бир дақиқа ит талвасага тушиб, оёғига ёпишиб, игна санчаётганини ҳис қилди. Ўша заҳоти олов оқими итни ҳавога қараб итқитди, унинг темир суякларини бўғинларидан ажратиб юборди, қорнини ёриб ташлади, ракета портлагандай ҳаммаёқни қизил оташ қоплади.

Монтэг ётган жойида бу жонсиз ва хавфли махлуқ ҳавода чирпирак бўлиб ерга қулаганини кўрди. Ит заҳрини сочиб, жонини олиш учун ҳамла қилишга чоғланиб тургандай, оёклари зирқирарди, Монтэгнинг ғувиллаб учиб кетаётган, қанотлари билан сал тегиб ўтган машинадан ўзини базўр четга олиб омон қолган кишидек уни даҳшат ва енгил тин олишдек қоришиқ ҳис-туйғулар чулғаб олган эди. Ўрнидан туришга юраги дов бермас, шикаст еган оёғини ерга босишдан қўрқарди. Бутун аъзойи баданида оғриқ турганга ўхшарди.

Энди нима қилсайкин?

Кўча бўм-бўш, уй эски театр декорацияси каби ёниб битган, кўча, ёқасидаги уйлар зим-зиё, ёнида механик хайвоннинг бўлаклари, нарида Битти, ундан нарида икки ўт ўчирувчи ва Самандар. У баҳайбат машинага назар ташлади. Уни ҳам йўқ қилмоқ керак...

«Қани, ўрнингдан азот тур-чи, — хаёлидан ўтказди у, — оҳиста, оҳиста... ана шундай!»

У ўрнидан турди, фақат бир оёғи соғ, иккинчиси ўрнида аллақандай сирли гуноҳи учун жазо олган-у, куйган ғўлани босиб тургандай эди. Уни босса белидан тиззасигача минглаб кумуш игналар оёғига санчилаётгандек бўлди. Кўзёшларини тиёлмай йиғлаб юборди. «Юр, олға қараб юр! Бу ерда қолишинг мумкин эмас», дерди ўз-ўзига.

Уйларда яна чироқлар ёқилди. Одамлар содир бўлган воқеадан ухлайолмасмиди ё ғайритабиий сукунатдан хавотирга тушишармиди, буни Монтэг билолмасди. Оқсоқланиб, ҳаккалаб сакраб, шикастланиб осилиб ётган оёғини сургаб, тишини тйшига қўйиб харобалар орасидан ўтиб борарди. Оёғига сўз қотиб, инграр, унга буюргандай олдинга қараб юришнй қистар, чунки омон қолиш-қолмаслиги шунга боғлиқ эди. Унга лаънат ўқир, илтижо қиларди. У қоронғиликда

қичқириқ ва турли овозларни эшитди. Ниҳоят, пастқам кўчага олиб чиқадиган орқа ҳовлига етиб олди.

«Битти, сиз энди муаммо бўлмай қолдингиз, — хаёлидан ўтказди у, — сиз ҳамиша «муаммони ҳал қиламан деб бош қотиришининг кераги йўқ, яхшиси уни ёқиб юбориш керак», деб айтардингиз. Худди сиз айтгандай қилдим. Алвидо, брендмейстер».

У қоқила-суқила, чўлоқланиб қоронғи кўчада илгарилаб кетди.

Ҳар гал оёғини ерга босганда чидаб бўлмас оғриқ турар ва ўз-ўзини койирди: аҳмоқсан, аҳмоқ, каллаварам, уччига чиққан овсар, минг лаънат-е... Нима иш қилиб қўйдинг, ахир, бу ёғи нима бўлади энди? Такаббурлик, жаҳл ҳам эви билан-да, ўзингни тутолмай, ҳаммасини бошиданок расво қилдинг. Тўғри, осон тутиб бўлмайди, битта бошингга Битти, меҳмонхонадаги хотинлар, Милдред, Кларисса. Шундай бўлса ҳам барибир сени оклаб бўлмайди! Бефаҳм, аҳмоқсан!

Одам шунчалик ўзининг сирини очадими? Нима қолган бўлса қутқарамиз, қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз. Борди-ю, ёнишга тўғри келса, кимларни жаҳаннамга ўзимиз билан бирга олиб кетишни ҳам биламиз.

Ҳа-я! У китобларни эслаб изига қайтди. Ҳар эҳтимолга қарши уларни олволиш керак.

У китобларни қолдирган жойи — ҳовлининг четан девори ёнидан топди. Милдред, афтидан, ҳаммасини йиғиштириб олмаган кўринади. Тўртга китоб яшириб қўйган жойида ётарди. Қоронғиликда овозлар эшитилиб, ора-сира чироқлар ёниб-ўчарди. Аллақерларда бошқа самандарлар гувиллар, уларнинг шовқини тунги кўчаларда визиллаб бораётган полициячиларнинг автомобиллари шовқини билан қўшилиб кетган эди.

Монтэг китобларни йиғиштириб олиб, яна ҳақкалаб сакраб, оқсоқланиб кўчадан юриб кетди. Бехосдан бир зарб билан бошини сапчадек узиб, танасини бошидан ажратиб ташлагандай юзтубан йиқилди. Миясида ялт этиб пайдо бўлган фикр тўхташга мажбур этди, ер тишлатди. У ғужанак бўлиб, майда тошларга юзини тутиб ётар, хўнг-хўнг йиғларди.

Битти ўлишн истарди!

Энди Монтэг худди шундай бўлганига шубҳа қилмасди. Битти ўлишни истарди. Ахир у шундоққина рўпарасида, ўзини ҳимоя

қилишга уринмасдан, уни мазах қилиб, гиж-гижлатиб турарди. Монтэг бу ҳолатнинг тагига етолмай лол эди. Ажабо, буни қандай тушунса бўларкин, қотилингни қўлида қурол билан атрофингда айланиб юришига йўл қўйиб қўйсанг, тилингни тийиб, бу билан ўз ҳаётингни сақлаб қолиш ўрнига рақибинг ихтиёр жilовини қўйиб юбормагунча ўдағайласанг, мазах қилсанг, жиғига тегсанг...

Узокдан югуриб келаётган оёқлар дупури- эшитилди.

Монтэг ўрнидан туриб ўтирди. Кетиш керак. Имиллама, турақол! Аммо ҳамон ўпкаси тўлиб, аъзойи бадани титрарди. Ўзингни қўлга ол. Ана, ўзига келяпти. У ҳеч кимни, хатто Биттини ҳам ўлдирмоқчи эмасди. Ўнинг бадани кислота билан куйдирилгандай акашак бўлиб қолди. Кўллари билан оғзини тўсди. Кўз ўнгида машъала каби ёниб турувчи, майсазорга улоқтириб ташланган Битти турарди. «Мен буни истамагандим! Эҳ, худойим, буни истамагандим!» деб бақириб юбормаслик учун бармоқларини зўр бериб тишларди.

У ҳаммасини эшлашга, воқеа-ҳодисаларнинг бир-бири билан алоқаларини тиклашга, илгариги ҳаётини хотирасида тирилтиришга, унга элак ва қум, Денгэм тиш пастаси, қулоғида тунги капалак қанотларининг шитирлаши, ўт тушгандаги олов ёлқинлар, хавф-хатар сигналлари ва ва бу сўнгги тунги сафарини ўз ичига олган бир неча кун олдинги ҳаётини кўз олдига келтиришга ҳаракат қиларди. Буларнинг ҳаммаси икки-уч кунга, кишининг бутун бир ҳаётига ҳам кўплик қиларди!

Оёқ товушлари кўчанинг у бошида эшитила бошлади.

“Тур ўрнингдан!” — буюрди ўзига, -сени қара-ю, тур ўрнингдан! — қичқирди жонсиз оёғига қараб. Тиззаларида санчикли оғриқ турди, кейин минглаб игналар санчилгандай бўлди, нишлар ургандай оғриққа ўтди, қўллари тирналиб, зирапча кириб, еғоч девор бўйлаб эллик қадамча каловланиб борганидан кейин эса оёғига қайноқ сув қуйгандай, санчиқ куйдираётгандек бўлди. Оёғи энди унинг измида эди. Мадорсиз бўлиб қолган бўғинлари чиқиб кетишидан хавфсираб, югуришдан чўчирди. Оғзини катта очиб, тунги ҳаводан ўпкасини тўлдириб нафас олиб, ичида бир нарса ўзилиб кетганини ҳис этиб, оқсоқланиб, гандираклаб олға қараб юрди. Китобларни бағрига босиб олган эди.

У Фабер ҳақида ўйларди.

Фабер у ерда, исми-жисми йўқ бўлиб кетган,-ҳали совиб улгурмагай суюқликда қолиб кетган эди. У Фаберни ҳам ёқиб юборган эди-да! Бу фикр уни шундай даҳшатга солдики, Фабер унга ҳақиқатан ҳам ўлгандек, асф.аласофилинга кетган, эти устихонга ёпишган, ундан бир уюмгина суяклар қолган одамнинг чўнтагига яшириб қўйилган мўъжазгина яшин капсуладаги майда балиқ сингари куйиб қовурилгандек туюлди.

Ёдингда тут: уларни ёқиш керак, акс ҳолда улар сени ёқиб юборишади, ўйларди у. Ҳозир худди шундай. У қўлларини чўнтагига суқиб кўрди пуллар жойида турибди, Бошқа чўнтагида оддий «Чиғаноқ» радиого тегиб кетди, унда совуқ ва тунд сахари мардонда шаҳар ўзи билан ўзи гаплашарди.

Диққат! Диққат! Полиция қотиллик қилган, давлатга қарши бир қатор жиноий ишлар содир этган қочоқни излаяпти. Унинг исми — Гай Монтэг. Касби ўт ўчирувчи. Сўнгги марта уни...

Олти кварталча у тўхтамай югурди. Кейин кўча уйи хиёбонларга, оддий кўчадан ўн баробар кенг автомобиль йўлига олиб чиқди. Чароғон қилиб ёритилган кўча чўлдаги дарёни эслатарди. Уни кесиб ўтиш қанчалик хавфли эканлигини у тушуниб турарди. Ҳеч нарса пана қилмас, кафтдек кўриниб турарди ҳаммаси. Декорациясиз кенг сахнани эслатар, чироқлар ёруғида қочоқни осонгина таниб олиш, осонгина қўлга, тушириш, осонгина нишонга олиб, отиб ташлаш мумкин бўлган бўшлиқ уни имлаб ўзига чорларди.

«Чиғанок» қулоғида. ғинғилларди.

Югуриб кетаётган кишини кузатинг... югуриб кетаётган кишини кузатинг... у ёлғиз, пиёда... кузатинг...

Монтэг ўзини орқага, панага урди. Шундоққина рўпарасида ёқилғи қуйиш станцияси — кафель сирлари ёруғда ялтираб турган баҳайбат оппоқ бино юксалиб турарди. Иккита кулранг қўнғиз автомобил ёқилғи олиш учун унинг ёнига келиб тўхтади.

Агар таваккал қилмасдан хиёбонни кесиб ўтмоқчи бўлсанг, югурмаслигинг, сайр қилиб юргандек, шошмасдан, хотиржам юриб ўтишинг керак. Аммо бунинг учун тартибли, озода кўринишда бўлишинг лозим. Йўлда давом этишдан аввал ювиниб, сочларингни тараб олсанг омон қолишингга имкониятлар кўпроқ бўлади. Қаёққа кетаяпсан ўзи, — сўради, ўз-ўзидан, — қаёққа шошиляпман? Ҳеч қаёққа. Унинг шошиладиган жойи, Фабердан бўлак илтижо қиладиган дўстлари ҳам йўқ эди. Шу чоққача беихтиёр Фабернинг уйи томон югураётганини англаб етди. Фабер уни яшира олмайди-ку, ахир бу ўз жонига қасд қилиш билан баробар-ку! Барибир у Фабер билан жилла бўлмаса бир неча дақиқа бўлса ҳам учрашиши керак. Фабер унда сўниб бораётган жон сақлаш, омон қолиш имкониятига ишонни мустаҳкамлайди. Уни бир кўрса, дунёда Фабер сингари инеон борлигига ишонч ҳосил қилса, Фабер тириклигини билса, бошқалар каби сўхтаси чиқиб ёниб кетмаганини билса майли эди. Бундан ташқари, Монтэг ўз йўли билан кетгандан кейин у фойдаланиши учун пулнинг бир қисмини унга қолдириши керак. Эҳтимол, унга шаҳардан чиқиб олиш имкони туғилар, ўшанда шаҳар атрофига яшириниб, дарё бўйида, катта йўллар яқинида, дала ва тепаликлар орасида яшаган бўларди.

Ҳаводаги кучли чийиллаган товуш уни юқорига қарашга мажбур этди.

Осмонга бирин-кетин полиция хеликоптерлари кўтарилар эди. Улар жуда кўп, «гўё» қоқи ўтнинг гулини пуфлаб учириб юборгандай эди. Улардан йигирматачаси куз совуғида қолган капалаклар каби эринибгина Монтэгдан уч чақиримча нарида ҳавода тебраниб учарди. Кейин улар пастга туша бошлашди, у ер-бу ерга кўча ўртасига қўниб, қўнғиз-автомобилларга айланиб, бироздан кейин яна ҳавога кўтарилиб қидиришни давом эттириш учун гулдираб хиёбон бўйлаб учиб кетишди.

Рўпарасида ёқилғи билан таъминлайдиган станция. Хизматчилар кўринмайди, мижозлар билан банд. Монтэг бинонинг орқа томонидан айланиб ўтиб, эркаклар ҳожатхонасига кирди. Алюмин пардевор орқали унга дикторнинг овози эшитилди: «Уруш эълон қилинди». Ташқарида устун ёнида бензин тортишар, автомобилда ўтирганлар станция хизматчилари билан моторлар, бензин, қанча тўлаш ҳақида сўзлашишар эди. Монтэг радио орқали ҳозиргина эшитган қисқа хабарнинг моҳиятини тушунишга қанча уринмасин, билолмади. Майли, уруш бироз кутиб турар, унинг учун уруш кечроқ, бир ёки икки соатдан кейин бошланади.

У юз-қўллари ювди, шовқин чиқармасдан сочиққа артинди, ювинадиган хонадан чиқиб, эшикни яхшилаб беркитди-да, қоронғиликка қараб қадам ташлади. Бир дақиқадан кейин хувиллаб ётган хиёбон бурчагида турарди.

Мана, у ютиши керак бўлган ўйин: сербар кегелбан майдончаси узра эрталабки салқин шабада эсиб турибди. Хиёбон донг таратишга улгурмаган қурбонлар ва номи номаълум қотиллар пайдо бўлишига бир дақиқа қолгдн гладиаторлар сахнаси каби топ-тоза эди. Кенг асфальт кўча тепасидаги ҳаво Монтэгнинг танасидан чиқаётган ҳовурга элас-элас тебранарди. Танасидан чиқаётган иссиқлик атрофни шу қадар тебратиши кишини ҳайрон қолдирарди. У, Монтэг нур сочиб турган нишон эди, буни билар, ҳис қилиб турарди. Энди кўчани кесиб яқин йўлдан ўтиши керак.

Уч квартал ўтганидан кейин автомобил чироқлари ялтираб кўринди. Монтэг ўпкасини тўлдириб нафас олди. Ўпкасини худди иссиқ чўтка тирнаб ўтгандай бўлди. Югурганидан томоғи қуриган,

оғзида бемаза металл таъми, оёқлари эса қўрғошиндай зил-замбил эди...

Автомобил чироқлари... Агар кўчани ҳозир кесиб ўтадиган бўлса, автомобил бу ерда қачон бўлишини ҳисоблаб чиқиш керак. Қарши томондаги йўлкагача узоқмикан? Юз ярдча келар-ов. Йўқ, камроқ, борингки, юз бўла қолсин. Агар оҳиста қадам ташлаб секин юриб борилса, бу масофани босиб ўтгунча ўттиз-қирқ сония вақт кетади. — Катта тезликдаги автомобил-чи? У тезликни ошириб, уч квартални ўн беш секундда ўтади. Демак, йўлнинг ўртасига етиб бўлганда ҳам югуриш лозим. У аввл ўнг оёғини, кейин чап оёғини, яна ўнг оёғини босиб юриб кетди. У бўм-бўш қўчани кесиб ўтарди.

Кўча кимсасиз бўлганда ҳам, уни бемалол кесиб ўтаман деб ишонч билан айтиш қийин. Машина йўлнинг тепалик жойида тўрт квартал нарида беҳосдан пайдо бўлиши мумкин ва атрофингга қарашга улгурмасингданоқ сенга келиб урилиши, устингдан ошиб ўтиб кетиши мумкин.

У қадамларини санамасликка аҳд қилди. Ёнларига — сўлга ҳам, ўнгга ҳам қарамади! Кўча чироқларининг нури кундузги қуёш нурлари каби ёрқин, худди ўшандай куйдираётгандай бўлди уни.

У ғизиллаб келаётган машинанинг шовқинига қулоқ тутди: икки квартал нарида, ўнг томондан эшитиларди. Автомобил чироғи гоҳ кучли шуъла сочар, гоҳ ўчарди, ниҳоят, Монтэгга тушиб, ёритди.

Тўхтама, юравер, юравер!

Монтэг бир дақиқа саросималаниб турди. Кейин қўлларидаги китобларни маҳкамроқ сиқиб, ўзини олға юришга мажбур қилди. Оёқлари беихтиёр шошилиб югура бошлади, аммо у овоз чиқариб ўзини уялтирди-да, оҳиста қадам ташлашга ўтди. У кўчанинг ўртасига келиб қолган эди, мотор овози ҳам тобора кучлироқ эшитилар, машина тезлигини оширарди.

Бу, шубҳасиз, полиция. Мени сезиб қолишди. Ўзингни бос, ҳаяжонлданма, орқага қарама, атрофга аланглама, сир бой берма! Шаҳдам қадам ташлаб кетавер, тамом-вассалом.

Машина ғувиллар, ўкирар, тезлигини оширарди. У, увиллаб гумбурлар, ғилдираклари ерга тегар-тегмас, кўринмас милтиқдан отилган ўқ каби визиллаб учарди. Соатига бир юз йигирма мил. Соатига бир юз ўттиз мил. Монтэг тишларини ғижирлатди.

Машинанинг ёниб турган чироқлари юзини куйдираётгандай, ундан қовоқлари учаётгандай, бадани елимшак тер билан қопланаётгандай туюлди.

Монтэгнинг оёқлари ғалати судрала бошлади, у ўзи билан ўзи гаплаша бошлади, кейин ўзини босолмай югуриб кетди. Имкон борича оёқларини олдинга ташлашга ҳаракат қиларди. Олдинга, олдинга! Эҳ, худойим! Эҳ, худойим! Кўлидан китобни тушириб юборди, тўхтаб, сал бўлмаса орқага қайрилмоқчи бўлди, аммо бу фикридан қайтиб яна олға ташланди, қўнғиз автомобил эса ўз ўлжасини таъқиб этиб борарди — уларнинг орасидаги масофа икки юз, кейин юз, тўқсон, саксон, етмиш футгача камайди. Монтэг нафаси тикилиб, қўлларини, ёяр, оёқларини баланд кўтариб ташлар, машина эса тобора яқинлашиб келар, гувиллар, сигнал берарди. Монтэг бошини ўгириб қараганини билади, ўткир чироқ нури кўзларини қамаштириб юборди — машина кўринмас, фақат кучли ёруғлик шуъласи, ловуллаб турган машъала Монтэгга қараб бостириб келаётганга ўхшарди — ҳозироқ, кейинги дақиқадаёқ уни уриб ўтади!...

Монтэг қоқилиб, йиқилди.

Мен ҳалок бўлдим! Ҳаммаси тамом!

Йиқилгани жонига ора кирди, Монтэгга урилиб кетишига бир сония қолганида қутурган қўнғиз кутилмаганда орқасига қайтиб, уни четлаб ўтиб ғойиб бўлди. Монтэг тошйўл устида юзи билан пастга қараб узала тушиб ётарди. Кўкиш ишланган газ бидан бирга узук-юлуқ кулги овозлари унга етиб келди.

Ўнг қўли олдинга ташланиб чўзилиб ётарди. Уни Юқорига кўтарди, ўрта бармоғининг учида ингичка чизиқ қорайиб кўринарди — бу гувиллаб ўтиб кетган машина ғилдиракларининг изи эди. У аста-секин ўрнидан қўзғалди, қўлидаги изга қараб кўзларига ишонгиси келмасди-Демак, бу полиция эмас экан-да?

У хиёбонни назардан ўтказди. Бўм-бўш. Бу полиция эмас, ўсмирлар тўлдирган оддий машина эди. Улар неча ёшда бўлишлари мумкин? Ўн иккидан ўн олти ёшгачамикан? Бақирган-чақирган болалар тўдаси сайрга чиққану яёв кетаётган одамни кўриб, бу одам полиция бутун шаҳарни остин-устин қилиб қидираётган мистер Монтэгнинг ўзи эканлигига шубҳа ҳам қилмай, текин томоша-ку, уриб

йиқитмаймизми, деган қарорга келишган. Эҳ, ёшлар-а, юзларини совуқ шамолга тутиб ойдин тунда беш юз-олти юз мил жойга учиб бориб келишга жазм этганлар-да. Тонготарда уйларига қайтадиларми, йўқми, соғ қоладиларми, йўқми — бундай сайрлардан мақсад ҳам шу-да.

«Улар мени ўлдирмоқчи эдилар», ўйлади Монтэг. У гандираклаб турар, ҳавони чанг қоплаган эди. У юзидаги шилинган жойни қўллари билан пайпаслади. «Ҳа, улар мени ҳе йўқ-бе йўқ, нима қилаётганликларини ўйлаб ҳам кўрмай ўлдирмоқчи эдилар».

Монтэг қуввати қолмаган оёқларига ҳаракат қилишни буюриб, ҳали-бери етолмайдиган тротуарга қараб кетаверди. Қандайдир йўл билан сочилиб ётган китобларни йиғиштириб олди, аммо қандай энгашиб териб олганини эслолмади. Шу тобда мураккаб юриш қилишга ҳозирлик кўраётган қартабоз каби китобларни у қўлидан бу қўлига ўтказарди.

Эҳтимол, Клариссани ўшалар ўлдиришгандир?

У тўхтаб, хаёлида баланд овоз билан яна қайтарди: — Эҳтимол, Клариссани ўшалар ўлдиришгандир!

У бақирганича уларни орқасидан қувламоқчи бўлди.

Кўзёшлари оламни зимистон қилган эди.

Ҳа, йиқилиб омон қолган. Ҳайдовчи ўз вақтида фаҳмлаган, фаҳмлаган эмас, энг катта тезликда кетаётган машина ётган одамга урилиб, муқаррар ўзи халокатга учраши ичидаги одамларни нобуд қилишини ҳис қилган. Борди-ю, Монтэг йиқилмаганда-чи?

Монтэг бирдан нафасини ичига ютиб жим бўлиб қолди. Ўндан тўрт маҳалла нарида кўнғиз юришини секинлатиб, орқа филдиракларига суяниб, орқасига бурилди-да, ҳамма ҳаракат қоидаларини бузиб, кўчанинг у томонидан шиддат билан келаверди.

Монтэг хатарсиз жойда: қоронғи тор кўчага яшириниб олган эди. Бундан, бир соат, бир дақиқа муқаддам шу ерга етиб олишнинг илинжида эди. Тунги совуқдан дир-дир титраб, атрофга аланглади. Кўнғиз ёнгинасидан учиб ўтиб, хиёбоннинг ўртасига чиқиб олди-да, кўздан ғойиб бўлди: хохолаган кулги овози тун сукунатини яна бузди.

Монтэг тор кўчадан ўтиб бораркан, келажакда узоқ давом этадиган қишнинг биринчи қори осмондан ҳеликоптерлар худди

лайлакқор ёғаётгандай учиб тушаётганини кўрди.

Хонадондан тик этган товуш чиқмасди.

Монтэг тундаги наргиз, атиргул ва намиққан ўтлар ҳидини димоғида туйиб, боғ томондан яқинлашди. Ойна солинган орқа эшикка қўлини теккизди, у қулфланмаган экан, бироз қулоқ солиб туриб, шовқин солмасдан ўзини ичкарига олди.

«Блэк хоним, ухлаётганингиз йўқми? — сўради у, — жўяли иш қилмаётганимни биламан, аммо эрингиз бошқаларга шундай қилиб ҳеч қачон бу яхшими, ёмонми деб ўзидан сўрамасди, ҳеч қачон бу ҳақида ўйламасди, виждони қийналмасди. Энди эса, сиз ўт ўчирувчининг хотини бўлганингиздан, сизга навбат келди. Энди эрингиз ўт қўйган ҳамма уйлар, ўйламасдан одамларга келтирган ғам-ташвишлари учун олов сизнинг уйингизнинг кулини кўкка совуради».

Хонадон унсиз эди.

Монтэг китобларни ошхонага яширди-да, тор кўчага қайтиб чиқди. Орқасига ўгирилиб қаради: қоронғилик ва жимжитлик оғушида уй мудраб ухлаётгандай эди.

Монтэг яна тунги кўчалар бўйлаб юриб кетди. Шаҳар узра шамол учирган қоғоз парчалари каби ҳеликоптерлар. чарх урарди. Монтэг (йўлда кечасига ёпилган дўкон ёнидаги телефон ҳужрасига кирди. Кейин у совуқда жунжиқиб, узоқда ўт ўчириш қўнғироғи жириглаб, самандарлар Блэк жанобларининг уйини ёндириб юбориш учун ғувиллаб ўтишини узоқ кутиб турди. Жаноб Блэкнинг ўзи ҳозир хизматда. Аммо хотини эрталабки тумандан қалтираб, уйига ўт кетиб вайрон бўлишини кузатиб туради. Ҳозирча дунёдан хабари йўқ, уйқуда.

Тунингиз хайрли бўлсин, Блэк хоним.

— Фабер!

Эшик тикиллайди. Яна. Яна тикиллайди. Шивирлаб уй соҳиби чақирилди. Кутиш. Ниҳоят, бир дақиқадан кейин Фабернинг уйчасида хира чироқ ёнади. Яна бир дақиқа кутишдан кейин орқа эшик очилди.

Монтэг ва Фабер ўз кўзларига ишонмагандай, ярим қоронғиликда сас чиқармай, бир-бирларига тикилиб қолишди. Фабер келиб, чакқон қўлларини узатиб, Монтэгни ичкарига тортиб киритди-да, стулга ўтқазди, яна эшикка келиб қулоқ тутди. Тонг отар сукунатида сирена товуши чийилларди. Фабер эшикни ёпди.

— Мен бошидан-охиригача ўзимни аҳмоқларча тутдим. Бемаъни ишлар қилдим. Бу ерда узоқ қолишим мумкин эмас. Кетаман, қаёққалиги ёлғиз худойимга маълум, — ғўлдиради Монтэг.

— Ҳарҳолда, буларнинг ҳаммасини арзийдиган иш деб қилгансиз, жавоб берди Фабер, — дунёни тарк этганмисиз деган хаёлга борувдим.

Мен сизга берган аппарат.

— Ёниб кетди.

— Брандмейстер сиз билан қандай гаплашаётганини эшитувдим, кейин эса овоз чиқмай қолди. Сизни қидириб топишга жазм этгандим.

— Брандмейстер ўлди. У капсулани топиб олиб сизнинг овозингизни эшитди. У сизни ҳам қўлга туширмоқчи бўлувди.

- Фабер стулга ўтирди. Анчагача чурқ этмай ўтиришди.

— Тавба, буларнинг ҳаммаси қандай содир бўлди экан? — яна гапга тушди Монтэг, — кечагина ҳаммаси силлиқ кетаётувди, бугун эса жаҳаннам тубига қулаётганимни ҳис қиляпман, Инсон неча маротаба ўлиб, яна қандай қилиб тирик қоларкин? Менга ҳаво етишмаяпти. Битти ўлган, қачонлардир менинг дўстим эди у. Милли кетиб қолди: менинг хотиним деб ўйлардим уни, энди эса билмайман. Бошпанам йўқ, ўт тутаб ёнди, ишсиз қолдим, ўзим яширинишга мажбурман. Бу ерга келаётиб, ўт ўчирувчининг уйида сездирмай китоблар қолдириб келдим. Эвоҳ, бир ҳафта ичида шунча гуноҳлар қилдимки!

— Сиз фақат қилиниши керак бўлган ишларни қилгансиз, холос. Худди шундай бўлиши керак эди.

— Ҳа, шундай, бунга ишонаман. Бунга ишонсам ҳам, менинг ўзимга ишониб бўлармикан? Ҳа, шундай бўлишини билардим. Анчадан буён ўзимда нимадир ўзгариб, ўсиб бораётганини ҳис этардим. Бир ишни қилардим, тамом бошқа нарсани ўйлардим. Бу мевда пишиб етиларди. Бунинг ташқаридан сезилмаганига ажабланаман. Мана, энди сизнинг ҳаётингизни ҳам бузиш учун ҳузурингизга келдим. Улар бу ерга келишлари мумкин-ку!

— Кўп йиллар ўтиб яна қайта туғилгандайман, — жавоб берди Фабер, — аллақачон қилишим керак бўлган ишни бажараётганимни ҳис қиляпман, ҳозирча қўрқувни ҳис этмаяпман. Балким, зарур ишни қилаётганимдан шундайдир. Балким, бир марта таваккал иш қилиб, кўз олдингизда қўрқоқ бўлиб қолишни истамаётганимдандир. Орқага қайтмаслик, қўрқоқлик қилмаслик, қўрқувга йўл бермаслик учун дадилроқ бўлишим, кўпроқ таваккал қилишимга тўғри келар. Энди нима қилмоқчисиз?

— Қочаман, яширинаман.

— Уруш эълон қилинганини биласизми?

— Ҳа, эшитдим.

— Эҳ, худойим! Тавба! — ажабланди қария, — энди ўзимизнинг ташвишларимиз пайдо бўлганида уруш қандайдир аҳамиятсиз нарсадек туюлади.

— У ҳақида ўйлашга вақтим бўлмади, — Монтэг чўнтагидан юз долларлик қоғоз пул чиқарди, — манг, мана буни олиб қўйинг. Мен кетганимдан кейин, нимага хоҳласангиз шунга ишлатинг.

— Бироқ.

— Пешинга етгунча тирик қолишим даргумон. Ундан иш учун фойдаланинг.

Фабер бош ирғитиб қўйди.

— Дарёга етиб олишга ҳаракат қилинг, кейин қирғоқ бўйлаб юринг, у ерда шаҳардан мамлакат ичкарасига элтадиган эски темир йўл изи бор. Уни топиб, ҳеч қаёққа чалғимай кетаверинг. Ҳамма алоқалар эндиликда ҳаво йўли орқали амалга оширилади, кўпчилик темир йўллар қаровсиз қолган. Мазкур темир йўл ҳамон саклаб қолинган, аста-секин уни ҳам занг босяпти. Қаердадир хилват жойларда дарбадарлар лагерини топиш мумкин деб эшитгандим. Пиёда кўчманчилар деб аташаркан уларни. Шаҳардан узоқроққа чиқиб, кўз-қулоқ бўлиб туриш керак. Бу ердан Лос-Анжелесга олиб борадиган темир йўл изи бўйлаб Гарвард университетининг кўплаб собиқ тарбияланувчиларини учратиш мумкин дейишади. Уларнинг кўпчилиги полициядан яшириниб юрган қочоқлардир. Ҳарҳолда улар омон қолишган. Улар кўп эмас, афтидан ҳукумат ҳам уларни шаҳар ташқарисида қидиришни давом эттириш даражасида хавfli кишилар деб ҳисобламайди. Вақтинча уларнинг орасида яширинишингиз

мумкин. Кейинчалик эса мени Сент-Луисдан қидириб топишга ҳаракат қилинг. У ерга бугун эрталаб соат бешда йўлга чиқадиган автобусга тушиб жўнайман. Кекса босмахона ишчиси билан кўришишим керак. Кўриб турганингиздек, ниҳоят, ҳаракатга тушдим. Сизнинг жамғармангиз хайрли иш учун ишлатилади. Сизга миннатдорчилик билдираман. Сизни худога топширдим. Балки, бироз ёнбошлаб дам оларсиз?

— Раҳмат, ҳаялламай йўлга тушганим маъқул.

— Келинг, нималар бўлаётганини кўрайлик-чи.

Фабер шошилиб Монтэгни ётоқхонага олиб ўтди ва деворда осилиб турган расмлардан бирини ён томонга суриб қўйди. Унинг остига катталиги почта қоғозидай келадиган унча катта бўлмаган телевизор экрани ўрнатилган эди.

— Мен ҳамиша мана бу қулоғингни қоматга келтирадиган улкан девор ўрнига хоҳласам кафтим билан ёпиб қўйишим мумкин бўлган кичик экранни орзу қилардим. Мана, кўринг.

У экранни улади.

— Монтэг,— деган овоз эшитилди телевизордан ва экран ёришди,— М-О-Н-Т-Э-Г, — ҳарфлаб ўқиди диктор, — Гай Монтэг. Ҳамон қидирилмоқда. Қидирувни полициячи ҳеликоптерлар олиб боришмоқда. Кўшни райондан янги механик ит келтирилган.

Монтэг ва Фабер унсиз бир-бирларига қараб қўйдилар.

— Механик ит бенуқсон ишлайди. Бу ажойиб ихтиро жинойтчиларни қидириб топишда биринчи марта ишлатилгандан буён, ҳали бирон марта хатога йўл қўймаган. Бизнинг телевизион компаниямиз механик искович жинойтчининг изига тушиши билан ҳеликоптерда ўрнатилган телевизион камера билан уни кузатиб бориш имконияти яратиб берилганидан фахрланади...

Фабер стаканларга виски қуйди.

— Келинг, ичамиз. Бизга зарар қилмайди.

Улар ичиб юборишди.

— Механик итнинг ҳид билиш хусусияти шундай мукамалки, ўн мингга яқин одамнинг ҳидини эслаб қолишга қодир ва янгидан созламасдан туриб, шу ўн минг кишидан ҳар бирининг изидан тушиб топа олади.

Фаберни енгил титроқ босди. У кўз югуртириб хонага, деворларга, эшик, эшик тутқичи, Монтэг ўтирган стулга назар ташлади. Монтэг унинг нигоҳини дарров сизди. Икковлари бир зумда хонани назардан ўтказдилар. Монтэг дафъатан бурун катаклари титраб, худди ўз изига ўзи тушгандай, ҳид билиш қобилияти ошиб, ҳавода қолдирган ўз изини ҳидига қараб топаётгандек, қўлини узатиб ушлаган эшик қулфида кичкинагина қандилнинг антиқа шокилалари каби йилтираб турувчи беҳисоб майда маржон терларини аниқ кўриб тургандай туюлди. Ҳамма нарсада унинг зарраси қолган, у Монтэг ҳамма жойда, уйда ҳам, ташқарида ҳам бўлган, у нур сочувчи булут, ҳавода эриб йўқ бўлиб кетган шарпа эди. Буларни ўйласа нафаси сиқиларди. Фабер ҳаво билан қочоқнинг соясини ичига тортишдан қўрқиб нафас олишни тўхтатганини ўз кўзлари билан кўрди.

— Ҳозир Механик ит ўт тушган жойда ҳеликоптердан туширилади! Кичик экранда ёнган уй, оломон, ерда чойшаб билан усти ёпилган нимадир ва осмондан тушаётган, ажойиб гулга ўхшаган ҳеликоптер кўринди.

Демак, улар ўйинни охиригача етказишга қарор қилишибди. Бирон бир соатдан кейин уруш бошланишига қарамай, спектакл ижро этилади.

Монтэг сеҳрлаб қўйилгандай, сал қимирлашдан қўрқиб, воқеани кузатди. Бунинг ҳаммаси шу қадар узоқ, унга ҳеч қанақа алоқаси йўқдек, худди театрда ўтириб, бегона кишининг драмасини, қизиқсинмай, ҳатто қандайдир алоҳида мамнуният билан томоша қилаётгандек эди. «Буларнинг ҳаммаси мен ҳақимда-ку, — ўйлади у, — эсим курсин, ҳаммаси мен ҳақимда-ку!»

Агар у хоҳласа, бу ерда қолиб, қулай шароитда бутун таъқибни бошидан-охиригача, қадам-боқадам, жин кўчалар, равон йўллар, ҳувиллаган, кенг хиёбонлар бўйлаб, майсазорлар ва ўйин майдончалари узра, гоҳ у, гоҳ бу ерда зарур тушунтиришлар учун диктор билан тўхташи, яна тор кўчалардан ўтиб, жаноб ва Блэк хонимнинг ёнаётган уйлари, Фабер билан ўтириб виски ичишаётган уйчани, электр махлуқ эса ажал каби сездирмай яқинлашиб, унинг изларидан ҳид олаётганини кузатиши мумкин эди. Мана, ў нақ деразага яқинлашиб турибди. Монтэг истаса, ўрnidан туриб, бир кўзининг қирини телевизорга ташлаб деразага яқинлашиши, уни

очиши, механик ҳайвон рўпарасида бошини чиқариши мумкин. Ўшанда экраннинг ёруғ квадратида четдан драманинг бош қаҳрамони ҳамма шов-шув кўтарган машҳур киши, ҳаммасини диққат-эътибори қаратилган инсон сифатида ўзини кўради. Шу дақиқаларда бошқа меҳмонхоналарда уни ҳажмли, бутун бўй-баста билан рангли тасвирда кўришади. Бу сўнгги дақиқаларда фурсатни бой бермаса бандаликни бажо келтиришга бир сония қолганда жонини олувчи игна камдан-кам учрайдиган томоша — йирик йиртқични ов қилиш, жиноятчини таъқиб этиш, яккаю ягона киши қатнашадиган драмани ҳаяжонланиб кузатиш учун бир дақиқа аввал сиренанинг даҳшатли чинқириғидан жунбушга келиб, ўз меҳмонхоналарига шошилган ададсиз одамларнинг бахти ва тинчлиги учун баданига санчилаётганини кўриши мумкин.

Сўнгги сўзини айтишга улгурармикан? Миллионлаб томошабинларнинг кўз ўнгида итнинг чангалига тушганида, у, Монтэг, кўппак металл жағлари очилиб-юмилиб, қочиб қоронғида ғойиб бўлганидан кейин ҳам айтганлари унут бўлмаслиги учун шу ҳафтадаги ҳаётига бир оғиз жумла ёки бир калима сўз билан яқун ясаши керак эмасми?

Телевизион камералар турган жойларида қимирламасдан узоқлашиб кетаётган ҳайвонни кузатиб турсалар — бундан ортиқ таъсирлироқ тасвир бўладими?

Одамларнинг юзини олов бўлиб куйдирадиган, уларни ғафлат уйқусидан уйғотадиган қудратли сўзни, шундай сўнгги сўзларни қайдан топсайкин?

— Унга қаранг, — шивирлади Фабер.

Ҳеликоптердан машинага ҳам, ҳайвонга ҳам ўхшамайдиган, тирик ёки ўлик эканлигини билиб бўлмайдиган хира кўкиш рангда нурланиб турган нарса сирғалиб пастга туша бошлади. Кўз очиб-юмгунча бу баҳайбат махлуқ тутаётган вайроналар ёнида пайдо бўлди. Полициячилар Монтэг ташлаб юборган ўтсочарни қўлларига олиб унинг тутқичини механик ҳайвоннинг тумшуғига тутдилар. Визиллаган, шиқирлаган, енгил ғувиллаган товуш эшитилди.

Монтэг, кўзларини очиб, бошини силкитиб ўрнидан турди. Стаканда қолган вискини томоғига ташлади:

— Вақт бўлди. Шундай бўлганига жуда ачинаман.

— Ачинасиз? Нимага? Менга, менинг уйимга хавф-хатар пайдо бўлганигами? Ҳаммасига ўзим жавоб бераман. Худо хайрингизни берсин, кетинг, йўлингиздан қолманг! Балким, уларни чалғитиб туришнинг уддасидан чиқарман...

— Тўхтанг. Сиз ҳам қўлга тушгудай бўлсангиз, бундан не фойда? Кетишим билан ўринга ёпилган чойшабни ёқиб юборинг — мен унга текканман. Мебель, барча эшик тутқичларини спирт билан артиб чиқинг. Даҳлиздаги поёндозни ёқиб юборинг. Барча хоналардаги вентиляцияни тўла қувват билан ишлатиб қўйинг, бўлса, ҳамма нарсага куядори сепиб чиқинг. Ундан кейин боғдаги сув сепадиган ускуналарингизни барчасини ишлатиб юборинг, йўлчаларни шлангда сув билан ювиб ташланг. Таъқибни тўхтатишга муваффақ бўлсангиз, ажаб эмас...

Фабер унинг қўлини қисиб хайрлашди.

— Ҳаммасини айтганингиздай қиламан. Сизга оқ йўл. Икковимиз ҳам тирик қолсак, кейинги ҳафта ичи ёки яна бир ҳафтадан кейин сиздан бир мужда кутаман. Менга Сент-Луис, бош почта бўлими, «йўқлаб олинадиган хат» деб ёзинг. Афсуски, ҳамм авақт сиз билан алоқа боғлаб туролмайман, сиз учун ҳам, мен учун ҳам бу айни муддао бўларди, бироқ менда иккинчи эшитиш ғилофчаси йўқ. Бир нарсага яраб қолар деб ҳеч қачон ўйламаган эканман. Эҳ, аттанг!

Охирини ўйламаган, тентаклик қилган Эканман. Мана, керак бўлиб турганда, қўлимдан ҳеч нарса келмайди. Вақтингиз ўтмасин!

— Яна битта илтимос. Тезроқ менга чамадон бериб, ичига бирон-бир эски кийимларингиздан — костюм, қанча уринган бўлса, шунча яхши, кўйлак, эски бошмоқ, пайпоқ солинг.

Фабер кўздан ғойиб бўлиб, бир зумда яна қайтиб келди. Улар картондан қилинган чамадоннинг ёрқ жойларини ёпишқоқ лента, билан елимлаб ямадилар.

— Мистер Фабернинг ҳиди ҳам мустаҳкам сақланадиган бўлди, — деди Фабер ҳаракатдан қора терга тушиб.

Монтэг виски олиб, чамадоннинг сиртига сачратиб сепиб чиқди.

— Ит икки хил ҳидни сезиб қолишидан бизга ҳеч қанақа наф йўқ. Қолган вискини ўзим билан олсам, майлими? Ҳали менга керак бўлиб қолиши мумкин. Нафсиламрини айтганда, шунга ҳаракатларимиз зое кетмас.

Яна кўл олишиб хайрлашди, эшик томонга юратуриб яна бир карра телевизорга кўз қирини ташлашди. Ит тун ҳавосини хидлаб, оҳиста, яширинганча из қувиб борарди. Уларнинг боши узра телевизион камералар ўрнатилган ҳеликоптерлар ғужғон ўйнарди. Ит биринчи тор кўчага кирди.

— Хайр!

Монтэг шовқинсиз уйдан сирғалиб чиқди-да, ярим бўш чамадонни маҳкам ушлаб, югуриб кетди. Орқада сув сепувчи ускуналар ишга тушиб, аввал паст, кейин эса тобора кучли ва равон ёғиб турган ёмғир шовқини каби тонг ҳавосини тутиб кетганини эшитди. Сув боғдаги йўлчаларни тўлдириб, кўчада жилғаларга ўхшаб оқарди. Бир қанча томчилар келиб юзига урилди. Мўйсафид хайрлашиб, нимадир деб қичқиргани эшитилгандай бўлди, балки унга шундай туюлгандир?

У дарёни мўлжалга олиб, уйдан тез узоқлаша бошлади.

Монтэг югурарди.

У механик итнинг худди кузнинг совуқ, ёнгил ва қурук нафасидай, худди ҳатто ўт-ўланлар ҳам силкинмайдиган, дераза эшиклари очиб-ёпилмайдиган, тротуардаги оппоқ плиталардаги шохшаббаларнинг сояси дипилламайдиган кучсиз шамол каби яқинлашиб келаётганини ҳис этди. Механик ит ўз ҳаракати билан атроф-жавонибнинг муаллақлигига заррачада таъсир этмасди. У пайдо бўлиши билан ҳаммаёқ сукунат ичида қолгандай бўлди. Монтэг шаҳар бўйлаб тез-тез қадам ташлаб борарқан мутгасил шу сукунат исканжасида қолганини сезарди. Ниҳоят, унга ортиқ чидашнинг иложи қолмади. Монтэг югуришга тушди.

У дарё томон югурарди. Ора-сира нафасини ростлаб олиш учун тўхтаб, уйқуни тарк этган уйларнинг хира ёритилган деразаларига назар ташлар, меҳмонхоналаридаги телевизорли деворларига қараётган одамлар шарпасини кўрар, деворларда неонли буғ парчаси каби Механик ит гоҳ пайдо бўлар, гоҳ кўринмай қолар, гоҳ у, гоҳ бу ерда липиллаб кўринар, юмшоқ, ўргимчакники каби панжалари билан сакраб тобора узоқлашарди. Мана у Элм-террасда, Линкольн кўчасида, Чинор, Боғ хиёбонида, Фабернинг уйига элтадиган тор кўчада!

«Югур, тўхтама, — ўзига гапирарди Монтэг, — имиллама!»

Экранда Фабернинг уйи кўринди: сув сепадиган ускуналар тўлик ишга тушиб, ҳавога тизиллатиб ёмғир пуркаб ётарди. Ит сакраб тўхтади.

Йўқ! Монтэг жон-жаҳди билан дераза токчасига ёпишиб олди. У ерга эмас! Фақат у ерга эмас!

Тешиб юборадиган игна ташқарига чиқди-ю, жойига қириб кетди, яна чиқиб, яна кириб кетди. Унинг учидан ажалнинг уруғи — бир томчи шаффоф захар думалаб пастга тушди. Игна итнинг тумшуғида ғойиб бўлди.

Монтэг томоғига бир нарса тикилгандай, нафаси сиқилди, Механик ит қайрилиб, Фабернинг уйидан нарига бошқа кўчага қараб отилди.

Монтэг экрандан кўзини олиб, осмонга боқди. Ҳеликоптерлар жуда яқинлашиб қолган, нурга учиб келган майда чивинлар каби бир жойга ғуж тўпланишган эди, Монтэг қийинчилик билан ўзини бу дарё томонга бораётиб тасодифан кўзи тушиб қолган аллақандай тўқиб чиқарилган сахна асари эмас, балки ўз шахмат партияси ўйналаётганини ўз кўзи билан кузатаётганини эслашга мажбур этди.

У шу кўчадаги сўнгги уйнинг деразаларидан, унда кўрганларидан ўзини холи қилиш, серрайиб қолган ҳолатдан ёриб чиқиш учун овозининг борича бақирди. Жин урсин! Ҳаммасини жин урсин! Бу унга ёрдам қилди. Яна югура бошлади. Тор кўча, қатта кўча, тор кўча, қатта кўча, гупиллаб дарё хиди кела бошлади. Ўнг оёғи, чап оёғи, ўнг оёғи, чап оёғи, чап оёғини босиб чопаяпти. Борди-ю, телевизион камералар уни ўз объективларига туширсалар, бир дақиқадан кейин томошабинлар экранларда у минг марта кўрган полициячилар ва қотиллар, қурувчилар ва қочувчилар қатнашадиган эски кичик ҳажвий пьесалардаги каби югуриб кетаётган йигирма миллион Монтэгни кўрадилар. Унинг орқасидан шу топда йигирма миллион ит товуш чиқармай, соя каби меҳмонхоналарда ўнг девордан ўртадагисига сакраб йўқ бўлиб кейин яна ўнг томондагисидан пайдо бўлиб, ўртадагисидан чап томондагисига ўтиш учун қувиб келяпти!

Монтэг «Чифаноқ»ни қулоғига суқди:

— Полиция Элм-террас аҳолисига шуни таклиф қилади: қайси кўчада ва қайси уйда; яшамасин, ҳар бир киши уйининг эшигини очсин ёки деразани очиб қарасин. Буни ҳамма бир вақтнинг ўзида бажариши керак. Ҳамма бирваракай ўз уйдан чиқиб қараса, қочқин яширина олмайди. Шундай қилиб, тайёрланинг!

Ҳа-я, илгари нима учун бу хаёлларига келмаганийкин? Нега шу чоққача шундай қилишмаган? Ҳамма тайёрланиб, бир пайтнинг ўзида ташқарига қараса! Қочқин яширина олмаса! Шу дақиқада кўчада югуриб кетаётган, ўз оёқларининг ҳаракат қила олишини текширишга, югуришга жазм этган яккаю ёлғиз инсон яширинишга жой тополмаса!

— Ўн деганда қаралсин. Бошлаймиз. Бир! Икки!

У бутун шаҳар ўрnidан қўзғалганини ҳис этди.

— Уч!

Бутун шаҳар минглаб эшиклар томон бурилди.

Тезроқ! Чап оёқни, ўнг оёқни бос!

— Тўрт!

Ҳамма, уйқусида юрадиган одамлардек ташқарига юра бошлади.

— Беш!

Улар эшик тутқичларини ушлашди.

Дарё томондан жала қўйгандан кейин бўладигандек салқин шабада эсди. Монтэгнинг томоғи қуриб, чопаверганидан кўзлари

қизариб кетди. Бирданига у сўнгги юз ярдни югуриб ўтишга, уни олдинга итаришга ёрдам қиладигандай бақариб юборди.

— Олти, етти, саккиз!

Минглаб эшикларда калитлар буралди.

— Тўққиз!

У тизилиб турган уйларнинг сўнгги қатори ёнидан югуриб ўтди. Кейин пастга қиялик бўйлаб сокин, гирдоб бўлиб оқаётган сувга яқинлашди.

— Ўн!

Эшиклар ланг очилди.

У зимистон кўчаларга, ҳовлиларга ва тун осмонига ҳуркиб боқувчи минг-минглаб чехраларни кўз олдига келтирди: улар қўрқиб ранги қув учиб пардалар орқасига яширинишади; майда махлуқлар сингари электр уяларидан бўйнилари чўзиб қарашади, кўзларини кул босгандай, лабларининг қони қочган, музлаб кетган таналарида сийқа фикрлар.

Монтэг дарё ёқасига келиб қолган эди.

У кўзига сароб бўлиб кўринмаётганига ишонч ҳосил қилиш учун қўлларини сувга ботирди. Сувга тушиб, қоронғида кийимларини ечди, гавдасини сувга чайқади, қўллари ва боши билан вино каби маст қилувчи муздек сувга шўнғиди. Ундан тўйиб-тўйиб ичар, ундан нафас оларди. Фабернинг эски кийимлари ва бошмоғини кийиб олиб, ўз кийимларини дарёга ташлади, сув қандай қилиб уларни оқизиб кетаётганини кузатди. Кейин эса қўлида чамадонни тутиб, сувда қирғоқдан узоқлашиб кетаверди. Дарё тубига оёғи теккунча кетаверди; оқим уни бағрига олиб қоронғилик томон суриб кетди.

Ит қирғоққа етиб келгунча оқим бўйлаб уч юз ярдча жойга сузиб борган эди. Дарё тепасида ҳеликоптернинг баҳайбат пропеллари гувиллаб турарди. Ёп-ёруғ нур дарё сатҳини ёритиб юборди. Монтэг булутлар орасидан кутилмағнда ёриб чиққан қуёшдай бу чароғбонлиқдан қочиб қутулиш учун сувга шўнғиди. Дарё уни оҳиста қоронғиликка оқизиб кетаётганини ҳис қилди. Бирдан прожекторлар нури қирғоқ томонга ўтди, ҳеликоптерлар янги изга тушгандай шаҳар томонга бурилдилар. Яна бир дақиқадан кейин буткул кўздан ғойиб бўладилар. Ит ҳам ғойиб бўлди. Муздек дарё ва унда жимжит қалқиб шаҳардан, унинг чироқларидан, қувишдан, ҳамма-ҳаммасидан тобора

узоқроққа сузиб кетаётган Монтэг қолди, холос. Унга худди ҳозиргина актёрлар оломони чуввос солаётган театр сахналаридан тушгандек ёки чуғурлаётган хаёлий шарпалар тўдаси иштирокида улкан арвохлар билан сўзлашиш сеансини тарк этгандек туюлди. Нореал, даҳшатли дунёдан реал дунёга тушиб қолган, аммо ҳали унинг реаллигини тўлиқ ҳис эта олмас, унга кўника олмас эди. Қоп-қора қирғоқтар икки ёнидан ўтиб борар; дарё уни тепаликлар орасидан олиб ўтарди. Узоқ йиллардан буён боши узра олдиндан чизиб қўйилган доирасида тўхтовсиз ҳаракат қилаётган осмон ёритқичларини кўрди. Улкан юлдузлар араваси уни эзиб ташламоқчи бўлгандай осмон бўйлаб ғилдираб борарди. Чамадон сувга тўлиб чўкиб кетганда Монтэг орқаси билан ўмбалоқ ошди. Дарё нонуштага соялар, пешинликка тутун, кечқурунги овқатга туман тамадди қиладитан одамлардан борган сари узоқлашиб, эринибгина ўз тўлқинларини суриб борарди. У ростакамига реал; Монтэгни авайлаб бағрида тутар, уни шошилтирмас, шу ой, шу йил, бутун умри давомида содир бўлган ҳамма нарсани яхшилаб ўйлаб кўришига йўл қўйиб берган эди. У юрагининг зарбига қулоқ тутди: у тинч, бир маромда уриб турарди. Фикрлари ҳам чарх уриб айланмас, томирларидаги қон каби тинч ва равон кечарди.

Ой ҳам осмонда паст осилиб турарди. Ой ва ой нури. Қаердан бу нур? Албатта, куёшдан-да. Хўш, куёш ўз нуруни қаердан олади? Ҳеч қаердан олмайди, ўз Олови билан нур сочади. Ҳар куни ўчмай ёниб туради. Қуёш ҳамда вақт. Куёш, вақт, олов. Ёқувчи олов. Дарё ўз тўлқинларида Монтэгни майин аллаларди. Осмонда куёш, ерда вақтни ўлчовчи соат. Буларнинг ҳаммаси Монтэгнинг онгида бир-бири билан қўшилишиб бир фикрга айланди. Шунча йил умргузаронлик қилиб, шу дарёда ўтган бир неча дақиқада нима сабабдан энди ҳеч қачон ёндириши мумкин эмаслигини англади.

Куёш ҳар куни ёнади. У вақтни ёндиради. Коинот ўз ўқи атрофида айланиб доира бўйича ҳаракат қилади; вақт йиллар ва одамларни, Монтэгнинг ёрдамисиз ўзини ёқади. Агар Монтэг бошқа ўт ўчирувчилар билан одамлар яратган нарсаларни, куёш эса Вақтни ёқса, ҳеч нарса қолмайди. Ҳаммаси ёниб кулга айланади. Кимдир тўхташи керак-ку. Қуёш тўхтамайди. Демак, Монтэг ва бир неча соат муқаддам у билан ёнма-ён ишлаган кишилар тўхташи лозим.

Қаердадир янгитдан бойликларни жамғариш жараёни бошланмоғи, кимдир инсон яратган жамики нарсаларни тўплаб сақламоғи лозим. Китобларда, граммафон пластинкаларида, одамларнинг миясида сақламоғи, қандай қилиб бўлса ҳам куядан, моғордан, занглашдан, чиришдан, гугурт тутган одамлардан омон сақлаши лозим. Инсонлар яқинда янги инсоният учун ўтга чидамли кийим-бош тайёрлайдиган касбнинг пайдо бўлишига гувоҳ бўладилар.

Унинг оёқлари қаттиқ заминга текканини, бошмоғининг таги шағал ва қумга тегиб ғижирлаганини сизди. Дарё уни қирғоққа қелтириб ташлади.

У атрофга қаради. Унинг қаршисида шакл-шамойили йўқ, фақат кўламли, минглаб чақирим, ундан ҳам узоқроққа чўзилиб кетган, ҳудудсиз текислик ястаниб ётарди; яшил тепаликлар ва ўрмонлар Монтэгга мунтазир эди.

У оромбахш дарё сувидан чиққиси келмасди. Ҳов ўша ерда яна Механик ит билан учрашишдан, ҳеликоптерлар пропеллеридан кўтарилган шамблдан дарахтлар эгилиб-букилиб, шовуллашидан кўрқарди.

Аммо яланглиқда ёнгинасида сокин оқиб турган дарё каби оддий куз шамоли эсди, холос. Нега ит уни бошқа таъқиб этмаяпти? Нега унинг изига тушганлар орқага, шаҳарга қараб бурилиб кетди? Монтэгдикқат билан кулоқ солди. Жимжитлик, ҳеч ким, ҳеч нарса кўринмасди.

«Милли, — хаёл сурарди у, — атрофингга бир қара. Дикқат билан кулоқ сол! Тиқ этган товуш эшитилмайди. Жимжит. Шунақа ҳам жимжитлик бўладими, Милли! Бунга сенинг нйма дейишингни билолмайман. Балки, «Жим бўл! Жим бўл!» деб қичқирган бўлармидинг. Милли, Милли». Унинг кўнгли ғаш бўлиб қолди.

Милли ҳам, Механик ит ҳам йўқ эди. Узоқ далалардан анқиб турган қуруқ хашак ҳиди Монтэгнинг хотирасида адлақачон унут бўлган манзарани қайта тиклагандай бўлди. Бир куни ёш болалик пайтида фермада бўлган эди. У кун ҳаётида камёб, бахтли, сир-асрори қоронғи, деворларига телевизор ўрнатилган, нуқул тунука томди шаҳардан бўлак сигирлар ўтлоқда ўтлаб юрган, чўчқалар кун тиккага келганда лойқа сувли ҳовузда ағанаётган, итлар эса вовуллаб

тепаликларда кўзичоқларни қувиб юрган бошқача олам ҳам борлигини ўз кўзлари билан кўрган кун эди.

Куруқ пичан ҳиди ва сувнинг шовудлаши унга янги ўрилган пичан устида ферма орқасидаги бўш омборхонада, сершовқин кўчалардан овлоқда, гўё ўтиб кетаётган йидларни санаб, қанотлари паст овоз чиқариб ғижирлаётган, шарти кетиб, парти қолган шамол тегирмонининг соясида ухлаш жоннинг роҳати эканлигини эслатди. Ҳов ўшандагидек, майда жин-ажиналар турли жониворлар, баргларнинг шитирлашига, тунда аранг эшитиладиган товушларга қулоқ солиб, пичанхонада тунаганидек яна бир оз ётса қандай соз бўларди.

Кечқурун, хаёл сурарди у, эҳгимол, оёқ овозлари эшигилар. У ўрнидан туриб ўтиради? Оёқ овозлари тинади, У яна ётади-да, пичанхонанинг дарчасидан мўрадайди. Ўшанда фермернинг мўъжазгина уйида бирин-кетин чироқлар ўчиб, бокира ва гўзал қиз қоронғи дераза олдида ўтириб, сочларини тарай бошлайди. Унинг юзини кўриш қийин бўлади, бироқ унинг чехраси у бир пайтлари биладиган, ҳозир эса нутилган-ёмғирдан қувонадиган, ялтироқ олов қўнғиз-ларни писанд қилмайдиган, қоқи ўтни иякка суртилганда нима ҳақи-да сўйлашини биладиган қизнинг жамолини эслатарди. Қиз деразадан узоқлашиб, кейин яна юқорида ой нурида чароғон бўлган хонасида пайдо бўлади. Монтэг осмонни уфққача тенг иккига бўлиб юборувчи реактив самолётларнинг гумбури остида ўлим овозига қулоқ тутиб, ғайритабиий, унга нотаниш юлдузлар, тонг нурида оҳиста куйнинг бир бурчагида йўқолиб боришларини томоша қилиб пичанхонадаги бошпанасида хотиржам ётади.

Гарчи туни билан мишжа қоқмаган, лабларининг таноби қочиб бўлса ҳам эрталаб чарчоқни сезмайди. Жонига роҳат бағишловчи пичан ҳиди, тун сўкунатида барча кўрган ва эшитганлари ҳордиғини чиқарган бўлади. у

Пастда, зинапоя ёнида, уни яна бир етти ухлаб тушида кўрмаган қувонч кутиб турган бўлади. У шафақ нурига ғарқ бўлган пичанхонадан ҳаёт нашъасидан маст бўлиб пастга тушиб келади-да, рўпарасида кичик бир мўъжизани кўриб қотиб қолади. Энгашиб, унга қўлларини теккизади.

Зинапоя остида бир стакан совуган .янги соғилган сут, бир нечта олма ва нбкларга кўзи тушади. Ҳозир унга кераги ҳам шу эди. Бу уни олам-жаҳон қабул қилишига, ўйлаб кўриши лозим бўлган ҳамма нарсалар хусусида фикр мулоҳаза юритишига вақт берганига ишора эди.

Бир стакан сут, олма, нок.

У сувдан чиқди.

Қирғоқ баҳайбат тўлқин каби унга яқинлашиб қелди. Қоронғилик, унга нотаниш макон, этни жунжиктирадиган муздек шамол келтираётган анвойи ҳидлар Монтэгнинг бутун борлиғини эгаллаган эди. У бундай қоронғилик, ҳидлар ва товушлардан ўзини орқага тортди. Қулоқлари шанғиллар, боши айланарди. Юлдузлар ёниб турган метеорлар каби у томонга учиб кела бошлади. У яна ўзини дарёга ташлашга чойтанди. Тўлқинлар уни истаган томонга оқизиб кетишига рози эди. Тимқора, ҳайбатли қирғоқ болалигида рўй берган бир воқеани, чўмилаётганда улкан тўлқин — умри бино бўлиб ундан каттасини кўрмаган! — уни уриб қулатганини эслатди. Тўлқин уни карахт қилиб яшил қирғоққа улоқтириб ташлаган, оғзи, бурни, қорнини куйдирувчи шўр сув билан тўлдирган, сувга ғарқ бўлган эди!

Ҳозир эса қуруқлик ваҳима солиб турарди.

Бир маҳал, не қўз билан кўрсинки, нимадир шитирлаб, нақ рўпарасида баҳайбат махлуқнинг сояси-ю бир жуфт кўзи кўринди. Ваҳимали қоронғилик унга тикилиб тургандай эди. Сирли ўрмон тикилиб тургандай эди унга.

Механик ит!

— Шунча ҳаллослаб югуриб, чўкиб кетишингга сал қолиб, қанча йўлни ортда қолдириб, бошингдан не савдолар кечиб, хавф-хатардан қутулдим деганингда, елкангдан тоғ қулагандай ниҳоят қирғоққа чиқиб олганингда оёғинг остидан Механик ит чиқиб турса, бу не кўргилик!

Монтэгнинг бўғзидан қичқирган овоз отилиб чиқди. Буларнинг ҳаммаси битта одамни эзиб-эгиб ташлайди-ку.

Соя ён томонга сакраб ўтди. Кўзлар ғойиб бўлди. Қуруқ ёмғир каби хазонрезги барглар тўкилди.

Монтэг ўрмонда яккаю ёлғиз эди.

Буғу. Буғу эди бу. Монтэг хайвон қони ва дудоғи билан омухта ўткир мушк ҳидини, кардамон, пўпанак ва сариқбош бўйини туйди. Зимистон кечада дов-дарахтлар чекқасидаги гупиллаб уриб турган қонга ҳамоҳанг унга ёпирилиб яқинлашар, яна орқага чекинарди.

Замин тўкилган барглар билан тўшалган, уларнинг саноғи йўқ, еру кўкни тўлдирган, у қуруқ шилдираган, чиннигул ва чанг ҳиди анқиб турган дарёни кечиб ўтаётгандек оёқлари хазонга ботиб кетарди. Ҳавони хушбўй ҳидлар тутиб кетган. Мана, хом картошканинг ҳиди анқиб кетгандай бўлди; тунни билан очиқ ҳавода, ойнинг нурида ётган оппоқ, совуқ картошкани катта-катта қилиб кессангиз, шундай ҳид таратади. Мана, майда сабзавот ошкўкнинг, ошхонадаги стол устида ётган сельдернинг, қопқоғи сал очиб қўйилган сариқ хантал ўсимлигининг, қўшни боғдан қелаётган серяпроқ қалампир-мунчоқнинг бўйи келаётгандай. Монтэг қўлини пастга туширган эди, ёш бола оҳиста қўлидан тутгандай ўт пояси кафтига урилди. Монтэг бармоқларини юзига тутди: улардан чучукмия ҳиди келарди. У ер ҳидларидан чуқур нафас олиб тўхтади. Қанча чуқур нафас олса уни ўраб турган оламнинг ранг-баранглигини чуқурроқ сезарди. Илгари у ҳис этган бўшлиқ узлатга чекилган, бундай ҳиссиёт энди унинг учун қайтиб келмасди. Шу кундан бошлаб ҳамишаликка шундай бўлди.

У хазонларга қоқилиб, оёғини судраб босарди.

Янги ғайриоддий оламда таниш бир нарса содир бўлгандай туюлди.

Оёғи нимагадир тегиб кетиб, паст овоз чиқарди. У дам бир томонга, дам иккинчи томонга қўлларини ўт орасида пайпаслади.

Темир йўл излари.

Дарахтзор ва ўрмонлар оша шаҳардан ташқарига элтувчи қаровсиз қолган, занглаган темир йўл излари.

У мана шу йўлдан юриши керак. Бирча янгиликлар ичида унга таниш нарса, биринчи кезларда унга асқотадиган, қўли билан тутиб, мевали бутазор турли-туман ҳидлар, ўрмон шитир-шитири ва шивирлаши орқали ўтиб бораркан, доимо оёғи остида ҳис этадиган сеҳрли нажот йўли, мана шу эди.

У йўлларга қадам босиб илгарилаб борарди.

Бунга ўзи ҳам ажабланиб, ҳеч бир исботлаб беролмасида бир нарсани аниқ билишини ҳис этди: қачонлардир бу ердан Кларисса ҳам

ўтган.

Ярим соатлардан кейин совуқдан дилдираб, шпалларга охиста қадам ташлаб қоронғилик танасига сингиб, кўзлариги, оғзига кириб кетаётганини, ўрмодан чиқаётган овозлар қулоғи остида гувиллаётганини оёқлари бутазорда швдиниб қичитқи ўтда куяётганини ҳис қилиб, кўрганда лоп этиб рўпарасидаги чироққа кўзи тушди.

Аланга бир сония ялт этди-ю йўқ бўлди, яна пайдо бўлди. У узоқда қайсидир жонзотнинг кўзи каби ёниб-ўчарди. Монтэг турган жойида қотиб қолди. Мана шу милтиллаган хира чироққа пуфланса, ўчиб қоладигандек туюлди унга. Бироқ чироқ милтиллаб турар, Монтэг тобора унга сездирмай яқинлашаварди. Унга яқинлашгунча ўн беш дақиқа фурсат ўтди; у тўхтаб, дарахт панасига яшириниб оловни кузата бошлади. Оқ ва қирмизи тусдаги ёлқинланиб турган аланга Монтэгга жуда ғалати кўринди, чунки унинг учун илгаригига сира ўхшамайдиган маъно каеб этган эди.

Бу олов ҳеч нарсани куйдирмас, балки иситарди. Монтэг унинг иссиғига узатилган қўлларни, фақат қўлларни кўрди, гулхан атрофида ўтирганларнинг гавдаси қоронғиликда кўринмасди. Қўллардан юқорида аланга шуъласида жонланган жиддий қиёфалар кўринарди. Олов шундай бўлишини тасаввур қилолмасди. Олов ҳамма нарсани маҳв этмасдан, нимадир бериши ҳам мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Ҳатто бу оловнинг ҳиди ҳам буткул бошқача эди.

Худо билади, гўё у ўрмон ҳайвони-ю, уни чангалзордан гулхан нури ёруғликка олиб чиққан деган бўлмағур, аммо ёқимли фантазияга берилиб яна қанча шу алпозда турарди. Хаёлида киприклари қалин, кўзлари рутубатли, териси силлиқ, ғадир-будир бурни, туёқлари, айри шохлари бор эди, бордй-ю, қони ерга оқса ундан куз ҳиди анқиган бўларди. У илиқлик тарқатувчи гулханнинг чирсиллаб ёнишига қулоқ солиб узоқ туриб қолди.

Гулхан атрофида жимлик, одамларнинг юзида хотиржамлик ҳукмрон эди. Фойдаланилмай ташлаб қўйилган темир йўл излари яқинида дарахтлар остига жойлашиб ўтириб, дунёга ташқаридан назар ташлашга вақт етарли эди. Олам шу ерда, гулхан ёнида мужассам бўлгандек, гўё дунё мана шу одамлар бошқатдан ясайдиган, оловда чўғ бўлиб ётган пўлат парчасидай, бир нигоҳ билан қамраб олгудай эди. Фақат оловгина эмас, сокинлик ҳам бошқача туюларди. Монтэг дунё

тақдири унга боғлиқдай бўлиб туюлган бошқача сокинликка яқинроқ сурилди.

Кейинроқ турли овозларни эшитди. Одамлар гапиришар, бироқ у нима ҳақида гаплашаётганларини тушунаолмас эди. Уларнинг нутқи оҳиста гоҳ баланд, гоҳ паст эшитилар эди. Гапираётганларнинг қўз ўнгида бутун олам намоён эди, улар шошилмай унга разм солишар, ерни ҳам, ўрмонни ҳам қаровсиз қолган темир йўл охиридаги, дарё ортида ястаниб ётган Шаҳарни ҳам яхши билишарди. Улар ҳамма нарса ҳақида гапиришар, улар гапириши мумкин бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ эди. Монтэг буни уларнинг овозидаги жонли интонациядан, уларда янграган ажабланиш ва қизиқиш оҳангларидан уқиб оларди: Сўнгра, гапириб турганлардан бири бошини кўтариб, Монтэгнинг биринчи мартами, эҳтимол, еттинчи мартами кўрди-да, қимдир уни чақирди:

— Майли, яширинмасангиз ҳам бўлади.

Монтэг ўзини қоронғиликка олди.

— Кўйинг энди, қўрқманг, — яна ўша овоз янгради, — даврамизга марҳамат қилинг.

Монтэг оҳиста қадам ташлаб яқинлашди. Гулҳан атрофида тўқ зангори бўздан тикилган шим, куртка, худди шундай рангдаги кўйлак кийган бешта қария ўтиришарди. Уларга нима деб жавоб қилишни билмасди.

— Келинг, ўтиринг, қаҳва ичасизми? — сўради улардан бири, чамаси уларнинг каттаси бўлса керак.

Монтэг қоп-қора буғланиб турган суюқлик йиғма темир кружкага қуйилаётганини индамай кузатиб турди: кимдир кружкани унга тутқазди. Ҳамма унга қараб турганини сезиб, бир қултум ичди. Иссиқ қаҳва лабларини куйдирди, аммо бу унга хушёқарди. Атрофида ўтирганларнинг юзлари қалин соқол билан қопланган, аммо улар бежирим, чиройли қилиб одинган эди. Бу одамларнинг қўллари ҳам-тоза, назокатли эди. У гулҳанга яқинлашганда ҳаммалари ўринларидан туриб меҳмон билан кўришишди, кейин жой-жойларига ўтиришди.

Монтэг қаҳвани ичди.

— Раҳмат, — деди у, — чин дилдан ташаккур.

— Хуш келибсиз, Монтэг. Менинг исмим Грэнжер, — ўзини Грэнжер деб танитган киши унга рангсиз суюқлик солинган кичикроқ

флаконни узатди, — мана буни ҳам ичиб юборинг. Бу сиздан чиқадиган тернинг кимёвий индексини ўзгартириб юборади. Ярим соатдан кейин сиздан тамомила бошқа икки кишининг бўйи таралади. Ҳамонки, Механик ит изингизга тушган экан, шишачадагини оқ ичиб юборсангиз, фойдадан холи бўлмайди.

Монтэг аччиқроқ суюқликни ичиб юборди.

— Сиздан таканинг ҳиди уфуриб туради, аммо бу муҳими эмас, — деди Грэнжер.

— Менинг исмимни қаердан биласиз? — ажабланиб сўради Монтэг.

Грэнжер боши билан имо қилиб гулхан ёнида турган портатив телевизорни кўрсатди.

— Биз қувишни кузатиб турдик. Сиз дарё бўйлаб жанубга тушасиз деб ўйладик, дайди буғу каби чангалзорда адашиб юрганингизни кўриб, одатдагидек яширинмадик. Ҳеликоптерлар кутилмаганда орқага— шаҳарга қараб бурилганда сувга шўнғидингиз деб тахмин қилдик. Шаҳарда эса ғалати нарса бўляпти. Кувғин давом этяпти, аммо бошқа йўналишда.

— Бошқа йўналишда?

— Келинг текширамыз.

Грэнжер портатив телевизорни буради. Кичик экранда ранглар товланиб визиллаб соялар жимирлади, гўё шу қутичага аллақандай даҳшатли туш беркитиб қўйилган эди. Қизиғи шундаки, бу ерда, ўрмонда уни қўлда тутиб, бошқа кишига бериш ҳам мумкин эди.

Дикторнинг овози шанғиллаб эшитиларди.

— Қувиш шаҳарнинг шимолий қисмида давом эттириляпти! Полиция ҳеликоптерлари Саксон ёттинчи кўча ва Элм Гроув боғи атрофида тўпланишмоқда!

Грэнжер бош ирғатди:

— Ана энди йўлига қувишни давом эттиришяпти. Сиз уларни дарё бўйида адаштириб юбордингиз. Аммо улар буни тан олгилари келмайди. Томошабинларни узоқ муддат таранг вазиятда ушлаб туриш мумкин эмаслигини билишади. Тезроқ бир ёқлик қилиш керак. Дарёни тинтилса, тонг отгунча ҳам иш чиқариб бўлмайди. Бу масхарабозликни тезроқ дабдаба билан тугаллаш учун қурбонларини қидирмоқдалар. Ана, қаранг! Беш дақиқа ўтмасдан Монтэгни қўлга оладилар!

— Қандай қилиб?

— Ҳозир кўрасиз.

Ҳеликоптернинг қорнига яширинча ўрнатилган телевизион камеранинг кўзи энди ҳувиллаб ётган кўчага қаратилган эди.

— Кўряпсизми? — шивирлади Грэнжер, — ҳозир сиз пайдо бўласиз. Ҳов анов ерда, кўчанинг охирида мўлжалланган қурбон. Камера қандай сувратга олаётганини қаранг! Аввал таъсирчан қилиб кўча кўрсатилади. Хавотирланиб кутиш. Кўчанинг узоқдан кўриниши. Мана, ҳозир бирон-бир нарсадан хабари йўқ бечора сайрга чиқади. Қандайдир қизиқ табиатли, ғалати одам. Полиция ҳеч қандай сабабсиз ёки уйқусизликдан қийналиб, тонг чоғида сайр қилишни севадиган бундай кишиларнинг одатини билмайди деб ўйламанг. Полиция уларни ойлаб, йиллаб кузатади. Буни қачон ва нимага яраб қолиши мумкинлигини ҳеч қачон билмайсан киши. Бугун эса жуда ўринли, мушкул аҳволдан қутқазишга ёрдам беради. Ё тавба! Ана кўринг!

Гулхан ёнида ўтирганлар олдинга интилишди.

Экранда кўчанинг охирида муюлишдан бир киши чиқиб келди. тўсатдан объективга Механик ит бостириб кирди. Ҳеликоптерлар кўчага ўнлаб прожекторларни йўналтирди ва бояги кишининг гавдасини ярқираб турган ёруғлик устунларидан ясалган тўрнинг ичига қамашди.

Дикторнинг овози тантанали оҳангда эълон қилди:

— Бу Монтэг! Қувиш ниҳоясига етказилди!

Ҳеч қандай айби бўлмаган йўловчи қўлида сигаретини тутатиб таажубланиб турарди. У тушунолмайд итга қараб турарди. Охиригача ҳеч нарсани тушунмаган бўлса, эҳтимол. У осмонга боқиб, сиреналарнинг ғувиллашига қулоқ солиб турди. Энди телевизион камералар пастдан, туриб сувратга ола бошладилар. Ит сакради — бир маромли ҳаракатларидаги аниқлик ақлни шоширарди. Игна йилтиллади. Бир дақиқа экранда томошабинлар бутун манзарани ҳайрон бўлиб турган қурбоннинг қиёфаси, бўм-бўш кўча, нишонга учиб бораётган улкан ўқ-пўлат махлуқнинг сакрашини яхши кўришлари учун ҳамма нарса муаллақ қолди.

Монтэг, қимирламанг! — осмондан овоз эшитилди.

Ўша заҳоти ит ва телевизион камеранинг объективи юқоридан ҳалиги одамга ташландилар. Камера ва ит бир пайтнинг ўзида уни

босдилар. Одам чинқириб юборди. У бақирар, додлар, қичқирар эди!...

Оҳиста алмашинув.

Жимжитлик.

Қоронғилик.

Монтэг қичқириб, юзини ўгирди.

Жимлик.

Гулхан атрофидаги одамлар хира экранда дикторнинг овози эшитилмагунча қараётган ҳолатда ўтирдилар.

— Қидирув тугади. 'Монтэг ўлдирилди. Жамиятга қарши содир этилган жиноятчи жазоланди.

Қоронғилик.

— Энди сиэларни Люкс меҳмонхонасидаги «Том остидаги Зал»га олиб ўтамиз. Ярим соатлик «Тонг олдидан» кўрсатуви, бизнинг дастуримизда...

Грэнжер телевизорни ўчирди..

— Унинг юзини қандай кўрсатишганига эътибор бердингизми?

Доимо фокуссиз бериб. турди. Энг яқин дўстларингиз ҳам бу сизмидингиз ё бошқамиди, аниқ айтиб беришолмасди. Сал-пал ўхшадими, бас, ў ёғи томошабиннинг хаёлига ҳавола. Устаси фаранглар шунақа, — шивирлади у.

Монтэгнинг гапиришга холи қолмаган, телевизорга қайрилиб, дағ-дағ титраб, живирлаб турган экрандан нигоҳини узолмасди.

Грэнжер қўлларини оҳиста унинг елкасига қўйди.

— Ҳаётга қайтганингиз билан табриклаймиз.

Монтэг бошини қимирлатиб қўйди.

— Энди бизлар билан танишиб қўйсангиз бўлади, — давом этди Грэнжер, — бу киши бир пайтлари Кэмбриж университетининг Томас Харди номидаги кафедрасини бошқарган Фред Клементдир. Бу ҳали Кэмбриж Атом-инженерлик билим юртига айланмаган йиллар эди. Бу киши эса Калифорния университетидан доктор Симманс, Ортега-и-Гассет ижоди бўйича йирик мутахассис. Буёқ профессор Уэст, бир неча йил илгари Колумбия университетиде қадимий, ҳозир унутиб юборилган одоб-ахлоқ фанига катта ҳисса қўшган. Падовер ота ҳазратлари ўттиз йил бурун бир неча марта ваъз айтиб, бир ҳафта ичида ўзининг фикрлаш тарзи туйғули черков қавмидан бутунлай

ажралган. Анчадан буён биз билан дайдиб юрибди. Менга келганда шуни айтишим мумкин — «Бир панжанинг бармоқлари. Шахс ва жамият ўртасидаги тўғри муносабатлар» деб номланган китоб ёзганман. Мен ҳам шу ерларда юрибман. Сафимизга хуш қелибсиз, Монтэг!

— Йўқ, Менинг ўрним сизларнинг орангизда эмас, — тили зўрға калимага келди Монтэгнинг, — бутун ҳаётим давомида фақат ножўя ишлар қилганман.

Қўйинг, бу биз учун янгилик эмас. Ҳаммамиз ҳам хатоларга йўл қўйганмиз, акс ҳолда бу ерда бўлмасдик. Якка-якка ҳаракат қилганимизда қаҳр-ғазаб ягона қуролимиз - эди.

Ут ўчирувчи келиб кутубхонамни ёқиб юбормоқчи бўлганида уни аямай урганман. Бунга қанча йиллар бўлиб ўтди. Ўшандан буён яшириниб юришга мажбурман. Бизларга қўшилишни истайсизми, Монтэг?

— Албатта.

— Бизларга нимани таклиф эта оласиз?

— Ҳеч нарсани. Менда Экклезиастдан, эҳтимол, Иоанн илоҳиёт кашфиётларидан нималардир бўлса керак деб ўйловдим, ҳозир улар ҳам ёнимда эмас.

— Экклезиаст, ёмон эмас. Уни қаерда саклар эдингиз?

— Мана бу ерда, — Монтэг қўли билан пешонасини кўрсатди.

— Шундайми, — кулди Грэнжер ва бошини қимирлатиб қўйди.

— Нима, бу ёмонми? — сўради Монтэг.

— Йўқ аксинча, бу жуда яхши. Улуғ иш! — Грэнжер руҳонийга юзланди, — бизда Экклезиаст борми?

— Бор. Янгстаунда яшовчи Гаррис исмли киши.

— Монтэг, — Грэнжер Монтэгнинг елкаларидан маҳкам тутиб ўзига тортди, — эҳтиёт бўлинг. Ўзингизни эҳтиёт қилинг. Агар Гаррис билан бирон корхол бўлса, сиз Экклезиаст бўласиз. Кўрдингизми, сўнгги дақиқада қанчалик зарур инсон бўлиб қолганингизни!

— Ахир ҳаммасини унутиб юборганман-ку!

— Йўқ, ҳеч нарса изсиз йўқолмайди. Хотиранингизни силкитиб тиклайдиган усулимиз бор.

— Эслашга уруниб кўрганман.

— Уринманг. Керак бўлганда рўёбга чиқарамиз. Инсон хотираси сезувчан фотоплёнкага ўхшаган бўлади, бутун ҳаётимиз давомида унда акс этган нарсаларни ўчириб юборишга уринамиз. Симманс бир марта ўқилган жамики нарсаларни хотирада тиклашга ёрдам берадиган усулни ишлаб чиққан. Бунинг устида йигирма йил изланган. Монтэг, сиз Афлотуннинг «Республика»сини ўқишни истармидингиз?

— Оҳо, албатта!

— Мана, мен — Афлотуннинг «Республика»симан. Марк Аврелийни ўқишни истайсизми? Марҳамат, мистер Симманс — Марк Аврелий.

— Салом! — деди мистер Симманс.

— Салом, — жавоб берди Монтэг.

— Фоят кучли сиёсий сатира — «Гулливёрнинг бошидан кечирганлари»нинг муаллифи Жонатан Свифт билан сизни таништиришга рухсат этинг. Бу киши Чарлз Дарвин, буёқ Шопенгауэр, бу киши эса Эйнштейн, мен билан ёнма-ён турганлари ажойиб файласуф мистер Альберт Швайцер. Ҳаммамиз сизнинг ҳузурингиздамиз, Монтэг, — Аристофан ва Маҳатма Ганди, Гаутам Будда ва Конфуций, Томас Лав Пикок, Томас Жефферсон ва Линкольн — сизнинг хизматингизда.

Биз, шунингдек, Матфей, Марк, Лука ва Иоаннлармиз.

Улар паст овоз чиқариб кулишди.

— Бундай бўлиши мумкин эмас! — қичқириб юборди Монтэг.

— Йўқ, худди шундай, — кулиб туриб жавоб берди, Гренжер, — бизлар ҳам китобларни ёқамиз: Аввал ўқиймиз-да, кейин биздан топиб олмасликлари учун ёқамиз. Микрофильмлар ўзини оқламади. Доимо сарсон-саргардонликда юрамиз, яшаш жойимизни ўзгартирамиз, пленкани бирон жойга кўмиб қўйишга, қайтиб келиб уни кавлаб олишга тўғри келади, бу катта қийинчиликлар туғдиради. Яхшиси, борини мияда сақлаш, ҳеч ким ҳеч нарсани кўрмайди, ҳеч нарсдан шубҳаланмайди. Ҳаммамиз тарих, адабиёт, халқаро ҳуқуқнинг парчалари ва бўлақларимиз. Байрон, Том Пэйн, Макиавелли, Исо пайғамбар — ҳаммаси мана бу ерда, бошимизда жам бўлган. Анча кечикилди, уруш бошланиб кетди. Биз бу ердამиз, шаҳар у ёқда, бу ердан узоқ, ўзининг ранг-баранг либосида. Нималарни ўйлаб, хаёл сураяпсиз, Монтэг?

— Ўз кучим билан курашишга ҳаракат қилганимда қанчалар тентаклик қилганимни ўйлаяпман. Ўт ўчирувчиларнинг уйига яширинча китоблар ташлаб хавф-хатар сигналини берибман-а.

Сиз қўлингиздан келган ишни қилгансиз. Бутун мамлакат миқёсида бу ишингиз ажойиб натижа берган бўларди. Аммо бизнинг кураш йўлимиз соддароқ, бизнингча, дурустроқ. Бизнинг вазифамиз бизга ҳали асқотадиган билимларни сақлаш, бус-бутун, тўлалигича эҳтиёт қилишдир. Ҳозирча ҳеч кимга қаттиқ тегмоқчи, ҳеч кимни гижгижламоқчи ҳам эмасмиз. Ахир бизни маҳв этсалар, биз сақлаб келаётган билимлар ҳам ҳалокатга учраши, бутунлай йўқ бўлиб

кетиши мумкин. Биз маълум маънода ҳеч кимга оғирлиги тушмайдиган фуқаролармиз: ўз ҳолига ташлаб қўйилган темир йўл изида кезиб юрамиз, тунлари тоғларга яширинамиз. Шаҳарликлар бизга эътибор бермай қўйишган. Баъзан бизни тўхтатиб тинтувдан ўтказишади, лекин ҳеч қачон ҳибсга олишга асос бўладиган ҳеч нарса тополмайдилар. Тез ўзгариб мослашувчан, тутқич бермас ташкилотимиз мамлакатнинг ҳамма бурчакларига тарқалиб кетган. Бизлардан баъзилари ўзларида пластик операциялар ўтказиб, ташқи қиёфалари, бармоқ изларини ўзгартиришган. Ҳозир аҳволимиз жуда оғир: тезроқ уруш бошланиб, тугашини кутиб турибмиз. Бу даҳшат, албатта, бироқ қўлимиздан ҳеч нарса келмайди. Мамлакатни биз бошқармаймиз, биз жуда озчиликмиз, ҳамма ҳаракатларимиз беҳуда кетади. Уруш тугагандан кейин, эҳтимол, керак бўлиб қолармиз.

— Сизларга қулоқ солишармикан?

— Шундай бўлмаса, яна кутишга тўғри келади. Биз китобларни оғиздан-оғизга фарзандларимизга етказамиз, улар эса ўз навбатида бошқаларга етказишади. Талай қисми йўқотилган бўлади, шубҳасиз. Бироқ одамларни қуч билан тинглашга мажбур этиш мумкин эмас.

Уларнинг ўзлари тушунишлари, нега шундай бўлгани, нега уларнинг кўз ўнгида дунё портлаб кетганини ўзлари ўйлаб- кўришлари лозим.

Абадул-абад шундай давом этиши мумкин эмас.

— Сизлар кўпчиликмисизлар?

— Йўлларда, кераксиз бўлиб қолган темир йўл изларида ҳозир биз минглаб кишилармиз, юзаки қараганда дарбадарлармиз, бироқ бошимизда бутун китоб жавонларини сақлаймиз. Аввал-бошида ҳамма нарса стихияли бўлган. Ҳар бир кишида ёдда сақлаб қолиши учун қандайдир китоби бўлган. Бироқ биз бир-биримиз билан учрашиб турдик, ўтган йигирма йил, балки ундан кўпроқ вақт ичида ташкилотга ўхшаган бир нарсани туздик ва ҳаракат дастурини ишлаб чиқдик. Энг муҳими, ўз-ўзимизча ҳеч нарсага арзимаслигимизни, майдакаш бўлмаслигимизни ёки бошқа одамлардан устунлигимизни ҳис этмасликни тушуниб етишимизда эди. Биз фақат емирилиб кетиши ва чангдан ҳимоя қилиб турувчи китоб муқовасимиз, холос. Баъзи бирларимиз қичик шаҳарларда тураемиз. Торонинг «Уолден» китобидан биринчи боб Грин Риверда, иккинчи боб Мэн пггатидаги

Уиллоу Фармда яшайди. Мэриленд штатида бор-йўғи йигирма етти кишидан иборат аҳоли яшайдиган шаҳарча бор. У ерга бомба ташлаб ўтиришмаса керак.

Шу шаҳарчада Бертран Россел асарларининг тўла нашри сақланади. Бу шаҳарчани китоб сингари қўлга олиб, саҳифа-ларини варақдаш мумкин, унда яшовчиларнинг ҳар бирининг боши-да шунча саҳифа бор деб ҳисоблаб чиқиш ҳам мумкин. Уруш тугагач, бахт кулиб боққан кунда, ажойиб бир йилда яна китоблар ёзишга имкон туғилади, ҳамма одамларни бир жойга тўплаймиз, улар билганларини ёддан ўқиб берадилар, биз ҳаммасини қоғозларга босиб чиқарамиз. Кейин эса, эҳтимол, янги қора аср бошланар, ҳаммасини бошқатдан бошлашга тўғри келар. Аммо инсонда битта ажойиб фазилат бор: ҳаммасини бошқатдан бошлашга тўғри келса умидсизликка туш-майди, жасорат кўрсатишдан қайтмайди, наинки бунинг ғоят зарур-лигини, ҳаракатлари зое кетмаслигини билади.

— Ҳозир нима иш қиламиз? — сўради Монтэг.

— Кутамиз, — жавоб берди Грэнжер, — ҳар эҳтимолга қарш-и, дарё бўйлаб пастга, узоқроққа кетамиз.

У гулханга тупроқ ташлай бошлади. Бошқалар унга ёрдам беришди,

Монтэг ҳам қарашди. Чакалакзорда одамлар бир-бирларига сўз қотмай оловни ўчиришди.

... Улар юлдузлар нур сочиб турган паллада дарё бўйида туришарди. Монтэг қўлидаги соатнинг йилтиллаётган циферблатига қаради.

Эрталабки соат беш. Бир соат ўтибди, холос. Аммо у бир йилдан узоқроққа ўхшаб туюлди

Узоқдаги қирғоқ ортида тонг шафағи кўринди.

— Нима учун менга ишонасизлар? — сўради у.

Қоронғида турган одам қимирлади.

— Сизга бир қарашнинг ўзи кифоя. Сиз анчадан буён ойнага қарамагансиз. Бундан ташқари шаҳар ҳеч қачон бизга бу қадар юксак ҳурмат билдирмаган ва ортимиздан бу қадар дабдабали қувғин ташкил этмаган эди. Миясини шеърият билан тикиштириб тўлдирган ўнлаб телбанамо одамлар учун бунинг хавфли жойи йўқ; буни улар

билишади, бизлар ҳам биламиз, ҳамма билади. Бугун халқ, яъни омма озодлик хартияси ва конституциядан ҳали иқтибослар келтирмаса хавотирланишга асос бўлмайди. Ут ўчирувчилар вақти-вақти билан тартибни назорат қилиб турсалар етарли бўлади. Йўқ, шаҳарликлар бизга тегишмайди. Сизни эса, Монтэг, хўп олиб бориб, олиб келишди.

Улар дарё ёқалаб, жануб томон боришарди. Монтэг ўз ҳамроҳларининг гулхан ёнида кўрган қаримсиқ, ажин босган, ҳорғйн юзларига тикилиб қарамоқчи бўлди. Уларда қувонч, қатъийлик, келажакка ишонч ифодасини излади. Афтидан, ўзларидаги билимдан тун зулматида ёқилган чироқдай юзларида нур таралишини кутган эди. Бироқ уларнинг юзларида бундай ифодани кўрмади. У ерда, гулхан тепасида уларни ёнаётган шох-шаббаларнинг шуъласи ёритиб турар, ҳозир эса ўзларига ўхшаган, сарсон-саргардон бўлган, умрининг бир неча йилини изланишда ўтказган, гўзаллик хароб бўлаётганини кўрган; мана ниҳоят ёши бир жойга етганда парда пастга тушиб, чироқлар сўнишини кўриш учун бир жойга тўпланган одамлардек ҳеч нарса билан фарқ қилмас эдилар. Улар хотираларида сақлаётган нарса келажак тонгини янада ёрқин аланга олдиришига у қадар ишонмас эдилар. Фақат ўз кўзлари билан кўрганларига ишонар эдилар. Жавонларда терилиб турган китобларни саҳифалари ҳали қирқиб олинмаган, бир кун келиб, қим покиза, ким ифлос қўллари билан уларни олиб саҳифаларини очиб қарайдиган китобхонларни кутаётган китобларни кўрган эдилар.

Монтэг ҳамроҳларининг юзига диққат билан тикилди.

— Китоблар ҳақида муқовасига қараб ҳуқм чиқаришга шошилманг, — деди кимдир.

Ҳаммалари дарё ёқалаб юришда давом этиб аста кулиб қўйишди.

... Қулоқни кар қилгудай, унга ўқдай санчиладиган чийиллаган товуш эшитилиб осмонни ракета самолётлари ёриб ўтди; йўловчилар бошини кўтариб қарашга улгурмасиданоқ кўздан ғойиб бўлишди.

Самолётлар шаҳар томондан учиб келишарди. Монтэг дарёдан анча узоқда шаҳар ястаниб ётган томонга қаради: ҳозир у томонда хира шуъла кўринарди, холос.

— У ерда хотиним қолган.

— Сизга ачинаман. Яқин кунларда шаҳарлар оғир синовларга дучор бўлади, — деди рэнжер. — Жуда ғалати-я, уни соғинганимни

мутлақо ҳис этаётганим йўқ. Гўё ҳеч нарсани ҳис қилаолмайдиганга ўхшайман, — гапирди Монтэг, — бир баҳя илгари у ўлса ҳам ачинмайман, деган хаёлга бордим. Яхши эмас бу. Менда бир чатоқлик бўлаяптими дейман.

— Гапимга қулоқ солинг, — сўзлай бошлади Грэнжер уни қўлтиғидан олиб; у Монтэгга қалин бутазордан ўтиб олишига кўмаклашиб, ёнма-ён қадам ташлаб борарди, — болалигимда бобом бандаликни бажо келтирганлар. У киши ҳайкалтарош, жуда хушфеъл инсон бўлганлар, одамларни жуда қадрлаганлар, шахримизни кулбалардан тозалашга ёрдам берганлар. Биз болаларга турли-туман ўйинчоқлар ясаб берардилар. Бутун ҳаётлари давомида миллионта турли буюмлар яратган бўлсалар керак. Қўллари ҳамиша иш билан банд бўларди. Шундай қилиб-денг, у киши вафот этганларида уларга эмас, улар яратган нарсаларга ачиниб йиғлганимни пайқаб қолганман. Буларнинг ҳаммаси энди барҳам топганини, бобом энди ёғочдан ҳайкалчалар ясай олмасликларини, орқа ҳовлида биз билан кабутарлар урчита олмасликлари, скрипка чалиб беролмасликлари ёки бизга қизиқ-қизиқ ҳикоялар айтиб беролмасликларини билганимдан йиғлардим, Ҳеч ким у кишичалик қизиқтириб ҳикоя қилишни билмасди. У ўзимизнинг бир бўлагимизга айланиб қолган эди, у вафот этганда, буларнинг ҳаммаси ҳаётимиздан ном-нишонсиз

йўқолгандай бўлди: унинг ўрнини боса оладиган ҳеч ким қолмаган эди. У ҳеч кимга ўхшамаган, бошқача инсон эди. Усиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмасди. Унинг ўлимига асти рози бўлолмасдим. Ҳозир ҳам уни тез-тез эслаб, унинг ўлими сабабли дунё қанчадан-қанча гўзал санъат асарларидан маҳрум бўлди, қанча қизиқарли ҳикоялар айтилмай қолди, мдкониға қайтиб келган қанча кабутарлар мушфиқ-меҳрибон қўлларининг тафтини энди сезмайди деб, хаёлга ботаман.

У дунё қиёфасини ўзгартираётган эди. У дунёга янги нарсани инъом этаётган эди. У дунёдан кўз юмган тунда дунё ўн миллион хайрли ишларни бой берди.

Монтэг чурқ этмай борарди.

Милли, Милли, — шивирлади у, — Милли.

— Нима дедингиз?

— Хотиним... Милли... Бечора, шўрлик Милли. Мен ҳеч нарсани эслолмаяпман... Унинг қўллари ҳақида ўйлайман-у, улар бирор нарса қилишини кўра олмайман. Улар қамчи каби танаси бўйлаб осилиб туради ё тиззалари устида ётади ёки сигарета тутиб турган бўлади. Қўллари фақат шунга қодир эди, холос.

Монтэг қайрилиб орқасига қаради.

— Сен шаҳарга нима тортиқ қилдинг, Монтэг?

— Кул.

— Одамлар бир-бирларига нима улашар эдилар?

— Ҳеч нарса.

Грэнжер Монтэг билан ёнма-ён туриб, шаҳарга назар ташларди.

— Бобом шундай дердилар: «Ҳар бир инсон ҳаётда ўзидан кейин бирон нарса — ўғилми ё китобми, расмми, ўз қўлинг билан қурган уйми ёки жуда бўлмаса ғишт териб кўтарилган деворми, ўзинг тиккан бир жуфт башмоқми ёки ўзинг ўстирган боғми қолдиришинг керак ҳаётлигингда бармоқларинг теккан, вафотингдан кейин руҳинг учун паноҳ бўладиган ниманидир қолдиришинг лозим бўлади. Одамлар сен ўстирган дарахт ёки гулга қараб сени эслашади, номингни тилга олишади». Бобом яна шундай дер эдилар: «Нима қилаётганинг эмас, муҳими қўлингни нимага урсанг ҳаммаси шаклини ўзгартиришида, аввалгисидан бошқача бўлиб қолишида, унда ўзлигингдан бир чимдим қолишида, майсазорда оддий ўт ўраётган киши билан ҳақиқий боғбон ўртасидаги фарқ мана шунда, — ўгит берарди бобом, — биринчиси дунёга келади-ю кетади, аммо боғбоннинг умри боқий бўлади».

Грэнжер Монтэгнинг тирсагини қисди.

— Бир кун, бундан элик йил муқаддам, бобом менга Фау-2 реактив снарядлари ҳақида бир нечта фильм кўрсатган эдилар, — давом этди у, — сизга атом бомбаси портлаганидан кейин пайдо бўладиган қўзиқоринга ўхшаш булутни икки юз чақирим масофадан кўришга тўғри келганми? Бу аҳамиятсиз, арзимаган нарса. Чексиз, худди сиз саҳрода бу деярли игна санчигандай гап. Бобом бу фильмни ўн мартача қайта қўйиб кейин шундай кун келадики, шаҳарлар деворларини кенгайтириб ўрмонлар, далалар ва ёввойи табиатни ўз бағрига олади. Менинг бунга имоним комил деган эди. Одамлар шуни унутмасликлари керакки, деб айтган эди у, ерда уларга озгинагина жой ажратилган, инсонга берган ҳамма нарсасини енгилгина қайтариб

оладиган табиат қуршовида яшайдилар. Инсонга ўзи ўйлаганчалик қудратли эмаслигини шунчаки эслатиб қўйиш учун ўз нафаси билан ер юзидан супириб ташлаш ёки океан сувларига чўктириб юбориш табиат учун ҳеч гап эмас. Бобом дердилар: агар биз уни тунда доимо ёнимизда ҳис этмасак, қандай даҳшатли ва қудратли кучга эга

эканлигини унутиб қўямиз. Ўшанда кунлардан бир кун келадию бизни ютиб юборади. Тушунаяпсизми?

Грэнжер Монтэгга ўгирилиб қаради.

— Бобомнинг вафот этганларига анча йил бўлди, бироқ агар сиз мия қопқоғимни очиб бурама-бурама бўлиб турган жойларига қарасангиз, у ерда унинг бармоқлари изини кўришингиз мумкин. У менга қўлини теккизган. Ҳайкалтарош эдилар, буни сизга айтганман.

«Статус Кво исмли римликни кўргани кўзим йўқ, — деган у менга бир куни, — кўзларингни катта очиб, ўн сониядан кейин ҳаёт билан видолашадигандай зўр иштиёқ билан яшагин. Дунёни кўриб қолишга интил. У фабрикада яратилган, пул билан баҳоланган ҳар қандай орзудан ҳам гўзалдир. Кафолат сўрама ҳузур-ҳаловатни излама — булар оламда йўқ нарсалар. Борди-ю, бундай нарса бўлган тақдирда ҳам у уззукун бошини пастга қаратиб дарахтда осилиб ётадиган, бутун умрини ухлаб ўтказадиган танбал маймундан фарқи бўлмайди.

Алҳазар, — деди у, — дарахтни шундай силкитсинки, орқаси билан ерга урилиб, кўзлари мошдай очилсин!»

— Қаранг, қаранг! — қичқириб юборди Монтэг.

Шу дақиқада уруш бошланиб, тугади ҳам.

Пировардида Монтэг билан ёнма-ён турганларнинг биронтаси ҳам хусусан нимани кўрганига, нимани кўрган-кўрмаганини айтиб беролмади. Қора осмон бағрида бир лаҳзали ёруғлик чақнади-ю, нимадир элас-элас ҳаракатга келгандай бўлди... Шу лаҳза ичида тепада, ўн, беш; бир мил баландликда уруғ сочувчи баҳайбат қўл билан атрофга сочиб юборилган бир сиқим дон уруғлари каби реактив самолётлари ўтиб кетдию ўша захоти шувиллаган даҳшатли тезлик билан бомбалар уйқуни тарк этаётган шаҳар устига ёғилиб туша бошлади. Аслида бомбардимон қилиш самолётлар соатига беш минг мил тезликда учиб нишонга яқинлашганларида ва асбоблар бу ҳақда учувчиларни огоҳлантирганда тугаган эди. Уроқ ҳавони кесиб ўтганча лаҳза ичида яшин тезлигида учувчилар бомба ташлаш дастагини

босган дақиқада уруш тугади. Кейинги уч сонияда, атиги уч сония ичида, ҳали бомбалар нишонга келиб тегмасидан душман самолётлари учиб кетаётган ўқ тезлигининг катталигидан кўзга кўринмагандай осмоннинг кўз илғайдиган қисмини ёриб ўтиб ғойиб бўлдилар. Ўқ отадиган қуролни ишлатишни билмайдиган овсар одамгина бунга ишонмайди, чунки уни кўрмайди, бироқ унинг юрагини ўқ тешиб ўтган, танаси уриб йиқитилгандай ерга қулаган, томирларидан қон отилиб турган бўлади. Мияси азиз хотираларининг сўнгги парчаларини тўхтатиб қолишига беҳуда уринади, нима воқеа бўлганини тушуниб етишга улгурмаёқ ўлади. Дарҳақиқат, бунга ишониш қийин эди. У яккаю ягона, бир лаҳзалик ҳаракат эди. Аммо Монтэг узоқдаги шаҳар узра таҳдид солиб кўтарилган темирдан қаттиқ муштнинг силтамини кўрди. У, самолётларнинг қарсиллаган овози эшитилиб, бўлар иш бўлгандан

кейин дона-дона қилиб вайроц қил, ер билан яксон қил, ҳаёт билан

видолаш дейишини биларди.

Монтэг қандайдир лаҳзага бомбаларни ҳавода ушлаб қолди, ақлнинг қаршилиги, чор-ночор юқорига кўтарилган қўллари билан тўхтатиб қолди. «Қочинг! — қичқирди Фаберга, — қочинг! — қичқирарди Клариссага, — қоч, қоч!» — ёлворарди Милдредга. Шу заҳоти Кларисса ўлганини, Фабер эса шаҳарни тарк этганини эслади; ҳозир қаердадир тоғлар орасидаги водийда соат бешдаги автобус вайрон бўлган бир объектдан иккинчисига ўтиб елдек учиб борарди. Вайронгарчилик ҳали бошлангани йўқ, ҳозирча ҳавода осилиб турибди, бироқ у муқаррар. Автобус яна эллик ярдча йўл босмасидан, у борадиган.

манзилдан ном-нишон қолмайди, у жўнаб кетган жой эса улкан пойтахтдан кўз илғамас ахлатхонага айланади.

Милдред-чи?

«Қоч, қоч!»

Сониянинг қандайдир ониди, бомбалар ҳали осмонда осилиб, меҳмонхона тоmidан бир ярд, бир фут, бир дюйм масофада турган чокда хоналардан бирида Милдредни кўриб қолди. Хотини сал олдинга интилиб, «қариндошлари» у билан чуғурлашиб гаплашаётган, милтиллаб турган деворларга маҳлиё бўлиб ўтирганига кўзи тушди.

Улар отини айтиб бидирлаб жаврашар, тишларининг оқини кўрсатиб кулишар, бошида осилиб турган бомба ҳақида лом-мим дейишмасди. Мана, ярим дюйм, фақат чорак дюйм захрй қотил снарядни меҳмонхона томидан ажратиб турибди. Милдред нигоҳи билан гўё у ерда қўрқинчли уйқусиз тунларининг жавобини топиш мумкиндай деворларга ёпишиб кетган-дай эди. Бутун вужуди билан уларга интилиб, худди ушбу ранглар ва ҳаракатлар гирдобига тушиб қолгиси,

унга шўнғигиси, яйраб чўмилгиси, ҳаёлий хурсандчилигида ғарқ бўлгиси келганга ўхшарди.

Биринчи бомба келиб тушди.

— Милдред!

Эҳтимол, бундан бирон кимса воқиф бўлармикан, эҳтимол улкан радио ва телевизион станциялар ўзларининг тубсиз ранглари, нурлари, куруқ сафсаталари билан биринчи бўлиб ер юзидан йўқ бўлиб кетдиларми?

Монтэг муккаси билан ерга йиқилиб кўриб, ҳис этди ...ёки унга кўраётгандек, ҳис қилаётгандек тўюлдими.

Милдреднинг хонасида бирдан деворлар қоронғилашиб, сеҳрли призмадан оддий кўзгуга айландилар. У, Милдреднинг қичқириб юборганини эшитди: хотинининг ҳаётининг сўнишига сониянинг миллиондан бир лаҳзаси қолганида бўм-бўш хонанинг деворларида ўзининг ўхшовсиз, ваҳимали юзини кўриб қолган эди. Кўриб тургани ўзининг юзи эканлиги худди ўзи эканлигини тушунган ҳолда, нигоҳини шипга қадади, Ўша ондаёқ меҳмонхона биноси устига қулаб юз тонналаб ғишт, металл, сувоқ, ёғоч парчалари билан қўшиб уни пастга бошқа одамларнинг бошига, ундан қаватма-қават ер тўлагача суриб кетди. Пастда кучли портлаш ҳаммасига нуқта қўйди.

— Эсладим! Монтэг ерга бағрини босди, — эсладим!, Чикаго! Узоқ йиллар аввал Чикагода бўлган эди. Милли ва мен. Ўша ерда учрашган эдик! Энди эсладим. Чикагода. Анча йил аввал.

Кучли портлаш ҳавони ларзага келтирди. Ҳаво тўлқини дарё устидан ўтиб одамларни бамисоли домино доналари каби, Чирпирак қилиб учириб сув уюрмасига айланди. Ҳавога чанг-тўзон кўтариб, дарахтларни шовуллатиб эгиб, яна узоқроққа, жануб томонга ўтиб кетди. Монтэг ерга кириб кетгудай бўлиб унга яна зичроқ ёпишиб,

кўзлари-ни чирт юмиб олди. Бир мартагина кўзларини хиёл очиб қараган эди, ўша лаҳзада шаҳар осмону фалакка кўтарилганини кўрди. Бомбалар билан шаҳар гўё ўринларини алмаштирганга ўхшарди. Яна бир аклбовар қилмайдиган лаҳзадан кейин ғайритабиий, таниб бўлмайдиган, биронта ҳам қурувчи хаёлига келтирмаган, цемент парчалари, ялтироқ металл бўлаклари, айқаш-уйқаш синган нарсалар, дераза ва эшиклар, пойдевор ва томларнинг жойи алмашган, пастга қараб эмас балки юқорига отилган шаршара, ғаройиб расм каби ранг-баранг товланувчи шаҳар бир зум ҳавода муаллақ турди-да, кейин парчаланиб кўздан ғойиб бўлди.

Бир неча сониядан кейин узоқдаги портлашнинг гумбурлаган овози Монтэгни шаҳарнинг ҳалокатига учраганидан воқиф этди. Монтэг ер бағирлаб ётарди. Майда цемент чанги кўзларини ачитар, зич юмилган лаблари орасидан ўтиб оғзига қум тушган эди. У ўпкаси тўлиб, юм-юм йиғларди. Хаёлига ярқ этган фикр келди... ҳа, ҳа, ниманидир эсладим! Нимаиди бу, ҳаҳ? Экклезиаст! Ҳй, бу Экклезиаст ва кашфиётлардан боблар. Тезроқ, тезроқ, яна ёдимдан кўтарилмаслиги, ҳозирги ҳолатимдан чиқмасимдан, шамол тинмасидан эслаб қолай. Экклезиаст, эсладим уни! Портлашлардан силкиниб турган ерга янада маҳкамроқ ёпишиб, эсига тушган сўзларни пичирлаб такрорлаб борди. Пурҳикмат сўз ва иборалар эди улар. Денгэм тиш пастаси рекламаси унга халақит бермас эди. Рўпарасида воизнинг ўзи турар ва ундан кўзларини узмасди.

— Тамом-вассалом, — деди кимдир.

Одамлар қирғоққа улоқтириб ташланган балиқлар каби жониқиб ҳаво ютиб типирчилаб ётишарди. Ғайриихтиёрий равишда чақалоқ таниш буюмларга, жонсиз ва совуқ ўйинчоқларга талпингандай ерга маҳкам ёпишиб олган эдилар. Одамлар бармоқларини тупроққа суқиб, оғизларини ланг очиб қулоқ пардаларини портлашлардан омон сақлаш, эс-хушлари хира тортмаслиги умидида бор овоз билан қичқйришар эди. Монтэг ҳам юзига келиб урилаётган, лабларини юлқиётган, бурнидан қон оқижаётган шамолга жон-жаҳди билан қаршилиқ кўрсатиб қичқирарди.

Монтэг ётган жойида қалит чанг булути аста-секин қоплаганини кўрди; у билан заминни сукунат чулғади. Унинг чанг заррасини, ҳар бир ўт-ўланни кўриб тургандек, ҳар бир шитирлаган товуш, қичқирик

ва янгича дунёда туғилаётган шивир-шивирни эшитиб тургандек туюлди. Атрофга назар ташлаш, қулоқ тутиш ва

фикрлаш, ақл ва сезгилар билан янги кунни англаш учун зарур бўлган сокинлик, у билан бирга хотиржамлик ҳам оламни чулғади. Монтэг дарёга қаради. Балки, қирғоқ бўйлаб кетармиз? У, эски темир йўл изига қаради. Балки, бу йўл билан кетармиз. Эҳтимол, катта йўллардан кетармиз? Энди ҳамма нарсани кўриб, ҳаммасини эслаб қолишимиз учун вақтимиз етарли бўлади. Кейинроқ қачонлардир ҳамма қўрганларимиз бизда мужассам бўлгач, бизнинг сўзларимиз ва ишларимизда яна ташқарига чиқади. Ўшанда кўп нарсалар нотўғри бўлиши мумкин, бироқ кўп нарсалар тўғри бўлиб чиқса, ажаб эмас. Ҳозир эса йўлга тушамиз; тўхтовсиз юриб дунё билан танишамиз, у қандай яшаётганини, қандай гапираётганини; билиб оламиз, Энди ҳамма нарсани кўргим келяпти! Кўрганларим ҳали меники бўлмаса-да, бора-бора мен билан бир бўлиб қўшилиб меникига айланади. Атрофингга бир назар ташла, олдинда ястаниб ётган оламга қара! У сенга чуқўр сингиб кетган, қонингга қўшилиб, то мирларингда кунига миллион марта айлангандагина унга ҳақиқий

равишда яқинлашган бўласан. Уни шундай маҳкам тутиб олайки, бошқа қўлимдан чиқиб кетадиган бўлмасин. Ахир бир кун у бутунлай менинг изимда бўлади; ҳозир эса унга бармоқларимни сал-пал. теккизиб турибман. Бу бошланиши, холос. Шамол тўхтади. Яна бирмунча вақт .

Монтэг ва бошқалар ярим ҳушсизлик, ярим уйқу, ярим уйғоқлик ҳолатида ўрниларидан туриб, янги кунни минглаб ташвишлари ва юмушлари — гулхан ёқиш, егулик нарса топиш, ҳаракат қилиш, юриш, яшашни бошлаб юборишга мадорлари етмай ётдилар. Улар киприкларидан чангни қоқиб кўзларини пир-пир учирар эдилар. Аввал энтикиб-энтикиб, тез-тез кейин эса тобора текис бир маромда нафас олаётганликлари эшитилди.

Монтэг ўрнидан қўзғалиб ўтирди. Аммо ўрнидан азот туришга уринмади ҳам., Унинг йўлдошлари ҳам жонлангандай бўлишди, тимқоронғи уфқда ингичка тонг шафағи қизариб кўринарди. Ҳавода ёмғирдан дарак берувчи салқин шабада эсарди.

Грэнжер индамай ўрнидан турди. Ниманидир ғўлдираб қўлоёқларини пайпаслаб кўрди. Кўзёшлари юзидан оқиб тушарди. Зўрға

қадам босиб, дарё бўйига тушдида, оқимнинг юқорисига қаради.

— Шаҳардан асар ҳам қолмабди, — деди у узоқ жимликдан кейин, — ҳеч нарса кўринмаяпти. Ундан култепа қолибди, холос. Шаҳардан ҳеч нарса қолмабди, — у яна жим бўлиб қолди, кейин кўшиб кўйди: — Қизик, шундай бўлишини кўпчилик билармиди? Бундан кўпчилик ғафлатда қолмадимикан?

Монтэг ҳам фикр юритарди: дунёнинг бошқа қисмларида яна қанча шаҳарлар ҳалок бўлдийкин? Мамлакатимизда қанчаси кунпаякун бўлди, юзтами, мингтами? Кимдир чўнтагидан қоғоз парчаси чиқариб, гугурт ёқди, машъалага бир боғ ўт ва бир сиқим қуриган барглари ташлашди. Кейин шох-шаббалар келтириб, ташлай бошлашди. Намиққан шохлар вишиллаб чирсиллар эди, ниҳоят гулхан лоп этиб ёниб атрофга кўпроқ иссиқлик тарқата бошлади. Қуёш чиқди. Одамлар оҳиста дарёдан юзларини ўгириб индамай гулханга яқинлашиб, оловга эгилдилар. Қуёш нурлари уларнинг гарданига келиб тегди. Грэнжер ёғ теккан қоғозни очиб, бир бўлак тузланган чўчка гўштини чиқарди. . Ҳозир нонушта қиламиз-да, кейин орқага қайтиб дарё ёқалаб юқорига қараб жўнаймиз. У ерда керак бўлиб қолармиз. Кимдир кичикроқ това узатди, уни оловнинг устига кўйдилар. Бир дақиқадан кейин унда эрталабки ҳавони иштаҳани қитиқлайдиган

ҳидга тўлдириб гўшт бўлаклари вишиллаб сакрай бошлади. Одамлар чурқ этмай бу таомни кузатиб турдилар. Грэнжер оловга қаради.

— Қақнус, — деб юборди у бехосдан.

— Нима, нима?

— Қадимги пайтларда дунёда эси йўқ Қақнус деган қуш яшаган экан. Бир неча юз йилда у ўзини гулханда ёқаркан, У инсонга яқин уруғдан бўлиши керак. Аммо ўтда куйиб, ҳар гал кулдан қайта туғиларкан. Биз одамлар ана шу қушга ўхшаймиз. Бироқ бизнинг қушдан бир устунлигимиз бор. Биз қандай аҳмоқона иш қилиб кўйганимизни биламиз. Минг йил, ундан ҳам кўпроқ вақт ичида қилган ҳамма аҳмоқликларимизни биламиз. Ҳамонки буни билсак, буларнинг ҳаммаси ёзилган, орқага назар ташлаб, босиб ўтган йўлимизни кўриш мумкин экан. Қачонлардир аҳмоқона дафн этиш гулханларини ёқиб, ўзимизни ўтга ташлашдан тийилишимизга умид

бор. Ҳар бир янги авлод бизга инсониятнинг хатоларини эсда сақлайдиган одамларни қолдиради.

У товани оловдан олиб, бироз совишга қўйди. Кейин ҳамма жим, ўз хаёли билан ўзи бўлиб овқатланишга киришди.

Улар нонуштани тугатиб, гулханни ўчиришди. Кимдир гўё пуштиранг абажурли чироқ пилигини бураб тургандай, кун ёришиб борарди. Учиб кетган қушлар қайтиб яна дарахтларнинг шохларида чуғур-чуғур сайрай бошладилар.

Монтэг йўлга тушди. У шимолни кўзлаб борарди. Орқасига қараб, бошқалар ҳам унга эргашиб келаётганини кўрди. У ажабланиб ўзини четга олиб Грэнжерни олдинга ўтказиб юбормоқчи эди, у кўз қирини ташладию, бошини силкитиб қўйди. Монтэг илдам олға қараб кетаверди. У дарёга, осмонга, молхонага ва одамлар шаҳарни тарк этиб тун қоронғисида келиб турадиган пичан-босилган болхонага элтадиган, ўт қолаган, занглаб кетган изларга тикилди.

Қачон бўлмасин бир ой, ярим йил ёки бир йилдан кейинми булар ердан унгача ўтган одамларга етиб олмагунча якка ўзи қолса-да, албатта, ўтади...